

A-61

ҚАМАР АМОҲ

МАЎНАВИЯТ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ



М а с њ у л м у ҳ а р р и р :

СУЛТОНМУРОД ОЛИМ, филология фанлари номзоди.

Т а қ р и з ч и :

СУЮН КАРИМОВ, филология фанлари доктори, профессор.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг ҳалқимизнинг бой тарихи ва маънавиятига бўлган қизиқиш кучайди. Ўтмиш саҳифаларини варақлар эканмиз, Марказий Осиё халқлари ниҳоятда бой моддий-маънавий маданиятга эга бўлганига ишонч ҳосил қиламиз.

Муаллиф қўлингиздаги бу китобда маънавият назариясини фалсафашунос сифатида талқин этиб, руҳшунослик масалаларида кейинги вақтларда онгимизга сингиб кетган фикрлардан фарқ қиладиган мулоҳазаларини билдиради, аجدодларимиз маънавияти тарихини қизиқарли, ҳозиргача матбуотда кам фойдаланилган материаллар асосида ёритади. Шу билан бирга, мамлакатимизда маънавият соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, рўй бераётган тарбиявий жараёнларни баён этади. Маънавиятнинг руҳий асосларига тўхталиб ўтади.

Китоб талабалар, ўқитувчилар ҳамда маънавият ва маърифат масалалари билан шуғулланадиган, унинг тарихи билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Маънавият ва маърифат, маданият ва ахлоқ ҳақидаги асарларни қўллаб чоп этиш, айтиш, маданий мерос билан бирга янгиланаётган бугунги турмуш тарзини ва янгича тус олаётган жамиятимиз мазмун-моҳиятини тирафрак ёритиш, кенгрок ўрганиш муҳимдир.

Ислом Каримов


К И Р И Ш

Мустақил Ўзбекистонга собиқ иттифокдан анча қолоқ, издан чиққан ишлаб чиқариш муносабатлари ва халқ ҳўжалиги, маърифий-ахлоқий жиҳатдан ўпирилиш, маънавий-маърифий қолоқлик, ўз миллий қадриятларидан маҳрум бўлган жамият мерос бўлиб қолди. Мамлакат ҳар жиҳатдан қийин аҳволга тушган эди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритганидан кейин тарихан қисқа вақт ичида ижтимоий ҳаётнинг қўп соҳаларида анча ютуқларга эришди. Бу ютуқлар Республикаимиз Президенти Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган демократик жамият қуришни ўзида ифода эттирувчи бозор муносабатларига асосланган концепциянинг амалга оширилиши билан боғлиқ.

Бу концепция юртбошимизнинг 1992 йили чоп этилиб, тараққиётимиз дастурига айланган биринчи асари «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли»да баён этилган. Унда мавжуд қийинчиликлар ва ўтиш даврида пайдо бўладиган янги муаммоларни ҳал этишда аждодларимиз қолдирган улкан маънавий меросга, халқимизнинг ўзига хос урф-одатлари, анъаналари, қадриятларига таяниш ва улардан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор берилди. Президент ўз асарида: «Олдин одамларга моддий бойлик бериш, сўнгра маънавият тўғрисида ўйлаш керак, деганлар ҳақ бўлмасалар керак. Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмади»¹, -деб таъкидлади.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., «Ўзбекистон», 1992, 72—73-бетлар.



Мамлакатда ўтказилаётган ислоҳотлар ва унинг ва-
зифаларини белгилаб беришда Президентимиз маъна-
виятни тиклаш ва ривожлантириш масаласига халқи-
миз диққатини жалб этиб, шундай ёзади: «Моддий
ислоҳотлар, иқтисодий ислоҳотлар — ўз йўлига. Уларни
ҳал қилиш мумкин. Халқнинг таъминотини ҳам амал-
лаб туриш мумкин, аммо маънавий ислоҳотлар — қул-
лик, мутелик исканжасидан озод бўлиш, қаддини ба-
ланд тутиш, ота-боболаримизнинг удумларини тиклаб,
уларга ворис бўлиш — бундан оғирроқ ва бундан ша-
рафлироқ вазифа йўқ бу дунёда»¹.

Ислом Каримов маънавият тушунчаси мазмунини
очиб берар экан: «Ер, оила, ота-она, болалар, қарин-
дош-уруғлар, қўни-қўшнилар, халқ, мустақил давла-
тимизга садоқат, инсонларга ҳурмат, ишонч, хотира,
виждон, эркинлик — маънавиятнинг ана шундай маъ-
носи жуда кенг»², — деб таъкидлайди.

Президентимиз маънавиятнинг инсон ҳаётидаги
аҳамиятини очиб бериб, яна шундай ёзган эди: «Маъ-
навият инсонга ҳаводек, сувдек зарур. Саҳродаги сайёҳ
ҳар доим булоқдан чанқоғини босади. Худди шунинг-
дек, инсон ҳам неча-неча азоблар ва қийинчилик би-
лан маънавият чашмасини излайди»³.

Биз халқимиз тарихи ва маънавий меросини чуқур
ўрганишимиз лозим. Зеро, Ислом Каримов таъкидлага-
нидек, «биз халқни номи билан эмас, балки мадания-
ти, маънавияти орқали биламиз, тарихининг таг-томи-
ригача назар ташлаймиз»⁴.

Ана шу кўрсатмаларга мувофиқ маънавият наза-
рияси ва тарихини ўрганиш, уни ривожлантириш,
мамлакатда амалга оширилаётган барча ишларда унга
таяниш ҳозирги жамиятшуносликда алоҳида аҳамият
касб этиб, давлат сиёсати даражасига кўтарилди.
Шуни таъкидлаш жоизки, собиқ иттифоқ шароити-
да маънавият бугунги ҳолатда ўрганилмаган. У мада-
ниятнинг тармоғи сифатида олимлар асарларида кам
ёритилган.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод,
сиёсат, мафкура. Т., «Ўзбекистон», 1996, Т.I, 202-бет.

² Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт
йўли. Т., «Ўзбекистон», 1992, 71-бет.

³ Ўша жойда.

⁴ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., «Шарқ»,
1998, 9-бет.

Бундай диққатга сазовор, мураккаб ва муҳим масалага шу даражада эътиборсизлик атайлаб қилинган. Чунки у шахс ва миллатнинг ички руҳий салоҳияти билан боғлиқ бўлган омил. Шунинг учун шахснинг руҳий оламига кириб бориш, уни мустақил фикр юритишга, миллатнинг эса маънавий-руҳий оламини юзага чиқариш, унинг ўзини ўзи англашига, ўз мустақиллигини қўлга киритиши ва ўзи хоҳлаган тараққиёт йўлидан боришига йўл қўймаслик давлатнинг расмий сиёсати даражасига кўтарилган эди. Миллий маданият борасида ёзилган асарлар умуман шўро адабиёти, санъати, ахлоқи масалаларини тасвирлаш билан чегараланарди.


Мустақиллик йилларида маънавиятимиз масаласига ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан эътибор тобора ошиб бормоқда. Хусусан, Президентимизнинг 1994 йил 23 апрелида «Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиқ марказини ташкил этиш тўғрисида», 1996 йил 9 сентябрида эса «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиқ маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида», 1999 йил 3 сентябридаги «Республика Маънавият ва маърифат Кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармонлари ва 1998 йил 24 июлида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маънавий ва маърифий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чоралари тўғрисида» махсус қарори қабул қилинди.

Маънавият асослари, назарияси ва тарихи курсларини ўқитишнинг методологик пойдеворини Президентимиз Ислом Каримовнинг маънавият ва маърифатга оид асарлари, нутқлари ташкил этади. Унинг назарий қарашларини ва юқорида кўрсатилган ҳужжатларда илгари сурилган йўл-йўриқларни ўзимиз учун дастуриламал қилиб олишимиз мақсадга мувофиқ. Улар маънавиятимизни тиклаш, янгилаш ва ривожлантиришга қаратилган. Бу долзарб тадбирлар бугун ҳам, эртага ҳам муҳим вазифа сифатида қолиши муқаррар. Чунки маънавият ҳам борлиқ, табиат, жамият каби узлуксиз ҳаракатдаги жараён бўлиб, инсон фикри, тафаккури, ҳис-туйғуси тиним билмаганидек, уларнинг маҳсули бўлмиш маънавият ҳам доимо ўзгариш ва янгиланишда давом этади.

2000 йили «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласи чоп этилди. 2001 йилнинг 18 январида Ўзбекистон Республикаси Президентининг

«Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар»ни таълим тизимида махсус фан сифатида ўқитишга қаратилган махсус фармойиши имзоланди. Бу рисола маънавийат назарияси ва тарихини ўрганишда ҳам дас-туриламал вазифасини ўтайди.

Қўлингиздаги китоб ана шу фикр-мулоҳазаларнинг баёни сифатида майдонга келди. Умид қиламизки, маънавийат ва маърифат масалалари билан шуғулланувчи мутахассислар ва кенг китобхонлар ўз фаолиятларида ундан фойдаланишлари мумкин. Маънавийат назарияси ва тарихи бўйича дарсликларга ёрдамчи материал сифатида яратилган бу қўлланма мутлақ мукамалликка даъво қилмайди, албатта. Муаллиф ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган китобхонларга аввалдан миннатдорчилик изҳор этади.



МАЪНАВИЙ РУҲ НИМАДАН ТАРКИБ ТОПАДИ?

Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир.

Ислом Каримов

1. Руҳнинг моҳияти ва уни мустаҳкамлаш зарурияти

Кишилар маънавий руҳининг моҳияти ҳақидаги тасаввуримизни бойитиш, аجدодларимиз бу соҳада бизга қолдирган бой ва кўпқиррали меросни ўрганиш орқали турмушимизнинг барча жабҳаларида маънавийтимизни юксалтириш вазифаси — ҳозирги асосий вазифалардан бири. Чунки Марказий Осиё республикаларининг Россия метрополиясидан бир юзу ўттиз йил давомидаги қарамликдан кейин миллий истиқлол тараққиёти йўлига ўтган ҳозирги шароитда, маънавий руҳ соҳасидаги камчиликлар аҳоли ижтимоий қатламларининг барчасида ғоят сезиларли даражада билинмоқда. Кишилар маънавиятини янгилаш вазифаси, бажарилиши зарур бўлган бошқа тadbирлар қаторида уларнинг ҳаётий фаолиятини тубдан яхшилашнинг муҳим шarti сифатида кўзга ташланмоқда. Кишиларнинг ҳаётий хотиржамлиги уларнинг маънавий бойлиги ва руҳан соғломлигига ҳам боғлиқ. Инсоннинг маънавий бойлигини нима билан ўлчаш мумкин? Руҳий етуклик даражасининг мезони нима-лардан иборат?

Маълумки, кишининг маънавий бойлиги ва руҳий соғломлиги фақат унинг ўткир зеҳни, ҳушёрлиги, билимдонлиги билангина белгиланмайди. Агар ундаги бу хусусиятлар руҳий баркамоллик ва ҳушахлоқлик табиати билан қўшилмаган бўлса, бундай кишини баркамол инсон деб бўлмаса керак. Шаҳарлик қишлоқликка нисбатан маънавий жиҳатдан бой, деган фикр ҳам, балки, унчалар тўғри эмасдир. Биламизки, бунинг акси ҳам

бўлиши мумкин: марказдан узоқ музофотда яшовчи кишилар, баъзан, «маданиятли» шаҳарда яшайдиган талайгина одамларга нисбатан ўзларининг руҳан тозаллик, хушфеъллик хусусияти, инсон ички дунёсининг назокатлилиги билан анча устун турадилар. Бу айтганларимиздан қандай фикр келиб чиқади? Кишиларнинг маънавий, руҳий дунёсини аниқлаш, белгилаш, ўлчаш мумкин эмасми? Мумкин, албатта! Бу тушуниш имкони бўлган ҳаётий масала. Аммо, инсоният тарихида шундай вазиятлар тез учраб турганки, кишилар кўпинча ўзларининг моддий турмушларини ўрганиб, маънавий ҳаётларига жуда кам эътибор берганлар. Чунки жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучлари султигидан барча кишиларни бир хил даражада моддий жиҳатдан таъмин этолмаганлиги учун «бир бурда нон», яъни моддий неъматларни тақсимлаш масаласи доимо жиддий бўлиб келган. Шунинг учун иқтисодий муносабатлар доимо ўткир сиёсий курашларни келтириб чиқарган. Кишиларнинг маънавий ҳаёти уларнинг моддий турмуши муаммосига нисбатан иккинчи даражали масала бўлиб қолаверган. Бундай вазият мазкур масалага нисбатан ўз таъсирини кўрсатиб келяпти. Бу ҳозирги кунда ҳам уни ўрганиш даражасининг пастлигида кўринади.

Жамиятнинг янгилануви, собиқ империянинг қулаши, мустамлакачилик тузумига барҳам берилганлиги ва барча миллий республикаларнинг мустақил давлатларга ажраб кетиши тарихий ривожланишда XX асрнинг 90-йиллари бошида рўй берган энг муҳим ва жаҳоншумул ҳодиса бўлди. Собиқ иттифоқнинг хом ашё базасига айлантирилган, унинг қолоқ чекка ўлкаларидан бири бўлган Ўзбекистон республикаларидан биринчи бўлиб президентлик бошқарувини жорий этган эди. Мустақилликни қўлга киритганидан кейин у кенг миқёсдаги ислохотларни амалга ошириш, жамиятни тубдан ўзгартириш ва янгилаш йўлига ўтиб олди. Ватанимиз тарихида биринчи бўлиб Ислом Каримов республика президентлигига сайланди ва кўпқиррали раҳбарлик вазифасини бажара бошлади.

Муқаддас орзу ушалди — Ўзбекистон тинч, парламент йўли билан ўзининг ҳақиқий давлатчилигини қайтариб олди. Ўз давлат рамзлари — байроқ, тамға, мадҳиясини эълон қилди, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди, мустақил ҳукумат ва сиёсатга эга бўлинди. Бу — халқимизнинг кўп асрлик тарихида буюк воқеа.

Республикамиздаги бу сиёсий ўзгаришлар ва қисқа вақтда кенг миқёсда амалга оширилган ислохотлар собиқ иттифокда, жумладан, Ўзбекистонда қурилган социализм пойдеворининг ниҳоятда бўш эканлигини исботлади, шу билан бирга, йиллар мобайнида йўл қўйилган барча соҳадаги қўпол хатоликларни ҳам очиб ташлади. Бу хато ва камчиликларни ижтимоий ҳаётнинг маълум бир соҳасигагина мансуб қилиб кўрсатиш ёки кичик миқёс билан чегаралаб қўйиш мутлақо нотўғри. Улар ҳам назарий, ҳам амалий масалаларга, жумладан, кишиларнинг маънавий турмуши ва руҳий дунёси масаласига ҳам бориб тақалади.

Халқимизнинг шўро даврида бошидан кечирган ҳаёти, ҳақиқатан, оғир, мураккаб ва ихтилоfli эди: бир томондан, аҳолининг бир қисми яхши келажакни, жаҳон инқилобининг ғалабасини орзу қилиб, биринчи бешйилликларда ғайрат билан меҳнат қилган бўлса, унинг кўпчилик қисми компартия сиёсатидаги диктатура ва қонунсизликлар туфайли саросима ва кўрқув билан яшар эди. Зўравонлик усули билан деҳқонларни коллективлаштириш, ижтимоий турмушнинг бошқа соҳаларига, жумладан, фан, адабиёт ва санъат ишларига буйруқ ва топшириқбозлик билан аралashiш ва, айниқса 30-йиллар, шунингдек, 50-йилларнинг бошларидаги қатағон ва 80-йилларда «ўзбеклар иши» деган ном билан олиб борилган бебошлик сиёсати кишилар онгида кўрқув, иккиланиш ва парокандалик туйғуларини туғдирди.

Таркиб топган шўро давлат идоралари, ўша даврда ўрнатилган бюрократик-тоталитар бошқарув тизими туфайли ижод эркинлиги қувғинга учраганлиги, маънавий ташаббус бугиб келинганлиги ҳаммага маълум. Бундай давлатчиликнинг ҳуқуқсизликка асосланганлиги ва кишилар фаолиятини, жумладан, «давлат кишилари»нинг хатти-ҳаракатларини қонун тартибга солмаганлиги сабабли қонунбузарлик ижтимоий меъёрга айланган эди. Бу меъёр одат тусига кирган, қонунбузарлик, шафқатсизлик анчагина раҳбар ходимларнинг иш услуби, уларнинг кундалик ҳаётига айланган эди. Давлат фуқаролар жамиятига бўйсунган тизим, идора бўлиш ўрнига, ундан юқори чиқиб, ниҳоят, уни ўзига бўйсундириб олган эди. Ана шу сабаблар туфайли социалистик тузум ўзини фақат бир киши ҳаёти давомидагина сақлай олди, холос.

Таркиб топган зиддиятли муҳит кишилар онгида ҳам, жамиятнинг маънавий руҳий ҳаётида ҳам ўз аксини топди. Маънавий турмуш моҳиятини, руҳият олами-ни тушунишнинг мураккаблиги фақат жамиятни, синфларни, миллатларни тадқиқ этишда эмас, айрим олинган инсоннинг маънавий дунёсини таҳлил этиш пайтида ҳам яққол билинади. Шахс — ажиб ва мураккаб мавжудот.

Ҳар биримизнинг маънавий ҳаётимиз нималардан таркиб топади? Жамиятни маънавий юксалтиришнинг қонуниятлари нималардан иборат? Нима учун келажак — фақат мақсадлар, вазифалар, принцип-лар ва орзулардангина иборат эмас, балки, шу билан бирга, у — идеаллардан, маънавийликдан ва олийҳимматликдан, хушахлоқликдан ва инсофлиликдан иборат, деб айтамыз? Нима учун разиллик, ноҳақлик, хоинлик, тажовуз, ҳавойи нафсоният, борингки ҳасад-адоват ва шунга ўхшаш қилмишлари учун кишилар, баъзан, ҳатто уларнинг оила аҳли, эртами-кечми қандай куч томонидан жазоланадилар? Нима учун ососсиз нафратланиш, ғазабланиш, бад-жаҳллик, дилозорлик ва бошқа салбий амаллар, ҳиссиётлар киши саломатлиги учун жисмоний хавф туғдиради? Бундай номаълум ҳолларнинг моҳияти ва сабабини қандай билиш мумкин?

Бу мураккаб саволлар устида фикр юритиш, таҳлил этиш, уларга жавоб излаш, маънавий ҳаётимизнинг моҳияти, ички ҳаракатлантирувчи кучи, уларнинг таянчи бўлган қонуниятларни билиш ниҳоят зарур эканлигини кўрсатади.

2. МАЪНАВИЙ РУҲНИНГ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ

Бизда «руҳий», «руҳан» ёки «жамиятнинг руҳий ҳаёти» тушунчалари ўрнига одатда, «онг», «онгли, ид-рокли бўлиш», «ижтимоий онг» ёхуд «онгли ҳаёт» ата-ма ва тушунчалари ишлатилади. Бу тушунчалар маз-мун жиҳатидан бир-бирига яқин бўлса-да, бир хил эмас. Улар ўртасидаги фарқни, айтиқса, инсоннинг ички дунёсини тасвирлайдиган ёзувчилар, шоирлар, публицистлар, рассомлар яхши тушунадилар. Улар кўпинча онг, онглилик тушунчаларини эмас, балки «руҳ», «жон», «руҳият» «имон» тушунчалари ва атама-

ларини ишлатадилар. Бундай тушунчалардан фойдаланиш инсоннинг руҳий ҳолатини ва ички кечинмаларини чуқурроқ тасвирлашга ёрдам беради, чунки унинг руҳий дунёси ниҳоят бой бўлиб, ўз ичига фақат онгни эмас, балки ҳиссиётларни, тасаввурларни ҳам қамраб олади.

Бизни ўраган моддий дунёдаги ҳар бир ҳодиса ва бир-бири билан узвий алоқада бўлган беҳисоб нарсалар — буларнинг бари бизнинг онгимиз ва тафаккуримиз учун баҳоли қудрат аён. Аммо бошқа дунё ҳам — инсон руҳияти дунёси, инсоннинг маънавий олами, кишилар ҳаётининг руҳий томонлари ҳам мавжуд.

Фалсафага оид асарларда кўпинча «руҳ», «жон», «имон» тушунчалари гўё эскирган, улар ўрнига «онг» атамаси ва тушунчасини ишлатиш ўринли, чунки улар диний дунёқарашга мансуб атамалар, деган фикр илгари сурилган эди. Албатта, «руҳ», «жон», «арвоҳ», «руҳий», «руҳият» ва шу каби бошқа атама ва тушунчалар диний дунёқарашни ифодалаш учун кўпроқ ишлатилади. Аммо нима учун биз бор ҳақиқатни тан олмай ва унинг ўзига хос номини ишлатмай, бошқа тушунчалар билан алмаштиришимиз керак? Ўсимликлар ва ҳайвонот оламидаги нозик, аммо алоҳида хусусиятли жонлардан фарқли ўлароқ, инсоннинг сезгир жони қандайдир ғайримоддий, кўпроқ идрокли ва маъноли нарса. Абу Наср Форобий фикрича, бу фақат инсонгагина хос бўлган туғма қувват — руҳий куч билан боғлиқ¹.

Инсоннинг фаҳм-фаросатида шаклланадиган сиймо ёхуд бирон-бир нарсанинг қиёфаси қандайдир моддий, жисмоний бўлмайди. Бу, унинг муҳити ҳам ғайримоддий демакдир. Тушуниб бўладиган саноксиз жисмларнинг муҳити инсон танасидан ташқаридаги ножисмий кучдир, деб таъкидлаганлар, алломаларимиз². Чунки тафаккур ва билиш жараёни моҳияти, маълум маънода, ҳақиқатан, ана шу сифатлар билан белгиланади. Гарчи Абу Али ибн Сино, мия — тафаккур аъзоси, деб ҳисоблаган бўлса ҳам, буни тан олган эди. Ибн Сино назариясининг жон, руҳ ҳақидаги идеализми шунда

¹ Қаранг: Буюк сиймолар, алломалар. (Ўрта Осиёлик машҳур мутафаккир ва дониймандлар), 1-китоб. Т., 1995, 38-бет.

² Қаранг: Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока. М., 1961, с. 239, 243.

яққол ифодаланадики, у руҳнинг пайдо бўлиши учун жасад на моддий, на мақсадли, на расмий сабаби бўлиши мумкин, деб таъкидлайди¹. Бу шундан далолат берадики, Ибн Синонинг фикрича, ақли ва гапирувчи руҳ «жасад ўлганидан кейин ўлмайди, балки абадий мавжуд бўлади»².

Инсон фаолиятида руҳнинг қуввати унинг ижтимоий фаоллик қувватига айланади ва у қандай тарядланганлигига қараб, агар биз бу руҳий ҳолатни тушуна олсак, тўғрилай олсак ва ундан фойдалана олсак, ишларимиз кўп жиҳатдан муваффақиятли бўлиши мумкин. Чунки биз бўлажак синовни, бахтсизлик ёхуд қувончли дамларни, улар содир бўлмасидан анча аввал сезишимиз мумкин. Бизнинг ҳиссиётимиз қанча тўғри тарбияланган бўлса, ҳатто, бу ҳақда шубҳаланмай, билмай (яъни онгимиздан ташқарида), тасаввур ва ноаниқ ҳиссиётимиз билан, баъзан тушимизда кўриб, синовдан шунча яхши ўтамиз ёхуд уни хушёрлик билан қарши оламиз. Шундай қилиб, ўз мазмуни билан «руҳ» тушунчаси, «онг» тушунчасидан анча бой. Кишилар ҳаётий фаолияти жараёнида руҳ, жон, имон жасадни ҳаракатга келтирадиган омил сифатида, шахсларнинг хоссаси, маълум маънода, уларнинг ички хислатлари мужассами сифатида намоён бўлади. Унинг бу хусусияти матбуотда, билиб ёхуд билмай, ишлатадиган қуйидаги ифодаларда акс эттирилади: «руҳий тушкунлик», «руҳий кўтаринкилик», «соғлом танда соғлом руҳ», «имонли», «имонсиз» ва ҳоказо. Аммо муаллифлар бу сўз ва ифодаларни ишлатсалар-да, жуда эҳтиёткорлик билан ёндашиб, бу тушунчалар ва уларнинг асл жавҳари ўртасидаги алоқани ёритмасдан, бошқа масалаларга ўтиб кетардилар. Бу эса кишилар дунёқарашига ва руҳий оламининг солим бўлиб шаклланишига катта зарар етказди.

Албатта, гап ифодаларда эмас, балки улар ичидаги мазмунда. Мисол учун, таниқли рус файласуфи Н.Бердяев руҳ, руҳият манбаини табиатдан ташқаридаги илоҳий ибтидода, деб билади. Аммо бу, Ибн Синодек, руҳиятни изоҳлаш учун унинг табиат билан узвий боғлиқлигини кўрсатишга ҳалақит бермади. Инсон «табиат, жамият ва руҳ махлуқотидир», деб

¹ Ўша асар, 252-бет.

² Ўша жойда.

ёзди у¹. У жамиятда янги инсоннинг пайдо бўлиши-ни руҳнинг ривожланиши билан боғлади. «Кийим-бошларнинг ўзгариши эмас, балки ҳақиқий янги инсоннинг пайдо бўлиши, — ёзади у, — руҳий ҳаракат ва ўзгаришни тақозо этади. Ички руҳий ўзакнинг мавжудлигисиз ва унда содир бўладиган жараёнларсиз, ҳеч қандай янги ижтимоий тузум янги инсонни пайдо этолмайди»².

Таниқли машриқлик ва мағриблик мутафаккирлар томонидан илгари сурилган илмий фикрларга таянган ҳолда таъкидлаш жоизки, руҳий ўзак инсоннинг энг нозик, бебаҳо, олий сифати ва ички ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб, биз уни тушунишимиз ва тан олишимиз лозим. Инсон жисмий танадан бошланади ва у билан тамом бўлади, деган содда тасаввуримиздан воз кечишимиз керак. Форобий, «Ақл маънолари ҳақида» рисоласида ақл, бир томондан, руҳий жараён, иккинчи томондан, ташқи таъсир — таълим-тарбиянинг натижаси эканлигини уқтиради. Инсон — ниҳоятда мураккаб ахборот-қувват тизимидан иборат бўлиб, жисмий танаси ва онги унинг бир неча физинигина ташкил этиб, ўндан тўққиз қисми эса ҳали биз учун ноаниқ, коинот билан узвий алоқада бўлган ҳиссиёт қатламларидан иборат. Чунки у Ер ва сайёраларнинг коинотдаги ўзгарувчан ўринлари билан белгиланадиган самовий энергиялар мавқеига мувофиқ маълум бир вақтда туғилади. Шунинг учун, инсоннинг руҳий ҳолати, хусусияти, фақат унинг шахс бўлиб шаклланишида катта мавқе тутадиган муҳитгагина эмас, балки келиб чиқишининг генетик тузилишига ва қайси сайёранинг таъсирида камол топишига боғлиқ.

Руҳ — ғайритабiiй ёхуд илоҳий, демакки, маънавий мавжудот бўлиб, у кишилар фаолиятининг реал жараёнида тўлалигича намоён бўлади ва моддий ҳаётнинг зарур омилига, муҳим соҳасига айланади. Бу маънода руҳ тушунчаси, шубҳасиз, кишилар диққатини ўзига тортади. Чунки у ҳаёт жараёнидаги турли хил кечинмалар, ижобий ёхуд салбий сирли ҳолатларда ифодаланиб, хилма-хил воқеаларнинг сабабларини, оқибатларини аниқлашга омил

¹ Бердяев Н. Царство свободы и царство кесаря. Париж, 1951, с. 48.

² Ўша асар, 151-бет.

бўлади. «Рух ёлғиз Парвардигорим биладиган ишлардандир», — деб таъкидланади Қуръони каримнинг 17 сурасининг 85-оятда. Бу оятни шундай тушуниш мумкинки, бизни ўраб олган оламни ўзгартиришдан кўра ўзимизни ўзгартиришимиз анча мураккаб, чунки биз ҳалигача ўз тафаккуримиз, дунёқарашимиз, руҳиятимизни қатъий ўзгартириш омили, воситаси, тизимига эга эмас эдик. Бунинг устига, то ҳалигача давом этган кишилар маънавиятига эътиборсизлик, шўролар даврида масжид, мадрасаларнинг ёпилиши ва урф-одатларимизни тан олмаслик бизни руҳий қашшоқликка олиб келди.

Рухдан «руҳият» тушунчаси келиб чиқади. Руҳият инсон сифатининг ифодаси бўлиб, унинг ҳақиқат ёхуд ноҳақликка, яхшилиқ ёхуд ёмонликка, гўзалликка интилиши ёхуд лоқайдлигида, унинг бошқалар билан ҳар хил муносабатда бўлишга интилишида, табиатга ғамхўрлик қилиш ёхуд бефарқ муносабатида намоён бўлади. Ҳақиқат, эзгулик, яхшилиқ, инсонпарварлик, раҳмдиллик, ҳаққониятнинг ғалабасига ишониш ҳамда бу жиҳатларнинг киши эътиқодига айланиб, унинг доимий фаолияти ва феъл-атворига сингиши ундаги соғлом, юқори руҳиятнинг намоёиши ҳисобланади. Соғлом, юқори руҳиятга эга бўлган, имонли инсон ўзини худбинлик ва очкўзлик табиатидан узоқ сақлаш, бошқаларни ҳам бу салбий иллатдан холи бўлишларига кўмаклашиш қобилиятига эга бўлади. Фидокорлик, тақводорлик, зоҳидлик, соғлом ёхуд юқори руҳиятlilik — жамиятдаги худбинлик, очкўзликка қарши курашиш, ҳаққонийликни қарор топтириш учун, яъни яхши ахлоқ ва одобнинг ушалиши учун курашиш демакдир. Руҳиятнинг юксалиши ва солим бўлиши шўро жамиятида анча кенг тарқалган раҳм-шафқатсизлик, яъни руҳиятсиз ўз ҳолича амал қилишдек ижтимоий касалликка қарши курашиш йўли билан, ҳали мавжуд бўлган зиддиятларни бартараф этиш орқали амалга оширилиши мумкин. Бахтга қарши, аҳоли талайгина қисмининг руҳиятида манманлик, раҳм-шафқатсизлик кайфияти ҳозир ҳам ҳукм суриб келмоқда.

Яқин ўтмишимизда жамиятнинг маънавий ёхуд руҳий турмуши тушунчасига ҳам руҳ ва руҳиятга бўлгандек етарлича эътибор берилмади. Бу тушунча ҳалигача илмий жиҳатдан асосланган эмас, деди файласуф-

лардан бири¹. Ҳолбуки жамиятнинг ҳаётий фаолиятини, унинг кўпқиррали кўринишларини талқин этишда жамиятнинг руҳий ҳаётини ва унинг мазмунини аниқламай ўтиб кетиш қийин. Буни моддий ва руҳий воқеаликлар диалектикасини очмоққа интилиш пайтида жамиятшунослар пайқадилар¹.

«Жамиятнинг маънавий ҳаёти» тушунчаси билан бир қаторда «ҳаётнинг маънавий соҳаси» тушунчаси ҳам мавжуд бўлиб, бу биринчи тушунчани тўлдиради, аниқлайди. «Маънавий соҳа» тушунчаси билан ҳаётнинг барча руҳий томонларини эмас, балки унинг махсус маънавий қадриятлар улуғлаш, тарғиб қилиш, такомиллаштириш билан алоқадаги соҳаси, ижтимоий институтлар — маънавий бойликларни яратувчи ва тарқатувчи илмий ва ғоявий муассасалар, театр, кутубхона, музей, мактаб, мадраса ва масжидлар тушунилади. Маънавий соҳа — жамият томонидан кишиларнинг маънавий ҳаётини, руҳий оламини мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этиш соҳасидан иборат. Аммо маънавий ҳаёт мазмуни кишилар руҳиятини фақат мақсадга мувофиқ ташкиллаштиришдан иборат эмас. Унинг ҳалигача ноаниқ қирралари кўп. Унга билимдонлик йўли билан маънавий бойликлар яратиш ҳам, билимсизлик ва эҳтиросли ҳавас йўли билан жамият манфаатига номувофиқ ақидалар ўйлаб чиқариш ҳам киради. Маънавий ақидалар фақат махсус муассасалар томонидан, яъни уюшқоқлик йўли билан эмас, балки стихияли тарзда ҳам яратилади ва тарқатилади. Улар халқларнинг урфодатларида, айрим гуруҳларнинг адашиб илгари сурган ғояларида, мақсад ва амалий кирдикорларида ҳам мужассамланиши мумкин. Бунга ҳозирги диний экстремистларнинг можарожўлик ақидалари ва Ватан манфаатига зид кирдикорлари аниқ мисол бўлади.

Бу руҳий олам фақат бизнинг кўзимизда ноаён, аммо уни инсоннинг минг йилликлар давомидаги яратувчилигида, ер юзида башарият тараққиёти ва унда яхшилик, гўзаллик, ҳақиқат ва манфаатлар мувофиқлигини юзага чиқариш йўлидаги эзгу ишларида, бу борада кўплаб алломаларнинг тинимсиз руҳий фаолиятдан далолат берувчи «излари»да, улар қолдирган бой маданий меросда кўриш ва улардан билиш мумкин.

¹ Қаранг: Чагин Б.А. Структура и закономерности общественного сознания. Л., 1982, с. 245.

² Қаранг: Духовная сфера социалистического общества. М., 1987.

Демак, биз айтаоламизки, кишиларнинг руҳий олами, инсоннинг маънавий ҳаёти, ўзига хос муҳит, воқелик бўлиб, шубҳасиз, уни билиш мумкин. Куръони каримнинг «Ал-исро» сурасида мўминларга оз илм берилганлиги учун руҳни тушуниш мушкуллиги таъкидланган бўлса-да, ундан кейинги — «Каҳф» ва бошқа сураларида илмни эгаллаш зарурлиги қайд этилган. Узоқ ўтмишлардан буён дунё мутафаккирлари — файласуфлар ва жамиятшунослар, психологлар ва докторлар, табиблар ва экстрасенслар, педагоглар ва мураббийлар, физиклар, химиклар, кибернетиклар... ўрганиб келаётган бу ажиб оламини билиш учун интиломоқдалар. Илмий соҳаларнинг ҳар қайси вакили бу муаммони, фаннинг хусусияти ва вазифасидан келиб чиққан ҳолда, ўз нуқтаи назаридан ўрганади. Қанча фан бўлса, шунча ёндашиш. Аммо ўрганиш объекти (мавжудоти), мақсади битта — бу кишиларнинг руҳий олами.


3. ИЖТИМОЙ ОНГ ВА УНИНГ ШАКЛЛАРИ

Ижтимоий онг жамият маънавий ҳаётининг муҳим қисми ҳисобланади. Жамиятшуносликка оид адабиётларда ижтимоий онг маънавиятнинг реал томони ҳисобланиб, унинг олти хил (сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий, ахлоқий, эстетик (ёхуд санъатшунослик) ва диний) шакллари кўрсатилади. Жамиятнинг юқорида кўрсатилган маънавий томонларини «ижтимоий онг» атамаси билан кўрсатиш ҳамма учун мақбул бўлиб қолган. Аммо аниқроқ тушунчага эҳтиёж сезилиб, у билан бирга «жамият онги» атамаси ҳам ишлатила бошлади. Фикримизча, ижтимоий онг ёхуд жамият онги — кишиларнинг уларни ўраб олган борлиқ ҳақидаги билимлари, шу билимлар тизимининг махсус таркибидан иборат. Онг, турли билимларга таяниб, кишилар маънавий фаолияти, маърифатнинг барча кўриниш ва шакллардаги яқунларини ўзида мужассамлаштиради. Бу ерда «билим» ва «тушуниш», «билим» ва «онг» тушунчаларининг бир-биридан фарқини ҳам аниқлаш зарур. Чунки тушуниш жараёни бизга ҳали онг ҳақида деярли ҳеч нима бермайди, у — билимнинг дастлабки шарт, имкониятигина, холос. Тушунишнинг оддий шакллари — таассурот ва сезиш. Улар тафаккур учун туртки бўлади. Фикрлаш ёхуд тафаккур эса миянинг аналитик ишлаши жараёнида маълум онгни шакллантиради.

Ижтимоий онг кишиларнинг борлиқни тўғри акс эттириш, тушуниш қобилияти сифатида, умуман, жамиятга мансуб гоё, ақида, назария, билимларнинг йиғиндисини ўзида мужассамлаштиради. Лекин жамият алоҳида шахслардан иборатлиги учун, табиийки, ҳар қайси шахс маълум онгнинг намояндаси, эгаси бўлиши мумкин. Унинг шахсий онги муайян табақалар, миллатлар, ижтимоий гуруҳлар, алоҳида жамоаларнинг онгига кенгайиши мумкин. Ҳар қайси муайян вазиятда у табақалар, миллатлар, гуруҳларнинг моддий ҳаёти манфаатларини ифода этади. Шунинг учун ижтимоий онг инсоният реал ҳаётининг барча шакллари қамраб олиш учун интилса ҳам, бунга эриша олмайди. Тажрибадан келиб чиққан илмий назария ҳаёт қонуниятларига кириб бориб, агар таҳлил этаётган объектини тўғри ифода қилса, тажрибани ўзгартиришга ҳам хизмат қилади ва ҳаракат дастурига айланади. Агар назария хато бўлса, тажриба уни тузатади.

Жамият тушунчасининг моҳиятини ижтимоий муносабатларнинг йиғиндиси, деб билар эдик. Бу йиғинди моддий муносабатларга таянганлиги учун кишиларнинг моддий неъматларни ишлаб чиқариш жараёнидаги ўзаро муносабатлари гўё ушбу жамиятнинг асосини ташкил этади, деб қаралар эди. Ана шу назарияга мувофиқ, онг ҳам ижтимоий турмушдан келиб чиққанлиги учун, буржуа ё социалистик жамиятнинг ижтимоий онги бўлиши керак, деган идеал моделнинг яратилишига олиб келди. Бу модел мавжуд ижтимоий муносабатларга мувофиқ келмас эди; онг ҳаракат жараёнида эмас, қотиб қолгандек талқин этиларди. Шундай қилиб, бу модел зиддиятлардан маҳрум бўлиб, ижтимоий шахсларни, уларга мансуб онгни назарга олмас эди.

Маънавият оламида ҳуқуқ, ҳуқуқий онг сиёсат билан чамбарчас боғлиқ тарзда амал қилади. Жамиятдаги ҳукмрон ҳуқуқ — ҳукмрон сиёсатнинг ҳуқуқидир. Унинг асосий вазифаси — ижтимоий муносабатларни қонунлар шаклида ва ҳуқуқий меъёрларда тартибга солиб боришдан иборат. Қонунлар тизимини ишлаб чиқиб, у ҳукмрон табақа ва унинг сиёсати манфаатларини устуворлик билан қўриқлайди. Жамият ҳаётида сиёсат етакчилиги мавқеини ишғол этади. Жамиятдаги сиёсий ўзгаришлар ҳуқуқ томонидан унинг янгича ривожланиш йўналишларини тушуниб етишдан аввалроқ юзата қўлади.



Маънавият оламида ахлоқ иқтисод, сиёсат ва ҳуқуққа нисбатан анча орқада қолади, табақалар моддий манфаатларини камроқ ифодалайди. Шунинг учун у ижтимоий онга сустроқ кириб боради, ўз мавқеини янги ахлоқ учун бўшашиб беришга шошилмайди. Сиёсат ва ҳуқуқ ўз манфаатларига мувофиқ келади-ган ахлоқни ҳимоя этиб, уни кишилар онгига кири-тиб, янги меъёрларини қарор топтириш учун ша-роит яратади. Бу кишиларнинг реал ҳаёти жараёни-дан даставвал у ёки бу ижтимоий ғоя, ақидани, ва, ҳатто, ўзининг тўғрилигини исботлаган тарихий анъ-аналарни ўтмишнинг сарқитлари деб, уларни чиқа-риб ташлаш учун қилинган уринишларда ўз аксини топди. Айтайлик, шўро ҳокимиятининг биринчи йил-ларида социалистик ахлоқ шу йўл билан жорий этил-ди. Ҳозир, Ўзбекистон миллий истиқлолига эришиб, мустақил давлатга айланиб, жамиятимизнинг маъна-вий ҳаёти мезонлари ҳали тўлалигича қарор топма-ган шароитда бу масала катта аҳамият касб этмоқда. Мафкура ва ахлоқни шакллантириш, янги тарихий анъаналарни ва аجدодларимизнинг илғор ҳаёт тарз-ларини қайта тиклаш ҳозирги ўтиш даврининг му-ҳим вазифаси ҳисобланади.

4. МАФКУРА МАЪНАВИЙ БОЙЛИКЛАР ТИЗИМИДА

Мафкура (ёхуд ғоялар ҳақидаги фан) кишилар маъ-навий фаолиятининг, жамият маънавий ҳаётининг маҳсулидир. Аммо унинг томири, асл моҳияти реал тарихий жараёнларнинг, умуман ижтимоий-тарихий тажриба қатламларининг чуқур тубида жойлашган. Ҳаёт-нинг асл моҳиятини тушуниш ҳам мафкура орқалигина амалга оширилади. Кишилар мафкура орқали ўзлари-нинг туб манфаатлари ҳақида билимга эга бўладилар ва жамият маънавий ҳаётининг бошқа томонларига — иж-тимоий онг, руҳий фаолият қонуният, ахлоқ, фан, санъат, фалсафа, дин, шунингдек, ғоялар, ақидалар, орзу ва истакларга баҳо берадилар.

Турли мамлакатлар ва давлатларнинг иқтисодий му-носабатларда, фан, техника, маданият соҳасида ҳам-корлик қилишлари, улар аҳолисининг ҳар хил масала-лар борасида турлича, баъзан ихтилофли ғоялар ва ақидаларга риоя қилсалар-да, тинч яшашлари мумкин-

лиги билинди. Турли мамлакатлар ўртасидаги савдо ва дипломатик алоқалар жараёнида амалга оширилаётган молиявий, илмий, бадиий бойликлар айирбошлаш, улар ўртасида бошқа соҳаларда ҳам, турли масалалар тўғрисидаги турли хил қарашлар ва ғоявий ёндашиш-ни бартараф этиб, ҳамкорликни янада ривожлантириш мумкинлигидан гувоҳлик бермоқда.

Ижтимоий турмушнинг барча соҳаларига мафкура-нинг бундай ўзига хослик билан таъсир этишининг боиси нимада? Синфлар, партиялар ва давлатларнинг унга бунча нозиклик билан муносабатда бўлишларининг сабаби нимада? Маълум бўладики, мафкуранинг аҳамияти унинг мавжудлигида эмас, балки маънавий кучида, маънавий қурол сифатида ҳаётни акс эттиришида. Мафкура партия ва давлат сиёсатининг маънавий инъикоси, яъни улар туб манфаатларининг баёни сифатидаги асосий ролни ўйнайди.

Мафкура онгнинг фақат ҳолисона жиҳатларини эмас, балки субъектив муносабатларни ҳам, маълум ҳукмрон табақалар ва сиёсий партиялар манфаатларини билиш-ни ҳам ўзида акс эттиради. Шунинг учун инсоният тарихида ўиз, ҳатто, тўғри билимларнинг ҳам фақат ўз манфаатларини кўзлайдиган айрим кучлар томонидан бостирилишини, бу билимлар эгаларини қатағон қилганлигини кўрамиз. Билимларга бундай дағал ёндашиш фақат маънавий ҳаёт тараққиёти суръатига эмас, балки умуман, жамият тараққиёти йўлига ҳам ғов бўлиб келган.

Мафкура — онгга нисбатан кенг, чунки у руҳий ҳолатлар, кайфият, мулоҳаза, ғояларнинг ижтимоий онг шакллариغا етарли алоқадор бўлмаган жузъиятлари (элементлари)ни ҳам ўзига қамраб олади. Мафкура кишиларнинг ақли ва руҳиятига, уларнинг маънавий оламини ўзгартиришга таъсир этадиган воситаларни ҳам ўзида мужассамлаштиради. Бу — матбуот, кино, радио, телевидение бўлиб, ҳозирги вақтда улар катта кучга айланди.

Мафкура воситаларига санъат ва ижтимоий фанлар ҳам тааллуқли. Албатта, буни оддий маънода тушуниш ярамайди, чунки уларнинг мафкуравий мазмуни ҳамма вақт ҳам объектив илмий ҳақиқатни тўлалигича ифодалашга қодир бўлмаслиги мумкин. Маълумки, социалистик мафкурадаги турли ғояларни, асосий фикрларни бир-бирига қарши қўйиш учун қилинган қўпол ҳаракатлар ҳеч қандай яхшиликка олиб келмади. Шу-

нинг учун ҳозир деидеологизация концепцияси, яъни турли мафкураларни бир-бирига зид қўймаслик ғояси илгари сурилди. Ҳақиқатан ҳам, илмий билимлар, ўз-ўзидан, на сиёсий, на мафкуравий жараёнларни тўғри ифода этмасликлари мумкин. Аммо бу билимларни кишиларнинг маълум ижтимоий гуруҳлари эҳтиёжини ҳимоя этиш мақсади билан фойдаланиш масаласи — мафкуравий масала. Масалан, сунъий ядро реакциясининг кашфиёти инсон даҳосининг мислсиз, оламшумул аҳамиятга эга бўлган муваффақияти ҳисобланади. Бу кашфиёт натижаларидан фойдаланиш эса икки қарама-қарши тузум — собиқ социализм ва капитализм жамиятлари сиёсати ва мафкураларининг мулкига айлан-ди.

Ижтимоий фанлар ўз асоси билан мафкуравийдир, чунки билимлардан ташқари бу ерда доимо қайси бир гуруҳ манфаати ва кишиларнинг ноҳолислиги ҳам учрайди. Агар курашувчи кучлар бошида турган партия фаолиятининг услубида ғараз мавжуд бўлса, бундай ғараз ва завқ-шавқ бу партиянинг ўз вазифаларини сохталаштириш йўли билан имтидодлаштиришга (вазифалар ўрнини нотўғри алмаштиришга), синфий кураш назариясини ишлаб чиқиш ва уни зўрлик билан амалга оширишга олиб боради. Россиядаги 1917 йил октябрида амалга оширилган давлат тўнтарилиши ва кейин бир қатор мамлакатларда амалга оширилган тўнтар-ишлар шундай бўлган эди.

Бир-бирига зид кучлар кураши шароитида синфлар мафкурасининг ижтимоий фанларга таяниб, улардан фойдаланиши беғараз ва завқ-шавқсиз бўлмайди, чунки уларнинг мафкуравий йўналишида доимо ҳирсий ҳиссиёт мавжуд бўлиб, у партиявийлик қатъиятида ифодаланади. Фалсафа, сиёсий иқтисод ва илмий социализмни ўзига мужассамлаштирган маркс-ча-ленинча назария синфий ҳирсиёт намунасига айланиб, унинг биринчи ютуқлардан эсанкираши ижтимоий тараққиёт жараёнига салбий таъсир қилди. Шунинг учун унинг илмийлиги, жамиятда бунинг учун етарли шароит мавжуд бўлмаганлиги туфайли, кўп жиҳатдан татбиқ этилмади. Якка партиявийлик тизими, бир мафкуранинг ҳукмронлиги даврида, бошқа ғоялар ва фикрларга нисбатан тоқатсиз бўлиш ва муросасизлик муносабатлари шароитида бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Энди Ўзбекистонда «кўппартиявийлик, ғоялар ва фикрларнинг хилма-

хиллигига тоқат қилиш реал воқеликка айланмоқда. Ягона мафкуранинг яккаҳокимлигига барҳам берилди»¹ — деди Ислоҳ Каримов. Қўриниб турибдики, мафкура — мазмунан бой, воситалари кенг масштабли ва кўпсоҳали хусусиятга эга бўлган воқелик. У маънавий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олади. Биз бу ёрда мафкураларнинг барчасини очиб бермоқчи эмасмиз. Яқинда жорий этилган «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» курсида республикаимизнинг ҳозирги ривожланиши палласидаги долзарб вазифалари, миллий мафкураси масалаларининг барча қирралари ёритилади.

Бу мавзуга яқун ясаб, айтиш жоизки, кишилар ниҳоят жиддий, ниҳоят ҳаракатчан ва ривожланувчи ўзаро муносабатлар тизимига кириб, ўз фаолиятларида руҳий жиҳатдан янгилана оладилар ва руҳий баркамолликка эриша оладилар. Уларнинг руҳий солимлиги ижтимоий фаолликларининг манбаига, ички ҳаракатлантирувчи кучга айланиши мумкин. Аммо руҳий баркамоллик ўз-ўзидан юзага келмайди. Бунинг учун аجدодларимиз томонидан яратилган бебаҳо маънавий ва маданий меросга мурожаат қилишимиз, улардан ўрнатқилишимизга тўғри келади. Чунки билиш тажрибаси ҳар қайсимиз учун ҳаёт вақти билан чегараланган. Халқимизнинг маънавий бойликларини ўрганиш бу тажрибани беқийс кенгайтиради. Президентимиз айтганидек, «мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аجدодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди»². Демак, авлодлар ўртасидаги алоқаларни тиклаш, аجدодларимиз томонидан яратилган қадриятларни ўзлаштириш имконияти замон ва макон жиҳатидан кенгайди ва бу ҳозирги авлоднинг маънавий, руҳий оламини такомиллаштириш учун хизмат қилади.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., «Ўзбекистон», 1992, 5-бет.

² Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997, 137-бет.

Адабиётлар

1. **Каримов И.А.** Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., «Ўзбекистон», 1992.
2. **Каримов И.** Ўзбекистон ХХІ аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997.
3. **Каримов И.** Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., «Ўзбекистон», 1998.
4. **Қуръон. Т.**, «Чўлпон», 1992.
5. **Абу Али ибн Сина.** Избранные произведения. Том I. Душанбе. «Ирфон», 1980.
6. **Буюк сиймолар, алломалар.** (1,2 китоб). Т., «Мерос», 1995, 1996.
7. Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока. М., 1961.
8. **Бердяев Н.** Царство свободы и царство кесаря. Париж. 1951.
9. **Чагин Б.А.** Структура и закономерности общественного сознания. Л., 1982.

МАЪНАВИЙ МЕРОСНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ

1. МУСТАҚИЛЛИК ВА МАЪНАВИЯТ.

Инсоният тарихида маданият, маънавият назарияси ва ўтмишнинг маданий меросига бўлган муносабати янги авлодлар учун кўп ҳолларда муҳим масала бўлиб келган. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида тобора мустаҳкамланиб бораётган ҳозирги шароитда ҳам бу масала жамиятимизнинг диққат-эътиборини ўзига жалб этмоқда. Чунки бу масала республикаимиз келажагининг асл моҳиятига, унда қудратли, демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш йўллари ва усулларига, буюк ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ўтказиб, халқимизнинг турмуш шароитини яхшилашга бевосита тааллуқли. Яхши мутахассис бўлиб етишишга интилаётган ёшларимиз, Президентимиз таъкидлаганидек, «жамият маънавий инқирозга юз тутган, тилимиз, урф-одатларимиз йўқолиб кетиш олдида турган, миллатни миллат қиладиган нарсалар бутунлай топталган вазиятда истиқлолни қўлга киритиб, энди қаддимизни ростлаб олаётганимизни» чуқур тушунишлари керак.

Ўзбекистон сиёсий мутелик ва асоратдан қутулган бўлса ҳам, эндиликда унинг олдида турган ҳаётий вазифаларни бажариш учун машаққатли йўллардан ўтиши ва кўп қийинчиликларни енгиши керак. Бу йўлдан оғишмай боришни халқимизнинг азалий удумларини, бой анъаналарини, турмуш тарзини, миллий идроки ва ифтихорини тиклаш борасидаги орзу-истаклари тақозо этади. Аммо истиқлолнинг бир ўзи бу орзу-истакларни рўёбга чиқармайди. Бунинг учун истиқлолни мустаҳкамлаш билан бир қаторда маънавиятни камол топтириш, унинг моҳияти ва аҳамиятини қалбларга сингдириш чораларини кўриш лозим. Энди «ана шу вазифаларни, эзгу мақсадларни амалга ошириш учун, энг аввало, барчамизга боғлиқ, ҳамма нарсадан устун турувчи буюк бир муаммони ечишимиз, яъни маънавий инқироздан чиқишимиз лозим»¹. Хўш, биз қачондан

¹ Каримов И. Истиқлол ва маънавият. Т., «Ўзбекистон», 1994, 81-бет.

бошлаб ва қандай сабаблар билан маънавий инқирозга учрадик? Нима учун биз қатор азалий удумларимизни, бой анъаналаримизни йўқотдик? Турмуш тарзимиздаги бундай бузилишлар тахминан 130 йил бурун бошланиб, айниқса, кейинги 70-75 йил давомида тезлашди ва чуқурлашди. Ана шу йиллар давомида биз бутунлай бошқача — рус миллатига содиқ бўлиш, ўз миллий меросимизни менсимаслик мафкураси таъсири остида тарбияландик.

Чор Россиясининг муқаддас заминимизни ишғол қилиб олишдан мақсади ундан ўз манфаати йўлида фойдаланиш эди. Тарихдан маълумки, Ватанимизнинг Россия томонидан босиб олиниши натижасида халқимиз ўз мустақиллигини ва давлатчилигини йўқотиб, мустамлака асоратига тушиб қолган эди. Ўша йиллар давомида аждодларимиз машаққатли синов ва кураш йўллари босиб ўтди. XIX асрнинг охириги чорагида яшаган аждодларимиз чор Россиясининг зулмини беадад тортган бўлса, ундан кейинги авлодлар Октябрь тўнтарилишини, Гражданлар урушини, қулоқлаштириш кампаниясини ва бошқа можароларни кўрдик, кулфатсиз ҳаёт кечириш фақат орзу бўлиб келди. Матбуотда Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олинишининг фақат ижобий аҳамияти ҳақида гапириб, унинг салбий томонларини хаспўшлаб келдилар. Тарихдан маданиятни, тараққиётни бизга Россия олиб келди, деган гапларни кўп ўқидик, эшитдик. Аммо ўз маданиятимизни, маънавий қадриятларимизни унута бошладик. Шу аснода кўп йиллар давомида бизни ўз тарихимиздан, маънавий меросимиздан узоқлаштиришга уриндилар.

Бу жараён замонавий маданий ҳаётнигина эмас, ўтмиш маданият тарихини, маданий меросни ўрганишда ҳам асосий мезонга айланди. Маданият гоёвийлаштирилди, тўлиғича сиёсатга, синфий мақсадга бўйсундирилди. Пролетар маданиятини яратиш, унинг бошқа жамият маданий бойликларидан устунлигини исботлаш асосий вазифа қилиб қўйилди. Барча маданий бойликлар, инсоний қадриятлар мафкура ва сиёсатнинг муҳим қисмига, уларни амалга оширишнинг асосий воситаларидан бирига айланиб, мустақиллигини йўқота борди. Бу — маданиятнинг вазифасини торайтиришга, умуминсоний объектив йўналишдан ажралишга олиб келди. Дин, хусусан, ислом тарихини, унинг ма-

даниятга таъсири, манбаларини объектив ёритишда дунё илмидан орқада қолиб кетилди. Чунки бу масалалар билан қизиққан шахсга шубҳа билан қаралар эди. Дин тарихи ва назарияси соҳасида саводсиз бўлиб қолишимизга даҳриёна (атеистик) таълим-тарғиботнинг кучайтирилиши, сиёсатлашуви ҳам сабаб бўлди. Диннинг ахлоқий масалалар билан узвий боғлиқлиги, у ахлоқ-одоб, маънавиятнинг бойитишда муҳим манба эканлиги инкор этилди

Узоқ йиллар давомида маънавий тарихимизда жуда катта ўрин тутган тасаввуф таълимотини, унинг йўналишларини ўрганишни инкор этиб келдик. Ҳолбуки, бу дунё илмий адабиётида жуда кенг ўрганилаётган мавзулардан ҳисобланарди. Биз кўпгина машҳур мутафаккир адибларимиз (Имом Бухорий, Имом Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Мотрудий ва бошқалар) ижодини менсимадик, асарлари матбуотга чиққан адибларимизнинг (Бедил, Амир Хусрав, Жомий, Навоий, Машраб ва бошқалар) тасаввуф назарияси ва амалиётига етарли баҳо бермадик. Ҳозир инсониятнинг кенг тараққиёт оқимида кўшилиш, ижтимоий қарама-қаршиликларни умуминсоний манфаатлар асосида ҳал этиш ижтимоий фан ва республикамиз сиёсатининг энг асосий йўналиши бўлиб қолди. Бу йўналиш маданиятнинг назарий масалаларини ҳам қайта кўриб чиқишни талаб этади. Биз маданиятдаги мутлақлаштирилган синфийлик, тор ғоявийлик принципларини эндиликда умуминсоний маънавий бойликлар, умумбашарий қадриятларни ўзлаштиришдек буюк манфаатлар нуқтаи назаридан қайта ишлаб чиқишимиз зарур.

Жамиятнинг янгилануви маданиятдаги байналмилаллик ва миллийлик тушунчасига, уларнинг муносабатлари диалектикасини талқин этишга ҳам янгиликлар олиб кирди. Бу соҳада ҳам узоқ йиллар давомида қатор хатоларга — юзакичилик ва ҳаётдан узилиб қолишга йўл қўйилганлиги маълум бўлди. Бу масала мамлакатимиз ҳаётида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этувчи миллий муносабатлар ривожини тўғри англаш ва талқин этиш билан узвий боғлиқ. Ҳолбуки, миллий масалани талқин этишда биз ҳаётдан узилиб, ниҳоятда «илгарилаб» кетдик. Ўйлаганимизни ҳақиқат деб билдик. Кўп йиллар давомида миллий масала узил-кесил ҳал этилди, деган тасаввур билан яшадик. Бу фикр миллий муносабатлар ҳақидаги назарий тафаккурни, илмий тад-

қиқотларни сустлаштирди, чалғитди, шу билан бирга, у ҳаётимизни жадаллик билан байналмилаллаштириш лозимлиги тўғрисидаги нотўғри, ниҳоятда юзаки тасаввурни келтириб чиқарди. Маданиятлар байналмилаллашувини жадаллаштириш, бу соҳадаги шошма-шошарлик кичик миллатлар маданиятларининг аста-секин йўқолиб, катта миллатлар маданиятига сингиб кетишига олиб келишини сўнгги йиллардаги тажриба кўрсатди. Бу соҳадаги маъмурий-буйруқ усули миллий республикалар учун маънавий йўқотишларга олиб келди.

Собиқ иттифоқ халқлари маданияти «мазмунан социалистик, шаклан миллий» деб талқин этилди. Сиёсатда ҳам, амалиётда ҳам миллий ранг-барангликка, миллий маданият хислатларига эътибор сусая борди. Собиқ иттифоқ республикалари ўз мустақиллигига эришганидан кейин бу масалаларни обдон ўйлаб кўриш маънавий тараққиёт учун зарур эканлигини, миллий маданиятлар ривожини, улар учун барча шароитлар яратиш республикалар ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг, турғунлик даври хатоларини енгишнинг, улар маданиятининг тезкорлик билан юксалишининг муҳим шартини эканлигини кўрсатди. Бундан ташқари, собиқ иттифоқдаги барча миллий маданиятлар ривожининг мазмуни, асосий мақсади бўлмиш социализмнинг ўзи бузилган бўлиб чиқди. Санъатда ошкораликни пеш қилиб, телевизор, кино экранларида, матбуот воситаларида бўлмағур лавҳаларни акс эттириш, бемаънилик ва ҳаёсизликни, баъзан эса, ҳатто, ахлоқий бузуқликни тарғиб қилишлар авж олди. Тажриба бундай назарий қоидаларнинг хатолигини, уларни ислоҳ этиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Эндиги вазифа — мустақиллик, аввало маънавий, яъни одамни одам қиладиган, миллатни миллат қиладиган тушунча эканини билиб, маънавий инқироздан чиқиш учун курашишдан иборат. Бунинг учун, аввало, умуминсоний қадриятларга содиқлик билан, ватанпарварлик билан, халқимизнинг маънавий меросини тиклашимиз ва ривожлантиришимиз лозим.

2. МАЪНАВИЙ-МАДАНИЙ МЕРОС МУАММОСИ

Маълумки, тарихий тараққиёт — олға қараб, қуйи ижтимоий шаклдан юқорисига интиладиган ҳаракат

жараёнидир. Тарихий меросдан фойдаланиш бундай ил-
гор тараққиётнинг зарур омили бўлиб, усиз жамият-
нинг олға қараб ҳаракат қилишини, жумладан, унинг
маънавий-маданий юксалишини тасаввур этиб бўлмай-
ди. Ҳозирда барча республикаларда миллий маданиятни
ривожлантириш, шу муносабат билан миллий маъна-
вий-маданий меросни, анъаналарни ўрганишга қара-
тилган ҳаракатнинг кучайиб бориши ўзига хос.

Маданият деганда, кенг маънода, инсониятнинг бар-
ча моддий ва маънавий ютуқлари тушунилади. Маъна-
вий маданият жамиятнинг таълим, фан, санъат, ада-
биёт, дин ва ҳоказо соҳаларида қўлга киритилган му-
ваффақиятларни, шу билан бирга, бу ютуқлардан иш-
лаб чиқаришни ўстиришда, ижтимоий тараққиёт соҳа-
сида юзага келадиган муаммоларни ҳал этишда маҳор-
ат кўрсатишни ўз ичига олади. Шубҳасиз, турли за-
монлардаги фаннинг тараққиёт даражаси, аҳоли турли
қатламларининг маърифатлилиги даражаси ўша давр-
даги моддий ишлаб чиқаришнинг қай даражадалигига
ва ишлаб чиқариш муносабатларининг хусусиятидан
келиб чиқади. Бу омилларга кишиларнинг руҳий ола-
мига бевосита алоқадор бўлган ҳаёт соҳалари кўпроқ
боғлиқ. Уларнинг ривожланишида мавжуд ижтимоий
тузумдаги зиддиятлар ўз аксини топмаслиги мумкин
эмас. Кишилиқ жамиятининг тараққиёти билан бирга
унинг маданияти ҳам ривожланади.

Ҳар қайси янги авлод барча маданиятни ёки унинг
моддий пойдеворини қайтадан яратмайди, балки ўтмиш-
да яратилган маънавиятни ўзлаштиради, уни янада ри-
вожлантиради. Тарихнинг ўзи ҳам авлодларнинг янги-
ланишидан, улар томонидан ўтмиш меросларини янги
шароитда ўзлаштириб, бойитишидан иборат. Ҳар қайси
авлод ўзининг илгарига интиладиган ҳаракатида гўё
ўтган авлодларнинг елкасида туради, деб фараз қилиш
мумкин.

Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг рес-
публика раҳбарияти томонидан ишлаб чиқилган ўз йўли
асосланадиган негизларидан бири ана шундан иборат.
Албатта, тарихда учраб турганидек, жамиятнинг тарақ-
қий этиш жараёни фақат узлуксиз илгарилаб бориш-
дан, нуқул юқорилаб кўтарилишдан иборат эмас. Таби-
ат тараққиётидагидек, унга ҳам узлуксизлик ва узилиб-
узилиб илгари бориш, тадрижий ва инқилобий ўзга-
ришлар мансуб. Бу жараёнда ворислик тарихий давр

ёхуд алоқа пайти сифатида содир бўлади. Бундай пайтларда ўтмиш меросига нисбатан салбий муносабатда бўлиш ҳоллари, яъни уларни инкор этиш, менсимаслик, ҳатто, уларга маломат тошларини отиш ҳам содир бўлиб турган. Аммо биз, модомики, янги ҳаёт қуриш учун бел боғлаган эканмиз, Ислом Каримов айтганидек «ўтмишга маломат тошларини отмадик. Халқимизнинг ўтмишга тош отиш — гуноҳи азим, деган асл ақидасини ёдда тутдик»¹. Демак, жамиятни ислоҳ қилиш ни мақсад қилиб олган бизнинг йўлимиз ўтмишни инкор этмайди, балки узлуксиз тадрижий ўзгаришларни амалга оширишни кўзда тутди. Шундай қилиб, бир томондан — ўтмишни қатъиян инкор этиш, бошқа томондан — тараққиёт жараёнида етишган барча бойликларни сақлаш. Бу ердаги зиддиятлар ҳал бўлмайди-гандай кўринади. Бу зиддиятлар тарихда, ҳақиқатан ҳам, мавжуд, аммо улар ҳал бўлмайдиган муаммо эмас, балки диалектик тараққиёт жараёнининг ифодасидир.

Тараққиёт жараёнига ва диалектиканинг инкорни инкор этиш қонунига нисбатан айtilса, республика-мизда танланган йўлдан бошқа йўллар ҳам мавжуд. Улардан бири анархистик қараш бўлиб, у инкор этишни ба-тамом бузиш, портлатиш ва эскини йўқ қилиш лозим, деган маънода талқин этади. Ниҳоят, учинчи фикр, йўналиш, сўзда инкор этишни, жамиятда сифат ўзгаришларини жорий этиш учун ўтмиш меросидан яхшиларини сақлаш ва фойдаланиш лозимлигини эътироф этиб, амалда тор доирадаги, фақат пролетарлар синфи манфаатини ҳимоя этиш лозим деб, айрим миллатларнинг қимматли маънавий меросларини ўтмиш сарқитлари деб, улардан воз кечгани маълум бўлди. Бу фикрлар жуда кўп асарларда баён этилган. Уларнинг кўпчилигида, айниқ-са, инкор этишга мойил бўлганларида илгари сурилган назарий қоидага мувофиқ инсоният цивилизациясидаги ҳеч қайси замон тарих саҳнасидан кетатуриб, бошқа замон учун ўз муваффақиятидан гўё бирон-бир нарсa қолдирилмас эмиш. Бундай ғояни илгари сурган олимлардан бири — англиялик тарихчи ва жамиятшунос Арнольд Тойнби. Ўзининг кўпжилдлик «Тарихни ўрганиш» асарида: бирон-бир жонивор бошқа жониворга, масалан, фил — бўрига ҳеч қачон ўз тишини бермаганидек, жа-

¹ Каримов И. Истиқдол ва маънавият, «Ўзбекистон», 1994, 80-бет.

миятда ҳам бир ижтимоий тузум бошқаси учун ҳеч нима беролмайди, деб ёзади. Албатта, бундай фикрнинг ҳақиқатга тўғри келмаслиги ўз-ўзидан аён. Бу борадаги сўзда бошқая, амалда бошқа йўл тутган концептуал сиёсатни қўйидаги мисолларда кўриш мумкин.

Москва, Санкт-Петербургнинг ўнларча музейларида рус князларию подшоҳлари, уларнинг авлоду-аждодлари тутган буюмлари, кийимлари табаррук ашё сифатида ардоқланди, бузиб ташланган ёки эскирган соборлари миллионлаб пул сарф қилиниб таъмирланди, бойитилди, тўлдирилди. Бу хайрли ишлар христиан динининг қабул қилинишига минг йил тўлиши муносабати билан Россияда бошланиб кетган оммавий тантаналардан сўнг янада авжига чиқди. Бизда эса айрим раҳбарларнинг «зукколиги» сабабли Ватан ўтмишини ўрганиш миллатчиликка олиб келади, деган машъум ақида асосида ҳақиқатни билишга йўл қўйилмади, тарихий манбалар халқ кўзидан иложи борица йироқ сақланди. Барча маданий ёдгорликлар, меъморчилик обидалари бузиб ташланди. Ярим вайрона тарихий обидалар қаровсиз қолиб, таъмирлашга етарли маблағ топилмади. Ўрта Осиёдан чиққан буюк тарихий сиймолар ҳақида эса тўла бўлмаган, яхши сақланмаган қўлёзма манбалардан бўлак ҳеч нарса қолмади, аксарияти йўқотилди, марказга олиб кетилди.

Тарихий меросимизни чуқур ўрганиш концепциянинг моҳияти ҳақида фикр юритар эканмиз, шуни таъкидлаш лозимки, кишилар ўз меҳнат фаолиятлари жараёнида, асрлар давомида, қадам-бақадам меҳнат қуролларини яратганлар ва такомиллаштирганлар, ишлаб чиқариш тажрибаларига эга бўлиб, уларни кейинги авлодларга етказганлар. Одамлар ўз тажрибаларини меҳнат қуролларида, турли қурилишларда, оғзаки ва ёзма манбаларда, санъатда аниқ шаклга туширадилар. Шундай қилиб, авлодларнинг ҳаётлари давомида яратилган тажриба, уни йиққанларнинг турмуш саҳнасидан кетганларидан кейин ҳам яшашни давом эттиради. Ҳар қайси янги авлод ўтган авлод яратиб кетган тажрибасига ўзиникини қўшиб боради. Шу йўл билан инсоният тарихи яратилади. Оддий тош қуролларидан бошлаб ҳозирги шароитдаги ниҳоят мураккаб ва «ақлли» машиналаргача, денгизда сузишда шамол қувватини фойдаланишдан бошлаб атом энергиясини очиш ва ундан фойдаланишгача, ибтидоий кулбалардан бош-

лаб то ҳозирги замон сифатли ва кўп қаватли саройларигача, иш ҳайвонларининг тортув кучларидан фойдаланишдан бошлаб ҳозирги электровозлар, самолётлар, ракеталарни ишлатишгача — моддий маданият тараққиёти соҳасида инсоният босиб ўтган йўл ана шундай. Кишиларнинг меҳнат қуроли ва ишлаб чиқариш тажрибаси синфий табиатга эга эмас. Инсониятнинг босқичма-босқич илгарилаб ривожланиши жараёнида улар меҳнаткашлар томонидан янги жамиятнинг моддий замини сифатида қабул қилинади ва такомиллаштирилади.

Маънавий-маданий меросдан фойдаланиш соҳасида ҳам манфаатлар синфийлигини бўрттириб кўрсатиш кишиларнинг умуминсоний қадриятлардан фойдаланиш, жамият тараққиёти йўлида ғов бўлади. Фан — одамлар тажрибаларининг назарий ва илмий-амалий қоидалар шаклида умумлаштирилган хулосалари ифодасидан бошқа нарса эмас. Айнан кишиларнинг ижтимоий ўзгартирувчилик фаолияти, айниқса, ишлаб чиқариш фаолияти, уларга механик ҳаракат, физикавий, кимёвий ўзгаришлар қонунларини, ҳаёт қонунларини (биология фанлари), ниҳоят, ижтимоий тараққиёт (ижтимоий фанлар) қонунларини очиш ва илмий хулосалар сифатида таърифлаш имконини берди. Фан оламидаги ютуқлар, моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги ютуқлар каби, янги авлод томонидан қабул этилади ва мукаммаллаштира борилади.

Ҳозирги замон жаҳон фани ютуқларини қадимий Мовароуннаҳр ва Хуросон фарзандларининг илмий асарларисиз тасаввур этиш етарли бўлмайди. Бу заминда етишиб чиққан ва фаннинг барча соҳалари бўйича ижод қилган юзлаб буюк сиймоларни жаҳон яхши билади. Чунки, Президент Ислом Каримов ибораси билан айтганда, «айрим одамлар ҳали лўнги тутиб юрган даврларда бизнинг ота-боболаримиз юлдузлар жадвалини тузганлар»¹.

Совет адабиётида маънавий, руҳий маданият бобида алломаларимиз яратган асарлар синфий табиатга эга, улардан фойдаланиш ўтмишни сохталаштириш, идеаллаштириш, ҳукмрон доираларни мақташдан бошқа нарса эмас, улардан меҳнаткашлар оммаси ўз манфаати учун ҳеч қандай фойдали фикр тополмайди,

¹ Ўша асар, 82-бет.

деган даъволар илгари сурилди. Ҳатто, уларни ўрганиш тақиқланди. Албатта, бундай даъволарнинг асоссиз, у асарларнинг ҳақиқий халқчил эканлигини дунё олимлари неча юз йиллардан буён, эндиликда эса ўзимизда ҳам тан олмоқдалар. Масалан, табиат, жамият ва инсон тафаккури тараққиётининг умумий қонуниятларини ўрганадиган фалсафа фанини олайлик. Гўё, қадим замонларда ўтган файласуфларимизнинг билимлари тор бўлганлиги учун, улар ҳақиқатни очиб беришдан эмас, балки муболаға қилишдан манфаатдор бўлганликлари учун, уларнинг асарларида жуда кўп сохта ҳулосалар илгари сурилган эмиш. Амалда эса уларнинг фалсафий асарларида ҳам материалистик, ҳам идеалистик қоидалар илгари сурилган бўлиб, улардан аҳоли турли қатламларининг илғор қисмлари ҳам, оддий халқ оммаси ҳам ўзларининг ҳаёт тарзларини такомиллаштириш учун бир хил фойдаланганлар. Бундан далолат берадиган мисолларни биз қўлингиздаги китобнинг кейинги мавзуларида келтирамиз. Булар — милоддан аввалги ва ундан кейинги даврларда яратилган, илмий жиҳатдан қимматли манбалар, кейинроқ ислом фалсафаси, калом, мантиқ, Ҳандаса ва шеърий соҳасидаги асарлар бўлиб, улар нафақат Мовароуннаҳр ва Хуросон ҳудудлари, балки кейинчалик дунёнинг турли бурчакларида ҳам тарқалган.

Буларнинг барчаси — маънавий фаолиятнинг адабиёт ва санъат каби соҳаларига ҳам тааллуқли. Ўтмишнинг адабиёт ва санъат соҳасидаги кўп асарлари асрлар давомида табиий (эстетик) завқланиш манбаи ва ҳақиқатни билиш воситаси бўлиб келди. Бундай асарларда умуминсоний интилиш ва ҳиссиёт ифодаланган. Одамлар ўзлари учун нимаики қилсалар, уни фақат ўзлари учун фойдалилиги қонунияти асосида эмас, шу билан бирга гўзаллик қонуниятига риоя этгач бажарганлар. Шу маънода, одамларнинг табиий дидлари моддий маданиятнинг бутун тарихида, жумладан, ёзилган кўплаб асарларда, шунингдек, меҳнат қуролилари, уй-жой архитектураси, кийим-кечак, уй-рўзғор буюмлари ва ҳоказоларда ўз ифодасини топган. Айни вақтда инсонлар азалдан ўзларининг бадиий асарларини яратиб, чиройли буюмлар ишлаб чиқариш, зардўзлик, наққошлик, сураткашлик, халқ ашулалари ва рақслари, халқ мусиқаси, оғзаки ижодиёти (афсоналар, ривоятлар, дostonлар, маталлар), театрлашган намоишлар

ва бошқа санъат турларида ифодаланган. Бундай ижодиёт намуналари кишиларнинг ишлаб чиқариш фаолияти билан бевосита боғлиқ тарзда амалга оширилган. Санъат бадиий меҳнатнинг мустақил соҳасига ажралиб чиққанидан кейин халқ ижодиёти барча санъат арбобларининг ижод қилиш манбаи бўлиб қолаверди.

Табиийки, халқ бадиий ижодиётининг барча соҳаларида унинг тараққийпарвар (прогрессив) ҳаракатлари, яхши ҳаёт учун орзулари, ҳақиқий инсоний ахлоқ ҳақидаги тасаввурлари, ноҳақликка қарши кураш, бахтга интилиши ифодаланган. Ўтмишнинг у ёки бу асари қанча кўп умуминсоний мазмунга эга бўлса, у жаҳон маданиятининг муваффақиятлари қаторида шунча юқорироқ ўринни эгаллайди. Шундай қилиб, ворислик қонунияти асосида ижтимоий онгнинг барча шакллари: дунёвий ва диний фанлар, фалсафа, санъат ҳамда мафкура ривожлана борди. Шу нуқтаи назардан умуминсоний қадриятларга янгича ёндошиш зарурияти пайдо бўлди. Шу вақтга қадар маданиятларнинг байналмилаллашуви деганда, асосан, мамлакат ичидаги жараён талқин этиб келинди. Ҳозирда умумбашарий қадриятларни ўзлаштириш зарурияти бу тушунчамизни кенгайтириш, жаҳон халқлари билан маданий алоқаларни кучайтириш, дунё халқлари маданиятининг байналмилаллашувини талаб этмоқда. Бу талаб маданий мерос, маънавиятимиз тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этмоғи лозим.

3. ТАРИХНИНГ МАЪНАВИЯТИМИЗДА ТУТГАН ЎРНИ

Хўш, тарихнинг маънавиятимизда тутган ўрни қандай? Тарихни яхши билмасдан туриб, юксак маънавиятга эришиш мумкинми? Маълумки, узоқ ўтмишга эга бўлган Ўрта Осиё халқлари ўз бошларидан турли воқеаларни, юксалиш ва сусайиш даврларини кечирган. Бу даврлар тарихда шубҳасиз маълум из қолдирган. Тарих бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини кўрсатади. Бу ҳақиқатни бутун жаҳон тан олмоқда. Аммо тарихимиз ҳозирга қадар етарлича ўрганилган эмас, унинг очилмаган саҳифалари ҳали жуда кўп.

Тарихимизни чуқур ўрганмай, биз аجدодларимиз

кимлар бўлганини, халқимизнинг ибтидоси қайдалигини, унинг оёққа туриши, тикланиш, шаклланиш жараёни қандай кечганини билолмаймиз, охири вақтларда инқирозга учраган маънавиятимизни қайта тиклаёлмаймиз. Нега жаҳонга Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Имом Бухорий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур каби буюк сиймоларни берган халқимиз XVII—XIX асрларга келиб, то шу чоққача эришган юксалиш даражаларидан тушиб кетди? Нега ана шу уч аср мобайнида халқимизнинг боши қолоқликдан чиқмай қолди?

Узоқ тарихимиздан маълумки, тараққиётимиз йўлидаги ғовлар ҳар гал зўравон кучларнинг Ватанимизни талаш учун бостириб келишлари билан ёхуд юртимизда ҳукмронлик қилмоқчи бўлган турли кучлар ўртасидаги низолар, келишмовчилик туфайли халқимиз бирлигига путур етказилганлиги натижасида пайдо бўлган. Мисол учун, агар Ўрта Осиё халқларини IX—XII асрлар давомида дунё маданиятида машҳур қилган, тарихда биринчи Уйғониш (Ренессанс) даври деб аталаётган парвозидан кейин, Чингизхон тўдаларининг босиб келиши натижасида Ватанимиз тараққиёти 150 йилга орқага суриб ташланган бўлса, XVII асрдан бошлаб узоқ давом этган феодал тарқоқлик ва уч хонликлар ўртасидаги низолар юксалишимиз жараёнини тўхтаб қолишига ва тушиб кетишига сабабчи бўлди. Низолар натижасида бўшашган қутлуғ заминимизни талаш учун бостириб келган рус қўшинлари учала ўзбек хонлигини ҳам осонлик билан чор подшоҳлигига қарам этди. Ўрта Осиёнинг Россия томонидан забт этилиши ва Туркистон ўлкасининг вайрон этилганлиги, халқ оммасининг чор амалдорлари ва уларнинг маҳаллий малайлари томонидан эзилиши тафсилотларини ўша йилларда рус ва маҳаллий воқеанавислари тўғри баён этганлар. Жумладан, урушларда иштирок этган рус тарихчиси генерал М.А. Терентьев ўзининг «Россия ва Англия» (Спб., 1876) деган асарида, империя география жамиятининг ҳақиқий аъзоси Д.А. Логофет ўзининг «Ўрта Осиё чегараларида», «ҳуқуқсизлик ўлкасида» ва бошқа асарларида, Мирзо Азим Сомий, Баённий, Фозилбек Садри Зиё каби маҳаллий муаррихлар ўз асарларида уруш тафсилотларини холис ёритганлар. Улуғ санъаткор Л.Н.Толстой ва бошқа илғор фикрли

сиймолар ҳам босқинчи чор Россиясининг шухратпараст генераллари, хўжайинга муте сарбозларнинг Ўрта Осиё ва Қозоғистонда олиб борган хунрезликларидан ғазабланган эди. Бу асарларни батафсил изоҳлашга ушбу китобимиз мавзуси имкон бермайди.

Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди. Бу асарлардан келиб чиқадиган сабоқлар шундан иборатки, агар ҳар қайси халқ ўз юртининг осойишталиги, равнақи, фаровонлигини хоҳлар экан, у ҳамжиҳат бўлиб, ватанини ҳимоя этиши, унинг истиқлолини таъминлаши ва мустаҳкамлаши лозим. Ким бўлишидан қатъи назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Бундай хулосалар халқимиз тарихининг фақат охирги уч-тўрт юз йиллик воқеаларидан эмас, балки аجدодларимизнинг кўп минг йилликлар давомида босиб ўтган ҳаёт йўлидан ҳам келиб чиқади. Масалан, милоддан аввалги даврларда қабилалар ёхуд аҳолининг турли табақалари, беклари ўртасида ҳамжиҳатлик етишмаганлигидан Туроннинг Эрон томонидан босиб олинганлиги, Спитамен бошчилигида Искандар Зулқарнайн бошлиқ Юнон-македон истилочиларига қарши миллий-озодлик ҳаракатининг мағлубиятга учраши, Муқанна бошчилигида араб истилосига қарши курашнинг мағлубияти, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди бошчилигида мўғул-татар истилочиларига қарши мардонавор курашларининг оқибати енгилиш билан якунланганлиги яққол исбот бўлади. Бу воқеалар тафсилютига бағишланган тарихий китоблар, бадиий асарлар жуда кўп. Уларнинг ҳар қайсисидан келиб чиқадиган аччиқ ҳақиқат шундан иборатки, агар халқимиз ҳамжиҳатликни қўлдан бермаганида, ташқи хавфдан огоҳ бўлганида, мамлакатимизга четдан бўлган бундай хуружларга йўл қўйилмас эди, ҳужум қилишган тақдирда ҳам, ватанпарварларимиз истилочиларга қарши жангларда мағлубиятга учрамас эдилар, юртимиз хароб бўлмас, тараққиётимизнинг даражалари пасаймас, аҳолининг моддий турмуши ёмонлашмас, маънавий маданиятимизнинг ривожланиш жараёнида узилиш юз бермас эди... Узоқ тарихимиздан маълумки, ҳар қандай зўравон босқинчилар ва юртимизда ҳукмронлик қилмоқчи бўлган кучлар ёвуз ниятларига эришиш учун, аввало, миллий маданият ва анъаналаримизни йўқ

қилиш, шу йўл билан бизни маънавий жиҳатдан заифлаштириш, куч-қудратимиз, салоҳиятимизни йўқотишга ҳаракат қилганлар. Бу — эсдан чиқариб бўлмайдиган ҳақиқат.

Яна тарихга мурожаат этайлик. Бу қимматли қўлёзма китоб — юртдошимиз Зардушт ва муқаддас заминимизда яшаб ўтган бошқа аждодларимизнинг биз авлодларига қолдирган маънавий, тарихий мероси. «Авесто» қадимий ўлкамизда буюк давлат, нодир маънавият, кўп соҳали маданият мавжуд бўлганини исботлайдиган тарихий ҳужжатдирки, буни ҳеч ким инкор этолмайди. Милоддан аввалги 329 йили Искандар Зулқарнайн ўз лашкарлари билан Суғдиёнага бостириб кирганидан кейин, у Эллада олимларига бу асарнинг табиатшунослик, илми ҳайъат, тиббиёт, башорат қилишга доир барча жойларини кўчириб олиб, уларни юнон ва македон тилларига таржима қилиш, кейин китобни батамом ёқиб ташлаш ҳақида буйруқ берган эди. Бу асарга нисбатан араблар истилоси даврида ҳам таҳдид кўрсатилди. Ибн Сино ва Абу Райҳон Берунийнинг турли вилоятларда қочиб юришларининг боиси ҳам қора кучларнинг элу юрт маънавиятига нисбатан тажовузи эди. Мўғул-татар истилочилари эса йўлларидаги барча моддий ва маданий бойликларни бузиб, ёқиб ташладилар.

Зўравон кучлар ўз ҳукмронликлари даврида халқимиз маданий меросини батамом йўқ қилолмаган бўлсалар ҳам, тарихимизни сохталаштириб, анъаналаримизга, урф-одатларимизга барҳам бериб, янги авлодни ўз мақсадларига мувофиқ тарзда тарбиялаш йўли билан бизни маънавий жиҳатдан заифлаштиришга ҳаракат қилдилар. Юқорида айтганимиздек, кўп йиллар давомида халқимизга, айниқса янги авлодга бутунлай бошқача тарбия берилдики, эндиликда уни тўғрилаш анча мушкул кечмоқда. Чунки кўпчилик тарбиячиларнинг, жамият фаолларининг ҳам суяги ўша эски тарбия билан қотган. Шунинг учун тарбия масаласининг бугунги ҳаётимиздаги аҳамияти ортиб бораётгани, алоҳида ўрин тутаётгани бежиз эмас.

«Биз, — деди Президент Ислам Каримов, — энди янгича фикрлайдиган, замонавий талаблар асосида ишлайдиган кишиларни тарбиялашимиз, вояга етказишимиз зарур»¹. Янгича фикрлайдиган кишилар-

¹ Ўша асар, 48-бет.

ни тарбиялаш масалалари тизимида тарихимизнинг тутган ўрнига янги авлод эътиборини кучайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Кейинги мустамлака даврида, айниқса, шўролар ҳукмронлиги йилларида халқимиз ташқи дунёдан бутунлай узиб қўйилди. Унинг тили, адабиёти, тарихи, дини, насл-насаби йўқолиб кетиш хавфи остида қолди. Ана шундай ҳар томонлама мудҳиш, четдан қараганда, халқимиз, унинг маданияти, миллий тафаккури, урф-одатлари, турмуш тарзи йўқ бўлиб кетиши керак бўлган шароитда, барибир, ўзлигини сақлаб қололди. Бунинг боиси нимада? Сабаби шундаки, халқимизнинг киндик қони тўкилган она заминга, азал-азалдан ота-болари яшаб ўтган юртга, дашту саҳроларга, меҳнатлари билан яратилган, сўлим боғлардан иборат қишлоқлару шинам шаҳарларга нисбатан меҳру муҳаббат қон ва жонига сингиб кетган.

Бу муқаддас заминда азалдан чорвачилик, ҳунармандчилик, боғдорчилик, шаҳарсозлик соҳаларида, мураккаб сув иншоотларини қуришда бирга меҳнат қилиб, бир жойда яшаб келган элатларнинг, қабилаларнинг тилларида фарқ бўлса ҳам, дилу ниятларида фарқ бўлмаган, чунки улар бир-бирларини яхши тушунишган. Урф-одатлари, ҳаёт тарзи, уй-рўзғор тартиби, кийим-бошлари, қўшиқ-қуйлари бир хил бўлганлиги учун, уруғ-аймоқчилик муносабатларидаги тадрижий жараён, қуда-андачилик, яъни уларнинг қиз бериб, қиз олиш йўли билан янги оилалар пайдо бўлиши ва кўпайиши, тилларидаги фарқдан қатъи назар, бу элатларнинг ўтроқ маданият шароитида ягона халқ сифатида шаклланишларига олиб келди. Айни тадрижий тараққиёт бир неча юз йиллар эмас, минг йиллар давомида юз берган. Табиийки, бу ерда асрлар давомида яшаб келаётган маҳаллий аҳолининг кўп минг йиллик маданиятида ўзгаришлар содир бўлган. Масалан, саклар, суғдлар, массагетлар, тоҳарлар, бақтрлар каби маҳаллий қабилаларнинг номлари, тиллари, турмуш тарзидаги айрим жиҳатларда ўзгаришлар юз берди. Бу қабилаларнинг ўтмиши, уларнинг юрт фаровонлиги, тараққиёти ва мустақиллиги учун жонбозлик кўрсатган Широқ, Тўмарис, Спитамен, Австан, Катан ва бошқа фарзандларининг тарихимиз зарварақларида ёзилган номлари абадий сақланиб қолган. Уларни тарихимиздан олиб ташлаб бўлмайди.

Ҳозирги вақтда суғд, сак, массагет ва бошқа қадимий тиллар (эски лотин, паҳлавий ва бошқа тиллар каби) муомала воситаси сифатида сақланмаган, қабилалар номлари ҳам ўзгариб кетган бўлса-да, у аجدодларимизнинг генотиби (ирсий омиллар мажмуи), урф-одатлари, турмуш тарзининг кўп жиҳатлари давом этиб келмоқда. Қадимги Шарқнинг Миср, Месопотамия ва Эрон давлатларига ўхшаб, Туронзамин халқи ҳам жаҳон цивилизацияси бешиги бўлишига ўз ҳиссасини қўшиб, ўттиз аср бурун ўз давлатчилигига асос солган эди. Халқимизнинг кўп минг йилликлар давомида босиб ўтган йўли ниҳоят машаққатли кечган бўлса ҳам, у тарихнинг шафқатсиз бурилишларида ўзлигини йўқотмай, ҳозирги истиқлолга етиб келди.

Эндиликда юртимизда тарихий шахслар, шаҳарлар, маданий ёдгорликларнинг юбилей ва байрамларини ўтказиб, аجدодларимизнинг биз учун қолдирган меросларидан, умумжаҳон тамаддунига (цивилизациясига) қўшган ҳиссаларидан фахрланиб юрамиз. Фахрланамиз-у, аммо ўзимиз бу борада қандай фойдали, арзигулик иш қилганимиз, яна нималар қилишимиз кераклиги ҳақида кам ўйлаймиз. Юртимиздаги беҳисоб табиий бойликлардан, миллий истиқлолга эришганимиздан, қўлга киритаётган ютуқларимиздан, ўзбек миллатининг бунёдкорлигидан ғурурланамиз. Албатта, ҳар бир миллат ўз ютуқларидан қувониши керак. Аммо бу ютуқлар ва улардан фахрланиш, ўз моҳияти билан, бир юртда яшаётган елкадош миллатлар бирлигини мустаҳкамлаш, уларни жипслаштириш, ҳамжиҳат этишга хизмат қилиши керак. Юқорида тасвирлаганимиздек, тарих сабоқлари шуни тақозо этади. Зотан, тарих — халқ маънавиятининг асоси. Шуни ҳам унутиш керак эмаски, ҳар қандай цивилизация кўп халқлар, миллатлар, элатлар фаолияти ва бир-бирига самарали таъсирининг маҳсули янглиғ намоён бўлади. Кундалик вазифаларни ва бўлажак дастурлар муваффақиятли бажарилишининг гарови ҳам ана шунда.

Тарихимизнинг янгича фикрлайдиган кишилар, айникса, бўлажак мутахассисларни тарбиялашда тутган ўрни ҳақида сўз борар экан, мазкур масалаларга эътибор бериш лозим. Шундай қилиб, жамиятни янгилаш, янгича фикрлаш маънавий-маданий мерос, маданий алоқаларни ҳақиқий илмий асосда тушуниш, талқин этишда кенг имконият, эркинлик яратди. Бу эркинлик

сўнги маданий ривожланишимизнинг эски қолиплардан чиқиб, умуминсоний тараққиёт, цивилизациянинг кенг йўлига тушиб олишида зарурий шарт-шароитларни вужудга келтиради. Бунинг учун маънавий маданиятимиз тарихига мурожаат этиш жуда табиий.

Адабиётлар

1. **Каримов И.** Истиқлол ва маънавият. Т., «Ўзбекистон», 1994.
2. **Абу Райҳон Беруний.** Руҳият ва таълим-тарбия ҳақида. Т., «Ўқитувчи», 1992.
3. **Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий.** Ҳадис. 1 китоб. Т., Қомуслар бош таҳририяти, 1991.
4. **Хайруллаев М.М.** Ўрта Осиёда илк уйғониш даври маданияти. Т., «Фан», 1994.
5. **Сафо Очил.** Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. Т., «Ўқитувчи», 1995.
6. **Терентьев М.А.** Россия и Англия. Спб., 1876.
7. **Огамуратов С.** ва б. Маънавият асослари. Т., 2000.
8. **Камар Амон.** Спитамен. Историческая повесть из IV века до нашей эры. Самарканд «Согдиёна» 1993.

МАЪНАВИЯТ ТАРИХИДА ИНСОНИЯТНИНГ ЎЗARO АЛОҚАЛАРИ

1. Цивилизациянинг тарихий шарт-шароитлари

Инсоният ижтимоий тараққиётнинг маҳаллийликдан (фақат муайян жой аҳамиятигагина моликликдан) умумжаҳон тарихий шакллариға, кишилар бирлигининг социал-маданий соҳада чекланишдан уларнинг меҳнат фаолиятида ва алоқалар соҳасида бошқаларға яқинлашиб бориши тарихий тараққиёт жараёнининг қонуний йўналиши ҳисобланади. Бу тамойилни социал-фалсафий жиҳатдан тушуниш учун фақатгина унинг оддий эмпирик яқунлари билан танишиш етарли эмас. Бунинг учун ривожланишнинг айна йўналишиға нисбатан тарихий заруриятнинг пайдо бўлиши, объектив ижтимоий шарт-шароитлар, аниқ тарихий йўллар, амалға ошириш усулларининг юзаға келиши билан танишиш лозим.

Бундай усуллардан бири — цивилизациянинг айрим шахслар ўртасидаги умумиҷтимоий алоқаларнинг қарор топиш жараёни сифатида, улар ижтимоий турмушларининг кўп ёқламалашуви сифатида намоён бўлишидир. Агар цивилизацияни ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ривожланиши жараёнида кўрадиган бўлсак, бу тараққиёт Ўрта Осиёда аввал суғорма деҳқончилиқ ва чорвачилиқ натурал хўжаликларининг пайдо бўлиши, уларнинг ўз маҳсулотларини айирбошлаш орқали юзаға келган алоқалари билан узвий боғлиқ бўлганлиги маълум. Археологик қазималарни ўрганиш туфайли Ўрта Осиёда суғорма деҳқончилиқ маданияти ва чорвачилиқ бундан 5—6 минг йил бурун пайдо бўлганлиги исботланди.

Кишилар ижтимоий бирлигининг қадим замонлардаги асосий шакллари, табиий эҳтиёжлардан келиб чиқадиган ўзаро алоқа воситалари, уларнинг яшашлари учун зарур бўлган, ишлаб чиқариш шароити тақозо қиладиган «бирикмалар» уруғ ва қабилалардан иборат бўлган. Улар шахсларнинг жинсига ва ёшиға қараб меҳнат тақсимотини, ишлаб чиқариш маҳсулотини ўзлаштиришнинг дастлабки усулларини амалға оширганлар.

Эркаклар ва аёллар, ёшлар гуруҳларининг жисмоний хусусиятидаги фарқлари ва қобилиятларига асослан-диган бундай меҳнат тақсимо-ти тасодифотдан ижтимо-ий аҳамиятга эга бўлган заруриятга айланиб, секин-аста турмуш учун зарур ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлган кишиларнинг нисбатан мустақил ҳаёт кечи-риш фаолияти, улар ўртасидаги алоқа ва ўзаро боғлиқ-лик соҳалари вужудга келди. Бундай ажралишлар аж-додлар оддий бирлашмаларининг парчаланишига ва экзогам гуруҳларининг — уруғ жамоаларининг пайдо бўлишига олиб келди.

Қадимги Шарқ цивилизацияси таъсирида Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳудудида бундан 4 минг йил бурун қадимги шаҳар маданияти шаклланди. Турк-манистондаги Анов ва Намозгоҳ маданиятлари, Ўзбе-кистоннинг жанубидаги Сополлитепа маданияти — бу-нинг далили. Фанда яқингача шаҳарлар тарихи ҳақида гап кетганда, Ўрта Осиёда энг қадимги шаҳар Самар-қанд, Марв ва Бухоро ҳисобланарди. Уларнинг ёши эса 2500 йилдан нарина ўтмасди ва ниҳоят у шаҳарларнинг иқтисодий, маданий ва сиёсий шаклланиши Эрон аҳамонийлари ва Юнон-македон истилочилари фаоли-яти билан боғлаб келинади. Кейинги 20—30 йил даво-мида олиб борилган археологик тадқиқотлар тарихий ҳақиқатни рўёбга чиқарди ва Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон диёрида урбанистик жараён ўзининг ма-ҳаллий илдиизига эга эканлиги ва илк шаҳарларнинг шаклланиш жараёни Ўзбекистонда жез даврига (бун-дан уч ярим-тўрт минг йил аввал) тўғри келиши ис-ботланди.

Бу шаҳарлар аҳолисини ҳудудий жипслаштириш-да, давлатчиликнинг вужудга келиши ва ривожла-ниши учун марказ ҳамда таянч жойлар сифатида муҳим омил бўлиб хизмат қилдилар. Шаҳарлар ўз те-варак-атрофининг, вилоят, маъмурий жойларнинг че-гараларини аниқлаб, аҳолининг қабилавий бўлиниш-дан ҳудудий-сиёсий иттифоққа ўтишига кўмаклашарди. Улар савдо ва ҳунармандчилик ўчоғи сифатида сиё-сий ҳокимият манфаати ва савдогарлар доираси ман-фаати ўртасида алоқа ўрнатар эди. Бошқа шаҳарлар, айрим туманлар, ўзга ўлкалар ва давлатлар билан савдо алоқалари вужудга келиши билан давлатнинг ҳудудий савдо таъсирини кенгайтириш чораларини кўрарди.

Қадим замонлар Ўрта Осиёдаги суғорма деҳқончи-

лик воҳалари, ҳунармандчилик марказларида яшайдиган аҳолининг ҳаёт тарзи зардуштийларнинг муқаддас китоби «Авесто»да ҳам тасвирланади. Деҳқончилик ва шаҳар ҳунармандчилиги ривожланган бу вилоятлар қадимги Бақтрия, Суғдиёна, Хоразм, Парфия, Марғиёна, Чоч, Паркаңа ва бошқалар бўлиб, уларнинг деҳқон ва ҳунарманд аҳли суғдийлар, хоразмийлар, парфияликлар, марғиёналиклар, чочликлар ва парканлар номи билан эрон ва юнон ёзувларида бизгача етиб келган. Бу деҳқончилик воҳаларини ўраб олган даштуадирларда яшовчи чорвадор халқлар эса саклар номи билан машҳур бўлиб, уларнинг воҳа халқлари билан тили, дини, келиб чиқиш илдизлари бир, урф-одатлари бир-бирига яқин, улар ташқи душманга биргалашиб курашган, қавму қариндош, куда-анда бўлиб яшашган, бир дарёдан сув ичишган, биргалашиб Ўрта Осиёнинг қадимги маданиятини яратишган.

Секин-аста савдо билан шуғулланиш кўп халқларнинг яшаш усулига айланди. Савдогарларнинг, воситачи халқларнинг цивилизация тараққиётидаги мавқеи ўса бошлади. Милоддан аввалги IV ва милодий IV асрлар мобайнида Ўрта Осиё халқлари ҳаётида жуда улкан тарихий ва маданий ўзгаришлар юз берди. Бу ўзгаришларда содир бўлишида Шарқ билан Ғарбни кўп жиҳатдан боғлаб турган «Буюк ипак йўли»нинг аҳамияти катта бўлди. Айни даврга келиб хоразмий, бақтрия, суғд ёзувлари шаклланди, Ўрта Осиёнинг суғд аҳолиси «Буюк ипак йўли» билан боғлиқ бўлган барча ташаббусни ўз қўлига киритиб, то илк феодал даврига қадар суғдий тил жуда кенг географик доирада жаҳон савдо тили даражасига кўтарилди. Суғдийларнинг бу мавқеи биргина ёзма манбалардан эмас, балки археологик далиллар асосида ҳам исботланган. Бозор муносабатларининг ўсиши билан цивилизация қўлами ҳам кенгайди, халқларнинг ўзаро алоқаларидаги, қабилаларнинг ижтимоий турмушидаги, социал муносабатларидаги ўзгаришлар, аввалги замонлардагига нисбатан анча тезлашди.

Милоддан аввалги II асрдан бошлаб Ўрта Осиёнинг икки дарё оралиғига туркий тилда гапирувчи ярим ўтроқ, ярим кўчманчи қабилалар кириб кела бошлади. Улар шу вақтга қадар Олтой ва Сирдарёнинг оралиғида, Етгисув ва ҳозирги кенг Қозоғистон даштларида яшаб келар эди. Уларнинг суғдий ва хоразмийлар билан иқтисодий, маданий ва этник алоқалари, гарчанд ав-

валроқ бошланган бўлсада, улар орасидаги бу муносабатларнинг кенгайиши, айниқса, миллоддан аввалги II асрдан бошлаб фаоллашди. Юечжийлар Сирдарёнинг қуйи ва ўрта оқими ҳавзасидан жануб томонга кўчиб келишди.

Миллоддан олдинги II асрга келиб Сирдарёнинг ўрта ҳавзасида Қовунчи маданияти шаклланди ва миллод бошларидан бутун Ўрта Осиёга тарқала бошлади. Бу жараён икки азим дарё оралиғи муҳитига туркий этник қатламнинг фаол кириб келишини таъминлади ва Сўғдиёна, Хоразм ва Бактрия қишлоқларидагина эмас, балки шаҳарлар ҳаётида ҳам уларнинг ўрни сезила борди. Миллоднинг IV—VI аслари давомида Мавороуннахрнинг ичкарисига туркий қатламнинг кириб бориши хионитлар, кидаридлар ва эфталитлар юриши билан ҳам чамбарчас боғлиқ эди. Ниҳоят бу ўлкада турк хоқонлиғи ҳукмронлигининг ўрнатилиши икки тиллик жараёнини тарихий ҳақиқатга айлантирди. Сўғд дунёсида турк этник қатлами кўп жабҳаларда етакчи ўрин тута бошлади. Туркий тилли қabila ва халқларнинг гуруҳ-гуруҳ, қабилла-қабилла бўлиб, икки дарё оралиғига кириб келиши доимий анъанага айланди. Икки халқнинг бир-бирига яқинлашуви, иқтисодий ва сиёсий манфаат нуқтаи назаридан қараганда ҳам, ҳаёт эҳтиёжига айланди. Маҳаллий аҳолининг ҳўжалик ютуқлари ва уларнинг илғор маданияти таъсирида кўчманчи қабилалар мунтазам равишда ўtroқлашиб борди ва улар Ўрта Осиё илк феодал даври иқтисодий, маданий ва маънавий дунёсини яратишда фаол иштирок этди. Шундай қилиб, у замонлардаги маҳаллий, ҳудудий чегараланган цивилизация унинг миқдор ва йўналиши билан бир-бирига мувофиқ келадиган икки куч — давлат ва савдонинг уйғунлашуви натижасида таркиб топди. Ана шу кучлар туфайли Миср, Вавилон ва бошқа Шарқ мамлакатларида, жумладан, Туронда вужудга келган цивилизация кейинчалик Искандар Зулқарнайн урушлари даврида «элленистик» цивилизация деб аталадиган бўлди. Рим империяси давридаги Рим цивилизацияси, Хан династияси давридаги хитой цивилизацияси, Маур империяси давридаги ҳинд цивилизацияси ташкил топди.

2. Антик жамият ва унинг маънавий маданияти

«Антик» термини лотинча antiquus — «қадимий» сўзидан келиб чиққан. Бу сўзнинг фақат юнон-рим жамияти ва унинг маданиятига нисбатан ишлатилганлиги «европача» нуқтаи назардан тўғри. Ҳақиқатан ҳам, юнон-рим цивилизацияси Европанинг энг қадимги цивилизацияси ҳисобланади. Аммо у тарихан Шарқ тамаддуни, жумладан, Миср ва Вавилон маънавий маданиятига нисбатан анча кейин ривожланди. Ўрта Осиё тарихининг қадимги даврларига нисбатан ҳам «антик» тушунчаси ишлатилади. Бу ерда ҳам цивилизация ғарбга нисбатан анча илгари ривожланди. Антик даврда жаҳоннинг уч йирик империясидан (Хитой, Рим ва Кушон) бири — Кушонлар империяси шу ҳудуднинг иқтисодий-ижтимоий ва маданий дунёси асосида шаклланди, уларнинг ўзаро таъсири натижасида жаҳон цивилизацияси таркиб топа бошлади.

Ўрта Осиё халқларининг Ҳиндистон, Оссурия, Эрон мамлакатлари ҳарбий ва сиёсий ишларига аралашуви ҳамда уларнинг Юнонистон ва Миср ҳудудларига кириб бориши мазкур халқлар маданиятига ўз таъсирини ўтказди. Масалан, Ўрта Осиё халқлари, худди форслар каби, оромий (миххат) ёзувини жорий этдилар. Аммо, шу билан бирга, Ўрта Осиё халқлари томонидан яратилган Зардуштий таълимоти ва унинг китоби «Авесто» Эрон ва Шимолий Ҳиндистонда кенг тарқалди. Бу даврларда маҳаллий тил қўлланилиши билан бирга дарий тили маъмурий тил сифатида юзага чиқади. Расмий маълумотлар учун эса Эрондаги миххат ёзуvidан фойдаланилган бўлиши эҳтимол. Оромий миххат ёзуви ўз навбатида финикий алифбоси асосида яратилган бўлиб, у 22 ҳарфдан иборат эди. Бу ёзув кейинчалик суғдий ва хоразмий ёзувлари учун асос бўлиб хизмат қилган. Ўша даврларда яна бир тил — юнон ва суғд тилларининг омуктаси мавжуд бўлиб, подшоҳ Ксеркс томонидан Милетдан (Шарқий Осиёдан) кўчириб келинган аҳоли ана шу тилда сўзлашган. Уларнинг авлодларини эса Искандар Зулқарнайн қириб юборган.

Шу даврларда оғзаки ижод камол топади ва «Авесто» яратилади. «Авесто» қаҳрамонлари Баҳди, Суғдиёна, Марғиёна ва Айриан Ваэжа (Хоразм) ҳудудларида зафарлар қозонишади. «Авесто»да, жумладан, аждаҳони яккама-якка олишувда енгган баҳодир Керешасп

ҳамда Эрон шоҳини забт этган Афросиёб шаънига мадҳиялар ўқилади.

Сакларнинг баҳодирликлари ҳақидаги айрим лавҳаларни III асрда яшаб ўтган юнон шоири Полиэн ўз асарларига киритади, ўз эри Аморгни қутқарган малика Спаретра, эронликларни чўлда дайдитган Широқ воқеаси шулар жумласидан. Юнонлар сак маликаси Зарина ва Мидея шаҳзодаси Стрианги севгиси хусусида, шунингдек, бир-бирларини тушда кўриб севиб қолган скифлар шоҳи Одатиданинг қизи Зариадра ҳақида ажойиб асарлар ёзишган. Худди шундай манзара «Шоҳнома»дан ҳам ўрин олган. Шу асарнинг қаҳрамони Рустами Зол воқеаси ҳам аслида Турон юрти билан боғлиқ. Бу даврда Ўрта Осиё худудидаги халқлар бир неча дин ва ақидаларга риоя этишган: зардуштийлик, Митра оқимида кўшилиб кетган Табит Анахита ақидаси, эрвонийлик, аждодлар руҳига сажда қилинувчи аҳамоний дини, шаманлик, Сиёвушга сажда қилиш ва ҳоказо.

Олимлар орасида зардуштийлик дини Мидиядан тарқала бошлаган, деган «ғарбий назария» мавжуд. Бироқ, унинг акси ўлароқ юзага келган «шарқий назария»га биноан, Хоразм, Бақтрия, Суғдиёна ва Паркана мазкур диннинг ватани ҳисобланади. Бу назария тарафдорлари кўпинча зардуштийликни Хоразм билан боғлайдилар, тахминларга кўра, «Авесто»да ҳикоя қилинган «адархуура» муқаддас олови шу ерда ёқилганлигини исботлашга уринадилар. «Авесто»да ёзилишича, бу воқеа Аҳурамазданинг Заратуштра олдида ташриф буюрган Айриан-Важеа мамлакатада содир бўлади. Айриан-Важеанинг баёнидаги манзаралар эса географик жиҳатдан айнан Хоразм юрти манзараларига ниҳоятда мос келади.

«Авесто»да қора кучлар ҳомийси Аҳриман зулм ўтказган юртлар санаб ўтилади. Булар ичида Айриан-Ваежа, сўнгра одамлари ва чорваларига бой бадавлат Суғдиёна, буюк ва муқаддас Моуру (Марв), туғларини баланд кўтарган Баҳди (Бақтрия) мамлакатлари санаб ўтилади. Мазкур китобда Заратуштра, яъни нур, олов тарқатувчи худонинг туғилган юрти баланд тоғлар, яшил яйловлар, мовий кўллар, кенг дарёлар ўлкаси сифатида тасвирланади, яъни бу Иската (Скифия), Поурата (Парфия), Моуру (Марв), Суғдиёна, Хвайрезм (Хоразм)ни ўз ичига олган буюк мамлакатдир. «Авесто» асари ака-укалар, яъни эзгулик худоси — Аҳурамазда билан ёвуз-

лик худоси — Аҳриманнинг ўзаро муттасил курашига асосланади, «Авесто»да гоҳ яхши, гоҳ ёмон кучлар ғолиб келиб, ўз ҳукмронликларини ўрнатадилар. Зардуштийлик таълимоти Эронда бирмунча бошқачароқ тарзда ўзгара боради. Чунки аҳамоний подшоҳлари Аҳурамазда сиймосини унинг ердаги ноиби — шох билан боғлайдилар ва ўз номларига «саошиант» нисбасини қўшиб оладилар. Бу сўзнинг маъноси эса инсониятнинг қутқарувчиси, ҳомийси демакдир.

Юнон тарихчи олими Страбон массагетлар ҳақида «уларнинг худоси қуёш бўлиб, отларни сўйиб қурбонлик қилар эдилар», деб ёзади. Сак қабилалари ҳамда массагетлар орасида қуёш ва сув ёхуд ўт ва сув унсурлари билан боғланган диний таълимот ҳукм суларди. Массагетлар мамлакати таркибига кирган хоразмликлар юрти номи аслида «хвар» — қуёш ва «зм» — замин, ер маъноларини ифода этган. Ўша давр ўртаосиёликлар, форслар ва арманлар тилида Ер, сув, ҳосилдорлик ва муҳаббат худоси Анахита номи билан аталган, ундан илгарироқ эса Табит деб юритилган (таб — нур, қуёш, ёруғлик демакдир). Қуёш — эрлик ибтидоси, тупроқ ва сув эса аёл ибтидосидир. Митра ва Анахита сиймолари орқали мазкур ақида то араблар шу юртларни эгаллагунларига қадар давом этиб келган.

Говамард, яъни буқа — одамга топиниш ақидаси ҳам мавжуд бўлиб, у дастлаб коинотнинг қудратли кучи ифодаси эди, яъни барча жонли мавжудотни бунёдга келтирган, одамларга уй қуриш, металлга ишлов бериш ва барча ҳунарларни ўргатган, сўнгра Гава Суғдиёнанинг ҳукмдорига айланган. Родослик Евтидем (милоддан аввалги IV аср)нинг қайд этишича, зардуштийликка қадар Эрон ва Турон халқлари орасида эрвонийлик таълимоти тарқалган экан. Эрвон — айрим манбаларга кўра вақт худоси ҳисобланган. У Аҳурамазда ва Аҳриманнинг отасидир. Аҳурамазда эса ҳатто ўз отасига ҳам қарши курашган.

Ўрта Осиёда янада қадимий урф-одат, ақидалар ҳам мавжуд бўлган, албатта. Шаманлик шулардан бири. Юнон тарихчиси Геродот гулхан атрофида давра қуриб ўтириб, тутаётган гиёҳнинг ҳидига сархуш бўладиган, сўнгра эса рақсга тушиб, қўшиқ айтадиган айрим массагетлар ҳақида ёзиб қолдирган. Хоразм ва Суғдиёна худудида, шунингдек, аввал ўлиб, кейин қайта тириладиган Сиёвуш сиймосига сажда қилиш, айниқса, кучли бўлган. Сиёвуш ҳақидаги қисса Фирдавсийнинг «Шоҳнома»

асаридан ҳам жой олган. Фирдавсий «Шоҳнома»сининг асосини Ўрта Осиё ва Эрон халқларининг узоқ, яъни 20 аср давомида яратган ижодиёти — ривоят, афсона ва халқ қаҳрамонлик эпоси ташкил этади. «Шоҳнома»-нинг асосий қаҳрамонлари — Каюмарс, Хушанг, Таҳмурас, Жамшид, Гершасп, Исфандиёр, Афросиёб, Кайковус, Сиёвуш ва ниҳоят бош қаҳрамон Рустам образи халқ оғзаки ижодида яратилиб, сайқал топган эди. Фирдавсий бу образларни ижодий қайта ишлади, уларни такомиллаштирди. Шу билан бирга, ёзма асарлар, «Авесто», тарих китоблари ва солномалар улуг шоир ижодиёти учун бой манба бўлиб хизмат қилди.

Юнон адабиёти — Европа адабиётларидан энг қадимгиси ва бошқа халқлар сўз санъати тажрибасига бевосита суянмай ривожланган адабиёт. Юнонлар ўзларининг адабиётлари анча ривожланганидан кейин Шарқ адабиёти билан яқинроқ танишганлар. Бундан илк юнон адабиётига Шарқ адабиётининг таъсири йўқ экан, унинг элементлари юнон адабиётига кириб бормаган экан, деган фикр келиб чиқмайди, албатта. Улар фольклор йўли билан кириб борган. Юнон фольклори кўшни фольклорлардан бойиб бориб, юнон адабиёти равнақи учун замин бўлган. Ўз мазмунининг бойлиги, кўпқирралиги ва бадий аҳамияти билан юнон адабиёти қадимги шарқ жамоаларининг адабиётидан илгарилаб кетди. Чунки Шарқ мамлакатлари тузуми, шароити жамият тараққиёти учун кенг имкон ярата олмади. Рим адабиёти юнон адабиётига нисбатан анча кейинроқ, унинг таъсири билан ривожлана бошлади. У антик жамиятнинг охирларига келиб тезроқ равақ топди.

Антик адабиётнинг Ҳомер поэмалари, юнон драмалари, римлик шоирларнинг машҳур асарлари каби ёдгорликлари ҳозирги вақтда ҳам ўқувчилар томонидан завқ билан ўқилади. Юнон-рим адабий асарларидаги кўп сонли мисоллар айтиб бир вақтда ҳам қўйилган кундалик саволларга жавоб беради, ҳам ўз руҳининг янгилигини асрлар оша сақлай олади. Ўша даврлардаги юнон-рим адабиётида янги давр адабиётининг деярли барча жанрлари мавжуд эди. Ҳозирги кунда ҳам антик даврнинг ижодга алоқадор юнонча номлари — эпик поэма ва идиллия, трагедия ва комедия, ода, элегия, сатира ва эпиграмма, нотиқлик санъати, диалог ва бошқалар сақланиб келмоқда. Юқорида айтганларимиз-

дан шундай хулоса чиқариш мумкинки, жаҳон цивилизацияси умуминсоний қадриятлар асосида ривожлана бошлаган, юртимиз халқларининг маънавий маданияти ҳам ана шу умумбашарий юксалишдан четда эмас, балки унинг таркибий қисми сифатида шаклланиб келди. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, юртимизнинг маданий анъаналари, тарих чорраҳаларида — юнон-македон уруш-тўфонлари даврида ҳам йўқолмади, балки истилочиларга ўз таъсирини ўтказди. Искандар васиятномасида битганларига кўра, у Осиёда шаҳарлар қуриб европаликларни кўчириб келтирмоқчи, Европа шаҳарларига эса осийликларни кўчириб ўтказмоқчи бўлганини ёзиб қолдирган. Искандар империяси ҳалокатга учраб, Ўрта Осиё халқларининг милoddан аввалги 312 йилдан 250 йилгача бўлган тарихи салавкийлар тарихи билан боғлиқ бўлган даврларда ҳам, Суғдиёна ва Бактрия халқларининг ҳуққи ва урф-одатлари ўзгармаган. Улар қадимги ҳудодларга топинишган. Салавкийлар бу борада сабр-тоқат кўрсатишган. Бироқ бу даврда шаҳарларда элдин бойлари учун ҳам ибодатхоналар қурилган. Маҳаллий аҳоли тасаввурида эса Афродита образи Анахита билан, Геракл образи — Верэтрагна, Зевс — Хормуз, Аполлон — Митра билан қўшилиб кетган.

Искандар Зулқарнайндан фарқли равишда, салавкийлар Шарқда юнон маданияти ва динининг тозалигини сақлашга ҳаракат қиладилар, бироқ бу ҳол рўй бермади. Айнан Салавк ва Антиох (Спитаменнинг невараси) ҳукмронлиги пайтида Олд ва Ўрта Осиёда Шарқ эллинизми асослари таркиб топди.

Милoddан аввалги 60-йилда салавкийлар улуғ давлати Римнинг қудратли зарбалари остида тугатилди. Юнон подшоҳлари ҳукмронлиги даврида Юнон-бактрия жамиятида шаҳарларда турли ҳунармандчилик соҳалари кучли ривожланган. Ҳунармандларнинг асосий қисми ҳур кишилар бўлиб, фақат ҳарбий асирлар қул ҳисобланган. Қишлоқ жойларда эркин деҳқонлар билан бир қаторда кўп сонли қуллар ҳам ишлаган. Бу жойда яшаган халқлар бог-роғ бунёд этиш, экинчилик, сунъий суғориш билан шуғулланишган. Мамлакатда ариқ, каналлар тизими жуда ривожланган бўлган. Уларнинг қолдиқлари қазилмалар чоғида Суғдиёнада, Хоразмда, Сурхондарёда топилган. Деҳқонлар бугдой, шоли, беда етиштиришган, ток парвариш қилишган. Йилқичилик жуда кенг тарқалган. «Асп» — от тасвири санъат ёдномаларида келтирилган. «Авесто» қаҳрамонларининг исм-

ларида бу сўз учрайди (Виштасп, Аурватасп ва бошқалар).

Бақтрия ва Суғдиёнада қадим даврларданоқ олтин қазиб олинган. Искандар Зулқарнайннинг беҳисоб олтинларни юртига ташиб кетгани ҳақида маълумотлар қадимги тарихчилар асарларида келтирилади. Олтиндан танга пуллар ҳам зарб этилган. Бу даврда Эрон, Хитой, Ҳиндистон билан муҳим тижорат-иқтисодий алоқалар мавжуд бўлган: «Ипак йўли» Вахш, Қоратегин ва Олой водийси орқали Қашқарга; ғарбий йўл Парфиядан Экбатана (Эрон) орқали Сурияга олиб борган; бошқа йўл қуйи Амударё бўйлаб давом этган; «Олтин йўл» — Довон (Фарғона) орқали Иссиққўлдан ўтиб, Сибирга томон чўзилган.

Ҳиндистондан зираворлар, мушк-анбарлар, Хитойдан ипак матолар, темир, никел ва мўйна келтирилган. Юнон ўлчов бирлиги — драхма билан бир қаторда маҳаллий ўлчов бирликлари ҳам қўлланилган. Юнонбақтра подшоҳлари олтин, кумуш ва мисдан тангалар зарб эттирган, мис ва никел омуктасидан зарб этилган тангалар ҳам бўлган. Уларнинг олд томонида шоҳ портрети, орқа томонида — маъбудлар (Аполлон, Артемида, Афина, Деметр, Зевс, Посейдон)нинг расмлари зарб этилган.

Суғдиёна ва Бақтрия аҳолиси бу даврда турли скиф ва эроний лаҳжаларда сўзлашувда давом этган. Тарихчилар гувоҳлик беришича, Довон (Фарғона)дан Парфиягача барча кишилар бир-бирини тушунган. Страбоннинг таъкидлашича, Бақтрия, Суғдиёна, Мидия ва Эрон аҳолиси сўзлашадиган тиллар бирига ўхшаш бўлган. Сарой тили эса бу даврда юнон тили эди. Бу даврда аҳолининг эллинистик ўлкалар ва Ҳиндистон билан маданий алоқалари анча ривожланди, бу эса диний эътиқодларда ўз ифодасини топди. Айнан шу вақтда Ўрта Осиёга будда дини кириб келди. Албатта, зардуштийлик ўз мавқеини бўшатган эмас эди. Мамлакат пойтахти — Бақтрада оловнинг бош ибодатхонаси, Анахита илоҳасининг ибодатхонаси мавжуд бўлиб, ҳар томондан бу ерга келадиган қўп сонли зиёратчиларнинг қатнови узилмас эди. Ўша даврдаёқ маҳаллий мунажжимлар асосий сайёраларнинг номларини ойдинлаштиришган. Мунажжимлар бир пайтнинг ўзида физик, математик ва файласуфлар ҳам бўлишган. Йил, ой, ҳафта жадвали «Авесто»нинг ёзилиши билан бирга тузил-

ган, у салавийлар даврида янада такомиллаштирилган.

Сарой расмий тантаналари ва турмушда мусиқа катта аҳамиятга эга бўлган. Най, уд, ногора, арфа, қайрилган шох шаклидаги карнай, камонча билан чалинадиган асбоблар мавжуд бўлган. Қўшиқчилар, раққослар, ровийлар ва кўзбўямачилар бўлган. Бу даврнинг меъморчилик ёдгорликлари сақланмаган, лекин ибодатхона, меъморий бинолар, ҳайкалчалар қолдиқлари, аёллар ва от безаклари бизгача етиб келган. Омухталиқ бу давр маданияти ва санъати учун хос хусусият бўлиб, маҳаллий белгиларнинг Ҳиндистон, Хитой, Юнонистон маданияти унсурлари билан аралашиб кетганлигини ўзида ифодалайди.

Юнон-Бақтрия давлати Ўрта Осиё халқлари иқтисодиёти, маданиятида ўз изини қолдирди ҳамда шарқий эллинизмни юзага келтирди. Маҳаллий аҳолининг маънавий маданияти ва динининг бу ерда яшайдиган юнонларга ўз таъсирини кўрсатганлиги ҳам эҳтимолдан узоқ эмас.

Президентимиз ишлаб чиққан миллий-маънавий тикланиш концепциясида инсониятнинг асрлар давомида яратган ва умумжаҳон мулкига айланган барча бойликларини миллий маънавиятимизнинг ажралмас қисмига айлантириш ҳам асосий ўринни эгаллайди. Жумладан, у «Фидокор» газетаси муҳбири берган саволларига берган жавобларида дунё халқлари маънавий мулкига айланган файласуфларнинг асарлари ҳалигача ўзбек тилида ёшларимизга етиб бормаганлигини қаттиқ танқид қилиб шундай таъкидлайди: «Дунё тан олган кўп улугъ файласуфларнинг асарлари ҳанузгача ўзбек тилида нашр этилмагани туфайли аксарият зиёлилар, хусусан, ёшларимиз уларнинг ғоявий қарашлари билан яхши таниш эмас. Сократ ва Платон, Ницше ва Фрейд каби олимларнинг ҳозирги замон чет эл файласуфларининг китобларини ҳам тушунарли қилиб, изоҳ ва шарҳлар билан ўзбек тилида чоп этиш наҳотки мумкин бўлмаса?»¹. Юқорида келтирилганлардан кўриниб турибдики Президентимиз маънавиятимизни жаҳон халқларининг илғор маънавият тафаккури тараққиёти билан уйғун равишда ривожлантиришни кун тартибидаги муҳим вазифа қилиб қўймоқда.

¹ Каримов И. Миллий истиқлол мафкураси — халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т., «Ўзбекистон», 2000, 34-35-бетлар.

3. Қадимги Парфия, Қанқа, Довон давлатлари

Юнонлар Ўрта Осиёга босқинчилар сифатида келдилар, аммо улар бу ерда фақат ҳарбий гуруҳлар таркибида қолганлари йўқ. Ўрта Осиё, Афғонистон ва Шимолӣ Ҳиндистоннинг юнонлик аҳолилари ўзига хунармандлар ва савдогарлар, актерлар ва ҳайкалтарошлар, табиблар ва мусиқачиларни ҳам бирлаштирадидлар. Маҳаллий аҳолининг эллинлар ҳаёти билан яқинлашиши натижасида қулдорлик тузумининг ривожланиши янги турткига эга бўлди; шаҳарлар Ўрта Осиёда асосланган шаҳар тузumi ва қўшни вилоятлардаги юнон шаҳарларининг таъсирини четлаб ўтолмас эди.

Юнонларнинг маҳаллий аҳоли маънавий ва моддий маданиятига таъсири янада солмоқпироқ эди. Бундан далолат берувчи бир мисол келтирайлик: юнонча ёзув Искандар Зулқарнайн ҳужумидан кейин минг йиллар давомида Бақтриядаги етакчи ёзув бўлиб келди. Тош меъморчилигида, ҳайкалтарошлиқда, заргарлик санъатида ва ҳоказо — эллинистик ва маҳаллий маданиятларнинг ўзаро таъсири кузатилад эди. Бу уйғунлашувнинг (синтезнинг) маҳсули кейинги юз йилликлар давомидаги тадрижий тараққиётда ўз ифодасини топди. Бу уйғунликнинг таркибида Ўрта Осиё маданияти етакчилик мавқеини ўйнаб келди. Маҳаллий аҳоли билан ўраб олинган юнонлик кўчманчиларнинг тили секин-аста мамлакат маҳаллий аҳолисининг тили билан уйғунлашиб кетди. Уларнинг маданияти ҳам синкретик хусусиятга эга бўлди. Халқаро товар айирбошлаш, савдо ва урушлар жараёнида аҳоли гуруҳлари яшаш жойларининг ўзгариб туриши Ўрта Осиё маънавий ва моддий маданияти яхши ютуқларининг Фарбга кенг кўламда кириб боришига олиб келди. Шунинг учун эллинистик деб аталувчи маданият кўп халқлар — эллинлар, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари маҳаллий аҳолилари, шунингдек, Ўрта Осиё ва Ҳиндистон халқлари даҳосининг маҳсули ҳисобланади.

Милоддан аввалги II-I асрларда Ўрта Осиё ҳудудида Юнон-македон ҳукмронлигини инқирозга олиб келган воқеалар рўй берди. Ҳинд тарихчиси А.К.Нарайн маълумотида кўра Юнон-Бақтрия подшоҳлиги турли халқларнинг турли вақтлардаги унга қарши ҳужумига учради ва ҳар хил жанг ҳаракатлари натижасида қулади.

Ҳозирги Туркменистон ва Эроннинг бир қисмини ўз ичига олган қадимги Парфия давлати мустақил дав-

лат ва империя сифатида 500 йилдан зиёдроқ яшаган. Шу давр мобайнида Марказий Осиёда, Яқин Шарқда ўзининг сиёсий ва иқтисодий таъсирини ўтказган. Ўзбекистон ҳудудидаги Хоразм, Бақтрия, Сугдиёна каби қадимий давлатлар билан узвий алоқада бўлган.

Парфия тарихида дуч келадиган қизиқарли масалалардан бири — Аршакийлар сулоласи тўғрисидаги маълумотдир. Милоддан аввалги 247 йили Аршак бошчилигидаги парнлар қабиласи савалкийлардан ажралиб чиқди ва Нисога ҳужум қилиб уни эгаллайди. Шу йили парнлар Аршакни ўзларига подшоҳ қилиб сайлайдилар. Қадимги муаллифлар берган маълумотларга қараганда, тахтга ўтирган Аршак узоқ муддат подшоҳлик қилган ва катта обрўга эга бўлган. Сулола асосчиси ўзининг ташкилотчилиги, жасурлиги ва моҳир дипломатлиги сабабли қисқа вақт ичида мустақил давлат тузишга эришган. Милоддан аввалги 235 йилдан бошлаб Парфия подшоҳлари ўз давлатлари ҳудудларини кенгайтириб бордилар.

Митридат I ҳукмронлиги даврида (171—138) Парфия давлатининг ҳудуди Бақтрия ва савалкийларнинг бошқа ерлари ҳисобига кенгайтирилди. Кейин Мидия, Бобил босиб олинди. Митридат II давридан бошлаб Рим ва Парфия кучли рақибларга айланади. Икки кучли давлатнинг ўзаро муносабатлари Шарқ ва Ғарбдаги сиёсий жараёнларни белгилаб бера бошлайди.

Милоднинг III асрига қадар Парфия давлатига Аршакийлар сулоласи ҳукмронлик қилди. Шу вақтга келиб Форс ерларида янги кучли давлат — сосонийлар вужудга келмоқда эди. Ўзини ўнглаб, оёққа туриб олган бу ёш давлат кўҳна ва улкан Парфия салтанатини ағдариб ташлади. Парфиянинг моддий-маънавий ҳаёти ҳақида Нисо шаҳридан топилган ҳужжатлар хабар беради. Ҳужжатларда ёзувлар оромий усулда ёзилган бўлиб, улар хумларга битилган. Мамлакатда қуллар меҳнатидан кенг фойдаланилган. Аскарларнинг кўпчилиги қуллардан иборат эди. Мамлакатнинг иқтисодий ҳаётида савдо-сотиқ ишлари муҳим аҳамиятга эга бўлган. Парфия давлати беш аср давомида Ҳиндистон, Марказий Осиё ва Хитойнинг Ғарб мамлакатлари билан қилган савдо алоқаларида воситачилик қилган.

Парфия ҳарбий кучларининг довуғи ҳатто ўрта асрлар Евроласининг ҳам ёдидан чиқмаган. Мишель Монитон ўзининг «Тажрибалар» асарининг бутун бир бобини парфиялик жангчиларнинг римликлардан афзал-

лигини кўрсатишга бағишланган. Археологик маълумотларга қараганда, парфияликларнинг ҳақиқий она юрлари бўлмиш Жанубий Туркменистонда қадимги маданият, хусусан, амалий санъат анча ривожланган. Давлатда парфияликлар тили билан бир қаторда юнон тили расмий давлат тилидан бири ҳисобланган. Мамлакатда ягона диний эътиқод бўлмаган. Лекин зардуштийлик кучли ўрин эгаллаган. Парфияликлар даври зардуштийликнинг Эронда ўз мавқеини мустаҳкамлаб олишида муҳим босқич бўлган. Зардуштийлик таъсири аршакийлар ҳукмронлигининг сўнгги йилларида кучайган ва сосонийлар даврида ўз ривожининг энг юқори нуқтасига кўтарилган.

«Авесто» ва «Маҳобҳарата»да Қанқа давлати қайд этиб ўтилади. Паҳлавий матнларида Айриан-ваеж, яъни Хоразм мамлакати чегарасида жойлашган Кандез қалъаси эслатиб ўтилади. Кандез Бухоро асосчиси Сиёвуш қабри жойлашган Бахар (афтидан Бухоро) вилоятида барпо этилган. Кандез қалъаси (Қанг) Фирдавсий «Шоҳнома»сида Турон шоҳи Афросиёбнинг пойтахти сифатида ҳам эсланади. Бу маълумотларга кўра, ушбу давлат ҳудуди Ўзбекистон ва Қорақалпоғистоннинг ҳозирги ҳудудига деярли тўғри келган (Фарғона ва Сурхондарёдан ташқари). Бу давлатнинг пойтахти сифатида Сирдарё яқинига жойлашган кўҳна Қанқа шаҳар харобаси кўрсатилади. Милоддан аввалги II аср ўрталари ва I аср охирига келиб Қанқа давлати юксалди. Унда пул муомаласи юзага келди. Ҳукмдорлар ўз тангаларини олд томонида шоҳ, орқа томонида чавандоз тасвири билан зарб этишди. Янги шаҳарлар барпо этилди, турли ҳунармандчилик соҳалари ривожланди, тижорат гуркиради, суғориш иншоотлари қурилди.

Аҳоли турмуши ва хулқи массагетлар ва аланлар урф-одатига мос келади. Аскарлари ўқ-ёй, найза ва узун қилич билан қуролланишган. Жангда оғир совут кийган ва зирҳланган отларга минган чавандозлар зич саф бўлиб боришган. Паркана давлати (хитой манбаларида Довон) бу — Фарғона. Паркана Аҳамонийлар давлати ва Юнон-Бақтрия подшоҳлиги таркибига кирганлиги ҳозирча маълум эмас. Юрт аҳолиси асосан деҳқончилик билан шуғулланган, отларнинг алоҳида насли кўпайтирилганки, уни хитойлар «самовий» деб аташган. Улар ҳунармандчилик соҳалари, савдо билан шуғулланишган.

Хитой сайёҳи Чжан Цзянь (мил. ав. II аср) Довондан олган таассуротлари ҳақида гапириб, улар-

нинг маданий савияси, урф-одатлари жиҳатидан бир-бирларига тенг эканликларини кўрсатади. Сайёҳни уларнинг деҳқончилик соҳасида эришган ютуқлари ҳайрон қолдирган. Деҳқончилик билан шуғулланувчи ўтроқ аҳоли билан бир қаторда, Фарғонанинг чўл ва дашт ҳудудларида кўчманчи чорвадор аҳоли ҳам яшаган. Манбалар бу кўчманчиларнинг от устида туриб камон отишга жуда моҳир эканликлари ҳақида эслатиб ўтади.

Милoddан аввалги II-I асрларда Ўрта Осиё ҳудудидаги яна бир мустақил давлат Тоҳаристон (хитойча Дака) эди. Тоҳар қабилалари Юнон-Бақтрия ҳукмдорлигини тугатгандан сўнг уни шундай номлашди. Тоҳаристон ҳудудида Амударёнинг чап қирғоғидаги бутун қадимги Бақтрия, ўнг қирғоғидаги ерлардан то Ҳисор тоғ тизмасигача бўлган жойлар (яъни ҳозирги Сурхондарё вилояти ва жанубий Тожикистон) кирган. Тоҳарлар хуннларга қарши курашаётган хитойларга ёрдам беришдан бош тортган. Тоҳарлар қисман кўчманчи бўлиб қолаверишган. Уларда ягона давлат бўлмаганидек, олий ҳукмдор ҳам йўқ эди, ҳар бир шаҳар ўз ҳокими томонидан бошқарилган.

Бу ерда ҳам патриархал-қулдорлик жамияти ривожлана борди, бироқ аёл кишининг мавқеи баланд эди. Тоҳарларда матриархат ҳаммадан узоқроқ сақланиб қолди. Бақтрия ҳудудида аҳоли ўтроқ ҳаёт кечиришган, уларнинг ўз уйлари бўлган, шаҳарлар барпо этишган, савдо-сотикда моҳир бўлишган. Пойтахти Ланьши (хитойча)нинг гавжум бозори бўлган. Бу тарқоқ давлатларнинг сустиги марказлашган буюк ва кучли давлатнинг вужудга келишини тақозо этар эди.

Бу мавзуни якунлаб, айрим хулосаларни илгари суриш мумкин. Маънавият ривожланиши маълум қонуниятларга таянади. Бу қонуниятлардан бири шундан иборатки, инсониятнинг ўзаро муносабатлари жараёнида «ўзаро таъсир» ва «ўзаро бойитиш» мойил амал қилади. Ҳеч қачон шахс, инсон ўзгаларсиз яшай олмаганидек, халқ ҳам бошқа халқлар билан алоқа қилмасдан тараққий эта олмайди. Маънавият ана шу ўзаро муносабатлар ва «таъсирлар» асосида ривожланиб боради. Бу жараёнда бир томон иккинчисига ниманидир «беради» ва ниманидир «қабул» қилади. Шундай қилиб, маънавият ривожланишидаги «таъсир» ва «акс таъсир» қонунияти мавжуд бўлиб, у маънавиятнинг ривожланиб боришини таъминлашга хизмат қилади.

Адабиётлар

1. **Каримов И.** Истиқлол ва маънавият. Т., «Ўзбекистон», 1994.
2. **Каримов И.** Миллий истиқлол мафқураси — халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т., «Ўзбекистон», 2000.
3. Авеста. Избранные гимны. Душанбе. «Адиб», 1990.
4. **Фирдавсий Абулқосим.** Шоҳнома. 1,2,3- китоблар. Т., Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975-1977.
5. **Гафуров Б.Г.** Таджики. Книга первая. Душанбе. «Ирфон», 1989.
6. **Тронский И.М.** История античной литературы. М., Высшая школа, 1983.
7. **Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И.** История искусства Узбекистана. М., 1965.
8. Ўзбекистон халқлари тарихи. 1-жилд. А.Асқаров таҳрири остида. Т., «Фан», 1992.
9. Ўзбекистон тарихи. 1 қисм. Т., «Университет», 1997.
10. **Отамуратов С.** ва б. Маънавият асослари. Т., 2000.
11. **Камар Амон.** Спитамен. Историческая повесть из IV века до нашей эры. Самарканд «Согдиёна» 1993.

ҚАДИМГИ МАРКАЗИЙ ОСИЁДА МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ

1. Кушон даври маънавий маданияти (I-IV асрлар)

Кушон подшоҳлиги массагет қабилаларига кирган тоҳар уруғларидан бирининг номи билан аталган. Хитой йилномаларида хабар берилишича, массагетлар (юечжи) бешта ҳокимлик хонадонига бўлинган: Хюми, Шуанми, Гуйшуан (ёки Кушон), Хисе ва Думи (хитойча номлар). Бу хонадонларнинг вакиллари шаҳарларни бошқаришган. Милоднинг I асрида бу хонадонлар вакилларида бири бўлган Киоцзюкю Гуйшуан (Кушон) мамлакати номи билан ҳукмдорлик ишларини юритган. Бошқа манбаларда бу подшоҳнинг номи Кадфиз Куджулла бўлган. Унинг ҳукмдорлик санасини аниқ айтиш қийин: буни I аср бошларидан 238 йилгача деб ҳисоблашади.

Кушон подшоҳлиги — сиёсий тушунча (географик номи — Бақтрия). Кушон даври Марказий Осиё халқларининг моддий ва маънавий маданиятида жиддий ўзгаришлар бўлганлиги билан изоҳланади. Буюк Кушонлар салтанатининг тақдири, маънавияти нуқтаи назаридан аянчли тугади, яъни ўз даврида унинг тарихи ва маданияти деярли ёзилмади. У ҳақда қадимги маълумотлар жуда кам, ёзув (эпиграфик) ёдгорликлар ҳам унчалик кўп эмас. Бу мамлакат тарихи ҳақидаги мавжуд тасаввуримизга қўшиб, шуни айтиш керакки, милоддан аввалги 140 йиллар атрофида Юнон-Бақтрия давлати ўз ерларининг бир қисмини қўлдан бой беради, уни Сирдарё ортидан келган саклар, сўнгра тоҳарлар эгаллайди. Кушон империясининг энг кўтаринки ва ҳарбий-сиёсий қудратли пайти Кадфиз I Кужулланинг ўғли Кадфиз II Вима ва набираси Канишка ҳукмдорлиги замонида тўғри келади.

Кадфиз I Кужулла давлатни бирлаштириш сиёсатини олиб борган. У Қобул, Кашмир, Қанқа подшоҳлиги (Хоразм, Сугдиёна, Чоч)ни ўзига бўйсундирди. Юнон-Бақтрия подшоҳларидан бири — (Гермея)нинг тасвири туширилган, юнон ёзуви битилган тангаларни зарб этган. Унинг вориси Кадфиз II Вима (51—78 йиллар бош-

қарган) отасининг босқинчилик сиёсатини давом эттирган. У Ҳиндистонни Банорасгача забт этиб, бу мамлакатда Юнон-Бақтрия ҳукмронлигига барҳам берди. Бу даврда Кушон подшоҳлигининг сиёсий маркази Сугдиёна бўлиб қолади. Кадфиз II нинг тангаларида ҳам юнон ёзувлари битилган, бироқ уларда Шива маъбудаси тасвири берилган. Тахмин қилиш мумкинки, бу даврда Ўрта Осиёга Ҳиндистондан янги диний тушунчалар кириб келган.

Подшоҳ Канишканинг (милодий 78-йилдан бошлаб 23 йил давом этган) ҳукмронлиги даврида Кушон давлати Шарққа юришини кенгайтиради: Панжоб, Кашмир, Синд ва Уттар-Прадешни босиб олади, Ҳиндистондаги ўз мулкларини мустаҳкамлайди ва пойтахтини Пешовар шаҳрига кўчиради. Канишка даврида Кушон давлатининг ҳудуди Шимолий Ҳиндистон билан чегаралангани йўқ: у Афғонистоннинг қарийб ҳаммасини, Ўрта Осиёнинг кўп вилоятларини ва Шарқий Туркистонни ўзига бирлаштирган эди. Аҳтимол Фарғона ҳам унинг гуллаган даврида унга бўйсунган ёхуд унинг таъсири остида эди; Сирдарё оқимининг ўртасидаги туманлар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Бу борада Хоразм ҳақида бир нарса деб бўлмайди.

Шарқий Туркистон маълум вақт давомида Кушон давлатининг таркибида эди. Аввал кушонлар ва хан Хитойи дўстлик муносабатида эдилар. Аммо кейин, қулай фурсатни топиб, хан саройи хоинлик йўлига ўтди: кушонлик элчиларни ҳибсга олди. Бу қатор жангларга олиб келди. Натижада милодий II асрнинг бошига келиб кушон ҳукмдори Сулэ (Қашғар) вилоятининг бошига ўз мансабдорини қўйди. Буларнинг бари шунини кўрсатадики, Канишка ўз давлатининг ҳудудини кенгайтирибгина қолмай, катта ва кучли бўлган қўшни давлатларга ҳам зарбалар берар эди. Кушон унинг даврига келиб жаҳоншумул улуғ давлатга айланади. Кушон тангалари маданиятнинг ўзига хос томонлари ёзув, тил, диний қарашлар ҳақида маълум хулосалар чиқариш имконини беради. Аммо, тангаларгагина таяниб Кушон маданияти қай даражада бўлганлиги ҳақида тўла маълумот топиш қийин.

Канишка даврида тангалар устида юнонча эмас, балки бақтра тилидаги ёзувлар зарб этилди, ҳолбуки авваллар юнон ёзувларининг кушонлик хили ҳам зарб этиларди. Канишка киритган бу янгиликнинг яшовчанлиги билинди: кушон тангаларида бундай ёзувлар ке-

йинги вақтларда ҳам зарб этиладиган бўлди. Санъат ёдгорликлари Кушон маданияти ҳақида кўпроқ маълумот беради.

Санъат ёдгорликлари археологик тадқиқотларда дастлаб Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбида кўплаб очилди ва бу туркум санъат ёдгорликлари «Қандаҳор ҳайкалчилик мактаби» деб номланди. Бу ҳудуддан жуда кўплаб санъат асарлари топилган. Уларда буддийлик худолари, монархлар тасвирланган. Ундан сўнг кушон даврига оид буддийлик манзилгоҳлари Ходда ва Шатарака (Афғонистон), Бутқара (Покистон)дан юзлаб ҳайкаллар топилиб, илмда кушон маданияти ҳақидаги тасаввурлар анча кенгайди.

Марказий Осиёнинг жануби ва Шимолий Афғонистондаги археологик тадқиқотлар Юнон-Бақтрия ва Кушон-Бақтрия маданияти гуллаб яшнаганидан далолат беради. Дастлабки ёдгорликлар Айритом ва Кўҳна Термизда XX асрнинг 30-йилларида очилиб, 60-йилларида давом эттирилди. Кейинчалик Кўҳна Термиз яқинидаги Қоратепа буддийлик ибодатхонаси, Файзтепа, Холчаён ва Далварзин кўҳна шаҳарлари очилиб, ниҳоят даражада юксак бўлган кушон маданияти бутун дунёга машҳур бўлди.

Кушонларнинг босқинчилик фаолияти хитой-кушон урушига олиб келди. Канишканинг хитой маликасига муваффақиятсиз унаштирилиши бунга сабаб бўлди. Бу унаштиришда, афтидан, сиёсий мақсадлар кўзланган. Хитой қўшинлари кушонлар чегарасига яқинлаштирилди. Канишка Шарқий Туркистон ҳудудига 60 минг кишилик қўшинини жўнатади, бироқ у мағлубиятга учрайди. Натижада Хитой Шарқий Туркистон воҳаларини: Фарғона ва Қанқани ўзига бўйсундиради. Бироқ Канишка ўз ҳукмдорлигининг охирида шаҳар-давлатларнинг ҳокимлари билан махфий музокаралар олиб бориб, ўз мулкларини қайтариб олди. Ҳукмронлиги охирига келиб унинг давлати таркибига Хўтан, Қашқар ва Ёркенд ҳам қиради.

Канишка Рим билан алоқага киришган. Рим тарихчилари маълумотига кўра, 99-йили Кушон элчилари бу шаҳарга келишган. II аср ўрталарида бу алоқалар жонланади. Археологик қазилмалар натижасида топилган безаклар, тангалар — бунинг ёрқин ифодасидир.

Канишканинг ворислари Хувишка ва Васишка бу сиёсатни давом эттиришди ва Кушон маданиятини ҳиндлаштиришди. III асрда Улуғ Кушонлар империяси иқти-

содий кучсизланади ва ҳалокатга учрайди. Унинг асосий вилоятлари Сосонийлар сулоласи подшоҳлигига, қисман эса шимолдан ёпирилиб келган хионит, эфталит ва оқ хуннлар деб аталадиган ярим қўчманчи халқлар тасарруфига ўтди. Бу даврда Хоразм кушонлар таъсиридан батамом озод бўлди.

Кушон подшоҳлари даврида Ўрта Осиё халқлари ҳаётида бир қатор омиллар туфайли катта ўзгаришлар юз берди. Биринчидан, улкан марказлашган қулдорлик давлати ташкил топди. Тез-тез бўлиб турган ва узоқ давом этган урушлар ҳарбий асирлар оқимини кучайтирди. Иккинчидан, шаҳарлар қўпайиб, халқаро савдо алоқалари кенгайиб борди, қулдорлик тузуми ривожланди. Барча ишлаб чиқариш воситалари, қуллар, ер, сув қулдорларга тегишли бўлган. Қуллар эса ҳеч нарсага эга бўлмаган, уларни сотиб олиш, сотиб юбориш, ўлдириш мумкин, қул — буюм ҳисобланган.

Ижтимоий тузумдаги ўзгаришлар қишлоқ ҳаётида ҳам ўз аксини топди. Илгариги даврларга хос бўлган мустаҳкамланган жамоа яшаш жойлари ўрнида алоҳида қўрғонлардан иборат мустаҳкамланмаган қишлоқлар (Аёзқалъа каби) пайдо бўла бошлади. Шаҳарлар марказида қалъа-арк ва жамоа уйлари, шунингдек, ҳукмдорлар таянч қўрғонининг қолдиқлари ҳали сақланган. Қуллар оқимининг қўпайиши муносабати билан суғориш ишлари кенгайди, Кушон даврида йирик каналлар чиқарилди. Шаҳарлар ва ҳунармандчиликнинг ривожланиши туфайли халқаро савдо-сотиқ анча кенгайиб борди.

Хоразмда олиб борилган қазиишмалар чоғида бир қатор шаҳар ва қалъалар Кушон даврига оидлиги маълум бўлди. Улар орасида Амударё ўнг соҳилидаги Бозорқалъа, Қорақум ичкарисидagi Говурқалъа, шунингдек, Аёзқалъани кўрсатиш мумкин. Суғдиёна ҳудудида кушон қатламлари Самарқанд яқинидаги Тали Барзу ва Китоб туманида, сўнгра Қарши станцияси яқинида (Заҳаки морон қалъаси), Косон атрофида (Ёрқўрғон харобалари) топилган.

Тоҳаристон ҳудудида (Термиз қазиишмалари) Кушон даври гуллаб-яшнагани ва буддавийлик маданияти изларини кўрсатди. Бу даврга оид ажойиб ҳайкалчалар Термиз яқинидаги Айритомдан топилди. Шундай қилиб, Кушон подшоҳлиги даврида маънавий маданият соҳасида силжишларни юзага келтирадиган катта омиллар яратилди.

Археологик қазишмалар шундан далолат берадики, бу даврда Ўрта Осиёнинг деярли барча вилоятларидаги ерлар қишлоқ хўжалиги экинлари экилишига мувофиқлаштирилган. Текисликларда, кўпинча суғориладиган зироатчилик, шунингдек, чорвачилик ривожланди. Хоразм вилоятида, Зарафшон водийсида ва бошқа вилоятларда ариқ ва каналлар қазиш кенг кўламда олиб борилди. Кушон давридаги эски каналлар Вахш водийсида ва бошқа текисликларда қазилганлиги аниқланган. Кушон даврида кўп манзилгоҳлар тоғлардаги булоқлар суви билан таъминланган. Шу билан бирга тоғли ва тоғ олди туманларида лалмикорлик деҳқончилиги ҳам ривожланди.

Бу даврда ўртаосиёлик зироатчилар қишлоқ хўжалигининг деярли барча маҳсулотларини — дон, пахта, лавлаги, зиғир, каноп ва бошқа экинларни, боғдорчилик, чорвачиликка керакли ем-хашак етиштирганлар. Халқнинг авлоддан авлодга ўтиб келган уруғчилик ишлари натижасида юқори ҳосилли ва маҳаллий об-ҳаво шароитига мувофиқ, сифатли мевали дарахтлар нави-ни ишлаб чиқишга муваффақ бўлишди. Қўшни халқлар Ўрта Осиёдан мевали дарахтлар кўп навларини олиб кетардилар.

Тоғлар билан ўраб олинган текисликларда, жумладан, Фарғона вилоятида, аҳолининг ярим кўчманчилик турмуш тарзи билан боғлиқ бўлган яйлов чорвачилиги ривожланди. Чорва молларининг яхши зотлари, жумладан, фарғона отлари, қўшниларининг ҳасадларини илгаригича уйғотар ва Фарғонадан ташқарига кўплаб олиб кетиларди.

Археологик қазишмалар вақтида иншоотларнинг қуйидаги турлари аниқланди: 1) сарой қурилишлари, 2) ибодатхона бинолари, 3) яшайдиган масканлар, 4) ишлаб чиқариш бинолари, 5) нарсалар сақланадиган бинолар, 6) ҳарбий истеҳкомлар, 7) суғориш иншоотлари ва ҳоказо. Жамоат бинолари кўпинча ҳашаматли қилиб бунёд этилган. Сарой ва қасрлар ҳажми катта, баланд саҳнларда кўтарилиб, мустаҳкам ўраб олинарди. Катта колоннали заллар, меҳмонхоналарнинг устунлари ҳажмли пластик ижодкорлик санъати билан, девор ва деразалари нақшлар билан безатиладди. Деворлари жуда ҳашаматли эди.

Айритом қўҳна шахридан топилган уйларнинг пештоқига ишланган тош тасвирлар ўтган асрнинг 30—40 йилларидаёқ маълум эди. Бу пештоқларда гулларга бур-

канган, мусиқа асбоблари чалиб турган қизлар ва дўмбира чалиб турган болаларнинг тасвири туширилган. Қазиишмалар натижасида ибодатхона ва иншоотларнинг меъморий жиҳатдан ниҳоятда моҳирлик билан барпо этилганини кўрамиз. Сурхондарё вилоятидаги Денов тумани пахта далаларининг бирида қачонлардир йирик шаҳар бўлган Холчаён ёдгорлигининг қолдиқлари сақланиб қолган. Шаҳарнинг пайдо бўлиши милоддан аввалги I минг йилликнинг ўрталарига тўғри келади. Ривожланиш жараёни Кушон даврига тўғри келиб, бу давлат инқирозга юз тутиши билан шаҳар ҳам емирила бошлайди. Қазиб очилган бино ичида I асрда қурилган, унчалик катта бўлмаган сарой алоҳида қизиқиш уйғотади. Саройда деворий расмлар яхши сақланиб қолмаган. Инсоннинг юзи ва тўлиқ сақланмаган қомати, гуллар тасвири бор холос. Лекин саройда бадиий маданият намуналари кўплаб топилган. Ҳайкаллар лойдан ишланиб, устки қисми бўялган. Ҳайкаллардан энг каттаси 2 метрга яқин бўлиб, ўнлаб кичик Ҳайкаллар ҳам топилган. Бу санъат асарларида подшоҳ Герай авлодлари тасвирланган. Марказда тахтларда ўтирган подшоҳ ва унинг хотини, уларнинг ўнг ва чап томонларида подшоҳ оиласи аъзолари, хотинлар ва эркаклар, шунингдек маҳаллий зодагонлар ва Геракл ҳамда Афина Ҳайкаллари жойлашган.

Термиз-Душанба катта йўлининг ўнг томонида кенг майдон бўлиб, у ерда табиат ва вақт таъсирида емирилиб тепаликка айланган қўрғон мавжудлиги аниқланган. Шаҳарнинг мустаҳкам деворлари, ҳоким саройининг харобалари, иморатлар қолдиқлари йирик Кушон шаҳри ёдгорликлари ҳисобланади. Бу кўҳна Далварзин шаҳри ўрни. У Кушон давлатининг дастлабки пойтахти бўлган, деган фикрлар ҳам мавжуд.

1972 йилги қазиишмалар пайтида бу ердан умумий оғирлиги 30 кг. дан ортиқ тилла буюмлар хазинаси топилган. Бу хазинада ҳаммаси бўлиб 115 та билагузук, ҳалқалар, тўғалар, бўйин тақинчоқлари, олтин қуймалар бор эди.

Кўҳна Далварзин шаҳридан унча узоқ бўлмаган жойдан жуда қизиқ ва ўзига хос қабр топилди. Бу қабрдаги кўмиш анъаналари буддийлардан фарқ қилган ҳолда, баъзи ҳолларда Марказий Осиё анъаналарига ҳам ўхшамайди. Сағаналарда уч хилдаги дафн мавжуд бўлиб, улардан охиригиси милоддан аввалги III-I асрлардаги зардуштийларнинг дафн анъаналарига

тўғри келади. Далварзин сағанаси қабрлари ўзига хос гўзаллиги билан, дафн маросими иншоотининг барча меъморлик ўхшашликлари билан зардуштийлик дафн маросимларига мўлжалланган бўлиб, «зардуштийлик дунёси» майдонидаги энг қадимги дафн этиш жойидир. Далварзин даҳмаси ноёб меъморлик иншооти гумбаз шаклидаги ҳужра, нафис терилган пештоқли кириш жойи билан Кушон даври Шимолий Бақтрия меъморчилиқ санъатини акс эттирувчи иншоот ҳисобланади.

Кушон даври маънавий маданияти намуналаридан яна бири қадимги Хоразм ҳудудидаги Тупроққалъа шаҳридир. Милоднинг III-IV асрларига оид бу шаҳарни кушонлардан алоҳида бўла бошлаган дастлабки Хоразм ҳокимларидан бири қурдирган. Қазилмалар натижасида турли деворий суратлар ва ҳайкаллар билан безатилган тантанали заллар ва бой хонадон уйлари очилди. Тупроққалъа топилмалари, Марказий Осиёнинг чекка вилоятлари ҳунармандлари ҳам кушон санъати ва маданиятини маҳаллийлаштириб олганликларини ва бу маданиятдан саройлар, ибодатхоналар, уйлар қуришда кенг фойдаланганликларини кўрсатади.

Ибодатхоналарнинг айримлари унча катта эмас эди. Масалан, Айритомдаги буддийлик ибодатхонасининг марказий қисми анча кичик эди. Аммо унинг текис сатҳи ҳам мармар тошли ярим ҳайкалсимон нақшлар билан бўрттириб ишланган эди.

Яшайдиган масканлар ҳамма вақт юксак сифати билан ажралиб турмас эди. Кўпинча булар унча катта бўлмаган, пухта ишланмаган хоналар бўлиб, деворлари сомонли лой билан шувалган эди. Шу билан бирга, деворлари алебастр билан шувалган кенг бинолар ҳам мавжуд эди. Эҳтимол, яшаш масканларининг хусусияти ва режалаштирилиши маҳаллий анъаналарнинг ва жамият ижтимоий-мулкчилик табақаланишининг ифодасидир. Ўртаосиёлик ҳарбий истеҳкомлар қуриш муҳандислари ҳам катта муваффақиятларга эришдилар. Салобатли қалъаларнинг деворлари, мустаҳкам миноралари, шинак туйнукчалари — буларнинг ҳаммаси ўша даврнинг илғор ҳарбий истеҳкомсозлигидан далолат беради. Қурилишларда турли хил бинокорлик материаллари ишлатилар эди. Деворлар асосан пахсадан ва хом гиштдан кўтарилган. Баъзан, айниқса тоғларда, девор кўтариш материали сифатида тош-плиталардан фойдаланилган. Пишиқ гишт кам ишлатилган. Устунларнинг

танасини кутариш ва бинонинг устини ёпишда чўп ва керамик сополлар ишлатилган.

Ҳунармандчилик асосида ишлаб чиқариш, жумладан кулолчилик, катта шаҳарлар билан бир қаторда, ўртароқ манзилгоҳларда ҳам ривожланган. Рангли металллардан қуйилган уй-рўзгор анжомлари ва безаклар деярли ҳамма жойда ишлаб чиқилган. Олтин, қумуш ва бронзадан ясалган идишлар, шамдонлар, мойчироқлар, ойналар, билагузуклар, зираклар, ҳалқалар ва қўн бошқа нарсалар аҳолининг кундалик эҳтиёжи учун фойдаланилган. Шишадан ишлаб чиқарилган буюмлар ҳам хилма-хил бўлган.

Ҳарбий қурооллар ишлаб чиқарувчи устахоналарнинг маҳсулотлари ҳам хилма-хил бўлган. Узоқ масофа жангининг қуроли — камон бу даврда анча такомиллашди. Камоннинг мураккаб таркибли, беш қисмли шаклга эга бўлган, суяк ёки шох пластинкалар ёпиштирилган алоҳида тури ишлаб чиқарилди. Камоннинг бу хили Ўрта Осиёдан сарматларга бориб етди ва кейин ғарб томон Шотландиягача, жанубда — Эрон ва Ҳиндистонгача, шарқда — Хитойгача тарқалди. Аскарлар ханжар, қилич, найза, жанг болтаси ва палахмонлар билан қуроолланган.

Кушонлар замонида товар ишлаб чиқариш ва айирбошлаш ривожланиб, аҳолининг кундалик ҳаётига пул муомаласи кириб келди. Ички савдо билан бирга ташқи савдо ҳам кенг ривожланди. Савдо алоқалари қуйидагича ривожланди: «ипак йўли» шарқда — Хитой, жанубда — Ҳиндистон, ғарбда — Эрон орқали Сурия ва Рим, шимолда — Хоразм ва аланлар мамлакати орқали Шарқий Европа билан олиб борилди. Яна бир йўл — Сибирь «олтин йўли» мавжуд эди.

2. Кушонлар даврида Ўрта Осиёдаги тиллар ва динлар

Кушонлар даврида Ўрта Осиё халқларининг маънавий маданиятида муҳим ўзгаришлар юз берди. Бу мураккаб ва қўп жиҳатдан бир-бирига зид, аммо мамлакат ривожига таъсир этувчи воқеликлар даври бўлди. Савдо-сотик гуркиради, мустамлакачилик фаолияти кучайди. Буларнинг ҳар иккаласи ҳам саводхонлик ва ёзувнинг тарқалишини тезлаштирди. Тиллар орасида Помирдан Парфиягача сўзлашилган ва тушунилган форсий ва скиф туркларининг маҳаллий лаҳжаларини кўрса-

тиш мумкин. Оромий ва юнон тили ҳам мавжуд эди. Оромий ёзуви асосида суғд ва хоразмий ёзуви ривожланди.

Милодий 312—313 йилларда Дунхуан(Шарқий Туркистон)дан ёзилган «эски суғдий хатлар» фақат муҳим тарихий ҳужжатлар эмас, балки мактуб услубида ёзилган дostonнинг намунасидир. Бу хатларда инсон ҳаётидиги ҳақиқий воқеалар табиий тарзда ифода этилган. Хунларнинг тазйиқи, суғдийлар манзилгоҳидаги ҳаяжонли кунлар, ваҳима, нафрат ва муҳаббат — бу ҳужжатларда инсон ҳиссиёти ва кечинмаларининг барча мажмуи ҳеч қандай адабий пардозсиз акс этирилган. Ёш суғдий қизи Меванчанинг ўз онасига, Самарқандга юборган хати қайғу ва алам билан ёзилган. Унинг ҳомийси Нанидат, қизнинг розилигисиз уни хотинликка олмоқчи бўлганлиги учун, қиз котибга қуйидагича ёздиради: «Нанидатга хотин бўлишдан, ит ёки чўчкага хотин бўлишим яхшироқ». Анча вақт ўтгандан кейин Меванча онасига яна ёзади. Бу мактубида у нафақат Нанидатнинг хотини бўлганлигини, балки эри ҳақида ўз муҳаббати ва ҳурматини изҳор этади.

Бу ёзишма Ўрта Осиё халқларининг оилавий ҳаёти, юқори маданий савияси, аёлларининг саводхонлиги ва мустақиллиги ҳақида тасаввур беради. У, шунингдек, суғд ёзувини ўрганиш манбаи ҳам ҳисобланади. Сурх-Котал (Қундуз жануби)да топилган бир неча ёзув юнон алфавитининг кушон хилида бўлган. Ёзувлар эса илгари маълум бўлмаган шарқий эрон тилида битилган бўлиб, қурилиш масаласига бағишланган. Сурх-Котал ёзувларидан маълум бўлишича, аввалги сак тилида мавжуд атамалар кушон атамалари, жумлалар эса кушон гап қурилиши билан омухталашиб кетган. Тасаввур этиш мумкинки, кушонлар Бақтрия ҳудудида бақтрияликлар билан аралашган, уларнинг тилларига эрон ва ҳинд тилларининг шевалари кирган. Шундай қилиб, суғдий, парфян ва хоразмий тиллардан кейин фанга бақтрия тили ҳам маълум бўлди. Бир неча ёзув тизимлари мавжудлиги Кушон давлатининг юксак маданиятга эга бўлгани ва хилма-хил халқлардан ташкил топганини кўрсатади.

Кушонлар даврида халқлар ўртасидаги диний эътиқодлар мураккаблик билан бирмунча фарқ қилган. Ўрта Осиё аҳолисининг асосий қисми, аввалгидек, зардуштийликка сиғинган. Ҳақиқатан, суғдийларнинг «қадим суғдий ёзувлари»да учрайдиган (20 дан ортиқ) шахсий

номларидан маълум бўладики, улар асосан зардуштийликка амал қилган. Айни пайтда «суғдий» зороастризм маълум хусусиятга эга эди. Суғдийлар дахмасидаги худолар қаторида олий жойлардан бирини илоҳа Нанаи эгаллар эди. Бу илоҳа аслида Месопотамиядан келиб чиққан бўлиб, Шумер замонида ҳам маълум эди. Кейин у Оссурияга, кейинчалик Эронга, римликлар ҳукмронлиги даврида Миср ва Юнонистондан шарққа — Парфия ва Суғдиёнага тарқалган. Эҳтимол, Ўрта Осиёда Нанаини улуғлаш ва Анахитага сифиниш бир-бири билан яқинлашиб кетган.

Кушон тангалари устидаги худолар тасвирини таҳлил этиб, Бақтрия зороастризм ҳақида ҳам маълум тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Тангалардаги ўзига хос, бақтриялик ёзувларда Оромоздо — Ахурамазда, Михро — Митра, Мао — Маха (ой худоси), Фарро — Фарна (тўқлик ва шоҳлик бахти, тақдир худоси), Орлагно — Вэрэтрагна (ғалаба худоси), Нана — Нанаи (ҳосил худоси) ва бошқа маъбудларнинг номлари зарб этилган. Маҳаллий, ўзига хос бақтриялик ифодалар ҳам учрайди. Масалан, Охшо, ёки Оахшо. Бу сўз қадимий форс тилидаги «вахшу» бўлиб, «айтилган сўз» демакдир. Қадимий ҳинд манбаларида эса «вахшу» Амударёнинг ифодаси бўлган. Юнонлар эса бу сўзни Оксус (Окс) деган талаффуз билан ишлатганлар.

Зороастризм билан бир қаторда бошқа динлар ҳам тарқаладилар. Маълумки Кушонлар давридаги Ўрта Осиёда буддийлик ҳам тарқалган эди. Канишка ҳам буддийликка сифинган ва бу динга ҳамиша жонкуярлик қилган. У жуда кўп буддийлик ибодатхоналари қурдирган. Буддийлик Ўрта Осиёга милодий I асрда Афғонистон орқали кириб келди.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ҳам қатор буддийлик ибодатхоналари бўлганлиги маълум. Христианлик Ўрта Осиёга II-III асрларда кириб келди. Беруний Марвга христианликни бир кашиш (поп) бу диннинг келиб чиққанидан 200 йил кейин олиб келганлиги ҳақида маълумот беради. Кушон замони — Ўрта Осиё қадимий санъатининг энг юксалган даври. Бу даврда рассомлик, ҳайкалтарошлик, бўртма нақш чиқариш санъатлари, заргарлик ишлаб чиқариши ва бошқалар ривожлангани маълум. Ўрта Осиё санъати ёдгорликлари узоқ ўлкаларга тарқалган бўлиб, улар Шарқ бадий маданиятининг муҳим жиҳатларини янгича талқин этиш ва тушуниш имконини беради.

3. Эфталитлар даври маданияти (V-VI асрлар)

Кушон подшоҳлиги парчаланишидан кейин икки сиёсий марказ ташкил топди — биринчиси Ҳиндистондаги Пешоварда, иккинчиси Сугдиёнада. V аср ўрталарида эса Ўрта Осиё ҳудудида янги қудратли давлат — Кушонлар подшоҳлиги вориси ва давомчиси бўлган Эфталитлар подшоҳлиги шаклланди. Хитой йилномалари ва тарихчи олимлар маълумотларига қараганда, эфталитлар ўз номини подшоҳларидан бири бўлган Вахшунвор Эфтолон номи билан аташган. Айрим тарихчилар эса эфталитлар номи массагетларнинг еттинчи қабиласи номидан олинган деб ҳисоблайдилар. Афтидан, эфталитларнинг кушонлардан, хионитлардан фарқланиши этник эмас, фақат сулолавий бўлган. Манбаларда хабар берилишича, 457 йилдан бошлаб эфталит подшоҳи Вахшунвор Тоҳаристон, Бадахшон ва Чағаниённи ўзига бўйсундирган. Шу йиллар Эфталит ва Эрон давлатлари ўртасида уч маротаба уруш бўлиб, унда эфталитлар қўли устун келади, Эрон подшоҳи Перуз ҳалок бўлади. Эфталитлар Марв, Қобул водийси ва Панжобни эгаллашади. Сўнгра улар Карашар, Кучу, Кошғар ва Хутанни забт этишади. Шундай қилиб, эфталитлар Ўрта Осиё Эроннинг Шарқий қисми ҳамда Шимолий Ҳиндистон ва Шарқий Туркистон халқларини ягона давлатга бирлаштирдилар. Эфталитларнинг сиёсий маркази Пойканд ёки Балх бўлгани тахмин қилинади. Уларнинг ҳукмронлиги даврида қулдорлик тузуми емирила бошлаган. Босқинчилик юришлари жамият ишлаб чиқариш кучларини инқирозга олиб келди, суғориладиган майдонлар қисқарди, шаҳарлар сони камайди, хунармандчилик турғунликка юз тутди.

Бу даврда эски шаҳарларнинг инқирозга юз тутиши ва қўрғон, қалъаларнинг мустаҳкамланиши кузатилади. Бундан ташқари, янгича типдаги шаҳарлар — шаҳар қалъалар юзага келади. Хоразмдаги Берқутқалъа ва Тошкентдаги Оқтепа (Юнусобод) шулар жумласидан. Бу хил шаҳар-қалъалар феодализм даври учун хос. Бу жамиятда меҳнат қуроли, ер деҳқоннинг тўлиқ мулки бўлган, ишлатадиган одами эса тўлиқ мулки бўлмаган. Эфталитлар халқаро тижорат соҳасида Эрон, Византия, Ҳиндистон, Хитой билан кенг алоқада бўлишган. Ипак, шиша, рангли ойна, дориворлар, қимматбаҳо тош ва бўёқлар билан савдо қилишган.

4. Турк хоқонлиги (VI—VII асрлар)

VI аср ўрталарига келиб Марказий Осиёда йирик кўчманчилар давлати — Турк хоқонлиги таркиб топди. «Турк» атамаси дастлаб этник мазмунни англатмай, бир неча қabila ва халқлар бирлашувини ифодаловчи сиёсий атама саналган. Манбалардан маълумки, милoddан аввалги VIII-V асрлардаёқ Олтойда кўп сонли қабилалар, Сибирь, Осиёнинг кўплаб халқлари ажодлари яшаган. Олтой ўлкаси орқали угрофин, турк, мўғул қабилалари — қипчоқлар, хуннлар, ёкут, қирғиз ва бошқа халқлар ўтган. VI асрда кенг ҳудудда оз сонли, турли этник гуруҳдаги олтой-кижи ва тил ҳамда маданият жиҳатидан уларга яқин бўлган телелар, теленгит, тубалар, челканс, тардушлар яшаган. Улар туркий тилнинг шарқий тармоғидаги турли шеваларда сўзлашган. VI асрнинг иккинчи ярмида Олтойдаги бу туркий халқлар Еттисув ва Марказий Осиё халқлари билан Турк хоқонлигига бирлашди. Хоқонликни Илхон Бумин бошқарган. Хоқонлик маркази Олтой эди.

VI асрнинг 60—70-йилларига келиб Турк хоқонлиги айна куч-қудратга эга бўлди. Бу давлат таркибига Шарқий Туркистон, Шимолий Ҳиндистон ва Каспий денгизигача бўлган Ўрта Осиё ҳудуди кирар эди. Турк хоқонлиги 563—567 йилларда эфталитларни тор-мор қилгандан сўнг Ўрта Осиё халқларининг сиёсий жиҳатдан бирлашуви тўхтади. Лекин хоқонлик аҳолиси Ўрта Осиёни ўзига бўйсундирса ҳам, ўзи даштда қолди. Амударё бўйида турклар эфталитлар империясини эгаллаш ниятида юрган Хусрав Ануширвон бошчилигидаги Эрон қўшинларига дуч келди. Эрон билан савдо-сотиқ алоқаларини боғлай олмагандан сўнг турклар Византия билан бу борада боғланиш учун 568—569 йиллар ўз элчиларини Истамбулга юборишди. Улар Каспий денгизининг шимоли ва Кавказ орқали ўтиши керак эди.

VI аср 70-йилларида Византия ва Эрон ўртасида уруш бошланди. Турк хоқонлиги бу пайтда кучайиб бир неча бор Хитойга юриш қилди ва хитойликларни кунига 1000 бўлак ипак миқдорида ўлпон тўлашга мажбур этди. Аммо, оз фурсат ўтмай Хитойда юксалиш бошланди, туркларнинг аҳоли эса оғирлашди. VI аср 80-йилларида хоқонлик кулади ва шарқий ҳамда ғарбий қисмга бўлиниб кетди.

VII аср бошларида ғарбий хоқонлик яна юксала

бошлади. Унинг чегараси эфталитлар давридаги каби Ҳинд дарёси қирғоқларигача эди. Шаҳарларнинг кўпайиши Хитой, Эрон билан савдо-сотиқни жонлантirdи. Карвонлар Марв орқали Чоржўй, Бухоро, Самарқанд, Чоч, Исфижоб, Талас, Сиёб ва сўнг Шарқий Туркистон воҳасига ўтишган. Хитойликлар VII асрнинг 30=йилларида яна туркийларни мағлубиятга учратди ва хоқонлик 30-йил давомида хитойликларга маълум даражада қарам бўлиб қолди. VII аср охирида Ўрта Осиёда хоқонликни тиклаш учун яна бир уриниш бўлди, бироқ бу вақтда ғарбдан араблар бостириб кирди. Улар узоқ уринишлардан сўнг Ўрта Осиёни бўйсундирди.

5. V—VII асрларда Ўрта Осиё маданияти

Ўрта Осиё халқларининг эфталитлар давридаги моддий ва маънавий маданияти ҳақида ёзма манбалар деярли йўқ. Эфталитлар тили ҳақидаги масала ҳам материаллар камлигидан илмий мунозараларга сабаб бўлиб келган. Эфталитлар давлатининг маҳаллий аҳолиси қадимий эрон тиллари туркумидаги муомала воситасида, асосан суғд тилида сўзлашган. Унинг Шарқий Туркистон ва Хитой деворигача бўлган воҳаларда ишлатилганлиги ҳақида у ерлардан топилган суғд ҳужжатлари гувоҳлик беради. Суғд ёзувлари ва унинг Бухоро вариантдан ташқари Хоразм ва кушон-эфталит курсив хатлари ҳам тарқалган. Эронга яқин вилоятларда паҳлавий (илк Ўрта аср форс) хати тарқалган. Хоразмий, эфталит ва бошқа ёзувлар ҳам қўлланган. Сосонийлар тангаси ва маҳаллий зарбдаги тангалар муомалада бўлган, эроний тангаларга тақлидан икки хил ёзув битилган. Бу тангалар, «Бухорхудотлар тангаси» номини олган. Бухорода зарб этилгани учун шундай номланади деб тахмин этилади. Бошқа, масалан, суғдий тангалар ҳам бўлган. Илк Хоразм даври ва эфталитлар тангалари ўртасида боғлиқлик бор. Эфталитлар даври халқ қўшиқлари ва эпослари Фирдавсий «Шоҳнома»сида тўлиқ тасвирланган. Диний эътиқодларнинг хилма-хиллиги давом этган. Зардуштийлик Эрондагидан фарқли равишда ўзгарган. Ўрта Осиё зароастризми маҳаллий маросимлар, масалан, Анаҳит, Сиёвуш, Митра(Михр)га эҳтиром кўрсатиш одати билан қўшилиб кетган. IV асрда Наврўз куни зардуштийлар эрта тонгда Бухородаги Сиёвуш қабрига қурбонлик қилишган.

Манихеизм, Маздак таълимоти (Эронда), буддизмнинг ёйилиши давом этди. Шаҳарларда насронийлар ва яҳудийларнинг диний ташкилотлари бўлган. Бу даврдаги моддий маданият ёдгорлиги сифатида Хоразм ҳудудидаги Тупроққалъа харобасини кўрсатиш мумкин. Энг ажойиб ёдгорликлардан бири V асрдаги эфталит шоҳлари саройи ҳисобланади. У Варахшада, аникроғи, Қизилқумда бўлган. Бу қўрғон улкан квадрат шаклдаги мустаҳкам тепа устига қурилган. Уй-жой биноларининг деворлари ганч шuvoқ килинган ва деворий расмлар билан безатилган. Саройда кенг бинолар мажмуи бўлган. Шулардан бири қабулхона бўлиб, деворлар қалинлиги 1,5 метр келади. Иш елим аралаштирилган бўёқли деворий расмлар билан безатилган. Сарой деворларига гул солиш санъати эронликлар, ҳиндларникига жуда ўхшаш. Демак, мазкур даврда эфталитлар бу халқлар билан кенг алоқада бўлишган.

Турк хоқонлигининг ҳукмронлиги даври Ўрта Осиёда феодал жамоа билан бирга қулдорлик муносабатлари кучайиши давом этаётган давр ҳисобланади. Ерга бўлган муносабатдаги чоракорларнинг пайдо бўлиши куртак очаётган феодал жамиятидаги асосий куч саналар эди.

VI—VII асрларда қишлоқ, қўрғон ва шаҳарларда мустаҳкам ўрнашиб олган заминдор задагонларнинг иқтисодий ва сиёсий ҳокимияти кучая бошлади. Бу даврда қонларда ва қисман ер ишларида қуллар меҳнатидан фойдаланилган. Хоразмда, асосан, Сугдиёнада савдогарлар катта мавқега эга бўлганлар. Кўчманчи турклар бу пайтда уруғ жамоачилигидан қулдорлик тузумига ўтиш даврида эди. Асосий аҳоли «будун» ёки «қорабудун», деб юритилган. Жамоани «хоқон» ва «қурултой» — аъёнлар кенгаши бошқарган. Патриархал оилаларга оила бошлиқлари — «кадхудолар» бошчилик қилган. Фарбий Турк хоқонлиги марказлашган давлат эмас эди. У ўнлаб туркий қабилалардан ташкил топган ва уларни алоҳида хонлар идора қилган.

Хитой солномаларида ёзилишича, Зарафшон, Қашқадарё ва Амударё бўйида мустақил тўққизта ҳокимлик (Самарқанд, Маймурғ, Кеш, Нахшаб, Иштихон, Кушон, Бухоро, Амул ва Андхўй) мавжуд бўлган экан. Барча шоҳлар кан сулоласидан чиққан, уларнинг энг каттаси Самарқанд ҳокими эди. Кан ҳокими маҳаллий сулоладан, массагетлардан бўлган. Сугдиёна шоҳи ва Чоч ҳамда Хоразм ҳокимлари маълум даражада ўз мустақилликларини сақлаб қолди.

Бу даврда ҳар бир ҳокимликда бир неча юздан тортиб бир неча минг сонли ўз қўшинлари бўлган. Қўшин тўплашда ҳам синфий табақаланиш мавжуд эди. Отлиқ аскарлар уруғ зодагонлари вакиллари танланиб ўқ-ёй, дубулга, қилич ва шамшир билан қуролланган. Пийда қўшинлар эса ёлланган аскар ва қўллардан иборат эди. Қадимий байрамлар, урф-одатлар ўша даврда ҳам сақланиб қолган. Масалан, Наврўзни нишонлаш албатта якка кураш маросими билан ўтган.

Бошқа халқлар билан қўшилиб кетмаган турклар мовий осмон руҳига сиғинишган. Улар марҳумни унинг ҳамма анжомлари, от-улови билан бирга чодирда ёндиришган, қабр устига марҳум қанча душманни ўлдирган бўлса, шунча тош териб қўйишар эди. Сугдиёна аҳолиси мусиқани жуда севар эди. Улар торли, зарбли ва пуфлаб чалинадиган мусиқа асбобларидан фойдаланишган.

Фарбий Турк хоқонлиги аҳолиси тил жиҳатидан эфталитларга яқин бўлиб, «ж»ловчи шевада гапиришган. VI асрда у «й»ловчи лаҳжага айланиб, давлат тили бўлиб қолди. VII асрда сугд ва хоразм ёзуви қўлланган. Сугд ёзуви 25 та белгидан иборат бўлиб, чапдан ўнгга қараб ёзилган. Уларнинг календарлари бўлиб, у Тожикистон тоғларидан топилган. Хитойда сугд тилида ёзилган диний адабиётлар топилгани ҳам маълум. Шунингдек, «Рустами дoston»дан парчалар сақланиб қолган. VII асрда Ўрта Осиёда саводхонлик кучли эди. 5 ёшга тўлган болалар ёзиш ва ҳисоб-китобга ўргатилиб, 20 ёшга тўлганда савдо-сотик билан шуғулланиш учун хорижга юборилган. Туркийлар бу даврда оташпараст бўлган. Ўрта Осиёда кўпчилик марҳумлар оташпарастлар урфи бўйича дафн этилган. Шунингдек, ҳудудда будда ва христиан дини ҳам ривожлана борди. Ушбу даврга оид манбалар кейингиларига нисбатан кам сақланиб қолган. Чунки маданий ёдгорликларнинг кўп қисми араблар томонидан вайрон қилинган.

Сугдиёна ва Уструшанада VI-VII асрларда деворга расм солиш ривожланди. Халчаён, Далварзинтепа, Фазтепа харобаларидан топилган нақшлар қадимги аъёналар билан боғлиқ эканлигини кўрсатди. Аммо Ўрта аср мусаввирлик услуби ўзгача эди. Хитой манбаларида таъкидланишича, Сугдиёна ибодатхоналарида, ҳатто, олтин ҳайкаллар бўлган. Умуман, ҳайкалтарошлик ҳам кенг ривож топган эди. Бу даврда, шунингдек, кулолчилик ҳам ўрин тутар эди. Турк хоқонлиги давридаги

моддий маданий ёдгорликлардан бири — тошдан ясалган ҳайкалчалар. Улар қўрғонга ёки марҳум қабрига қўйилар эди. Бу ҳайкалчалар қўлида коса, баъзан бирор қурол-яроғ ушлаб турган киши шаклида бўлган.

Ўрта Осиёда яшаган форсий ва туркий тилда гаплашувчи халқларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти араблар босиб олиши олдида шундай эди. Бу мавзунинг материаллари жамиятда амалга ошириладиган барча вазифалар моҳияти ва унда яшайдиган одамлар тафаккурининг ўзаро боғлиқлигини кўрсатади. Ана шу маънода маънавият жамият ҳаётини ўзгартиришнинг муҳим механизми ҳисобланади ва ҳар қандай давлат ўз мақсадлари ва манфаатларидан келиб чиққан ҳолда уни ривожлантиришга устуворлик билан қарайди.

Адабиётлар

1. **Каримов И.** Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., «Ўзбекистон», 1998.
2. **Фирдавсий Абулқосим.** Шохнома. 1,2,3- китоблар. Т., Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975—1977.
3. **Гафуров Б.Г.** Таджики. Книга первая. Душанбе. «Ирфон», 1989.
4. **Бершгам А.Н.** Из истории гуннов. «Советское востоковедение», т. I. М., -Л., 1940.
5. **Веселовский Н.И.** Заметки о стекольном производстве в Средней Азии. ЗВО, т. VIII, Спб., 1893.
6. **Толстов С.П.** По следам древнехорезмийской цивилизации. Изд. АН СССР, М.-Л., 1948.
7. **Фрейдман А.А.** Датированные согдийские документы с горы Муг в Таджикистане. Согдийский сборник. Л., 1936.
8. **Пугаченкова Г.А.** Искусство Бактрии эпохи Кушан. М., 1979.
9. **Ўзбекистон халқлари тарихи.** 1- жилд. Т., «Фан». 1992.
10. **Ўзбекистон тарихи.** 1-қисм. Т., «Университет», 1997

ЎРТА ОСИЁДА АРАБЛАР ИСТИЛОСИ ВА ИСЛОМ ДИНИНИНГ ТАРҚАЛИШИ

1. Марказий Осиёга араблар босқини

VII аср бошида Арабистон ярим оролида йирик Араб давлати ташкил топди. Бунгача Арабистонда турли халқлар тарқоқ ҳолда кўчманчилик билан кун кечирганлар, мавжуд ерларнинг бир қисмигина деҳқончилик учун яроқли бўлган ва у ерларда улар боғдорчилик, ҳунармандчилик, савдо билан шуғулланганлар. Бошланғич, қабилачилик жамоа тузумининг емирилиб бориши, мулкый тенгсизликнинг кучайиши ижтимоий зиддиятнинг авж олишига олиб келган. Ҳар бир қабиланинг ўз худоси, ибодатхонаси бор эди. Бу ҳам уларнинг маънавий тарқоқ бўлишига сабаб эди. Худди шундай шароитда ислом дини вужудга келган. У барча араб қабилаларини бирлаштиришга ундовчи мафкура бўлиб хизмат қилган.

Исломнинг вужудга келиши, мусулмон диний ақидаларининг шаклланиши Макка шаҳрида туғилиб ўсган **Муҳаммад (570—632)** пайғамбар номи билан боғлиқ. Муҳаммад пайғамбар 610 йилдан ўз диний тарғиботи-ни бошлаган. Қабиласи, жинси, ижтимоий мавқеи, иқтисодий аҳволдан қатъи назар, барча арабларни ягона худо — Оллоҳга сифиниш ва бўйсунушига тарғиб қилиб, ўзини пайғамбар деб эълон қилган.

Муҳаммад вафотидан сўнг унинг томонидан тузилган иттифоқ араб қабилаларини бирлаштирувчи янада катта марказга айланди. Мадинадаги бу иттифоқ бошида халифалар турар эди.

Халифалар — **Абу Бакр (632—634)**, **Умар (634—644)**, **Усмон (644—656)** ва **Али (656—661)** йил сайин гоя ва эътиқод сифатида ислом таълимотини мукамаллаштира бошладилар. Уларнинг ҳиммати билан Оллоҳ номидан Муҳаммад пайғамбар томонидан айтилган исломнинг асосий ақидалари, ахлоқий ва ҳуқуқий мезонлари Мадинада **114 сурадан** иборат Қуръони каримга киритилди. Халифа Усмон даврида — 650 йили **Қуръон оятлари** жамланиб, китоб ҳолига келтирилди. Бу мусулмонларнинг муқаддас китоби ҳисобланади. Қуръон-

дан сўнгги иккинчи муқаддас манба — ҳадис. У Муҳаммад пайғамбарнинг ҳаёти, фаолияти, айтган кўрсатмалари, қилган ишлари, суҳбатлари ҳақидаги турли маълумот ва ривоятлари тўпламидан иборат. Ҳадис Қуръондан сўнг қоғозга туширилган. Ҳадислар тўплами IX асрда ватандошимиз — **Имом Бухорий (809—870)** ва **Муслим** каби муҳаддислар томонидан амалга оширилган. Халифалар — Абу Бакр, Умар ва Усмон аввалига қўшни қабилаларни, сўнгра Ўрта денгиз ва Осиёдаги баъзи мамлакатларни фатҳ этдилар ва бирлаштирдилар.

VII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб араблар Ўрта Осиё ерлари, айниқса, Самарқанд, Бухорога ҳужум қила бошлаган. 704-йили Хуросон ноиблиги ва Ўрта Осиёни бўйсундириш Қутайба ибн Муслимга топширилади. Қутайба Ўрта Осиёда ўша даврда вужудга келган шароитдан усталик билан фойдаланиб, ҳам қурол, ҳам ҳийла-найранг, ҳам дипломатияни ишлатган ҳолда бирин-кетин феодал давлатлар ва шаҳарларни ўзига қаратиб боради. Маҳаллий ҳокимлар ва халқдан бир неча бор зарбаларга учрашига қарамай, изчиллик ва қатъийлик билан Ўрта Осиёни босиб олишни давом эттиради. 10—15 йил давомида у Хоразм, Фарғона, Шош, Уструшона, Самарқанд, Бухорони ўзига қаратади ва Кошғар чегарасигача етиб боради.

Арабларнинг босқинчилиги рақибларни ўлдириш, қаршилиқ кўрсатганларни қириб ташлаш, маданият бойликларини талон-торож қилиш, зўравонлик ўтказиш, ерли аҳолига катта солиқлар солиш кабилар билан узвий боғлиқ ҳолда олиб борилди. Шунинг учун бу ердаги халқларнинг араб босқинчилигига қарши ҳаракати узоқ вақт давом этди. **Ҳарис ибн Сурайж** (30=йиллар), **Абу Муслим** (40=йиллар), **Муқанна** (70—80=йиллар), **Ҳамза ал-Хариж** (VIII—IX асрлар), **Рафи ибн Лайс** (IX аср бошлари) кабилар бошчилигидаги мустақиллик учун олиб борилган ҳаракатлар шулар жумласидан. Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича, Қутайба ва бошқа араб ҳукмдорлари маҳаллий дин, санъат, адабиёт намояндаларини, олимларни ўлдирганлар, уларнинг асарларини, маданият бойликларини ёндириб, маҳаллий ёзувни, турли ҳужжатларни йўқ қилиб юборганлар.

Қутайба маҳаллий халқнинг диний эътиқоди билан боғлиқ ёдгорликларни йўқотишга ҳаракат қилган ва исломни халқ ўртасига олиб кириш, уни тарғиб

этиш йўлида барча имкониятларни ишга солган. Исломга кирганларни солиқлардан озод этган, уларга турли имтиёзлар яратган. Ислом дини савдогарлар ўртасида катта муваффақият қозонди, чунки араблар уларга савдогарчилик учун шарт-шароит яратиб беришди. Шундай бўлса-да, Бухоро савдогарлари — қаҳқашонлар жума намозига боришмаган ва зардўштийлик динига эътиқод қилишган. Бир вақт улар билан мусулмонлар ўртасида чинакам кураш бошланган. Наршахийнинг ёзишича, араблар аҳолини жума намозига жалб этиш учун икки дирҳамдан пул тарқатган пайтлар ҳам бўлган.

Араблар аҳолини моддий жиҳатдан рағбатлантирган, масжидлар қурдирган, хуллас, ҳарбий юришлари билан бирга, ғоявий-сиёсий ишларни ҳам олиб борган. Ерли халқни ҳар томонлама — ҳам иқтисодий, ҳам ғоявий-маънавий жиҳатдан Араб халифалигига қарам қилиш йўлида фаол ҳаракат олиб борган.

Араб босқинчилари VIII аср бошларида Ўрта Осиёга катта зиён келтирди. Бу даврда Ўрта Осиёдаги давлатлар феодал ривожланиш босқичига кириб, оғир ижтимоий-сиёсий инқирозни бошидан кечираётган эди. Ўрта Осиё ҳудудида бир қанча мустақил давлат пайдо бўлган эди. Улардан энг кучлиси Сугдиёна ва Хоразм эди. Шаҳар ва қишлоқлар вайрон этилди. Ўрта Осиёдаги давлатлар Араб халифалигининг феодал ҳокимлари тасарруфига тушиб қолишининг сабаби бор. Бу уларнинг тарқоқлиги ва тинқани қуритадиган феодал урушлари натижасидир. Ўрта Осиё халқлари босқинчиларга мардонавор қаршилиқ кўрсатишди. Шунинг учун Ўрта Осиёдаги давлатларнинг араб ҳарбий бошлиқлари томонидан тўла забт этилиши қарийб юз йилга чўзилди. Аммо бирдамликнинг йўқлиги ва ҳукмрон бошлиқларнинг сотқинлиги Ғарбда Пиреней ярим оролидан Шарқда Ҳимолай тоғларигача улкан ҳудудга эга бўлган Араб халифалигига Ўрта Осиёнинг киришига олиб келди.

2. Халифаликнинг кучсизланиши ва маҳаллий феодал давлатларининг вужудга келиши

Ислом халифалигининг асосини бўшаштирган улуксиз халқ ҳаракатлари унинг мавқеини кучсизлантириб, маҳаллий феодал зодагонларнинг давлат олий

ташкilotларида иштирок этиш имкониятини вужудга келтирди. Ерли зодагонлар Ўрта Осиё ва Хуросон вилоятларидаги маҳаллий ҳокимиятни аста-секин ўз қўлларига олибгина қолмай, марказий халифаликнинг бошқарувида ҳам катта мавқе тута бошладилар. Маҳаллий зодагонларни давлат бошқаруви ишларида иштирок этишга йўл қўйишга мажбур бўлган аббосий халифалари, айти пайтда, улар мавқеининг ошиб боришидан қўрқардилар. Шунинг учун **Халифа Ҳорун ар-Рашид (786—809)** маҳаллий зодагонларнинг намояндалари бўлган бармакийларни йўқ қилди. Аммо улар ўрнига ерли ҳокимият тепасига тоҳирийлар келдилар. Ҳирот вилоятидан бўлган тоҳирийлар, ар-Рашид ўлимидан кейин, халифаликни қўлга олиш учун курашаётган унинг катта ўғли Маъмунга ёрдамлашиб, 813 йили у тахтга келганидан кейин халифаликнинг кучли аъёнларига айландилар. **Маъмун ибн Ҳорун (813—833)** 818 йили халифалик тахтини Бағдодга кўчирди ва атрофидаги олиму фозиллар, ҳунармандларни ўзи билан янги марказга олиб кетди. 821 йили тоҳирийлар сулоласининг асосчиси Тоҳир ибн Ҳусайн Хуросон ва Мовароуннаҳр ноиби этиб тайинланади. Тоҳирийлар ўзларини халифаликка тобе деб эълон қилган бўлсалар-да, мустақил сиёсат олиб бордилар.

Ўзининг улкан ноиблигини мустақил давлатга айлантирмоқчи бўлган Тоҳир жума намози вақтида халифа номини хутбадан чиқариб ташлашга буйруқ берди. Бу исён билан баробар эди. Бироқ кўп ўтмай, Тоҳир ибн Ҳусайн тўсатдан вафот этди, шундан кейин уни халифа яширинча заҳарлаган, деган гап тарқалди. Шундай қилиб, расман Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг халифаликдан ажралиб чиқиши рўй бермади, аммо улар деярли мустақил ривожланиш йўлига кирди. Тоҳирийлар сулоласи яна эллик йил — 873 йилгача ноиблик қилди. 874 йили Бухорони сўнгги Тоҳирийнинг укаси Ҳусайн эгаллади ва аҳолини талон-торож қилди.

Ҳусайннинг бу ҳаракатига жавобан, аҳоли кўзғолон кўтариб саройини эгаллади ва талон-торож қилди. Йирик ер эгалари ва савдогарлар сомонийлар сулоласидан бўлган халифаликнинг Самарқанд вилоятидаги ноиби Наср ибн Аҳмад (864—892 йиллар) ҳузурига вакиллар юбориб, унинг сулоласидан ҳоким юборишларини илтимос қилдилар. Шунда Наср ўзининг укаси Исмоил ибн Аҳмадни юборди. Исмоил (874—907 йиллар) даст-

лаб катта қийинчиликларга учради. Халқ оммаси, айникса, деҳқонлар сомонийлардан бирон яхшилик кутишмас эди. Исмоилга ҳам деҳқонлар қўзғолонини бостиришга тўғри келди. Ўзини бутун Мовароуннахрнинг бошлиғи деб ҳисоблаган Наср ибн Аҳмад 886—87 йили кумуш дирҳамлар зарб эттира бошлади. Исмоил Насрга тобе бўлишдан бўйин товлади, солиқ ва ўлпонлар тўламай қўйди. Ака-ука ўртасида адоват бошланиб, 888 йили уруш чиқишига олиб келди. Наср қўшинлари тормор келтирилди. Шундай қилиб, Мовароуннахр Исмоилнинг қўлига ўтди.

Исмоил 893 йили кўчманчиларга қарши юриш бошлаб, Тарозни ва 20 минг жангчи ҳамда хизматчиси билан туркий хонни қўлга киритди. 900 йили халифа Исмоилнинг ҳокимиятини сусайтириш мақсадида уни Хуросон ноиб билан тўқнаштириб қўйди. Бироқ ҳарбий тўқнашувлар Исмоилнинг ғалабаси билан тугади. Халифанинг режаси пучга чиқди. Сомонийлар давлати тўқнашувдан кейин, аксинча, кучайди. Исмоил Шарқий Эрондаги катта ҳудудларни қўшиб олиш ҳисобига ўз тасарруфидаги ерларни кенгайтирди.

X аср бошларига келиб Исмоил марказий бошқарувни ташкил қилиш, ҳамда туркий ғуломлардан лашкар тўплаб, яхши қуролланган қўшин тузиш йўли билан ўз феодал давлатини мустақкамлашга эришди. Шундай қилиб, IX аср охири, X аср бошига келиб Ўрта Осиё ва Хуросонда сиёсий-ижтимоий вазият ўзгарди, у халифаликдан озод бўлиб, мустақил ривожланиш йўлига кирди.

3. Ислом динининг Шарқ халқлари маънавияти тараққиётида тутган ўрни

Шарқ мамлакатларида маънавий маданият тараққиётининг янги босқичи Яқин Шарқда Араб халифалигининг шаклланиши, ривожланиши ва кўп динлар ўрнига ягона ислом динининг киритилиши билан узвий боғлиқ.

Ислом Араб халифалигига бўйсундирилган мамлакатларнинг маънавий ҳаётига катта таъсир кўрсатди. У фақат диний ақидалар тизими сифатидагина эмас, балки дунёқараш, маънавий маданиятнинг муҳим йўналиши тарзида турли соҳаларни ҳам ўзига бўйсундира борди.

VIII аср охири — IX асрнинг ўрталарига келиб Араб халифалиги Шарқда энг кучли ривож топган империяга айланди. Хусусан, **Мансур (754—775)**, Ҳорун ар-Рашид, Маъмун ал-Ҳорун даврларида халифаликнинг марказий шаҳарлари, хусусан, Бағдод иқтисодий ва маданий жиҳатдан энг ривож топган шаҳарлардан бирига айланди. Маданият, илм-фан тараққий этди. Бу ерда турли илмий, диний музокаралар авж олди, турли мамлакатлардан келган илм вакиллари томонидан кенг илмий муҳокамалар уюштириладиган бўлди, илмгоҳлар вужудга келди, китоб кўчириш, турли тиллардан араб тилига илмий китоблар ўгириш авж олди, махсус таржимонлар мактаби вужудга келди, асар ёзишга қизиқиш кучайди. Бу жиҳатдан, айниқса, Ҳорун ар-Рашид ва унинг ўғли Маъмун даври муҳим аҳамият касб этди. Бу даврда **биринчи академия — «Байт ул-ҳикма» («Донишхона»)** ташкил топди ва бу ерда турли илмларнинг ривожини учун кенг имкониятлар яратилди, араб халифаси Маъмун унинг ривожига махсус маблағ ажратиб турди.

«Байт ул-ҳикма»да халифаликнинг турли ўлкаларидан келган араб, яҳудий, форс, турк, ҳинд, юнон олимлари биргаликда иш олиб бордилар. Унинг фаолиятида Ўрта Осиёдан борган олимлар ҳам муҳим ўрин тутди. Бу давр маданияти адабиётларда Яқин Шарқда Уйғониш даври маданияти сифатида талқин этилади. Ҳақиқатан, ҳам бу даврга келиб Яқин Шарқда араб тилидаги маданият ўз мазмуни, йўналиши, ютуқлари билан Уйғониш даври маданий юксалишини ўзида ифода этди. Уйғониш даври маданияти бошқа ўлкалардаги сўнгги маданий юксалишга катта таъсир кўрсатди.

Ўрта Осиёда араблар истилоси ва маҳаллий халқда бунга нисбатан норозиликнинг кучайиши, ўз мустақиллиги учун кураши одамлар дунёқарошига таъсир этди. Улар босқинчиларга қарши ҳурлик, озодлик учун курашдилар. Шу билан бирга, Яқин ва Ўрта Шарқда, Ўрта Осиёда янги шаклланган мусулмон ўлкалари ўртасида иқтисодий-маданий алоқалар авж олди. Маданият намуналари билан алмашув, ўзаро маънавий таъсир кучайди. Қадимги ҳинд, форс, араб, юнон маданий бойликлари қоришиб, адабиётларда «мусулмон маданияти» деб ном олган янги маданий қатлам вужудга келди. Мустақиллик учун олиб борилган кураш натижасида IX асрнинг охирларида Ўрта Осиёда

мустақил Сомонийлар давлати вужудга келганидан кейин халқнинг маънавий оламида ҳам катта ўзгаришлар содир бўла бошлади.

Қадимги маданият анъаналарига ниҳоятда бой бўлган Ўрта Осиёда мустақилликка эришган халқ бу давр ичида ўз маданиятини юксакликка қўтара олди. Шаҳарлар, уларда маданиятнинг тез ривожига ҳамда ўзаро алоқаларнинг кучайиши самараси бўлган Уйғониш (Ренессанс) шу даврда бошланди. Ўрта Осиё илм-фан, маънавият, тарихда мисли қўрилмаган намуналар яратди. Шу сабабли Ўрта Осиё Араб халифалигига, мусулмон дунёсига киргандан сўнг, VIII—X ва кейинги асрлар давомида барча мусулмон ўлкалари маданияти ривожига етакчи ўринлардан бирини эгаллади.

Ўрта Осиёдан чиққан олиму фозиллар ўз ватанларининг илм-фани, маданияти учун хизмат қилибгина қолмай, халифалик марказий шаҳарларида ҳам ўз ижодлари билан илмий йўналиш, маданий ривожланишда етакчи мавқе тутдилар. Муҳаммад ибн Мусо ал Хоразмий (780—850), Имом Исмоил ал-Бухорий (809—870), Абул Аббос Фарғоний (860 йиллар ўртасида вафот этган), Абу Абдурахмон ан-Насоий (830—915), Абу Наср Форобий (873—950) кабилар шу давр маданий юксалишининг қоялари, чўққилари эди. Ҳаттоки, араб халифаси Маъмун Ўрта Осиё олимларини халифаликнинг марказига олиб кетгани ва улар Бағдод академиясининг кўрки бўлиб, илм учун хизмат қилганликлари тарихдан маълум. Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Жавҳарий, Мансур Марваридий каби олимлар шулар жумласидан. Ўрта Осиёнинг буюк алломалари номи жаҳон маданияти саҳифасида олтин ҳарфлар билан ёзиб қолдирилган. Форобий асарларидаги етук, юксак жамоа ва комил инсонлар ҳақидаги фикр-хаёллар шу давр маҳсулоти. Ўрта Осиёда бу даврда уч — араб, форс, туркий тилда ижод этилди, тафаккур мевалари ёзувларга муҳрланиб, Шарқнинг турли бурчакларигача етиб борди.

Бу давр маданияти ўзининг кучли инсонпарварлик руҳи, нафаси, одамларни ўзаро дўстликка чақириши, ақлни эъзозлаши билан умумбашарий қадриятлар юксаклигига қўтарила олди.

Ўрта Осиё маданияти тарихида Уйғониш, биринчи навбатда, қарамликдан қутулиш, мустақил тафаккур, мустақил ижод, маънавийлик — мустақилликнинг самараси бўлди.

3. IX—XII АСРЛАРДА МОВАРОУННАХРДА МАДАНИЙ ҲАЁТ

Сомонийлар ҳукмронлиги билан Хуросон ва Мовароуннаҳрдаги маданий ҳаётнинг катта юксалиши ўзаро боғлиқ. Марв, Бухоро, Самарқанд, Урганж бу даврнинг маданий марказлари сифатида шухрат қозона бошлади. Юқорида қўрганимиздек, араб истилоси даврида зўрлаб исломлаштириш аҳоли учун бегона бўлган араб тилининг жорий этилишига ҳам олиб келди. Бу тил фақат дин ақоидлари ўртасида эмас, балки форс, хоразмий, суғд аслзодалари муҳитида ҳам қўллана бошлади. Барча диний қоидалар, расмий қоғозлар, ҳатто, илмий асарлар араб тилида ёзиладиган бўлди. Араб тилини билмаган одам амалдор бўла олмас эди.

Бу ҳол X асрнинг ўрталарига қадар, сомонийлар мавқеининг кучайиши ва ўша даврда суғд тили билан бир қаторда, дарий адабий тили қўлланадиган бўлганига қадар давом этди. Шу даврдан бошлаб Мовароуннаҳр аҳолиси форс-тожик тилида ёза бошлади. Тожик адабий тили араб алифбосини ўзлаштириб, кейинроқ суғдий ва паҳлавий ёзуvidан буткул ажралди.

Сомонийлар сулоласининг қўп вакиллари адабиёт, шеърят, фан, санъат ва меъморчиликка ҳомий эдилар. Сомонийлар даврида Бухоро энг маданий шаҳарлардан бири эди, зеро бу ерда сарой ва давлатнинг марказий идораси жойлашган эди. Ақлий меҳнат билан шуғулланадиган ўқимишли ва маданиятли кишиларнинг анча қисми шу шаҳарда яшар эди.

Абу Али ибн Сино(980—1037)нинг ёшлик йиллари Бухорода **Нух ибн Мансур I (976—997)** ва **Мансур II (997—999)** амирлиги даврида ўтди.

Ўз билимини ошириш борасида тинмай ишлайдиган ёш Ибн Сино ўз таржимаи ҳолида Бухорода ажойиб китоб бозори бўлгани ҳақида ёзади. Бу ердаги китоб дўконларидан биридан **Фаробийнинг** ўзига керакли асари — **Аристотелнинг «Метафизика»**сига шарҳини топган.

Китобфурушларнинг ўзлари ҳам маданий кишилар эди. Китоб дўконларида шоир, файласуф, табиб, риёзийчи, мунажжим, тарихчи ва бошқалар билан учрашиш, улар билан турли мавзуларда кўнгилли мунозаралар олиб бориш мумкин эди. Бухоро ўзининг

амир саройидаги кутубхонаси билан ҳам донг чиқарган эди. Амир ижозати билан Ибн Сино бу кутубхонадан фойдаланиш имкониятига эга бўлган ва унинг қисқача таърифини берган. Кутубхона бир қанча хоналарни эгаллаган. Ҳар бир хонада махсус соҳага — шариатга, шеърятга ва ҳоказоларга оид кўплаб кўлёмалар бўлар эди.

Бухорода ўша даврда **Абу Абдулло Рудакий (860—941)** ва **Абу Мансур Дақикий (942—979)** лар яшаб, ажойиб шеърлар яратишган, **Абулқосим Фирдавсий (942—1020)** ҳам бу ерда бир муддат бўлган. Сомонийлар даврида Рудакий қасидачиликнинг мислсиз устаси эди. У Самарқанднинг шарқида жойлашган Панжакент яқинидаги Рудак қишлоғида туғилган. Баъзи маълумотларга қараганда, Рудакий номи шоирнинг ўзи баркамол эгаллаган мусиқа асбоби — «руд» номидан олинган. Унинг шўхрати Бухоро амири **Наср ибн Аҳмадга (914—943)** етиб боради ва амир уни сарой созанда ва шоирлари сафига таклиф этади.

XI аср шоири Устои Рашидийнинг ёзишича, у Рудакийнинг бир миллион уч юз минг байт шеъри борлигини ҳисоблаб чиққан. Бизгача Рудакий шеърятининг озгина қисми етиб келган, холос. Рудакийни тожик шеърятининг асосчиси деб аташ расм бўлган, чунки у бу тилни арабий унсурлардан тозалашга ҳаракат қилди.

Тожик тилида қалам тебратган заковатли шоирлардан бири **Абу Мансур Муҳаммад ибн Аҳмад Дақикий (942—979)** эди. У халқ оғзаки ижодиётига, ривоятларга суянган. У **Нух ибн Мансур (976—997)** подшоҳлик қилган замонда ижод қилди ва «**Шоҳнома**» асарини яратишга асос солди. Бу асарда Эрон ва Ўрта Осиёнинг араблар истилосигача бўлган тарихи акс эттирилган бўлиши керак эди. Бахтга қарши, шоир эрта вафот этди. «**Шоҳнома**»ни буюк Фирдавсий XI аср бошларида **Маҳмуд Ғазнавий** подшолик қилган даврда **(998—1030)** ниҳоясига етказди. Фирдавсийнинг дунёқараши сомонийлар даврида шаклланди. У ўзининг машҳур «**Шоҳнома**» достонини 37 ёшида ёза бошлаган ва қариган чоғида, 71 ёшида тугаллади.

«**Шоҳнома**» — Эрон ва Ўрта Осиёнинг узоқ қадимдан араблар истилосигача бўлган, шеърий услубда баён этилган қаҳрамонона тарихи. Фирдавсий «**Шоҳнома**»ни яратишда фақат сосонийлар даврида

тузилган расмий воқеанома ва тарихий қиссалардангина эмас, балки, биринчи навбатда, бой халқ оғзаки ижодидан ҳам фойдаланди. Арабий унсурлардан бутунлай холилиги — Фирдавсий ижодининг ажойиб хусусиятларидан биридир.

IX—X асрларда илм-фан ҳам жуда равнақ топди. Бўйсундирилган халқлар орасида араблар томонидан мажбуран ёйилган ислом дини ўз илдизлари билан қадимга бориб тақалувчи илмий анъаналарни енгиб ўта олмади. IX ва X асрларда икки оқим мавжуд эди. 1) расмий, жаҳолатпарастлик анъаналари оқими; 2) илмий билиш оқими. Лекин иккинчи оқимнинг аксар намояндалари илмий ишларида ислом дини билан низолашмасликка ҳаракат қилдилар. IX—XI асрларда Ўрта Осиёда араб тилида асарлар ёзган олимлар етишиб чиқди. Масалан, буюк математиклар **Абу Жаъфар ибн Мусо ал-Хоразмий** ва **Аҳмад ал-Фарғоний** шулар жумласидан.

Халифа ал-Маъмун (813—833) расадхонасида олиб борилган илмий ишлар ал-Хоразмий номи билан боғлиқ. Алжабрга доир асарларининг латин тилига таржима қилиниши билан боғлиқ равишда ал-Хоразмий номи астрономиядагина эмас, балки, умуман, фан тарихида мустаҳкам ўрин эгаллади. Европада ал-Хоразмий номи «алгоритм» ва «алгорифм» атамаси сифатида бизнинг давримизгача сақланиб қолган. Алгебра номи унинг «Китоб ул-жабр вал муқобала» деган китоби номидан олинган.

Сомонийлар ҳукмронлиги даврида ал-Форобий, Абу Али ибн Сино ва Абу Райҳон Беруний сингари улкан мутафаккирлар етишиб чиқди. Шарқ фалсафасининг буюк ютуқлари Ўртаосиёлик олим **Абунаср ал-Форобий (873—950)** номи билан боғланган. Форобий Бухорода, кейин Бағдодда таҳсил олган. У янги платончи ва янги пифагорчи доираларни унсурлардан тозалаб, Аристотель меросини қайта тирилтирди. Ал-Форобийга қадар Ғарбий Европа фақат араб тилидаги манбалар орқалигина Аристотель билан таниша олар эди. Ал-Форобий ғояларининг туб моҳиятига тушуниб етмаган айрим мусулмон руҳонийлари уни худосизликда айбладилар.

Форобийнинг илгор фикрларини **Абу Али ибн Сино** янада олий даражага кўтарди. У ўзининг илмий қарашларини ёшлигиданоқ икки йўналишда — тиббий ва

фалсафий соҳаларда тинмай ривожлантирди. Сомонийларга талафот етказиб, Бухорода тартибсизликни авжига чиқарган Қорахонийлар сулоласидан норози бўлган ёш Ибн Сино 1000 йили буюк олимлар йиғилган Урганчга — Хоразмшоҳ саройига кетди.

Ўша даврда Хоразмда юксак билим ва маданият соҳиби, шоир ва рассомлар ҳомийси **Абул Аббос Маъмун (999—1016)** подшоҳлик қилар эди. Саройда файласуф Абусаҳл Масиҳий, атоқли табиб Абулхайр Хаммор, машҳур риёзийчи Абунаср Аррон, XI асрнинг энг йирик олими, қомусий билимлар соҳиби Абу Райҳон Берунийлар бор эди.

«**Китоб уш-шифо**» асарида баён этилган Ибн Сино фалсафаси Шарқ фалсафаси тарихида бутун бир даврни ташкил этади. Бироқ «**Китоб ал-қонун фит-тиб**» («**Тиб қонунлари**») қомусий асари унга жаҳон миқёсида шон-шухрат келтирди. Унинг лотин тилига таржимаси XV аср охирларида дастлабки босма асарлар қаторида чоп этилган. Орадан 100 йил ўтгач, 1593 йили «Қонун»нинг арабча асл нусхаси Римда нашр этилди. Сўнг у XVII асрга қадар кўп марталаб чоп этилди ва ғарбда тиббиёт соҳасидаги оммабоп асарлардан бири бўлиб қолди. Ғарб тиббиёти бевосита «Қонун» таъсири остида бўлди.

Ибн Синонинг катта замондоши — ўз даврининг буюк қомусий олими **Абу Райҳон Беруний (973—1048)** қадимги маданият марказларидан бўлмиш Хоразмда туғилиб, тарбия олган. Феодал уруши туфайли Ўрта Осиё ва Эроннинг қатор шаҳарларида қочиб юришга мажбур бўлган, сўнг Урганчда, Журжонда яшаган, Ҳазнада узоқ йил хизмат қилган. Ҳиндистонда бўлган.

Беруний 150 га яқин турли соҳалар, яъни тиббиёт, риёзиёт, астрономия, астрология, география, геодезия, метерология, этнография, тарих, фалсафа, филологияга оид катта асарлар ва рисоалар муаллифи. Шунингдек, олим томонидан қатор ҳикоя ва шеърлар ҳам ёзилганлиги маълум. У Ўрта асрда биринчи бўлиб глобус яратди. Беруний илмий фаолиятининг қомусийлиги, ранг-баранглиги кишини ҳайратга солади. У араб, форс, туркий ва ҳинд тилларини яхши билган. Унинг тадқиқотлари ҳозирда ҳам фан учун муҳим манба сифатида ўз қимматини сақлаб келади. Берунийнинг «**Ҳиндистон**», «**Геодезия**»,

«Фармокология», «Минералогия», «Маъсуд қонуни», «Ўтмиш авлодлар хотиралари» каби катта ҳажмдаги асарлари ўзбек, рус тилига таржима қилинган. Унинг гуманитар билимлар, араб тили, шеърляти, турли халқлар этнографияси, тарихи, урф-одатлари, календари, ахлоқ ва ахлоқшунослик, фалсафанинг айрим масалалари ҳақида рисоалари, мулоҳазалари ўз даври маънавий маданиятини ўрганишда беқиёс манба ҳисобланади. Шундай қилиб, европалик олимларнинг илмий кашфиётларидан анча 500—600 йил муқаддам Беруний фалакиёт, риёзиёт, геодезия, маъданшунослик, доришунослик ва бошқа соҳалар ривожига ўз ҳиссасини қўша олди.

Сомонийлар саройида ўз даврининг Ал-Маъданий, Ал-Балоружий, Ибн Мискавайх ва бошқа машҳур тарихчиларни учратиш мумкин эди. Вазир ал-Балъамий Табарий китобини тожик тилига таржима қилган. Кўпгина мамлакатларда ҳозирга қадар Табарий асари билан Балъамий таржимаси орқали танишадилар. Бу асар ўз навбатида турк, француз, ҳатто, араб тилининг ўзига ҳам таржима қилинган.

X аср охирларида форс тилида ёзилган «худуд улоам» деган географияга оид мумтоз асар ҳам эътиборга лойиқ. Муаллиф номи сақланиб қолмаган. Лекин у фанга «Туманский қўлёзмалари» номи билан кирган. Бу асар X асрнинг иккинчи ярмидаги сомонийлар давлатининг иқтисодий аҳволини муфассал акс эттиради ва бу борадаги қимматли тарихий-географик манба ҳисобланади.

Сомонийлар даврида меъморчилик ва тасвирий санъат гуллаб-яшнади. Бухородаги Исмоил Сомоний (X аср бошлари) қабри устидаги мақбарани ҳамда IX—X асрларга оид Афросиёб сирли керамикасини тилга олиш кифоя. Иқлимий шароитларни ҳисобга олган ҳолда, Ўрта Осиё меъморчилиги пахса, хом ва пишиқ гишт, ганч сингари ашёлар асосида ривож топди. Олдинги асрларга қараганда, Сомонийлар даврида қурилишлар тизимида анчагина ўзгаришлар рўй берди. Яхлит меъморчилик иншоотлари ўртасида марказий тоифадаги бинолар — гumbаз тарзида усти қопланган куб катта аҳамият касб эта бошлади.

Сомонийлар меъморий ёдгорликларининг кўп жиҳатлари Хоразм ва Сугдиёна араблардан илгариги ва илк араб даврида кенг тарқалган арк усулидаги қоп-

лама усулларида узоқлашди. Ўрта Осиёда, меъморчилик билан бир қаторда, нақшли ва тасвирий санъат катта ривож топди. Исломдан илгариги даврда Сугдиёнада усталар тилла, кумуш, бронза ва лойдан одам ва ҳайвон, хусусан, тоғ эчкиси ва қўйларининг шакллари ясаганлар. Одам ва ҳайвонлар тасвири Мовароуннахрда фақат ҳайкалчалар тарзида эмас, балки деворий расмларда ҳам учрайдики, бу ҳол қадимги Сугд ва қадимги Хоразм анъаналарининг давомидир.

Қадимги Термизда (XI—XII асрлар) нақш тушириш санъати юксак даражага етди. Мовароуннахрнинг амалий санъатида муайян услуб ва ўзига хос керамик техниканинг олий бадий ифодаси бўлган Афросиёб керамикаси алоҳида ўрин тутди. Афросиёбда йиғилган ўша давр идиш-товоқларининг энг яхши намуналари Самарқанд музейида, Санкт-Петербургдаги Давлат Эрмитажиди, Шарқ маданияти музейида ва бошқа ерларда сақланмоқда.

Бу даврда ислом дини Ўрта Осиё халқлари маданияти, маънавиятининг энг асосий қисмигагина эмас, балки ҳаёт тарзига айланди. Умуман, қадимги маданиятга эга бўлган Ўрта Осиёда ислом дини ва диншунослигига маънавий маданиятнинг ифодаси, ахлоқшуносликнинг йўналиши сифатида муносабатда бўлинган.

Хусусан, IX асрда мусулмон ўлкаларида ҳадисшунослик — ҳадис илмларини тўплаш, уни ўрганиб, тартибга солиш диншуносликнинг энг муҳим соҳаларидан ҳисобланган. Мусулмон оламида олти муҳаддис (ҳадис тўпловчи) машҳур бўлди. Шулардан уч нафари ўртаосиёлик. Муҳаддислар ичида энг обрўлиси ва машҳури **Исмоил ал-Бухорий (809—870)** ҳисобланган. У Бухорода туғилиб, шу ерда ўз даври илмларини, айниқса, диний билимларни ҳар томонлама ўрганган. Сўнг ўз билимларини мукаммаллаштириш мақсадида Макка, Мадина, Бағдод, Дамашқ, Куфа, Нишопур каби жуда қўп шаҳарларга борган. Бу ерларда у қўп олимлар, диншунослар, муҳаддислар билан учрашган, сўнг Ватанига қайтиб, Самарқанд яқинида вафот этган.

Бухорийдан жуда катта адабий мерос қолган. Унинг ислом диншунослигига оид 20 га яқин катта ҳажмдаги асарлар ёзгани маълум. Уни бутун мусулмон оламига

машхур қилган асари тўрт жилдди «**Ал-жомеъ ас-саҳиҳ**» («**Ишончли тўплам**») ҳисобланади. Бухорийнинг диққат марказида диннинг инсон учун тарбиявий аҳамияти, унинг маънавий юксалиши, тозалиги, донолиги, яхши ва ёмонни бир-биридан ажрата билиши туради. Диннинг, ҳадисларнинг асосий мақсади дўстлик, адолат, ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш, инсонни ёмонликдан сақлаш бўлган. «Саҳиҳ» бутун мусулмон оламида кенг тарқалган, унга тақлидлар, шарҳлар, тадқиқотлар ёзилган.

Бухорийнинг яқин шогирдларидан бўлмиш машхур муҳаддислардан бири — **Имом Термизий (824—892)**. Термизга яқин Буғ қишлоғида туғилган Шарқнинг жуда кўп шаҳарларида бўлиб, ўз даврининг диний илмларини эгаллаган. Термизий — ўндан ортиқ диний асарлар муаллифи. Унинг мусулмон оламига машхур қилган асари — «**Жоме ат-Термизий**» (ёки «**Сунан ат-Термизий**»). Термизий мероси фақат диний аҳамиятга эга бўлиб қолмай, у ахлоқшунослик, дидактика тарихида ҳам муҳим ўрин тутади.

Ўртаосиёлик олимлар ҳадисшунослик билан бирга, ислом ҳуқуқшунослиги — фикҳ ҳамда Қуръонга тафсир ёзиш соҳасида ҳам шуҳрат қозонганлар. Масалан, Ўрта Осиёдан чиққан машхур ҳуқуқшунослардан **Бурҳониддин Марғиноний**, **Абу Лайс Самарқандий**ларни кўрсатиб ўтиш зарур. Тасаввуф таълимоти ривожланиб, Ўрта Осиёда унинг турли йўналишлари (XII асрда Туркистонда яссавия, XIII аср охирида Хоразмда **Кубравия**, XIV асрда Бухорода **Нақшбандия**) пайдо бўлди ва тарқалди.

Бу мавзу материалларидан ойдинлашадики, IX — XII асрлар Мовароуннаҳр ва Хуросон тарихида муҳим давр ҳисобланиб, бу катта музофотдаги турли халқлар маънавиятининг сўнгги тарихида ҳал қилувчи, унинг йўналишини белгиловчи босқич сифатида намоён бўлди. Зеро, Ўрта Осиёнинг V асрлардан XX аср бошларигача давом этган, деярли 15 аср мобайнидаги маданий тарихи белгиловчи мазмуни, йўналиши IX — XII асрлар орасидаги маданий юксалишдир, деб кўрсатиш мумкин. Бу давр маданияти ниҳоятда тараққий этган бўлиб, унинг бошқа давларига нисбатан ўз даражаси, етуқлиги жиҳатидан энг юқори босқичлигини ифодалади.

Адабиётлар

1. **Каримов И.** Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т., «Ўзбекистон», 1996.
2. **Каримов И.** Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., «Ўзбекистон», 1998.
3. Ўзбекистон ССР тарихи. И.Мўминов таҳрири остида. Т., 1974.
4. **Айни С.** Исёени Муқаннои. Сталинобод, 1944.
5. **Абдунабиев А.** Вклад в мировую цивилизацию. Т., «Ўзбекистон», 1998.
6. Буюк сиймолар, алломалар (1—2-китоб). Т., «Мерос», 1995, 1996.
7. Низомулмулк. Сиёсатнома. Т., «Адолат», 1997.
8. Ўзбекистон халқлари тарихи. I-жилд. А. Асқаров таҳрири остида. Т., «Фан», 1992.
9. Ўзбекистон тарихи. А. Сағдуллаев, Б. Эшов таҳрири остида. Т., «Университет», 1997.

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МАЪНАВИЯТИ

1. Ўрта Осиёнинг темурийлар давридан аввалги аҳволи

Илк Ўрта асрда Ўрта Осиё ва Хуросон ҳудудида ўз қудрати ва маданияти билан из қолдирган сўнгги давлат хоразмшоҳлар давлати бўлди. Бу ерда қисқа вақт IX—XII асрлар давомида сомонийлар, ғазнавийлар, қорахонийлар, салжуқийлар ва, ниҳоят, хоразмшоҳлар давлати вужудга келиб, ривож топди ва қулади. Улар ўртасидаги ҳукмронлик учун тўхтовсиз курашлар бу давлатлар умри қисқа бўлишига олиб келди.

Хоразмшоҳлар давлати XI аср охири ва XIII асрнинг бошларига қадар феодал курашлар давомида катта империяга айланган, бутун Ўрта Осиё ва Хуросонни ўзига бўйсундирган. Бу ерда маданият соҳасида ниҳоятда ноёб намуналар яратилди. Ўша даврда кўп олим ва шоирларнинг Хоразмий таҳаллусига эга бўлиши ҳам бунинг исботи ҳисобланади. Хоразмшоҳлар салтанатидаги кейинги воқеалар янги сиёсий куч — Чингизхон раҳнамолигидаги мўғулларнинг бевосита таъсири остида кечди.

XII аср охири ва XIII аср бошларида доимий ўзаро низолашиб келган кўчманчи қабилалар — найманлар, қоритлар ва маркитлар (жами 12 дан кўп қabila) ибтидоий жамоа тузумининг емирилиши натижасида синфий феодал жамиятига ўтган эди. «Мўғул» атамаси этник мазмундан кўра кўпроқ сиёсий мазмунга эга. Халқ ўзини энг кўп сонли қабилаларнинг номи билан «татар» деб атарди. Қабилаларни бирлаштириб, мўғул давлатини яратган Темучин 1206 йилдан сўнг Чингизхон номини олди. Мўғулларни бирлаштириб бўлганидан кейин, 1209 йили Чингизхон Хитойнинг шимоли-шарқидаги Танғит мамлакатига юриш қилди. 1211 йили у катта қўшин тўплаб, Шимолий Хитойга юриш бошлади.

Чингизхоннинг ёнида ўғиллари Жўжи, Чигатой, Ўқтой ва Тўли ҳамда икки буюк саркардаси Жўба нуён билан Субутой баҳодир бор эди. Хитой деворидан ўтган Чингизхон Цинь қўшинига дуч келди ва уни тор-мор қилди. Унинг олдида гуллаб-яшнаган ўлка сари йўл очилган эди, аммо у бормади. Учта шаҳарни, шу жум-

ладан, Фу-Чжоуни босиб олди, лекин Пекинга тегмади ва 1214 йили улкан ўлжа билан ортига қайтди.

1215 йили у иккинчи марта юришга отланди. Бу сафар Пекинни қўлга киритиб, Цинь сулоласини ағдариб ташлади ва Шимолий Хитойни мўғул давлатига қўшиб олди. Шундай қилиб, Чингизхон давлати қўшнилари ҳисобига ўз ерини кенгайтира борди ва тез орада кучли империяга айланди.

Бу пайтда Хоразмшоҳ Мовароуннахрни тўлиқ эгаллаб бўлиб, энди Хитойга юриш қилиш орзусида эди. Лекин Чингизхон Пекинни олибди, деган хабарни эшитиб, чамаси, аввал у билан урушмоқчи бўлди, чунки Хоразмшоҳ ўзининг куч-қудратига ишонарди.

XII аср ниҳоясида Хоразм майдони жиҳатидан улкан мамлакат эди: шимолий-ғарбда Волга дарёсига қадар борар (ҳатто бир муддат Волганинг ўнг соҳили ҳам эгалланган эди), жанубий-шарқда Эроннинг катта қисмини, Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистонни қамраб олган эди.

1218 йилда мўғуллар лашкарининг Хоразмшоҳ қўшини билан биринчи тўқнашуви бўлиб ўтди. 1219 йили Чингизхон армияси Шарқий Туркистон ва Еттисувга бостириб кирди, энди Сирдарё соҳилларига, Мовароуннаҳр ва Хоразмга йўл очилган эди. Хоразмшоҳ Урганчада ҳарбий машварат тўплади ва унда мудофаа тактикасини қўллашга қарор қилинди. Аммо мудофаа усуллари бўйича фикрлар бир жойдан чиқмади. Хоразмшоҳнинг вакили Шаҳобиддин Хевоқий асосий қўшинни бир ерга тўплашни таклиф қилди. Шунда Чингизхоннинг асосий кучлари билан жанг қилишнинг жойи билан муддатини танлаш бизнинг ихтиёримизда бўлади ва душманни янчиб ташлаймиз, деди у.

Бироқ, Хоразмшоҳ ўша замон мутахассислари тўғри деб билган бу таклифни қабул қилмади. У мўғуллар ҳужумига қаршилиқ кўрсатишни шаҳарларнинг ўзига топшириб қўйди, ҳар бир шаҳар ўзини ҳимоя этди. Муҳаммадшоҳ бундай хато йўл тутишига асосий сабаб қўшиндаги энг олий ҳарбий лавозимларда турган қипчоқ саркардаларига мутлақо ишонмаслиги эди. Чунки улар ўртасида шоҳга қарши нозилик кучли эди. Мўғуллар 1219—1221 йиллар давомида Мовароуннахрнинг қатор шаҳарларини босиб ола бошлади. Халқ мардонавор курашди.

1220 йил феввалида мўғуллар мудофаага яхши тайёрланмаган Бухоронинг девори остида туришарди. Ша-

ҳар ҳимоячилари сони 12 минг, бошқа маълумотларга қараганда 20 минг кишини ташкил этарди. 400 кишилик ватанпарварлар Бухоро аркига кириб олиб, 12 кун мобайнида кураш олиб боришди. Бухоро қарийб ёниб битди. Фақат гиштдан тикланган жоме масжидию бир неча саройгина омон қолди, холос.

Самарқандга мўғуллар 1220 йил март ойида етиб келишди. Манбалар бу ердаги мудофаачилар сонини ҳар хил, 20 мингдан 40 минггача деб кўрсатишади. Мўғуллар ҳужумидан аввал Самарқанд аҳолиси 400 минг кишига яқин эди, кейин эса 100 мингга яқин киши қолди, холос.

Сирдарёнинг юқори оқими бўйлаб кетган лашкар мард ва истеъдодли саркарда, Хўжанд ҳокими Темур Маликнинг қўли остида бўлган шаҳар мудофаачиларига дуч келди. Темур Малик узоқ жанглардан кейин, озик-овқат охирлаб қолганда, 70 қайиқ билан дарё оқими бўйлаб сузиб, йўлда кўп сонли мўғул лашкарлари орасидан катта қурбонлар билан ўтиб, бир гуруҳгина одами билан Урганчга кириб борди ва у ерда қаҳрамон сифатида кутиб олинди.

Муҳаммадшоҳ эса бу вақтда Амударёнинг жанубий соҳилига ўтиб, Эронга кетмоқда эди. Ҳамадондан чиққач, у Каспий денгизининг жанубий соҳилига бориб қолди ва ўша ердаги кичик бир оролга яшириниб, кўп ўтмай, 1220 йили вафот этди. 1220 йил ёзида Темур Малик Хоразм қўшинига бошчилик қилди, Жўжининг лашкари билан муваффақиятли урушиб, ундан Сирдарёнинг қуйи оқимидаги Янгикентни тортиб олди.

1221 йил қишида Каспий денгизидаги оролдан Муҳаммадшоҳнинг ўғиллари — Жалолиддин, Ўзлуғшоҳ ва Оқшоҳ Урганчга қайтиб келишди. Жалолиддиннинг отаси уни шоҳ қилиб тайинлаганини эълон қилди, уни Темур Малик қўллаб-қувватлади. Қипчоқ саркардалари эса Ўзлуғшоҳ билан биргаликда унга қарши фитна уюштира бошлашди. Фитна фош қилингандан кейин эса Жалолиддин билан Темур Малик бир гуруҳ одамлари билан яширин равишда Хуросонга ўтиб кетиб мўғулларга қаршилик кўрсатишда давом этишди, кейин Афғонистонда жанг олиб боришди.

Мўғуллар босиб олган жойларини хароб қилдилар, аҳолини ўлдирдилар, шаҳарларни талон-торож этдилар, гуллаб турган мамлакатни вайронага айлантирдилар.

Жалолиддин Мангуберди (Манглибурни) қатор жанглاردан сўнг 1231 йили курдлар юртида қурбон бўлди. Мўғуллар босқинчилиги Ўрта Осиёнинг IX—XII асрлардаги юксак маданий ривожига катта зарар келтирди. Амалда бу буюк цивилизацияни ҳалок этди.

2. Амир Темур ҳокимияти ва маънавият

Мўғул босқинчилари Марказий Осиё ҳудудида XIII аср бошидан то XIV аср ўрталаригача — қарийб бир ярим аср ҳукмронлик қилдилар. Бу вақт ичида Турон ва туронликлар бошига мисли кўрилмаган кулфатлар тушди.

Амир Темур ҳокимият тепасига келганда Мовароуннаҳрда нотинчлик, сиёсатда қатыятсизлик ҳукм суриб, мамлакат ва унинг халқи ўта ҳолдан тойган ва шунинг учун ҳам ўз норозилигини ифода этаётган бир давр эди. У ўз ҳокимиятини барпо этиб, ижтимоий жараёнда тезда кўзга ташланди ва мамлакат ҳаётида жуда катта мавқе тутди. Темур ўз сиёсатини мамлакатда марказлашган мустақил давлат тузиш, ҳар бир ишда қонун ва тартиб ўрнатиш, юртда осойишталикни таъмин этиш, деҳқончиликни жонлантириш, ҳунармандчилик, савдони ривожлантириш, ислом ақидаларига риоя қилишдан бошлади. Унинг ўта даражадаги зукколигини шундан билса бўладики, у улуслар ўртасида ўзаро низолар келиб чиқмаслиги учун улар фаолиятини доимо ўзи назорат қилиб турди. Айни пайтда, Темур мамлакат чегараларидаги осойишталикни таъминлаш мақсадида душманларидан халос бўлишни истади. Шу мақсад билан умрини турли Шарқ мамлакатларини қарам этишга қаратилган **уч йиллик (1386—1388), беш йиллик (1392—1398), етти йиллик (1399—1405)** ҳарбий юришларга бағишлади ва ўз салтанати чегараларини кенгайтириб олди. Хоразм ва Хуросонни эгаллагач, Темур қўл остига бутун Туронни бирлаштириб, Марказий Осиё халқларининг мўғул дунёси устидан тўла ғалабасини таъмин этди. **Амир Темур** Мовароуннаҳр, Хуросон, Хоразм, Олтин Ўрда, Оқ Ўрдадан ташқари, Эрон, Ироқ, Кавказorti, Кичик Осиё юртлари, Сурия, Мисрни ҳамда Ҳиндистоннинг шимолий қисмини ўз ичига олган улкан империя яратди, унда **ўттиз йилдан зиёд (1370—1405)** ҳукмронлик қилди.

Темур давлатининг энг кўзга кўринган ва муаммоли

томони шундаки, Соҳибқирон кичик бир вилоят доирасида тарбия топган бўлса-да, давлат мафкурасининг бошқарув таянчи кучли ҳокимият эканлигини тушунди ва давлат, салтанат ишларини юзага чиқаришда камчиликка йўл қўймайдиган вазирларни танлашга ҳаракат қилди. Амир Темури вазир тўрт сифатга эга бўлиши лозим деб ҳисоблаган: биринчиси — асслик, тоза наслилик, иккинчиси — ақл-фаросатлилик, учинчиси — сипоҳу раият аҳлидан хабардорлик, тўртинчиси — сабр-чидамлилик ва тинчликсеварлик.

Давлатни мустаҳкамлаш, уни бошқаришни мукамаллаштириш, мамлакат осойишталиги ва тинчлигини сақлаш, қуриш-қурилиш, ободончилик, суғориш, аҳоли моддий ва маданий ҳаётини яхшилаш Амир Темурнинг ички сиёсати эди. У ўзининг ташқи сиёсатини ўзга юртлар билан алоқалар боғлаб, иқтисодий ва маданий муносабатларни яхшилаш, эзилган халқларни ноҳақлик ва жаҳолат зулмидан озод қилишдан иборат деб билади.

«Темур тузуклари»да шундай сатрларни ўқиймиз: «Менга бўйсунган янги давлатларда ҳурматга лойиқ одамларга ҳурмат кўрсатдим. Мен пайғамбар авлодларига, қонун тарғиботчиларига, олимлар ва кексаларга нисбатан буюк ҳурмат ҳамда эҳтиром билан муносабатда бўлдим; уларга нафақа белгиладим. Бу мамлакатларнинг бадавлат кишилари менинг оға-инимдек, етим-есир ва камбағаллари эса болаларимдек бўлиб қолди. Мағлуб бўлган мамлакат қўшинлари менинг қўшинларимга қўшилди. Мен бу мамлакатларда халқ ҳурматини қозонишга ҳаракат қилдим. Шунга қарамасдан, фуқарони кўрқинч ва умид орасида сақладим. Яхшиларга, улар қайси миллатдан бўлишларидан қатъи назар, мен ҳам яхшилик қилдим; ғаразли кишилар ва сотқинлар эса менинг давлатимдан қувилди. Кўрқоқ ва пасткаш одамларга ўзларига лойиқ ишлар топширдим ҳамда уларни маълум чизикдан чиқишларига йўл бермадим... Менга тобе ҳамма мамлакатларда адолат эшиги очик эди. Шу билан бирга, ўғрилиқ ва талончиликнинг барча йўлларини беркитишнинг чораларини кўрдим.

...Барча ишларда, бу ишлар қайси ўлка халқига тааллуқли бўлмасин, ҳокимларнинг адолат томонида қаттиқ туришларига буйруқ берилган. Қашшоқликни тугатиш мақсадида бошпаналар ташкил қилдимки, камбағаллар улардан нафақа олиб турардилар».

Темур болалигидан турк ва форс тилларини яхши билган, хотираси тиниқ одам эди. Ҳазилни ва ёлгонни ёмон кўрарди. У турклар, араблар, форслар тарихидан хабардор бўлган. Фойдали ҳар қандай билимни — тиббиёт, мунажжимлик, риёзиёт, меъморчиликни қадрлар, бино қурилишини билар эди.

Темурнинг ислом дини ва шариатга бўлган эътиқоди унинг болалик йилларидаёқ сезилади. У ўзининг «Таржимаи ҳол»ида 9 ёшлигидан намоз ўқий бошлагани ва мадрасалардаги барча ўқувчилардан устун бўлиб олганлиги ҳақида ёзади. Ҳокимият тепасига келганидан кейин ҳам Амир Темур дину шариатни қувватлаш, оламнинг турли мамлакатлари ва шаҳарларида ислом дини ва шариатни ривожлантириши, саййид ва уламоларни иззат-икром қилиш йўлидаги юксак хизматлари учун Қутбиддин унвонига сазовор бўлган эди.

«Темур тузуқлари» ва «Таржимаи ҳол»ни варақлар эканмиз, унда Амир Темурнинг давлат ва сиёсий ишларда пирлари — Мир Сайид Барака, шайх Зайниддин Абу Бакр Таёбодий ва бошқа аъёнлари билан маслаҳатлашиб иш юритишни ўзининг илк фаолиятиданоқ бошлаб юборганлигини кўрамиз. Айни пайтда, у мўмину мусулмонларни фаол ҳаётга ундовчи, жамиятга наф келтирувчи, халққа яхшилик қилувчи, бева-бечора ва фақирларга ёрдам берувчи ақидаларни кенг ёяди, ўзи ҳам шунга амал қилади. Темур салтанатида меҳнатсиз, тиланчилик билан ҳаёт кечирувчи гадою қаландарларни камайитиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади. Бу чораларга кўра, ишга яроқли одам тиланчилик қилса, биринчи марта кечирилган, иш билан таъминланган, бу иккинчи марта такрорланса, у қулликка берилган, ишга яроқсизларга эса давлат ҳисобидан нафақа белгиланган.

Темур чингизийлар уруғидан эмасди, шу сабабли ўзини ҳеч қачон хон деб атамаган, балки амир унвони билан кифояланган ва унинг ёнига «кўрагон», яъни «хоннинг куёви» деган унвонни қўшиб айтарди. Сабаби — Темур 1370 йили амир Ҳусайннинг ҳарамидан олиб уйлангани Сароймулк хоним Мовароуннахрнинг чигатоёлардан бўлган сўнгги хони чингизий Қозонхоннинг қизи эди.

Темур анъанага риоя қилган ҳолда ёнида чингизийлардан бўлган сохта хонларни сақлар ва уларнинг номидан танга зарб қиларди.

Темур ҳақиқий юрт эгаси сифатида жамики бойликларни, ҳунармандлар, санъаткорлар, меъморлар, олимларни Мовароуннаҳрга олиб келарди.

У Самарқандни пойтахт қилди. Шаҳар атрофи мустаҳкам деворлар билан ўралиб, Оҳанин, Шайхзода, Чорсу, Коризгоҳ, Сўзангарон ва Феруза каби номлар билан дарвозалар қурилди. Шаҳарда беқиёс гўзал саройлар, масжидлар, мадрасалар, мақбаралар, савдо расталари ва бошқа иншоотлар қад ростлади.

Самарқанд атрофида жаҳоннинг машҳур пойтахтлари номи билан аталувчи бир қатор қишлоқлар — Қоҳира, Дамашқ, Бағдод, Султония, Шероз бўлар эди. Уша даврда барпо қилинган иншоотларнинг бир қисми бизгача етиб келган. Булар — Шоҳи Зинда гуруҳидаги мақбара, Темурнинг жоме масжиди (ҳозир Бибиҳоним номи билан машҳур), Темур ва унинг сулоласи вакиллари дафн этилган Гўри Мир мақбарасидир.

Темурнинг саъй-ҳаракатлари билан Бухоро, Шаҳрисабз, Тошкент каби шаҳарлар савдо ва ҳунармандчилик марказлари сифатида ривожланиб борди. Айниқса бу даврларда ҳунармандчиликнинг кенг тараққий этиши шаҳарларда ҳунармандчилик маҳаллалари, савдо расталари сони ортиб боришида катта аҳамиятга эга бўлди.

Темур нафақат буюк давлат арбоби, балки стратегияси ва тактикаси ҳанузга қадар ўрганилаётган буюк лашкарбошилардан бири ҳисобланади. У, шубҳасиз, даҳо шахс, бироқ феъл-атвори мураккаб ва зиддиятли. Унинг ҳар бир ишбилармон, мард ва шижоат эгаси, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр киши минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир, деган эътиқодли фикрига юқори баҳо бермай бўладими? У насроний китобларни ёқар ва айни вақтда Шарқдаги энг бой кутубхонага эга эди. Унинг саройида ўткир ақл ва улкан истеъдод эгалари қадрланарди. Соҳибқирон доимо илм аҳли ва уламолар билан суҳбатда бўлиб, қалби тоза кишиларга талпинган. Темур замонида илм-фан, меъморчилик, санъат соҳалари ўз даврига нисбатан ўта даражада ривожланиб, юксак маънавий бойлик даражасига кўтарилди. Шу даврнинг нодир қўлёзмалари тарихнинг мўъжизасига айланиб қолди.

Ислом дини жамиятда мафкуранинг устунларидан бири бўлганлиги сабабли соҳибқирон бу динга кенг эътибор берди. У нафақат аскарларни, балки барча

фуқароларини мусулмончилик руҳида тарбиялашга ҳаракат қилган. Унинг доимо амал қилиб келган «Куч адолатдадир» деган шиори унинг давлатни бошқаришдаги юксак қобилиятидан далолат беради.

Машҳур муаррихлардан бири Низомиддин Шомий ўзининг «Зафарнома» асарида шундай ёзади: «... унинг адолатию сиёсати ўрнатилган кунларда Мовароуннаҳрнинг энг чекка жойларидагина эмас, балки Хўтан чегарасидан Деҳли ва Канбойит атрофигача, Бобил Абвобдан то Миср ва Рум ҳудудигача бўлган ерлардан савдогарлар у ерда турсин, болалару, бева хотинлар ҳам ипакли матолар, олтин-қумуш ва энг зарур тижорат моллари келтирардилар ва олиб кетардилар. Ҳеч бир кимса уларнинг бир донига ҳам кўз олайтира олмайди ва бир дирхамига ҳам зиён етказмайди. Бу чексиз неъмат ва поёнсиз марҳаматлар Амир соҳибқироннинг сиёсати ва адолати натижасидандир». Дарҳақиқат, соҳибқирон савдо йўллари ривожига, унинг тинчлигига катта эътибор билан қаради.

Амир Темур давлатининг мафкураси ижтимоий-иқтисодий ҳаётни изга солиб йўналтиришдан ташқари сиёсий ҳаётда ҳам катта мавқе тутди. Соҳибқирон чет давлатлар билан алоқани кенг йўлга қўйди. У давр шарт-шароитларига кўра ташқи сиёсатда қатъий, фаол ҳаракат қилиб, ўз салтанати довуғини жаҳон миқёсига чиқара олди. Соҳибқироннинг Йилдирим Боязид устидан эришган ғалабасидан сўнг Франция, Англия, Генуя ва Византия эркин алоқаларни, савдогарлар ва мол алмашишни таклиф этган. Шундай қилиб, у Европа давлатлари билан яқин қўшничилик қилиш, савдо қарвон йўлларини ривожлантириш нияти борлигини кўрсатиб, ўз давлати шухратини Европага тарқата олди. Унинг салтанати довуғи бу мамлакатларга етиб бориши билан Франция, Англия, Генуя, Византия, Испания каби давлатларнинг қироллари соҳибқирон билан сиёсий, иқтисодий, савдо алоқалари ўрнатишга интиланлар. Шу боис улар Соҳибқирон ҳузурига мунтазам элчилар юбориб турганлар.

Амир Темур маънавияти — улкан манба ва туганмас бир булоқ. Ҳозирги мустақилликка эришган давримизда ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда, миллий мафкура ғояларини фуқароларимиз онгига сингдиришда бу манбанинг аҳамияти беқиёс.

3. Шоҳрух ва Улугбек ҳукмронлиги даври маънавияти

Темур ўлиmidан сўнг у ташкил қилган буюк империя унинг ўғиллари ҳамда неваралари ўртасида парчалана бошланди. Темур томонидан забт этилган мамлакат ва ўлкаларнинг бир қисми темурийлар ҳокимлигидан чиқиб кетди.

Темур ўғилларидан бири **Шоҳрух (1377—1447)** узоқ давом этган тортишувдан сўнг, 1409 йили ҳокимиятни қўлга олиб темурийларнинг бош раҳнамоси сифатида майдонга чиқди. Аммо салтанатнинг пойтахти Самарқанддан Ҳиротга кўчирилди. Шоҳрух Мирзо ўша йили Мовароуннаҳр ҳукмронлигини катта ўғли Улугбекка, шунингдек, Балх вилояти, Ҳисор ва Фарғона вилояти ҳокимлигига бошқа ўғиллари ва инисини тайин этиб, ўзи 1409 йилнинг охирида Ҳиротга қайтиб кетди.

Бир неча юз минг аҳолиси бўлган Ҳирот Шоҳрух ва унинг ворислари даврида Ўрта Шарқдаги йирик шаҳарга айланди ҳамда темурийлар салтанатининг пойтахти бўлиб қолди. Бу шаҳарнинг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан юксалишига бир қатор шарт-шароитлар имкон яратди. Энг асосий сабаблардан бири географик жиҳатдан қулайлиги эди. Ҳирот темурийлар идора қилаётган ҳудуд марказида жойлашганлиги учун босқинчилар ҳужумидан яхши ҳимояланган бир истехкомни эслатарди. Яна бир томони шундаки, Осиё ва Европа мамлакатларини бир-бирига боғловчи халқаро савдо йўли айнан шу ерда туташган эди.

XV асрнинг биринчи ярмида Хуросон ва Мовароуннаҳр билан Рум (Кичик Осиё), Миср, Ҳиндистон, Хитой мамлакатлари орасида дипломатик алоқалар йўлга қўйилади. Бундай шароит Шоҳрухнинг мамлакат ободончилиги, эл-юрт маъмурчилиги билан шуғулланишига яхши имконият яратади. Шоҳрух, айниқса, салтанат пойтахти Ҳиротда меъморчилик ва шаҳарсозлик, тижорат ва савдо ишларига ҳамда маданий-маърифий ривожланишга зўр беради.

1410—1411 йилларда Шоҳрух бир қатор маданий қурилишлар қилиб, Ҳиротда Шоҳрухия мадрасаси ва хонақосини бунёд эттиради.

Машҳур сайёҳ, элчи ва тарихнавис олим **Абдураззоқ ибн Исҳоқ Самарқандий** Шоҳрухиянинг зийрак фикр муҳандислар ва нозик ишлар қилувчи тезкор бинокорлар яратган ниҳоят кўркем бино эканлигини,

унинг икки тарафидан ажойиб тарзда икки баланд минора қад кўтарганлигини, тилла ложувардларнинг ярақлашидан у мавзенинг дарвозаю деворлари томон қувонч тарқатувчи нурлар порлаб туришини моҳирона тасвирлаб, мадрасада кутубхона ташкил бўлгани, у ерда мударрислик учун Ҳиротнинг фозилу уламоларидан тайин этилганлигини ҳам ёзади.

Шоҳрух замонида Ҳирот Хуросон музофоти ва бутун Яқин Шарқ мамлакатлари ичида ривожланган йирик ҳунармандчилик ва савдо марказига айланади. Ўша йилларда Ҳирот аҳолисининг сони ярим миллиондан ошган. Шоҳрухнинг бунёдкорлик маънавияти саройдаги вазирлар, малика, аслзода ва савдогарларни ҳам бу ишга чорлайди. Натижада шаҳар атрофидаги жойларда турли иншоот ва жамоа бинолари, боғ-роғлар ва меъморий мажмуалар ташкил топади. Ҳиротнинг ўзида ҳам ўша маҳалда кўплаб мадраса, ханақоҳ, масжид, мақбара, карвонсарой, ҳаммом ва шифохоналар мавжуд эди. Зодагонлар пишиқ гиштдан ишланган ўймакор эшикли ва панжарали ҳовлилар қураб эдилар.

Шоҳрух Мирзо нафақат пойтахт Ҳиротда, балки салтанатининг ўзга муҳим шаҳарларида, жумладан, Марв, Балхда ҳам ободончилик ва бунёдкорлик ишларини авж олдиради. Шоҳрухнинг ўзи тарих ва шеърятга қизиқар, кўп мутолаа қилар эди. У ўз саройида фозилу уламоларга уларнинг фазилатларига қараб хизматлар белгилаб турган.

Шоҳрух Мирзонинг Улуғбекдан кейинги ўғли **Бойсунқур Мирзо (1397—1433)** ҳам темурий ҳукмдорлар ичида илмпарварлиги, адабиёт ва санъат аҳлига ҳомийлиги билан ном чиқарган эди. Уни 19 яшарлигида Шоҳрух ўз давлатининг бош вазири — олий девонни бошқарувчи девонбеги этиб тайинлаган эди. Бойсунқур Мирзо шоир, хушнавис хаттот ҳам бўлган.

Шоҳрух Мирзо ва Бойсунқур Мирзолар Ҳиротда кўплаб шоирлар, санъаткор ва олимларни ўз паноҳига олиб, уларга моддий ва маънавий ёрдам берадилар. Улар даврида Ҳиротда ташкил этилган улкан кутубхона ижодкорлари асосини Эрон, Ироқ, Мовароуннаҳр ва хуросонлик олимлар, наққош-мусаввирлар, хаттотлар, ҳунармандлар ташкил қилар эди. Кейинроқ бу кутубхона улкан «Санъат нигористони»га («Санъат академияси»га) айландики, ўша санъат маркази атрофида XV асрнинг иккинчи ярмида Камолиддин Беҳзоддек забардаст, етук ва баркамол санъаткорларни етказиб чи-

қарган Ҳирот нафис тасвирий санъат-миниатюра мактаби вужудга келди.

Шоҳрух Мирзо 1447 йили 14 мартда Рай шаҳрида вафот этиб, Ҳиротда хотини Гавҳаршодбегим мадрасаси саҳнига дафн этилади. 1448 йилнинг декабрь ойида Улуғбек отасининг жасадини Самарқандга олиб келиб, Гўри Мирга қўмдиради.

Шоҳрух Мирзо вафотидан кейин ҳокимият ворислари ўртасида бошланган кураш оқибатида темурийлар давлати яна парчаланиб кета бошлади.

Ўз мамлакатида Улуғбек ҳам сиёсий барқарорлик ўрната олмади. **Улуғбек** 1394 йили Султония шаҳрида таваллуд топган. Бобоси Амир Темур ўз невараларига алоҳида эътибор билан қараб уларга махсус тарбиячилар тайинлаган. У, айниқса, Улуғбекка нисбатан анча ғамхўр эди, шунинг учун мураббийликни катта хотини Сароймулк хонимга топширган.

Улуғбек ёшлик чоғида бобоси Темур ва бибиси Сароймулк хоним билан Арманистон, Озарбайжон, Гуржистон ва Эроннинг кўпгина шаҳарларида бўлиб, чиниқади.

Улуғбек 10 ёшга тўлганида уни Олтин Ўрда хони **Ўзбекхон (1312—1342)** сулоласига мансуб, онаси томонидан қариндош бўлган Муҳаммад Султоннинг қизи Оғабегимга уйлантиришди. Бу Улуғбекка бобоси Темур каби «кўрагон», яъни хон куёви деган фахрли номни қабул қилиш имконини берди.

Улуғбек ёшлигиданоқ билимга зўр иштиёқ ҳисси билан вояга етди. Ўсмирлик чоғида унга Темур саройидаги энг нуфузли олимлардан Қозизода Румий ва Мавлоно Аҳмадлар фалакиёт ва риёзиёт илмидан сабоқ бердилар¹. Улуғбек учун, айниқса, Темур саройидаги олимлар анжумани жуда мароқли ўтар эди. Бу учрашув ва мулоқотлар ёш Улуғбекнинг маданий ва айниқса, илмий жиҳатдан камол топишига катта ижобий таъсир кўрсатарди. Улуғбек китоб мутолаа қилишда вақтини аямас, бобосининг Кўксаройдаги подшоҳликка хос кутубхонаси ҳам унинг учун доимо очиқ бўлар эди. У юнон олимлари — Афлотун, Арасту, Гиппарх, Птолемейларнинг мумтоз асарлари билан яқиндан танишади. Ватандошлари Аҳмад бин Муҳаммад ал-Фарғоний, Муҳаммад ал-Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий ва бошқа

¹ Аҳмедов Ашраф. Улуғбек. Т., «Фан», 1991, 49-бет.

олимларнинг илмий асарларини қунт билан ўрганиб чиқади.

Улуғбек болалигидан сарой ҳаётини кўрди. У 15 ёшида Самарқанд ноиб бўлган, Шоҳ Малик эса унга мураббий эди. 17 ёшга тўлгач Улуғбек мустақил ҳукмдор бўлиб қолди. У янги ҳудуд, ерларни қўшиб олиш ёки талончилик мақсадида босқинчилик жангларини олиб бормади. Улуғбекнинг барча юришлари мудофаа учун ёхуд бўйсунувдан чиқиб кетган вилоятларни қайтариб олиш ниятида амалга оширилган.

Улуғбек ҳарбий юришлар билан эмас, балки маърифат, илм-фан ҳамда ободончилик ишлари билан шуғулланган. У давлат арбоби тарзида эмас, балки жасур олимлиги, маданий-маърифий ишлари ҳамда яратувчилик фаолияти билан шуҳрат қозонган. У тахт эгаллаган файласуф бўлиб тарихга кирди. Ўша давр тарихчилари — Ҳофиз Абрў, Абдураззоқ Самарқандий, ас-Софийлар ўз замонаси маданий ҳаёти тўғрисида бой қўлёзмалар қолдиришган.

Улуғбек бургут билан ов қилишни ёқтирган, лекин кўпроқ олиму фозиллар йиғинини ўтказган ва унда ўзи фаол иштирок этган. Унинг мадрасада мунажжимликдан дарс олганлиги номаълум, аммо «ўз даврининг Афлотуни» — Қозизода Румийдан таҳсил олгани боис ҳам у ўз замонасининг алломасига айланган. У мунажжимлик сирларини ўқиб ўрганиш жараёнида Бухоро ва Самарқандда икки мадраса қуришга амр берган. Самарқанд мадрасаси 1417—1420 йилларда қуриб битказилган.

Бухородаги мадрасанинг пештоқига қуйидаги ҳадис битилган: «Илм олмоққа интилмоқ ҳар бир муслим ва муслима учун қарзу фарздир», Самарқанддаги мадрасанинг пештоқида эса юлдузли осмон тасвирланган. Албатта мадрасалар пештоқида бундай сўзларни битиш ва юлдузларни тасвирлаш жаҳолатдан йироқ бўлган кишининг фикридангина келиб чиқиши мумкин.

Улуғбек ўзининг «**Зижи жадиди Қўрагоний**» асарида мадраса мударрисларига шундай талаблар қўяди: «Мударрис дунё сирларини очувчи ва борлиқни тўғри тушунишга ёрдам берувчи барча табиий ва аниқ билимларни яхши билмоғи зарур»¹.

Улуғбек мадрасасининг ўқув муддати бошқа мадрасалардаги ўқув муддати(15—16 йил)дан фарқ қилиб,

¹ Тахиров М. Педагогические взгляды Мирзо Улуғбека. Т., 1984, с.47.

расмий 8 йил деб белгиланган. Айни пайтда, ҳаётий сабабларга кўра мадрасада 8 йилдан кўп ўқиган талабалар ҳам бўлган. Бундай талабаларга расмий ўқиш муддати тугагач мадрасадан маош белгиланмаган¹.

Мадрасада араб тили, Қуръон, нотиклик, ҳадис, мантиқ, тафсир, фикҳ, табиатшунослик, ҳандаса, риёзиёт, фалакиёт, тиб, география, тарих, адабиёт каби асосий фанлардан ташқари бошқа фанлар ҳам ўтилган.

Улуғбек ўз мадрасаси ёнида талабаларнинг тоза, соғлом юриши учун ҳаммом, сартарошхона ва ошхона ташкил этган эди. Талабалар нафақа ва кийимлар билан таъминланиб турилар эди. Улар бошқа мадрасалардаги талабалардан фарқли ўлароқ ҳафтада беш кун ўқир эди. Талабаларнинг давомат ва ўзлаштириши махсус назорат этиларди. Сабабсиз дарс қолдирган талабалар нафақадан маҳрум эдилар. Мадрасада 100 дан зиёд талаба таълим олар эди².

Самарқандда ўша мадраса билан бирга айни вақтда машҳур расадхона қурила бошлаган ва у 1428—1429 йиллари битказилган. У ўз даврида Шарқда маълум расадхоналар ичида энг машҳури эди. Расадхона уч қаватли, ғоят ҳашамдор, улкан бино бўлган. Унинг баландлиги 30,4 метр, айланасининг диаметри эса 46,2 метрга тенг, бино асосий қисмининг радиуси 40,2 метрли Судси фахри (сектант) деб аталган улкан кузатиш асбоби ташкил қилган. Тарихчи олим Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, расадхона деворида ўша пайтдаги фазо ҳақидаги илмий тушунчалар ўз аксини топган.

Расадхонада Қозизода Румий, Фиёсиддин Жамшид каби машҳур мунажжимлар само сирларини ўрганиш борасида иш олиб борганлар. Илму фанда ва Улуғбекнинг шахсий ҳаётидаги яқин кишилардан бири унинг шогирди **Али Қушчи** — **Алоуддин Муҳаммад** эди. У «ўз даврининг Батлимус»и деб танилган.

Темурийлар давлатида элчилик хизмати катта аҳамиятга эга бўлган. Ўша даврда Ҳиндистонга тарихчи Абдураззоқ Самарқандий бошлиқ элчилар юборилган. Олим бу тўғрида «**Матлаъ ас-садайн**» номли рисоласида батафсил баён қилади. Унда Карман, Ормуз ва Форс кўрфази саёҳатлари ҳикоя қилинади.

¹ Абдуллаев В.А., Валиходжаев Б.Н. Дыхание веков. Самарканд, СамГУ, 1970, с. 39.

² Там же, с. 40.

Темурийлар давлати кўплаб хорижий давлатлар билан ўзаро муносабатлар ўрнатди. Бу маҳаллий уста, ҳунармандлар ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг мамлакат ташқарисида ҳам машҳур бўлишига имкон яратди. Ҳирот тарихчиларининг гувоҳлик беришича, XV аср иккинчи ярми, XVI аср бошларида Ҳиротда энг яхши ҳунарманд, санъат усталари, олиму фозиллар тўпланган. Бундан ташқари, энг қобилиятли машшоқлар, шоирлар, хаттотлар, меъморлар, мусаввирлар ҳам шу шаҳарда яшашган. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг таъкидлашича, ўз даврида Ҳиротчалик оламда турли ўлка вакиллари тўпланган шаҳар бўлмаган.

Тараққиёт жиҳатидан Ҳирот билан тенглаша оладиган Самарқанд, афсуски, Улугбек ўлиmidан сўнг, аста-секин маданий марказ сифатида эътибордан қола бошлади.

4. Навоий даври маънавияти

Шоҳрух ва Улугбек вафотидан сўнг бўлиниб кетаётган темурийлар салтанатининг даъвогари бўлиб, Самарқанд тахтини Мироншоҳнинг невараси **Абусайид Мирзо (1451—1469)** олади. Унинг даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда муайян даражада қарор топган осойишталик туфайли Амир Темур замонидан давом этиб келаётган анъаналар асосида бунёдкорлик, илм-фан ва маданият янада тараққий этади. Ҳунармандчилик, савдосотиқ ривожланади, қўшни давлатлар билан савдо ҳамда элчилик муносабатлари яхшиланади.

Бу даврда илгари Шоҳрух ихтиёрида бўлган ғарбий Эрон унинг вафотидан сўнг темурийлар тасарруфидан чиқиб кетган эди. Абусайд Мирзо уни қайта қўшиб олиш мақсадида юриш бошлаб, шу жангда ўзи ҳалок бўлади. Бу вазият Ҳирот тахтига Султон Ҳусайн Бойқаронинг келишига йўл очади.

Ҳусайн Бойқаро Хуросонда 37 йил (1469—1506) давомида ҳукмронлик қилди. Унинг даврида халқ бирмунча осойишта ва фаровон ҳаёт кечирган. Айниқса, Алишер Навоийдек яқин киңисининг саъй-ҳаракати натижасида мамлакатда бунёдкорлик ва зироатчилик ишлари ривожланиб, илм-маърифат гуллаб-яшнаган. Маълумки, у дастлаб Ҳусайн Бойқаро саройида муҳрдор ҳамда бош вазир эди. Давлат ишларидан холис бўлиб, ижод билан банд бўлган пайтларида эса у

«муҳарраби шоҳий» («шоҳнинг энг яқини») мавқеига эга эди.

Навоийнинг буюклиги, донишмандлиги ва бутун қобилияти тарихий жиҳатдан у яшаган муҳитга боғлиқ эди. Унинг замондош дўстлари — илму фан фозиллари, шоир, машшоқ, меъмор, хаттот, мусаввирлар Ҳирот маданиятининг равнақини белгилаб берган ва бу ҳаққоний равишда **«Навоий даври»** деб аталди. Бу ҳолат Ҳусайн Бойқаро ва бошқа амалдорларнинг ҳам бу соҳадаги саъй-ҳаракатларига ижобий таъсир кўрсатишига сабаб бўлади. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича Ҳусайн Бойқаро замонида Хуросон мамлакатада 12 мингдан ортиқ (бошқа бир маълумот бўйича 16 мингдан кўп) турли хил бино ва иншоотлар қурилган¹.

Ҳусайн Бойқаро Навоийга боғишланган **«Рисолаи Ҳусайний»** номли насрий асарида Алишер Навоий кўмагида салтанатда зулмпешалик, тажовузкорлик сиёсати-га барҳам берилганлигини таъкидлайди. Бундай муҳит барча ижобий фаолиятнинг асосий омили эканлигини яхши тушунган шоҳ, шунинг учун Навоийдан фахрланиб ғурур билан сўз юритади.

Навоийни **«Ҳамса»** ёзишга даъват этган сиймолардан бири Абдураҳмон Жомий бўлса, уни рағбатлантириб турган Ҳусайн Бойқаро эди.

Ҳусайн Бойқаронинг турмуш тарзи ва маънавий фазилатлари бир текис, бенуқсон кечган эмас. У ўз ҳукмронлигининг биринчи қисмида мамлакатда ободончилик, маданий-маърифий ишларга кенг йўл берди, бунёдкорлик ва ҳунармандчиликни қўллаб-қувватлади, қўшни мамлакатлар билан қўни-қўшничилик ва савдо алоқаларини ривожлантирди. Иккинчи қисмида эса унда беғамлик ва маишатпарастлик аломатлари сезила бориб, булар оқибатида саройда вужудга келган низолар, ўзаро қирғинбарот жанглар салтанат инқирозини яқинлаштирди. Ўзи эса сакта касаллиги билан 69 ёшида оламдан ўтди.

Темурийлар даври маънавий ва маданий ҳаётининг янада ривож топишида катта мавқе тутган шахс — **Алишер Навоий**. У эл-юрт фаровонлиги, давлат ободончилиги, тил ва миллат истиқболи учун аркону давлат бўла олган буюк сиймо янглиг майдонга чиқди.

¹ Ўролов А., Ҳожихонов М. Темурийлар маънавияти ва маданият. Самарқанд. «Сугдиён», 1996, 143-бет.

Навоий 1491—1492 йилларда ёзган «**Мажолис ун нафос**» (Нафис мажлислар) асарида ўзига замондош ва ундан олдин яшаб ўтган кўпгина шоир, шеърятга алоқаси бор тарихчи, фан соҳиблари ҳақида қизиқарли маълумотлар берган. Унда 459 кишининг номи қайд этилган. Бу зотларнинг кўпчилиги Навоийдан таълим ва мадад олган эдилар.

Навоий ўзининг яқин дўсти ва устози Абдурахмон Жомийга атаб «**Тухфатул-афкор**» деган катта қасида ёзган. У Жомий билан ўзаро муносабатларини «**Хамсат ул-мутаҳаййирин**» асарида ҳам баён этади.

Ҳиротда ажойиб лирик шоир ва ғазаллари билан машҳур бўлган Лутфий ҳам Навоий билан яқин дўстона муносабатда бўлган. Навоий қайд этишича Лутфий XIV аср иккинчи ярмида таваллуд топган ва тўқсон тўққиз ёшида вафот этган. Айтишларича, Лутфий ҳукмдор Шохрух сўровига кўра, тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сидан Темур таржимаи ҳолини ўзбек тилида шеър орқали баён этган.

Навоий даврида машҳур бўлган бир қанча шоир номини келтириш мумкин. Жумладан Ҳилолий, Биноий, «кичик ҳофиз» деб ном олган Бобо Фигоний, Амир Шайх Сухайл, Хожа Асофий, Жомийнинг жияни Абдуллоҳ Хотифий, Халаф Наргисий, Сайфи Бухорий, Ҳусайн Комий, Ҳасан Шоҳ, Соҳиб Доро, Ҳофиз Саъдий, Бобо Шурида, Дарвиш Равгангар Машҳадий, Муқбилӣ, Шавқий, Завқий, Риёзи Турбатӣ ва ҳоказо.

Бу даврда мусиқа санъати ҳам кенг камол топди. Бобурнинг гувоҳлик беришича, Навоийнинг ўзи ҳам мусиқадан анча хабардор бўлиб, кўпгина қуйлар яратган. У мусиқашуносларга ҳам ҳомийлик қилган.

Адабиёт ва санъат тараққиётига ҳомийлик қилиш билан бирга Алишер Навоий илму фан ривожига, аниқс тарихшуносликка кенг эътибор берди. Ҳиротда яшаган кўпгина тарихчилар буюк Навоийнинг мулоҳазали маслаҳатларидан фойдаланишган. Жумладан, таниқли тарихчи **Мирхонд (1433—1498)** ўзининг «**Равзат ус-сафо**» асарини унинг маслаҳати билан ёзган. Унинг невараси Хондамир ҳам Навоийнинг ҳар томонлама кўмагига мушарраф бўлган.

Ўз навбатида, кўпгина таниқли адабиёт, санъат, фан намояндалари чуқур ҳурмат белгиси сифатида Алишер Навоийга ўз асарларини бағишлаган эдилар.

Ҳиротда мусаввир **Камолиддин Беҳзод** энг таниқли кишилардан бири эди. Уни баъзан Шарқ Рафаэли деб ҳам юритишади. Беҳзод ажойиб портретлар, жумладан, Навоий, Ҳусайн Бойқаро расмларини чизган. Кўплаб ҳукмдорлар саройини беаган. Бибиҳоним мадрасаси қурилишини ўз миниатюралари орқали ҳаққоний кўраси-тиб берган.

Алишер Навоий феодал жанжаллар қандай қилиб давлатни парчаланишга олиб келаётганини кўрди, би-роқ бу ишда у ожиз эди. Навоий 1501 йил 3 январиди 60 ёшида касаллик туфайли вафот этди.

Ҳусайн Бойқаро вафотидан сўнг бир йўла унинг икки ўғли — **Бадруззамон** ва **Музаффар Ҳусайн** ворис этиб тайинланди. Бу Хуросонда темурийлар давлати емирилишини кучайтирди. Ҳукмдорларнинг ўзаро жан-жали туфайли Ҳирот 1507 йили осонгина **Шайбоний-хон** қўлига ўтди. Шу даврда Самарқанд, Тошкент, Ан-дихон, Ҳисорда ҳам ўзаро ҳукмдорлар жанги бошла-ниб, феодал емирилиш юз берди.

Мавзун и якунлаб хулоса қилиб айтганда, қайд этиш лозимки, темурийлар давридаги маданий тараққиёт «Те-мурийлар уйғониши (ренессанси)» (Пугаченкова, Рем-пель) атамасига мувофиқ келади. Бу, ҳақиқатдан ҳам, турли маданий доиралар — фан, адабиёт, бадий ижод-нинг ягона Ўрта Шарқ заминиди ўзига хос уйғониши эди. Бунда улуг бобомиз, давлат арбоби, саркарда соҳиб-қирон Амир Темурнинг хизматлари беқиёс ва беназир.

Адабиётлар

1. **Каримов И.** Амир Темур давридаги бунёдкорлик ва ҳамкорлик руҳи бизга намуна бўлаверсин. Асарлар. 4-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1996.
2. **Каримов И.** Амир Темур ҳақида сўз. Т., «Ўзбекистон», 1996.
3. Темур тузуқлари. Т., Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат наشريёти. 1991.
4. **Низомиддин Шомий.** Зафарнома. Т., «Ўзбекистон», 1996.
5. **Шарафуддин Али Яздий.** Зафарнома. Т., «Камалак», 1994.
6. **Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И.** История искусства Узбекистана. М., 1965.
7. **Аҳмедов Б.** Амир Темур: ривоят ва ҳақиқат. Т., Қомуслар бош таҳририяти, 1996.
8. **Абдуллаев В.А., Валиходжаев Б.Н.** Дыхание веков. Самарканд. СамГУ. 1970.
9. **Аҳмедов А.** Улугбек. Т., «Фан», 1991.

10. Ҳерман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Т., 1990.
11. Иванин М. Икки буюк саркарда. Чингизхон ва Амир Темури. Т., 1994.
12. Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Т., «Фан», 1993.
13. Ўзбекистон тарихи, 1-қисм. Т., Университет, 1997, 2 нашри, 1999.
14. Ўролов А., Ҳожионов М. Темурийлар маънавияти ва маданияти. Самарқанд. «Суғдиён», 1996.
15. Тахиров М. Педагогические взгляды Мирзо Улугбека. Т., «Фан», 1984.
16. Олим С. Темур ва Навоий. — «Тафаккур», 1996. 3- сон.

БОБУР ВА БОБУРИЙЛАР ДАВРИ МАЊНАВИЯТИ

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳарбий саркарда ва адолатпарвар шоҳ

Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1483 йилнинг 14 февралида Андижонда, Фарғона улусининг ҳокими Умар Шайх Мирзо оиласида тўнғич фарзанд бўлиб дунёга келди. Бу даврда Ўрта Осиё ва Хуросонда турли ҳокимлар, ака-укалар, тоға-жиянлар, амакиваччалар ўртасида ҳокимият — улўғ боболари Амир Темур тузган йирик давлатни қайта тақсимлаш учун кураш ниҳоят кескинлашган эди.

Адабиёт, нафис санъат, табиат гўзаллигига ёшлигидан меҳр қўйган Заҳириддин барча темурий шаҳзодалар каби, бу илмларнинг асосини отаси саройида етук устозлар раҳбарлигида эгаллади. У доимий машқлар жараёнида ҳарбий санъатларни — отда чопиш, қилич тортиш ҳунарларини яхши эгаллади, чаққон ва жасур ўспирин бўлиб етишди. Бироқ унинг беташвиш ёшлиги узоққа чўзилмади, 1494 йили отасидан етим қолди. 12 ёшида отаси ўрнига Фарғона улусининг ҳокими этиб кўтарилган Бобур қаламни қиличга алмаштириб, Андижон тахти учун, кейинроқ Самарқанд учун турли феодал гуруҳларга қарши курашди.

Бобур 1498—1500 йиллар давомида темурийлар салтанатининг пойтахти Самарқандга бир неча марта юриш қилди ва уни эгаллаб ҳам олди. Аммо аввал иқтисодий қийинчиликлар, кейин эса Шайбонийхон қўшинининг қамали сабабли Самарқандни қайта-қайта ташлаб чиқишга мажбур бўлди.

1501—1504 йиллар давомида Ҳисор, Бадахшонда, Афғонистонда, Қобул атрофларида элу юртдан ажралган ҳолда азоб-уқубатда, ғарибликда умр кечирди, ҳаётнинг бу даврини муваффақиятсиз курашлар, сарсон-саргардонликлар билан ўтказди.

1504 йили Шайбонийхон Андижонни ҳам қўлга киритгандан сўнг Бобур жанубга қараб йўл олди ва 1505 йилда Қобул улусида ўз ҳокимиятини ўрнатди. 1507 йилда Шайбонийхон ҳужумини даф этиш бўйича Ҳусайн Бойқаро ўғиллари билан маслаҳат мажлисида

қатнашиш учун Ҳиротга боради. Аммо бу уринишлардан ҳеч қандай натижа чиқмади. Сўнг ўз мавқеини янада мустаҳкамлаш мақсадида, 1519—1525 йиллар давомида Ҳиндистонни қўлга киритиш учун бир неча бор жанглар олиб борди. 1526 йил апрель ойида Панипатда Ҳиндистон султони Иброҳим Лўди билан ва 1527 йили март ойида Читора ҳокими Рано Санго Синкх билан бўлган жангларда Бобурнинг қўли баланд келди. Бобурнинг Ҳиндистонга юришида Деҳлӣ ҳукмдори Иброҳим Султон сиёсатидан норози бўлган Панжоб ҳокимлари ҳам Бобурни қўллаганлар ва Секри жангидаги бу ғалаба Бобурга Ҳиндистонда ўз ҳукмронлигини узил-кесил ўрнатиш ва Бобурийлар сулоласини барпо этиш имкониятини берди.

Бобур Секри жанги ғалабасидан кейин узоқ яшамасди — 1530 йил декабр ойида Агра шаҳрида вафот этди ва кейинроқ унинг васиятига кўра фарзандлари унинг хокини Қобулга олиб келиб дафн этдилар.

Бироқ ўзининг қисқа умри давомида Бобур Ўрта аср Шарқ маданияти, адабиёти ва шеъриятида ўзига хос ўрин эгаллаган адиб, шоир, олим бўлиш билан бирга йирик давлат арбоби ва саркарда сифатида ҳам тарихда ўчмас ном қолдирди. У кенг дунёқараши ва мукаммал ақл-заковати билан ёзилган «Бобурнома» асари туфайли жаҳоннинг машҳур тарихнавис олимлари қаторидан ҳам жой олди. Унинг нафис ғазал ва рубоийлари туркий шеъриятнинг энг нодир дурдоналари бўлиб, «Мубаййин» («Баён этилган»), «Хатти Бобурий», «Ҳарб иши», аруз ҳақидаги рисолалари эса ислом қонуншунослиги, шеърият ва тил назарияси соҳаларида муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Бобур Самарқанддан чиқиб кетгандан сўнг Қобул ва Ғазна вилоятларини эгаллаб, мустақил давлат тузди ва Қобулда 1504 йилдан 1526 йилгача ўзи, сўнгра унинг ўғли Комрон Мирзо ҳукмронлик қилади. Бу даврда Бобур нафақат адолатпарвар шоҳ, балки ҳассос шоир, қомусий билим эгаси, бунёдкор давлат бошлиғи сифатида элга танилади. Унинг ажойиб лирик шеърлари, илмий-тарихий рисолалари ва ихтиролари шу ерда яратилади. Мамлакатни бошқаришда Бобур қатор тараққийпарвар тадбирларни жорий этиб, ўз давлатининг барча соҳаларида ободончилик ишларига катта аҳамият беради, кўплаб қарвон-саройлар, ҳаммомлар, ҳовуз, кўприклар, масжид-мадрасалар қурдиради. Бу каби бунёдкорлик ишларида Бобур ўзининг ижодий

таъсири билан янги меъморий йўналишни белгилаб беради ва ўзга юртлар меъморчилигига ҳам катта ижобий таъсир кўрсатади.

Бобур эл-юртда вайронагарчилик, бузгунчилик урушларини олиб борувчи феодал ҳукмронларнинг ишларини қоралайди. Шундай ҳукмронлардан бири Аловуддин Жаҳонсўз Фурий бўлиб, у Ғазнани босиб олади ва шаҳарни бузиб, унга ўт кўяди, халқини талайди, элини қатл эттиради. Шаҳарга яқин сув бандини бутунлай вайрон қилади. Бобур эса, аксинча, Ғазна вилоятининг деярли барча ерига илгари сув улашиб турган ушбу бандни қайта тиклаб халқига сув беради ва вилоят хўжалигини обод қилади. У ғазнадаги бошқа бандларни ҳам кўздан кечириб, улар ҳолатидан хабардор бўлиб туради.

Бобур сиёсий марказни Қобулдан Ҳиндистонга кўчиргандан сўнг (1526 й.) ўз империясидаги иқтисодий ва маданий ҳаётни янада жонлантиришга астойдил бел боғлайди. Қисқа бир вақт ичида у Ҳиндистонда сиёсий муҳитни барқарорлаштириш, Ҳиндистон ерларини бирлаштириш, шаҳарларни ободонлаштириш, савдо-сотиқ масалаларини тўғри йўлга қўйиш, боғроғлар яратиш ишларига ҳомийлик қилди. Ҳиндистонни ободонлаштириш, унда ҳозиргача машҳур бўлган меъморий ёдгорликлар, боғлар, кутубхоналар, карвонсаройлар қурдириш, айниқса, унинг ўғиллари ва авлодлари даврида кенг миқёсга ёйилди. Ҳиндистон санъати ва меъморчилигига Ўрта Осиё услубининг кириб келиши сезила бошлади. Бобур ва унинг ҳукмдор авлодлари ҳузурида ўша даврнинг илғор ва зеҳни ўткир олимлари, шоирлари, мусиқашунослари ва давлат арбобларини мужассам этган мукаммал бир маънавий-руҳий муҳит вужудга келди.

Ҳиндистоннинг буюк давлат арбоби Жавоҳарлал Неру «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» асарида Бобурийлар давлатидаги маданий, маънавий-руҳий муҳитнинг Ҳиндистон учун аҳамияти ҳақида шундай ёзган эди: «Бобур Ҳиндистонга келгандан кейин катта силжишлар юз берди ва янги рағбатлантиришлар ҳаётга, санъатга, архитектурага тоза ҳаво бахш этди, маданиятнинг бошқа соҳалари эса бир-бирларига туташиб кетди. Бобур — дилбар шахс. Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тadbиркор шахс бўлган. У санъатни ва адабиётни севган...»¹.

¹ Неру Дж. Открытие Индии. М., 1955, с.272.

Бобурнинг Ҳиндистон подшоҳи сифатида қўшни мамлакатларга, ҳатто, Москвага элчилар юбориб, улар билан дўстликни мустаҳкамлаш, бориш-келишларни яхшилаш истагида бўлганлиги ҳам диққатга сазовор.

Бобур даврида Ҳиндистоннинг қатор шаҳарлари, айниқса, Агра ва Деҳли каби шаҳарлар янада обод бўлиб, маданий ва ёиёсий мавқеи ортиб боради. Шаҳарлар ободончилиги уларда савдо-сотиқ ишларининг ривожланиши, оқар сув билан таъминланиши, хайрия бинолар қурилиши ҳамда боғ-роғлар яратилишида ўз ифодасини топади. Бобур Ҳиндистонда катта қурилишлар бошлаб, уларга минглаб қурувчиларни ҳамда турли касб эгаларини сафарбар этади. Булар ҳақида ўзи шундай ёзади: «Латофатеким, Ҳиндистонда бор — улўф вилоятдур... Яна бир латофати будурким, ҳар синфдин ва ҳар ҳирфагардин беҳад ва бениҳоят кўптур. Ҳар иш учун ва ҳар нима учун жами муқаррар ва муайяндурким, ота-оналаридин бери ул иш ва ул нимани қила келгандурлар. Нечукким, «Зафарнома»да Темурбекнинг «масжиди сангин» иморатини қилурда Мулло Шараф мундоқ муболага била битибдурким, Озарбайжон ва Форс ва Ҳиндустон ва яна ўзга мамолик сангтарошларидин ҳар кунда икки юз киши масжидда иш қилурлар эди. Бир Ограда ушбу Огранинг сангтарошларидин менинг иморатларимда ҳар кунда олти юз саксон киши иш қилурлар эди. Яна Ограда ва Секрида ва Биёнада ва Дулпурда ва Гавалёрда ва Кўлда минг тўрт юз тўқсон бир сангтарош ҳар кунда менинг иморатимда иш қилурлар эди»¹. Демак, қурилиш ишлари айни бир вақтда бир неча жойларда юзлаб, минглаб кишилар иштирокида авж олган.

Бобур ўз замонасидаги меъмор, уста ва ҳунармандлар, бинокорларнинг шарафли ишларини олқишлаб, уларни эъзозлайди, ҳурмат юзасидан устод деб атайти, руҳларини кўтаради. Уста, ҳунармандларга бундай муносабат нафақат қурилишни тезлаштирар, балки қурувчиларни ўз касбларига бўлган меҳрларини оширар, ишга-ижодга илҳомлантирарди.

Бобур ҳар бир ишда адолат юзасидан ҳаракат қиларди. У Аградалигида Қобулдаги тўраларнинг тартибсизлик ва одобсизликларини эшитиб, қаттиқ қайғуради. Қобулда одоб ва ободончиликнинг тикланиши учун у ерда барча вилоят ва қишлоқларни ўз тасарруфига ола-

¹ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т., «Юлдузча», 1990, 267—268-бетлар.

ди. У Қобулдаги аҳволни яхшилаш мақсадида мамлакатда кечиктириб бўлмайдиган ободончилик ишларини тезлаштиришга фармон беради. Натижада кўргон ҳолати тартибга солинади, элчилар учун турар-жойлар қурилади, карвонсарой ва ҳаммомлар тартибга келтирилади. Бундан ташқари, Бобур кичик Қобулга сув етказиб берувчи бандни тартибга келтириш ва суғориш ишларини яхшилаш, ниҳоллар экиш зарурлигини ҳам топширади. Топшириқлар тезда ижро этилади.

Бобурнинг адолатпарварлигидан далолат берадиган мисолларни унинг Афғонистонни ва Ҳиндистонни фатҳ этиш учун олиб борган урушлари ва бу мамлакатларда шоҳ сифатида давлатни бошқариш фаолиятидан кўплаб келтириш мумкин. Албатта, уруш талофатсиз бўлмайди, жанглар давомида аскарларнинг халқни талон-торож қилиш ҳоллари ҳам учраши мумкин. Аммо, Бобур бундай ҳолларнинг олдини олиш чораларини кўриб туради. У Оқсарой ўлангида бўлган чоғида, бесарликка ўрганган айрим аскарлар аҳолига зулм қила бошлаганлар. Бобур ўз хотираномасида ёзади: «Сейдим Али дарбоннинг бир ўбдон навқари бировнинг бир кўза ёғини тортиб олган учун эшикка келтуруб таёқлаттим, таёқ остида-ўқ жони чикди. Эл бу сиёсаттин тамом босилдилар»¹.

Бобурнинг фаолиятида ўз беклари ва йигитлари билан маслаҳатлашиб иш тутиши одат тусига кирган эди. У ўз аъёнларидан доимо халқ манфаатига хилоф иш қилмасликни, ўзидан кейин яхши ном қолдиришни маслаҳат берарди.

Бобур ўз фарзандларига давлатни бошқариш услубини ўргатар экан, улардан ҳам ўзидай бўлишларини талаб этарди. У ўз ўғли Ҳумоюнга ёзган хатида, жумладан, шундай дейди: «Агар менинг ризомни тиларсен, хилватнишинликни ва эл била кам ихтилотлиқни бар-тараф қилғил. Кунда икки навбат инингни ва бекларни ихтиёрларига қўймай, қошингга чарлаб, ҳар маслаҳат бўлса кенгашиб, бу давлатхоҳларнинг иттифоқи била ҳар сўз-унга қарор бергайсен»².

Бобур инсонпарвар, руҳшунос шахс сифатида ўзининг маълум ва машҳур асарлари билан ва шоҳ сифатида ижтимоий масалалар ечимига ўз ҳиссасини қўшган фаолияти билан халқимиз маънавий маданияти тарихида муносиб ўрин эгаллайди.

¹ Бобурнома, 114-бет.

² Ўша асар, 321-бет.

2. «Бобурнома» — тарихий ва руҳшуносликка оид адабий манба

Бобур Ҳиндистонда катта ҳажмдаги давлат ишлари билан бир қаторда ўзининг адабий-бадий фаолиятини ҳам давом эттирди ва юқорида зикр этилган асарларини яратди. Бобурдан қолган ижодий мероснинг энг муҳим ва энг йириги Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон ва Эрон халқлари тарихи, географияси, этнографиясига оид нодир ва қимматли маълумотларни ўз ичига олган ва ўша давр ўзбек мумтоз адабиёти ва адабий тилининг ёрқин намунаси бўлган «Бобурнома» асаридир. «Бобурнома»ни фақат география, этнография, филология каби фанлар бўйичагина эмас, психология соҳасида ёзилган асар ҳам дейиш мумкин.

Бу асар мазмунининг ранг-баранглиги, бир жаҳон материални ўз ичига олганлиги, тил ва услубининг гўзаллиги билан XVIII, айниқса XIX аср шарқшунос олимларининг диққатини ўзига тортган ва унинг турли қўлёзма нусхалари излана бошлаган ва ғарб тилларига таржима қилишга киришилган эди. Асарнинг асли номи «Бобурия» бўлса-да, уни «Воқеа-нома», «Тузуки Бобурий», «Воқеоти Бобурий» деб атадилар, кейинчалик асар «**Бобурнома**» деган ном билан машҳур бўлиб кетди. Асар асосан уч қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисми — XV асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёда рўй берган воқеаларни, иккинчи қисми — XV асрнинг охири ва XVI асрнинг биринчи ярмида Қобул улуси, яъни Афғонистонда рўй берган воқеаларни; учинчи қисми — XVI асрнинг биринчи чорагидаги Шимолий Ҳиндистон халқлари тарихига бағишланган.

«Бобурнома»да ўша даврнинг сиёсий воқеалари мукамал баён қилинар экан, муаллифнинг ўз юрти Фарғона вилоятининг сиёсий-иқтисодий аҳволи, унинг пойтахти Андижон шаҳри, Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарлари — Самарқанд, Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз, Уш, Урганч, Уратепа, Термиз ва бошқалар ҳақида ниҳоятда нодир маълумотлар келтирилган. Унда Қобул улусининг йирик шаҳарлари Қобул, Ғазна ва улар ихтиёридаги кўпдан-кўп туманлар, вилоятлар, Шимолий Ҳиндистон ҳақида маълумотларни учратиш мумкин.

Асарда шахслар тавсифи уларнинг шакл-шамойили ва феъл-атворини таърифлашдан бошланади. У даврда

ҳали «характер» атамаси муомалага киритилмаган эди. Одамларнинг характерини таҳлил қилиш асарда катта ўрин тутади. Характер муаммосини психология фани ўрганади. Бобурнинг руҳшунос, психолог сифатидаги салоҳияти шу қадар улканки, унинг жангларида, одамлар билан муносабатларида, шоир ва олим сифатида қўлга киритган улкан ғалабалари кўп жиҳатдан унинг энг нозик руҳий жараёнларни ҳам тўла англаб, таҳлил қила биладиган руҳшунослиги билан изоҳланади. Унинг ҳарбий муваффақиятлари негизда одамлар руҳиятини яхши билиши ётади, дейишимизга сабаб шуки, у даврда теурийлар сулоласи мураккаб вазиятни бошдан кечириётган эди. Мовароуннаҳр ва Хуросонда тож-тахт учун курашлар авж олган, Эрон ва Дашти қипчоқдан ҳарбий таҳдид кучаяётган эди. Шундай даврда у Ватани тарк этишга мажбур бўлди. Катта қўшин тўплаш учун Бобурда молиявий маблағ ҳам, ташкилий имконият ҳам йўқ эди. Бобур Мовароуннаҳрни тарк этиб, Афғонистонга кетаётганда молиявий жиҳатдан жуда ночор аҳволда эди. У аскарлар руҳига ва қалбига йўл топа олгани учунгина унча катта бўлмаган қўшинни ўз ортидан эргаштириб кета олди.

Бобур киши руҳиятини нақадар чуқур билгани унинг тарихий персонажлари портретини тасвирлашида ҳам, хулқ-атворини баҳолашида ҳам намоён бўлади. Масалан, у ўз замондошлари портретларини чизар экан, фақат ташқи кўриниши, гавдаси, кийиниши ва бошқаларни тасвирлаш билан чегараланмайди. Асардаги бир қатор шахслар портретига бағишланган саҳифаларида «шакл ва шамойили», «ахлоқ ва атвори», «авлоди» деган кичик бўлимлар мавжуд. Муаллиф одамларнинг шакл ва шамойилини руҳият билан уйғунликда таҳлил қилади. Ахлоқ ва атвор ҳақидаги кичик бўлимлар асосан руҳий таҳлилга бағишланган. Масалан, Султон Аҳмад мирзонинг тавсифига бағишланган саҳифаларда муаллиф шундай ёзади: «Султон Аҳмад мирзоким, камсухан ва фақир ва одми киши эди. Ҳар сўз-ун ва иш-куч бекларсиз қарор топмас эди... ҳанафий мазҳаблик, покиза эътиқод киши эрди, беш вақт намозини бетарк ўтар эди... Аҳд ва қавлига рост ва дуруст эди. Ҳаргиз андин хилофе зоҳир бўлмади...

Асру кўп ҳаёси бор эрди. Дерларким, хилватларида маҳрам ва ичкиларидин ҳам оёғини ёпар экандур...

Самарқанд аҳликим, йигирма-йигирма беш йил Султон Аҳмад мирзонинг замонида рафоҳият ва фароғат

била ўткариб эрдилар аксар муомала ҳазрати Хожа жиҳатидин адл ва шаръ тарийқи била эди...»¹. Муаллиф мазкур фикрлари билан Султон Аҳмад мирзонинг руҳий дунёсини очиб беради ва унинг ижобий хислатлари раҳбарлик фаолиятига, аҳолининг осойишта ҳаёт кечиришига қаратилганлигини баён этади.

Асарда шахсларнинг хислатлари психологик жиҳатдан таҳлил қилинар экан, раҳбар, бошлиқнинг қандай сифатларга эга эканига қараб, қўли остидагиларда ҳам шу сифатлар қарор топишига алоҳида эътибор бериллади. Масалан Хисравшоҳнинг бузуқликларга, ичкилик-бозликка берилиши нафақат унинг атрофидагилар, қўл остидагилар, ҳатто, у ҳукмронлик қилаётган ҳудуддаги кўпчилик фуқароларга ҳам ўтгани баён қилинади. «Яна бир буким, ўзи ким нечук золим ва фосиқ эди, бек ва бекча ва навкар ва савдари тамом золим ва фосиқ эдиларким, Ҳисор эли, алалхусус, Хисравшоҳга тааллуқ эл ҳамиша шурб ва зинога машғул эдилар». Зино Хисравшоҳнинг руҳиятига шу қадар сингиб кетган эдики, аскарларнинг оддий фуқаролар хотинлари ва қизларига зўрлик қилишини у оддий ҳол, деб биларди. Бир куни унинг ҳузурига аламзада фуқаро аскарларидан бири хотинини тортиб олгани тўғрисида шикоят билан келади. Хисравшоҳ бу шўрликнинг ёнини олмай, ўз аскарининг қилиғини ёқлайди ва жабрланган кишига, хотининг «неча йил сенинг била эди, неча кун анинг била бўлсун», деб жавоб беради².

Бобур ўз асарида анча вақтдан кейин содир бўлган воқеаларни тасвирлар экан, Хисравшоҳнинг ўз қилмишига яраша жазо тоганини ҳам эслатиб, «ажаб қодиредур, бир кишиким, йигирма-ўттуз минг навкарнинг эгаси эди,... андоқ хору зор ва забун ва ожиз қилдиким, не навкарига ихтиёри қолди, не молига, не жонига»³, деб ёзади.

Бобур ёмонлик қилувчи разил шахс, вақти келиб, илоҳий куч томонидан ўз қилмишига яраша жазоланиши муқаррарлигини таъкидлаб, у қўйидаги мисолни келтиради: Амударёдан ўтиб, Қобулга бораётган вақтда, Боқи Чағонийёний номли бек ўз аскарлари билан келиб, Бобур гуруҳига қўшилади. Бу шахснинг ахлоқ ва атворини анча вақт кузатган Бобур унинг хусусиятла-

¹ Ўша асар, 18, 24-бетлар.

² Ўша асар, 24-бет.

³ Ўша асар, 113-бет.

рини шундай тасвирлайди: «Хасис ва замухт ва ҳасуд ва бад ан дарун ва нотавонбин ва кажхулқ киши эди... ҳеч ким била соф эмас эди, ҳеч кимни кўра олмас эди... Кўч ва моли била Ҳиндустон тарафига рухсат берилди. Ўзининг бир неча навкарлари Хайбардин ўтқариб келдилар»¹.

Кўп молу-дунёси бўла туриб, Бобурнинг очликдан азоб тортаётган аскарларига ёрдам беришдан бош тортиб, Ҳиндистонга кетаётган бой йўлда ўғрилар қўлига тушади. Йўлтўсар «...Боқини ўлтуруб, хотунини олди, — деб ёзади Бобур. — Агарчи биз Боқига ҳеч ямонлик қилмай қўя бердук, вале ўз ямонлиғи олиға келиб, ўз амалига гирифтор бўлди. Байт:

*Ту бад кунандаи худро ба рўзгор супор,
Ки рўзгор туро чокарест кина гузор.»*

(Мазмун: Сен ўзинга ёмонлик қилувчини турмуш ҳукмига ҳавола қил. Турмуш сенга ўч олиб берувчи хизматкордир²).

Бобур бу фикрини ўз холабаччаси Муҳаммад Ҳусайн мирзо ҳақида ҳам ёзади. У Шайбонийхон қошида уни ёмонлаб, ғийбатлар ва шикоятлар қилганини, оз фурсат ўтмасдан Шайбонийхоннинг ўзи унинг жазосини бериб, ўлдиртирганини айтади³.

Бобур руҳшунослигидан далолат берувчи хусусияти шундаки, у воқеалар тасвирида ҳам, қаҳрамонлар портретини чизишда ҳам масалага объектив, холисона ёндашади.

Ҳусайн Бойқаро хулқ-атвори ҳақида маълумот бериб, у ёзади: «...Мафосил заҳмати жиҳатидин намоз қила олмас эди, рўза ҳам тутмас эди. Ҳарроф ва хушхулқ киши эди. Хулқи бир нима гузаророқ воқе бўлуб эди, сўзи ҳам хулқидек эди. Баъзи муамалотга шаръни бисёр риоят қилур эди...

...Темурбек наслидин ҳеч ким маълум эмаским, Султон Ҳусайн мирзоча қилич чопмиш бўлғай. Таъби назми бор эди. Девон ҳам тартиб қилиб эди. Туркий айтур эди. Тахаллуси «Ҳусайний» эди. Баъзи байтлари ёмон эмастур, вале мирзонинг девони тамом бир вазндадур, бовужудким, ҳам ёш ва ҳам салтанат била улуг подшоҳ

¹ Ўша асар, 143-бет.

² Ўша жойда.

³ Қаранг: ўша асар, 181-бет.

эди, кичиклардек қўчқор сахлаб, кабутар сахлаб, кабутар ўйнар эди, товук ҳам урушқа солур эди»¹.

«Бобурнома»да келтирилган бу тарздаги маълумотлар Бобур даврида ёзилган бошқа тарихий манбалар — Мирхонд, Хондамир, Муҳаммад Солиҳ, Биноий, Муҳаммад Ҳайдар, Фаришта, Абул Фазл Алломий ва бошқа тарихчиларнинг асарларида бу даражада аниқ ва мукаммал ёритилган эмас. Муаллиф «Бобурнома»да Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Бехзод, Улуғбек Мирзо ва бошқа алломалар ҳақида ўзининг энг холис фикр ва мулоҳазаларини билдиради.

«Бобурнома»нинг киши эътиборини жалб этадиган томонларидан яна бири шундаки, унда муаллифнинг холислиги ўзи ҳақидаги сатрларда ҳам аниқ сезилиб туради. Бобур ўз камчиликларини, йўл қўйган хатоларини ҳам яширмай таҳлил қилади. Ўша давр нуқтаи назаридан катта камчилик ва гуноҳ ҳисобланган ичкиликбозликка маълум муддат берилганини ҳам асарнинг бир неча ўринларида эътироф этади. Ичкиликка берилишнинг сабабларини таҳлил қилар экан, Мовароуннаҳрдаги оғир вазият ўз юртини ташлаб кетишга мажбур қилганини баён қилади.

Бобурнинг Ҳиндистондаги ҳаёти ҳам хавф ва ташвишлар билан тўла эди. Ғам ва ташвишлар туфайли ичкилик истеъмол қила бошлаган Бобур ҳаёти ҳам ташвишларга тўла бўлган даврда ичишни бас қилади. Унинг ичимликка майлини билган баъзи амалдорлар унга ўша пайтдаги энг кучли ва сифатли ҳисобланган ичимликлар келтирадилар. У пайтда Ғазнада тайёрланган чоғир ва ароқ шуҳрат топган эди. Бу ҳақда қуйидагиларни ўқиймиз: «Бободўст сувчиким, чоғир учун Кобулга бориб эди, Ғазнанинг муважжаҳ чоғирларидин уч қатор тевада юклаб, ул ҳам булар била келди». Уч қатор туяда Ғазна чоғири келтирилган куни Бобур маснавий ёзади. Бу маснавийда шундай мисралар ҳам бор:

*Чанд боши зи маоей мазакаш,
Таба ҳам бемаза нест, би чаш.*

(Мазмуни: Қачонгача гуноҳ ишлардан завқ оласан; табва ҳам бемаза эмас, ундан ҳам тотиб кўр.)

¹ Ўша асар, 147—148-бетлар.

*Неча нафсингга бўлурсен тобе,
Неча умрингни қилурсен зое.
Хуш қилиб ўзни бу кечмакликтин,
Тавба қилдим чоғир ичмакликтин.
Ҳозир айлаб борини синдурдум,
Тарк этиб майни, кўнгул тиндурдум.*

Бобур амри билан синдирилган олтин-кумуш идишлар камбағал ва дарвишларга эҳсон этилди, Ҳазнадан келтирилган чағирнинг ҳаммасига туз солиб, сирка қилинди, кейин чуқур қазиб, унга тўкдирилди ва устига катта харсанг тош қўйилди. Бобур шу харсанг ёнида буқа сўйдириб эҳсон қилди. У бундай эҳсонларни жангу жадалларда катта ғалабаларни қўлга киритганда қилар эди. Бу сафарги эҳсон эса унинг жуда улкан ғалабаларидан бири — ўз нафси устидан қозонган ғалабаси шарафига қилинган эди.

Бобур душман билан жанг қилишдагина эмас, нафс билан жанг қилишда ҳам аскарларига ибрат кўрсатди. Саркарданинг бу ишини кўрган аскарлардан уч юзга яқин киши тавба қилди ва қайтиб ичкилик ичмасликка қасам ичди.

Бобур одамлар руҳиятини, айниқса, ўз яқинлари, аскарлар психологиясини чуқур билгани кўп жиҳатдан унинг ҳарбий ғалабаларини таъминлар эди. Масалан, 1526 йил воқеалари тасвирланган бобда ҳинд рожаси Рано Санго Синкх билан бўлган жанг тавсифига катта ўрин ажратилган. Рано Санго Синкх қўшини Бобур қўшинидан сон жиҳатидан анча устун, ҳатто, яхшироқ куролланган ҳам эди. Бунинг устига ҳинд қўшинида кўплаб жанг филлари бор эди. Бу ҳолат жангдан олдин Бобур аскарларининг руҳи тушиб кетишига сабаб бўлади. Китобда қўшиннинг шу пайтдаги руҳияти қуйидагича тавсифланади: «Ушбу айёмда, ўтган вақоёдин нечукким мазкур бўлди, улукқичикта дағдаға ва тараддуд кўп эди. Ҳеч кимдин мардона сўз ва далирона раъй этишилмас эди. Ҳикоят дегучи вузаронинг ва вилоят тугучи умаронинг на сўзлари мардона эди, на тадбирлари, на ўзлари соҳиб ҳимматона эди, на тақрирлари». Бундай тушкун ҳолатдаги қўшин билан душманга қарши жанг қилиб бўлмаслиги, жанг қилинса ҳам, уни енгиб бўлмаслигини яхши тушунган Бобур аскарларининг руҳини кўтариш йўлини излай бошлайди ва бир тадбир топади. У бутун қўшинни тўплаб шундай мурожаат қилади: «Хар кимки, ҳаёт мажлисига кирибтур,

оқибат ажал паймонасидин ичгусидур ва ҳар киши-ким, тириклик манзилига келибтур, охир дунё ғамхонасидин кечгусидур. Ёмон от била тирилгандин яхши от била ўлган яхшироқ... Тенгри таоло бу навъ саодатни бизга насиб қилибтур ва мундоқ давлатни бизга қарийб айлабтур. Ўлган шаҳид, ўлтурган ғози. Барча Тенгрининг каломи била онт ичмак керакким, ҳеч ким бу қитолдин юз ёндурур хаёл қилмағай, то бадандин жони айрилмағунча бу муҳораба ва муқоталадин айрилмағай»¹. Бобурнинг бу оташин нутқидан руҳланган беклар ва аскарлар қўлга Куръонни олиб ғалабагача жанг қилишга қасам ичадилар.

Бобур қўллаган бу тадбир, бир томондан беклар ва аскарларнинг руҳини кўтариб юборган бўлса, иккинчи томондан, унинг хабари душман аскарларига етиб боргач, улар орасида саросима ва тушкунлик бошланади. Ва ниҳоят, уруш Бобур қўшинининг ғалабаси билан тугалланади. Шундай қилиб, «Бобурнома»ни варақларканмиз, унга Бобурнинг руҳи кўчгандек таассурот қолдиради, шоҳ ва шоир саркарданинг руҳи безаволи тилга киради, характерининг янги-янги қирралари очилади.

Бобур жасур ва довжур саркарда эди. У бобокалони Амир Темурдан кейин руҳшунослик қобилияти туфайли тарих саҳифасида буюк саркардалик маҳоратини бир неча бор кўрсата олган эди. Шунинг учун ҳам у ўзга миллат вакилларида тузилган қўшини билан ўзга юртларда мардонавор жанг қилиб, европаликлар «Буюк мўғуллар» деб атаган «Бобурий мирзолар» салтанатига асос солганди. Бу салтанат Ҳиндистонни кичик танаффуслар билан **1526 йилдан 1858 йилгача, яъни 332 йил давомида бошқариб турди** ва бобурийларни тарихда тараққийларвар сулола сифатида бутун жаҳонга танитди.

Бу сулоланинг маънавияти ҳозирги авлод учун қимматли тарихий мерос бўлиб, уни ўрганиш нафақат қизиқарли, балки фойдали ҳамдир.

3. Бобурийлар маънавий мероси

Бобурнинг маънавий руҳи унинг авлодларига ҳам ўз таъсирини кўрсата олган. Унинг бу таъсири ўғиллари Ҳумоюн ва Комрон Мирзолар, қизи Гулбаданбегим, набираси Акбаршоҳ, чевараси Жаҳонгиршоҳ, панна-

¹ Ўша асар, 289-бет.

бираси Шоҳ Жаҳон ва Аврангзеблар ҳаётига ҳам куч ва илҳом бағишлаган.

Бобур ўлими олдидан фарзандлари ва сарой аъёнлари билан сўнгги кенгашни ўтказиб, унда Ҳумоюнни подшоҳ деб эълон қилади ва ҳаммага оқилона маслаҳатлар беради. Бобурнинг сўнгги сўзлар мазмунини аллома Абулфазл қуйидагича баён қилади: «Оқилона маслаҳатлар ва юракни ўртаб юборадиган фармоишлар берилди. Саховатли, одил ва сахий бўлиш, нимаики ўйласа, нимаики сўзласа ва нимаики қилса, парвардигорни рози қилиш, янглишганларнинг узрини қабул қилиш ва қилмишидан пушаймон, гуноҳкорларни чин кўнгилдан авф этиш ҳамда меҳр-муҳаббат билан бегоналарни ҳам ўз яқинига айлантириш ҳақида (Ҳумоюнга) панд-насихатлар берилди»¹.

Бобурнинг қарорига кўра Ҳиндистонда 1530 йилдан бошлаб, унинг тўнғич ўғли **Ҳумоюн (1508—1556)** ҳукмронлик қилади.

Ҳумоюн ўзининг ҳукмронлик йилларида Ҳиндистоннинг Гужарот, Ражпўтан ва Малвани вилоятларини бобурийлар давлатига бирлаштиради. У маданий ва ўқимишли бўлса-да, жангларда отасидек чиниқмаган эди. Бундан фойдаланган афғон сур қабиласининг етакчиси Шершоҳ 1540 йилдаги Ҳумоюн билан бўлган жангда ғолиб чиқиб, Деҳлини эгаллайди. Ҳумоюн Қобулга укаси Комрон ҳузурига нажот истаб боради. Бироқ у билан келиша олмайди. Натижада Эрон шоҳи ҳузурига боришга мажбур бўлади. Ҳумоюн эрон ва афғон қабилаларидан аскар тўплаб, дастлаб Афғонистонни ўз тасарруфига олади. Кейин 1555 йили, яъни 15 йилдан сўнг Деҳлини эгаллайди ва қайта тахтга ўтиради.

Ҳумоюн Ҳиндистонда бир неча маъмурий ислохотлар ўтказди. Унинг даврида Ҳиндистонда миниатюра мактаби вужудга келади. Ҳумоюннинг ўзи форс ва туркий тилларда шеърлар ёзди.

Ҳумоюн Ҳиндистоннинг Агра, Гвалиор каби қатор шаҳарларида бир неча турар жой ва саройлар бунёд этади. Унинг саройларида иқтидорли мусаввирлар, машҳур рассомлар ва бошқа ижод аҳллари хизмат қиладилар. У Ҳиндистонни қайта эгаллагач, Эрон билан маданий алоқаларни яхшилашга эришади. Ҳумоюн 1556 йили

¹ Иброҳимов Ансориддин. Бобурийлар мероси. Т., «Меҳнат», 1993, 46—47-бетлар.

Дехлидаги сарой кутубхонаси зинасидан йиқилиб, фожиаи вафот этади.

Бобурнинг Ҳумоюндан кейинги ўғиллари — Комрон Мирзо, Феруз Мирзо, Аскарӣ Мирзо, Ҳиндол Мирзолар мамлакат турли вилоятларининг ҳокимлари бўлган. Улар ҳам Бобур фаолиятининг анъаналарига амал қилиб, ўз атрофларига олимлар, шоирлар, меъморларни тўплаган, боғ-роғлар, рудлар (каналлар), бинолар бунёд этганлар.

Ҳумоюннинг вафотидан сўнг унинг ўғли **Акбаршоҳ (1542—1605)** Ҳиндистонда 1556 йилдан 1605 йилгача ҳукмронлик қилган ва ўзининг санъат ва маданият, меъморчилик соҳасидаги фаолияти бўйича бобурийлар сулоласидаги подшоҳлар ичида энг буюги ҳисобланган.

Акбаршоҳ дастлаб бобоси Бобур Мирзо пойтахт этган Аграда туриб мамлакатни бошқарган. Бу ерда у ажойиб саройлардан иборат истехком — «Қизил қалъа»-ни (1565—1574) бунёд этади. Сал кейинроқ у Аградан 38 километр жанубий ғарбда жойлашган тоғ бағридаги Фотиҳпур Секри қишлоғида янги шаҳар бунёд этиб (1569—1579), пойтахтни шу ерга кўчиради.

Ҳиндистонда бўлган инглиз сайёҳи Ральф Финч Акбаршоҳ бунёд этган биноларни кўриб, ҳаяжон билан уларни шундай тасвирлайди: «Агра ҳам, Фотиҳпур Секри ҳам жуда катта шаҳар: уларнинг ҳар бири Лондондан катталиқ қилади»¹. Бу шаҳарлар ва улар атрофидаги, ичидаги боғлар ҳозирги даврда ҳам сайёҳлар учун улкан меъморӣ обидалар вазифасини ўтамоқда.

Бобурийлар яратган боғлар ғоявий жиҳатдан икки хил: биринчиси, подшоҳларнинг ўзлари ва хос кишилари ҳордиқ чиқарган истироҳат боғлари, иккинчиси эса уларнинг мақбаралари жойлашган боғлари, яъни мақбара-боғлардир. «Мақбара-боғлар подшоҳларнинг руҳлари шод бўлсин, улар гулларнинг муаттар ҳидларидан доимо баҳраманд бўлсинлар деган ниятда барпо қилинган», деб ёзади ҳиндистонлик олим М.Рандхава.

Акбаршоҳнинг ўғли, Бобурнинг невараси, бобурийлар сулоласининг тўртинчи ҳукмрони **Нуриддин Жаҳонгиршоҳ (1569—1627)** боғ оройишчилиги соҳасида отаси Акбаршоҳдан ҳам ўзиб, тасвирий санъат ва боғ

¹ Мўминов О. Жозибали ўлка. Т., «Меҳнат», 1991, 25-бет.

яратиш санъатининг ҳомийси сифатида тарихга кирди. У Кашмирда, Ғарбий Покистонда, Аграда, Лоҳурда бир қатор боғлар барпо қилдиради. Жаҳонгир табиатшунослик билан ҳам шугулланган, қушлар ва ўсимликлар дунёсини яхши билган.

Жаҳонгир шоҳ сифатида давлатни идора этиш боида ҳам ўз дастурини жорий қилган, шеърлар ёзиб турган. Жумладан, у ўз қўли билан «Тузуки Жаҳонгирӣ» асарини ёзиб қолдирган. Асар жиҳатидан услубида «Бобурнома»га ўхшаш бўлиб, Ҳиндистон, Мовароуннахр ва Эрон ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий муносабатлар тўғрисидаги маълумотларга бой манбадир.

Жаҳонгир боғдорчилиги фаолияти билан машҳур бўлса, бобурийлар сулоласининг навбатдаги ҳукмдори **Шоҳ Жаҳон (1592—1686)** меъморчилик санъатида тенги йўқ эди. У қурган бино ва иншоотлар ичида, айниқса, Аградаги Тож Маҳал мақбара-боғи бутун дунёга машҳур. Жаҳонда энг гўзал обидалардан бири бўлмиш Тож Маҳал Шоҳ Жаҳоннинг севимли рафиқаси Аржуманд бону бегимнинг сўнмас хотирасини абадийлаштириш мақсадида қурилган. Мақбара лойиҳасининг муаллифлари меъмор устод Аҳмад Лоҳурӣ ва Уста Муҳаммад Исмоил Афанди бўлган. Самарқандлик Уста Муҳаммад Шариф эса бош меъморга муовинлик қилган. Бухоролик Ота Муҳаммад бутун иншоот ҳайкалтароши бўлган. Улкан мақбара ва унинг атрофидаги боғни бунёд этишда жами 20 минг қурувчи иштирок этган. Тож Маҳал ансамблининг асосий қисми 7 йил давомида, боғ ва атрофидаги барча иморатлар, масжид, девор ва дарвозалар яна 15 йилда қурилиб тугалланган. Улуғвор Тож Маҳал мақбараси шинам ва кўркем боғ ичида атрофига ўзидан заррин нур ва салобат таратиб, мағрур туради.

Шоҳ Жаҳоннинг қизи Жаҳонаро ҳам тараққийпарварликда отасидан қолишмаган. У Аграда жоме масжидининг тарҳини чиздиради. Деҳли, Сурат, Амбала, Баҳол ва Панипат шаҳарларида катта-кичик қарвонсаройлар, Лоҳурда катта боғ барпо қилади, фақирлар учун уй-жой қуриб беради. Кашмирда у «Парпи Маҳал» («Парилар саройи») деган ажойиб бир боғ бунёд этади, ариқлар қаздиради, нақшинкор ҳовузлар қурдиртиради. Маърифатпарвар аёл, лирик шоира Зебуннисобегим ҳам Шоҳ Жаҳоннинг невараси, Аврангзебнинг қизи эди.

Шоҳ Жаҳон 1657 йили касаллиги туфайли мамлакатни бошқаролмай қолади. Унинг тахтини 1658 йилга келиб ўғилларидан бири **Авраңгзеб (1618—1707)** эгаллайди. У ўз отаси Шоҳ Жаҳонни турмага солиб, ўз биродарларини ўлдиртириб, Шоҳ Оламгир номи билан Ҳиндистонда 1707 йилгача ҳукмронлик қилади. Аврангзебга ҳозирги Ҳиндистоннинг асосий қисми, Бангладеш, Покистон, Афғонистон ва Эроннинг қатта бир қисми қарам эди. Шоҳ Оламгир жуда ўқимишли, билимли шахс бўлган. Айниқса, шоҳнинг «Фатвои Оламгир» асари Ҳиндистонда мусулмон қонунчилигининг ягона китоби сифатида ном қозongan. Ҳиндистонда яқин-яқингача шу қонунлардан фойдаланиб келишган. Мусулмон ақидаларини жадал илгари сурган Аврангзеб, айти пайтда, ҳинд эътиқодидаги туб аҳолини ва шиа мусулмонларини давлат ишларидан четлатиб, таъқиб остига олади. Илгари бекор қилинган жузъа солигини қайтадан жорий қилиб, халқ бошига оғир ситамлар келтиради. Аврангзеб ислом таъқиб этган майхўрлик ва бангхўрлик, ўйин-бозликларга қарши курашади. Ривоятларга қараганда, у Деҳлидаги енгил оёқ раққоса қизлар ва аёллар тоифасини тугатган, уларнинг ҳаммаларини эрга бериб, тегмаганларига қаттиқ жазо буюрган.

Авраңгзебдан кейинги бобурийлар даврида ички курашлар кучайиб кетади, ҳокимият мавқеи бўшашиб, салтанат парчалана бошлайди. Ҳиндистонга европаликлар ҳам бош суқа бошлайдилар. Бу ҳолатлар кейинги бобурий шоҳларга салтанат тахтида муқим туриб, кенг бунёдкорлик ва маданий-ижтимоий фаолият билан фаол шуғулланишга имконият туғдирмайди. Бироқ улар ҳам ўзларининг бобокалонлари Бобур Мирзо ва унинг фарзандлари каби шеърят ва адабиётга қизиққанлар, ўзлари ҳам шеърлар ёзганлар. Ҳиндистондаги бобурийлар сулоласининг сўнгги вакили Баҳодиршоҳ II ҳам ана шундай шоир бўлиб, урду ва форс тилларида шеърлар битган, асарлари чоп этилган.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб, аجدодларимиз маданият, маънавият ва маърифат машъалларини фақат ўзимизнинг Ватанимизда эмас, балки бошқа мамлакатларда ҳам ёқиб, ўша халқларининг ҳурматига сазовор бўлган деган хулоса чиқара оламиз. Биз бу билан фахрланишимиз лозим.

Адабиётлар

1. Каримов И. Амир Темур давридаги бунёдкорлик ва ҳамкорлик руҳи бизга намуна бўлаверсин. Асарлар. 4-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1996.
2. Каримов И. Амир Темур ҳақида сўз. Т., «Ўзбекистон». 1996.
3. Бобур Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. Т., «Юлдузча», 1990.
4. Неру Дж. Открытие Индии. М., 1955.
5. Иброҳимов А. Бобурийлар мероси. Т., «Меҳнат». 1993.
6. Ҳасанов Ҳ. Бобур сайёҳ ва табиатшунос. Т., «Фан». 1983.
7. Уролов А., Ҳожихонов М. Темурийлар маънавияти ва маданият. Самарқанд. «Сугдиён». 1996.
8. Мўминов О. Жозибали ўлка. Т., «Меҳнат». 1991.
9. Рандхава М. Сады через века. М., «Знание». 1981.

XVI—XIX АСРЛАРДА МОВАРОУННАХРДА МАЪНАВИЙ ҲАЁТ

1. Феодал тарқоқлик ва маънавият

Темурийлар давлатида ҳукм сурган феодал тарқоқлик, Амир Темур ворислари ўртасида олиб борилган ғўтовсиз урушлар, айрим ҳукмдорларнинг ажралиб, мустақилликка интилиши бу давлатнинг емирилишига олиб келди. Ҳар бир ҳукмдорнинг фақат ўз манфаатини кўзилаб иш тутиши халқ аҳолини янада оғирлаштирди. Экин майдони ва суғориш иншоотларининг асосий қисми катта ер эгалари, беклар ва аскар бошлиқлари қўлида эди.

Хонлар ва амирлар меҳнаткаш деҳқонларга ва ко-сиб-хунармандларга тобора кўпроқ турли оғир солиқлар солар эдилар. Сиёсий ва иқтисодий тарқоқлик пул муносабатларини бузилишига, савдонинг издан чиқишига олиб келди. Доимий феодал урушлардан хонавайрон бўлган шаҳар аҳолиси темурийлар ва уларнинг аъёнларини қўллаб-қувватлашдан бош тортди. Баъзи жойларда халқ темурийлар хонадонининг вакилларига қарши бош кўтарди. Масалан, феодалларга қарши чиққан Ўш шаҳрининг аҳолиси 1499 йили феодал Аҳмад Танбал ва унинг ҳомийлигида бўлган ўспирин темурий Жаҳонгирни ҳайдаб юбордилар.

Вазиятдан фойдаланган ўзбек қабилаларининг бошлиғи **Шайбонийхон (1451—1510)** Мовароуннахрни эгаллаш учун ўз ҳужумини бошлади. У аввал чегара қалъаси Ўтрор, кейин Сайрам ва Ясса (ҳозирги Туркистон шаҳри)ни эгаллаб, Самарқанд томон ҳаракат қилди. Бу вақтда Самарқандда ҳокимият тепасида темурийлардан энг иродасиз ва бўш **Султонали Мирзо (1498—1500)** турарди. Унга қарши бўлган беклар Самарқанддан қочиб, шу вақтда Андижонда ҳукмронлик қилаётган Бобурга ва Тошкентда яшаётган Султонали Мирзонинг иниси Увайс Мирзога ёрдам учун мурожаат қилдилар. Иккала темурий шахзода Самарқандга қараб шошилди, аммо жангларда Шайбонийхон устунлик қилди. Оқибат, Шайбонийхон Мовароуннахрда ўз мавқеини мустаҳкамлаб, 1504

йилда Кундузни Хисравшоҳ қўлидан тортиб олди, кейин Хуросон ва Хоразм султони **Хусайн Бойқаро (1469—1506)** давлатини босиб олиш учун тайёрланди. Жангларда ғалаба қилган Шайбонийхоннинг ихтиёрига Сирдарёдан Марказий Афғонистонгача бўлган ерлар ўтди.

Шайбонийхоннинг жануб томон кейинги ҳаракатлари Эрон шоҳи Исмоил I нинг қўшини томонидан тўхта-тилди ва унинг ўзи 1510 йили бўлган жанглардан бирида ўлдирилди. Шундан кейин, марказлашган ҳокимият тузишга қарши турган йирик феодалларнинг ўзаро курашлари янада зўрайиб кетди. Тўғри, баъзи бир шайбонийлар (айниқса Абдуллахон) Мовароуннаҳр ерларининг ҳаммасини ўз ичига олган, бирлашган, қудратли давлат тузиш учун курашда маълум ютуқларга эришди. Аммо, уларнинг бу уринишлари мустаҳкам иқтисодий ва со-циал негизларга эга эмас эди.

Темурийларга қарши олиб борилган қаттиқ курашлар натижасида вужудга келган шайбонийлар сулоласининг ҳукмронлиги ўзаро феодал урушлар натижасида 1598 йили емирилди. Шундай қилиб, 1599 йилдан бошлаб Мовароуннаҳрда ўзбекларнинг янги, аштархонийлар (яъни астраханлик Жонибек) сулоласининг ҳукмронлиги бошланди. Давлат бир неча катта амирликларга тақсимланиб, ўз навбатида улар ҳам кичик ер эгаликларига бўлиниб кетди.

Аштархонийлар давлати таркибига кирадиган ўзбек қабилалари ўзларини хонлик ҳокимиятидан мустақил тутар эдилар. Қабилла бошлиқлари хонлардан амирлик (мўғул «нойон»ига ўхшаган) унвонини олардилар. Амирлар аста-секин давлат тизимида катта мавқега эга бўла бордилар. Уларнинг ихтиёрисиз хон ўзича бирон муҳим масалани ҳал этолмас эди.

Ўрта Осиё уч хонликка (Бухоро, Хива ва кейинчалик Қўқон хонлигига) бўлинди, ҳар қайси хонликнинг ўзида ва бир хонлик билан иккинчи хонлик ўртасида ўзаро урушлар кучайиб кетди. Бу урушларда шаҳар ва қишлоқлар, суғориш иншоотлари вайрон бўлди, маданият ўчоқлари емирилди. Бунинг устига, 1740 йили Эрон шоҳи Нодиршоҳнинг Ўрта Осиёга қилган босқинчилик ҳужумлари натижасида кўпгина шаҳар ва қишлоқлар ер билан яксон бўлди, минглаб кишилар қириб ташланди ва қул қилинди.

Ўзаро феодал урушларининг кўпайиши меҳнаткаш табақаларнинг моддий ва маънавий аҳволини янада

огирлаштирар эди. Кўпгина суғориш иншоотларининг вайрон бўлиши, экин майдонларининг пайҳон қилиниши деҳқончиликнинг заифлашувига сабаб бўлган бўлса, Шайбоний урушларидан кейин феодал-патриархал ҳаётда яшаган феодал-аристократ чорвадорлар ва уларга қарам бўлган феодал-патриархал қабила аъзоларининг Мовароуннаҳрга кўчиб келиши натижасида экин майдонининг хийлагина қисми яйловга айланган эди. Бу эса ерсизлар сонини янада кўпайтирди. Бир қадар ери бўлган деҳқонлар эса жуда огир солиқлар остида хонавайрон бўлдилар. Халқ ўз кучи билан қазиган ариқ ва рудлари сувидан баҳраманд бўла олмас эди. Деҳқонлар нон излаб турли томонларга тарқалиб кетишга мажбур бўлардилар. Чорвачилик билан шуғулланувчиларнинг аҳволи бундан ҳам огир эди.

Самарқанд, Бухоро ва Қаршида нархлар ошиб, очарчилик кучайган вақтларда халқ ғалаёнлари қўзғолонга айланди. 1501 йили Қорақўл шаҳрида қўзғолончилар шайбонийлар ҳукмдорларига қарши чиқиб шаҳарни қўлга киритдилар. Шайбонийхоннинг укаси Маҳмуд Султон катта куч билан шаҳарни қайтариб олди. Қўзғолончиларнинг бошлари кесилиб улардан минора ясалди.

XVI асрнинг 40-йилларида Фарғонанинг Косон шаҳрида катта қўзғолон кўтарилди. Шайбоний султонлари кучларини бирлаштириб, уч ойдан кейингина Косонни эгалладилар ва қўзғолончилардан шафқатсизлик билан ўч олдилар. Уларнинг бошлиғи қийнаб ўлдирилди. 1588 йили Хўжанд ва Шоҳрухияда бой амалдорлар бошчилигида аҳолининг камбағал қисмидан иборат кўпчилик қатнашган ғалаён бўлди. Абдуллахон II ва унинг амакиваччаси, вилоят ҳукмдори Ўзбек Султонга қарши қаратилган бу ҳаракат уч ой давом этди.

Айрим тадқиқотчилар, жумладан, XIX асрда Марказий Осиё шаҳарларида илмий изланиш ишларини олиб борган венгриялик олим Вамбери Дашти Қипчоқ ўзбекларининг Мовароуннаҳрни босиб олиши билан бу ерларда маданиятнинг тушкунликка учраганини ёзади. XVI—XIX асрлардаги Марказий Осиё тарихининг йирик мутахассисларидан П.П. Иванов эса ўзбекларнинг ҳукмронликлари эски маданий меросни давом эттирди, илгариги маданий ва диний анъаналарни яна ҳам ривожлантирди, деб ёзади.

Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва бошқа шаҳарларда XVI асрда ҳаёт юксак даражада, улар сиёсий,

иктисодий марказ бўлибгина қолмай, балки маданий турмуш ўчоғи ҳам эди. Феодаллар ва амалдорлар, савдогарлар ва ҳунармандлар маданий ҳаётни ривожлантиришга маълум ҳисса қўшдилар. Мусулмон руҳонийларининг олий мактаби — мадраса илгаригидек маданий ҳаётда катта ўрин тутди. Шайбонийлар кўплаб янги бинолар қуриб, уларни мадраса ва масжидлар ихтиёрига топширдилар. Бундай бинолар Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Балх ва бошқа шаҳарларда қурилиб, айримлари ҳозирги кунга қадар сақланиб турибди. Биргина **Абдуллахон II** даврида 500 дан ортиқ ҳар хил бинолар қад ростлади.

Аштархонийлар ўзбек феодаллари учун маъқул эдилар, чунки улар ўзбек қабилалари билан яхши алоқа ўрнатибгина қолмай, Ўрта Осиё аҳолиси ичида таянчга эга бўлишлари мумкин эди. Халқ зулмга қарши бир неча марта қўзғолонлар кўтарди. 1759 йили кўтарилган Миёнқол қўзғолони, қорақалпоқ ва ўзбек уруғларидан бўлган хитой-қипчоқларнинг 1821/25 йилларда Зарафшон водийсида кўтарган қўзғолонлари ва бошқалар шулар жумласига киради. Хукмдорлар халқ қўзғолонларини шафқатсиз бостирганлар.

2. Илоҳиёт, диншунослик

Бу даврда биз Улуғбек ва унинг Самарқанд расадхонасидаги шогирдлари — Али Қушчи ва бошқалар каби катта олимларни учратмаймиз. Лекин, дунёвий илмлар ва диний, илоҳий тасаввурларни бир бутун ҳолда талқин этиб, инсон илмий тасаввурини кенгайтириш учун хизмат қиладиган диншунос олимлар етишиб чиқдилар. Булар — Бухоро мадрасаларида диншуносликдан таълим берган, XVII аср тарихчисининг таърифлашича, «барча бухоролик олимларнинг ўқитувчиси ва устози» бўлган **Муҳаммад Шариф (вафоти 1697 йилда)**, диншунос олим шайх **Ҳабибулло (вафоти 1698 йилда)** ва бошқалар.

Бу даврда ислом динининг асосий манбалари — Қуръон ва ҳадисни ўрганишга катта эътибор берилди. Бу икки асосий манба муқаддас ҳисобланиб, калом ва шариат шулар асосида вужудга келган. *Калом* сўзи VIII асрларда шаклланган бўлиб, у исломнинг назарий фалсафий таълимотидан иборат. Калом Мовароуннаҳрда ҳам кенг тарқалди. Қуръондаги ахлоқий

ва ҳуқуқий меъёрлар кейинчалик шаклланган *шариат* (арабча — тўғри йўл)га ҳам асос бўлди. Шариатда улар ҳуқуқий тизим сифатида кучга кирди. Сўнграқ эса шариат қонун-қоидаларини ишлаш, тартибга солиш, талқин этиш билан шуғулланувчи Ислом илоҳиётининг муҳим соҳаси — мусулмон ҳуқуқшунослиги, яъни **фиқҳ** вужудга келди ва Мовароуннаҳрда кенг тарқалди. Шу билан бирга ислом диншунослигининг муҳим тармоғи сифатида Қуръонни талқин этиш — **тафсир** кенг авж олди. Буларнинг ҳаммаси Мовароуннаҳрда кенг тарқалди. Уларни шакллантириш ва ривожлантиришда Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг диншунос олимлари, мутафаккирлари ҳам катта ҳисса қўшдилар, бу билан улар бутун мусулмон оламида ном тарқатдилар.

Бу жараёнда **Хожа Аҳмад Яссавий (1105—1166) Абдухолиқ Гиждувоний (вафоти 1171)** таълимотини давом эттириб, уни янги босқичга кўтарган улуг зотлар — **Баҳоуддин Нақшбанд (1318—1389)** ва **Хожа Аҳрор Валий (1404—1490)** гоё-йўналишлари юртда машҳур эди.

Аҳмад Яссавий дунёқараши «ҳикмат» номли машҳур асарда шеърый шаклда баён этилган. Бу фалсафий асар раван, китобхон учун осон бўлган ўзбек тилида ёзилган. «**Ҳикмат**» ўзбек адабиётининг қимматбаҳо ёдгорлиги ва унинг муаллифи ислом динини, калом фалсафасини, тасаввуфни, деҳқонлар, чорвадорлар, ҳунармандларнинг турмуш ва ҳаётини ва умуман ўша даврнинг ижтимоий тартибларини яхши билган машҳур киши бўлганлигидан гувоҳлик беради. Яссавийнинг савияси кенг ва чуқур бўлгани учун у ўзбек тилида биринчи марта ана шу йирик идеалистик асарни ёза олди.

Аҳмад Яссавий «Ҳикмат» асарида тасаввуф асосларини тўла равишда баён қилиб беради. У *шариат, тариқат, маърифат* ва *ҳақиқат* ҳақида ёзади, тариқатнинг қатъиятларини баён қилади. Қуръоннинг мазмуни Яссавий таълимотининг мағзини ташкил этади. У шариатни тўла-тўқис адо этиб, тариқат, маърифат босқичларидан ўтиб, ҳақиқатга (Оллоҳга) етиш йўлини кўрсатади ва шу сабабли у **тариқат**нинг раҳнамоларидан бири бўлиб қолади.

Ўрта асрлар маданияти ва адабиётидан маълумки, бизнинг тарихимизда «тариқат» деб ном олмиш фикрий оқимнинг икки аспекти (қирраси, томони) мавжуд: фалсафий (илоҳиётга доир) аспект ва диний-ах-

лоқий аспект. Тариқатнинг фалсафий аспекти фанда «сўфийлик», «**тасаввуф**» (Европача атамада — «суфизм») деб аталади. Яссавий Худони «Ёр» деб билади («Ёр» — севикли, дўст, яъни Худо маъносида) ва Оллоҳга ишқ қўйганларни «муҳаббат аҳли» дейди.

Яссавий ижодида Оллоҳни мадҳ этиш билан бирга инсон ҳам улуғланади. Исломот таълимотича, одам — Оллоҳнинг энг гўзал, энг мукаммал ва энг азиз ижоди.

Тўрт мақсад Яссавий адабий меросининг асосини ташкил этади. Буюк мутафаккирнинг биринчи мақсади — одамларни Оллоҳни танишга, унинг яқини бўлишга даъват этиш. Иккинчи мақсад — одамни Оллоҳнинг энг азиз ижоди сифатида эъзозлаш ва учинчи мақсади — дунёдаги гуноҳни, айниқса, адолатсизликни қоралаш, бу адолатсизликнинг қурбони бўлган инсонни ҳимоялаб уни адолатга даъват этиш. Тўртинчи мақсади — бу дунёнинг доғларини инсонга юқтирмаслик учун, инсоннинг поклигини сақлаш йўли ёки воситаси сифатида бу дунёдан нари туриш, яъни уни таркидунёчиликка даъват этиш.

Яссавий машҳур шайх Имом Юсуф Ҳамадонийнинг суҳбатдоши, муриди ва давомчиси эди.

Абдулҳолиқ Ғиждувоний пири — Юсуф Ҳамадоний йўлини давом эттиришгагина эмас, янги мустақил тариқат яратишга қодир даҳо бўлиб чиқдию у тариқатда таркидунёчилик рад этилади. Унинг таълимотича, бу дунёда одамларнинг ҳаётида фаол иштирок этиш, уларни ҳимоя қилиш (тоат-ибодат билан бир қаторда) — Худо кўрсатган йўлдан бориш ва унга яқин бўлишнинг асосий йўлларида бири. Ғиждувоний халқ манфаатларини ҳимоя қилишга, унинг ҳаёт юқини ўз зиммасига олишга чақиради. Агар одам бу ишга қодир бўлмаса, ўз юқини халқ устига ташламай, бирон касбни эгаллаб, ҳалол меҳнат билан кун кўриши керак.

Ўтмиш маданиятимизнинг буюк намоёндаларидан бири бўлган **Муҳаммад ибн Жалолиддин Баҳовуддин Нақшбанд** эса бутун умрида ҳалол меҳнат билан яшашга алоҳида аҳамият беради. У XIV асрда Мовароуннаҳрда ва бутун мусулмон оламида тариқатнинг энг машҳур намоёндаларидан бири бўлиб қолади.

Нақшбандия тариқати аслида бир неча авлод машойихининг ва биринчи навбатда Юсуф Ҳамадоний, Аҳмад Яссавий, Абдулҳолиқ Ғиждувоний ва Баҳовуддин Нақшбанднинг тўхтовсиз ривожлана борган дунёқара-

шини ўзида акс эттиради. Алишер Навоийнинг фикрича, сўнгги асрларда ўтган шайхлар орасида энг буюги ва энг муқаддаси — Баҳоуддин Нақшбанддир. «Хамса»га кирган «Ҳайрат ул-аброр» достонида, Навоий Нақшбандга махсус боб бағишлайди.

Нақшбандийликнинг дастлабки намояндалари дунёвий, ҳаётий масалаларга жиддий эътибор бердилар.

Дил ба ёру,

Даст ба кор¹ ғояси нақшбандиянинг шиори эди.

Яъни: «Дил муҳаббат (Худо) билан, қўл иш билан банд бўлсин».

Нақшбандийлик «таркидунё» қилишга, жамиятдан ажралиб яшашга, дунё ишларидан воз кечишга қарши чиқди, реал ҳаётнинг ноз-неъматларидан фойдаланишга, ҳалол меҳнат қилишга, билим олишга чақирди. Баҳоуддин Нақшбанд таълимотида савоб ишлар ва бунёдкорлик ғояларининг устуворлиги, исломнинг асл моҳиятидан келиб чиқади.

XV аср нақшбандий пири Хожа Аҳрорнинг айрим масалаларга доир шундай мулоҳаза-фикрлари мавжуд:

«Айтур эрдиларким: золим ва жабр қилувчиларни йўқотиш борасида ҳиммат қилмоқ лозимдир».

«Айтур эрдиларким: менинг сизларга дунёни ман этишим, дунёни Сизлардан дарег тутиш маъносида эмас, балки Сизларни дунёдан асрамоқ маъносидадир. Чунки Одам шунчалик улуғворлиги билан ўз вақтини арзимас нарсалар учун зое қилмоғига ҳайфим келади».

«Илмни дунё (мол-мулк) орттириш ва мансаб эгаллаш учун хизмат қилдиргучи олимлардан узоқ бўлмоқ керак».

Хожа Аҳрор ўзининг турли хил асарлари ва рангбаранг мавзулардаги ҳикматомуз сўзлари билан тасаввуфнинг забардаст намояндалари ва нақшбандия тариқатининг арбоблари фикрларини давом эттириб, катта обрў-эътиборга сазовор бўлди².

Шундай қилиб, Нақшбандия тариқати узоқ фикрий ривожнинг натижаси ўлароқ майдонга келади, Ўрта

¹ Қ а р а н г: Али Ҳусайн Воиз Кошифий. Рашаҳот, 1504 йили ёзилган, 1825 йили литографик йўл билан нашр бўлган, 20-бет.

² Қ а р а н г: Ботурхон Валихўжаев. Хожа Аҳрор тарихи. Т., «Ёзувчи», 1994.

асрлардаги ижтимоий ва руҳий тараққиётнинг чуққиси сифатида шаклланади.

XVII асрда нақшбандия тариқати ва бошқа диншунослик қоидалари, Ҳофиз, Жомий, Навоий, Фузӯлий, Бедил асарлари эски мактаб ва мадрасаларда ўқитилди.

Мирзо Абдуқодир Бедил (1644—1721) ривожлан-тирган ажойиб «Ваҳдати мавжуд» ғояси худди чақмоқ каби шуълаланди. Унинг асарларида ҳинд пантеизми билан бир қаторда, Ибн Сино, Саъдий, Улуғбек, Алишер Навоийларнинг илғор қарашлари ҳам ўзининг равшан ифодасини топди. XVIII—XIX асрларда ва, ҳатто, XX аср бошларида ҳам Ўрта Осиё халқларининг ўзларига хос ижтимоий тафаккури ҳамда адабиётининг ривожланишига Бедил ижоди бевосита таъсир кўрсатди. Бу таъсирнинг ёрқин ифодаси Бедил асарларини ўқиб берувчи бедилхонларнинг майдонга келишида кўринди.

Мирза Бедил пантеизм позициясида турган. Пантеизм Ўрта Осиё, Ҳиндистон, Эрон фалсафасида кўпроқ тарқалган оқимлардан бири бўлиб, унинг ҳар хил шакллари бор. Пантеизмни, асосан, икки оқимга бўлиш мумкин: биринчиси — ваҳдати-вужуд (жисмоний бирлик) бўлиб, унинг қоида-си — «Дунё — Худо демак»-дир; иккинчиси — араб фалсафасида «Ваҳдати-мавжуд» (олам бирлиги) деб аталган оқим бўлиб, унинг қоида-си — «Худо — дунё демак»-дир деб ифодаланади.

Пантеистларнинг биринчи гуруҳи ҳамма нарса Худода ифодалангандек, Худо ҳам ҳамма нарсада ифодаланади, деб айтади. Шу билан бирга Худони бирдан-бир реал нарса, қолган ҳамма нарсани эса унинг шуъласи, нури деб ҳисоблайди.

Бедил пантеизмининг ўзига хос хилма-хиллиги ва хусусияти шундан иборатки, у ўз нуқтаи назари билан ваҳдати-вужуд эмас, ваҳдати-мавжуд позициясида турган. У ўз асарларида, айниқса «Чор унсур» ва «Ирфон»-да ваҳдати-мавжуд — «олам бирлиги» нуқтаи назаридан ўз фалсафий қарашларини жуда ҳам эҳтиёткорлик билан баён қилди.

Бедил ўз даврининг муҳитига ҳам тан беради, у ўз таълимотида иккиланишга йўл қўяди, олам ташқи кўринишидан — моддий, ички моҳияти билан эса — илоҳий, деб айтади. Бироқ, у оламдан ташқари ҳар қандай кучни қатъий рад қилади, олам ягона ва худо ҳам шу оламда дейди.

Бедил руҳлар тўғрисида. Бедилнинг нуқтаи назарига кўра, ҳаводан келиб чиққан нозик буғ — бухори латиф — тупроқда пайдо бўлади ва ғайри органик нарсаларда — табиий руҳ, ўсимлик дунёсида — наботот руҳи, ҳайвонот оламида — ҳайвоний руҳ ва кишида — инсон руҳи бўлиб, турли даражада ва шаклларда кўринади. Шундай қилиб, Бедил руҳ ва жисм тўғрисидаги масалани ўргана бориб, қуйидаги хулосага келади: 1) ҳаво — дунёни, борлиқни яратувчи биринчи асосдир; 2) ҳаводан мутлақ руҳ келиб чиқади; 3) мутлақ руҳ нозик буғ (бухори латиф) бўлиб, тупроқда пайдо бўлади; 4) руҳ материя учун шаклдир. Шакллар жисмлар билан чамбарчас боғланган. Бедил фикрининг энг муҳим жиҳати шуки, у бир олам мавжуд деб эътироф этади ва унда руҳ билан жисм материя билан шаклларнинг ўзаро маҳкам муносабати борлигини кўради¹.

Мирза Бедил моддий дунёнинг абадийлигини ва унинг доимий ўзгариб туришини тан олди ва буни пантеистик йўл билан исбот этди, шу билан бирга, бу оламни инсон сезгиси ва билимининг манбаи деб билди. Файласуф шоир, билишнинг биринчи босқичи ташқи моддий борлиқ таъсири билан ҳосил бўлувчи ҳислар, туйғулар билан боғлиқ эканлигини ёзди ва ҳидлаш, кўриш, таъм туйғуси — маза, эшитиш ва тери сезиши — пайпаслашнинг хизматларини бирма-бир сўзлаб берди. Бедил фикрича, ҳислар орқали объектдан олинган сезгилар зеҳнда сақланиб, онг (ақл) ойнасида аниқланади. Бедил ақлни, онгни худди ойнага, худди тоза доскага («*tabula rasa*»га) ўхшатади, унда ташқи ашёлар ўз изларини қолдирадилар, ўз суратларини, образларини ясайдилар, шу туфайли миямизда фикрлар туғилади.

Мирза Бедил араб фалсафасида кўтарилган жиддий ва чалкаштирилган муаммони, яъни Шарқ ва Ғарб — жабулқо ва жабулсо муаммосини ўз нуқтаи назари билан таҳлил қилди ва ечди.

Ибн Арабий (1165 йили Испанияда туғилган, 1240 йили Дамашқда вафот этган) руҳлар оламини Шарқ, нарсалар оламини, инсон танини эса Ғарб деб кўрсатган эди. Шарқдан, нур сингари руҳ чиқиб Ғарбга, одам танига киради: киши вафотидан кейин руҳ Ғарбдан

¹ Қ а р а н г: Бедил. Куллийёт. Литогр. нашр. Бомбай, 1299 ҳиж. й., — 1882.

чиқиб, яна Шарққа қайтиши керак. Бедил масаланинг бу тахлитда қўйилишига норози. Унинг фикрича, жабулсо сезиш жараёнини, фикр пайдо бўлишини, жабулқо эса — қатъий фикрни, қатъий, аниқ тушунчани билдиради. Бедил бу қарашни қуйидагича ифодалади:

*Рухи мутлақ ба арзи донишу фан,
Ноз дорад ҳамон ба қуввати тан.
Қуввати тан саломатиш аъзост,
Ки ҳаворо дар он тасарруфҳост,
Дар саломат агар футур афтад,
Қудраташ аз камол дур афтад¹.*

Маъноси: «Тан қувватида руҳий мутлақ кўринади. Тан қуввати тан саломатлигидир. Унда ҳаво бор. Агар саломатликка зарар етса, руҳнинг қудрати ҳам, камоли ҳам зарарланади».

Бедил нуқтаи назарича, инсонда уч хил куч бор: 1) жисмоний куч, 2) ақлий куч, 3) руҳий куч². Шундай қилиб, Бедил инсоннинг руҳий фаолияти инсон танининг соғлигига, инсон соғлиги эса, меъёрида овқатланишига боғлиқ, деб тўғри тушунтиради. Бедилнинг мазкур фикрлари моҳиятан таркидунёчиликка қарши қаратилган.

3. XVI — XIX асрларда Мовароуннаҳр маданияти

Ўрта Осиёда учта хонлик мавжуд бўлган давр яна шу билан ўзига хоски, мамлакатни бефаҳм амалдорлар, баъзи нодон руҳонийлар ва ўзбошимча ҳокими мутлақлар — амирлар ва хонлар бошқардилар. Улар ўз мамлакатлари халқининг манфаатлари билан заррача ҳам қизиқмаганлари каби, фан билан ҳам, илғор дунёқарашлар билан ҳам қизиқмадилар. Бу ҳолларнинг ҳаммаси мамлакатнинг ишлаб чиқариш кучларига катта зарар етказди. Феодал синфининг маънавий қашшоқлиги, руҳий тушкунлиги, маиший бузуклиги маданиятда ҳам яққол кўринди.

Лекин шунга қарамай, маърифатпарвар гуруҳлар халқнинг маданият анъаналарини сақлаб қолиш ва ри-

¹ Бедил. Куллиёт, 111-бет.

² Қ а р а н г: Мўминов И.М. Танланган асарлар. 1-том. Т., 1969, 95-бет.

вожлантиришга интилдилар, янги мактаб ва мадрасалар бино қилдилар. Вайрон этилган айрим бинолар халқ усталарининг меъморчилик санъати билан яна қад кўтарди, янги бинолар қурилди. Илми нужум, тиббиёт, тарихшунослик, тилшунослик, муסיқашунослик ва бошқа фанлар соҳасида янги олимлар етишди, қимматли асарлар яратилди. Бироқ шу даврнинг мадрасаларида *калом* илмини ўқитиш асосий ўринда турар эди. Саводхон кишилар кўчаларда, чойхоналарда ўз атрофларига халойиқни тўплаб, Фирдавсий, Саъдий, Ҳофиз, Лutfий, Навоий, Бобур, Бедил ва бошқа шоирларнинг шеърларини ўқиб берар эдилар. Бироқ бу саводли кишиларнинг кўпчилиги юқори табақалардан, хусусан руҳонийлар орасидан чиққан бўлиб, шоирларнинг гоյаларини ўзларича талқин қилар эдилар. Деҳқонлар ва хунармандлар орасида саводдилар деярли йўқ эди. Халқнинг орзу-умидлари, адолатсизликларга қарши норозилик курашлари халқ оғзаки ижодида ва илғор ёзма адабиётда ифодаланди.

Халқ яратган асарларида ўзаро урушларни қоралайди, мамлакатни хароб қилувчи бундай урушларнинг ташаббускори бўлган хон ва бекларни лаънатлайди. Халқ оғзаки ижодида сатира муҳим ўрин тутати. Бу даврда сатира ёзма адабиётнинг **Турди, Махмур, Гулханий** каби намояндалари ижодида кучли эди. Шу билан бирга, бу даврда адабиётнинг ўсишига **Нодира, Увайсий, Маҳзуна, Ҳозик, Мужрим — Обид, Мунис** ва **Огаҳий** каби шоирлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Машхур шоир ва сўфи Машраб, Сўфи Оллоёр ва уларга эргашувчилар ана шу тарихий шароитда яшади ва ижод қилди.

Машраб — шоир Раҳимбобонинг (XVII аср охири — XVIII аср бошлари) тахаллуси. Унинг асли Намангандан. У ўз дунёқарашининг асосларини лирик шеърлари ва «Мабдаи нур» деган шеърый асарида ифода қилган.

Машраб айрим қаллоб шайх ва муллаларнинг фирибгарликларини фош қилади, золимларни қоралайди. Унинг ажойиб лирик шеърлари китобхонда олий ҳис-туйғу, чуқур руҳий кечинмалар пайдо қилади.

Шоир **Турди** XVII асрнинг иккинчи ярмида Бухоро хонлигида яшаб ижод этди. Унинг муҳаммас, ғазал, қитъалардан иборат 18 шеъри сақланиб қолган.

Шоир Турди юз қабиласининг зодагонларидан эди. XVII асрнинг иккинчи ярми ва XVIII асрнинг бошларида ҳукмронлик қилган Субҳонқули ва унинг амалдорларига қарши халқ норозилигининг ўсиб бориши, халқ ғалаёнлари Турди ижодига таъсир этди. У сатирик шеърлар ёзиб, Субҳонқули ва унинг амалдорларининг ярамасликларини танқид қилди, халқнинг оғир ва машаққатли ҳаётига ачинди. Турдидан кейин ўзбек адабиётида сатира айниқса Махмур, Гулханий, Муқимий ва Завқий каби шоирлар ижодида ривожланди.

Махмур. Ижтимоий сатиранинг йирик намояндаларидан бўлган Махмуд Мулла Шермуҳаммад ўғли Махмур XVIII аср охирида Қўқон шаҳрида туғилди ва 1844 йилда ўша ерда вафот этди.

Махмур жафокаш халқнинг ижтимоий адолатсизликка қарши норозилигини куйловчи халқчил, сатирик шоир бўлиб етишди. Ижтимоий ҳақсизликларни танқид қилди, мамлакатдаги харобаликлар, халқ бошига тушган кулфатларни, ҳукмрон доираларнинг маънавий-маиший тушкунлигини фош қилди.

«Ҳапалак». шеърида шоир Қўқон хони Умархон замонидаги жабр-зулмини, оғир солиқлар остида эзилган омманинг ачинарли аҳволини ва қишлоқларнинг харобалигини зўр ачиниш билан акс эттирди. У «Амаким» шеърида саройнинг хушомадгўй, маддоҳ шоири Фазлийни фош этади. «Қози Муҳаммад Ражаб тўғрисида ҳажв»да қозиларнинг товламачилиги, юлғичлиги, айёрлигини танқид қилади. «Ҳаким Туробий»да нодон, билимсиз ва тамагир табибларни аччиқ заҳарханда билан тасвирлайди.

Гулханий — XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида яшаб ижод этган атоқли халқчил ёзувчи. Унинг исми Муҳаммад Шариф бўлиб, «Гулханий» унинг адабий тахаллуси. Гулханий XVIII асрнинг 70-йилларида тоғли Дарвозда (Тожикистоннинг ҳозирги Қалъаи хум туманида) камбағал оилада дунёга келди.

Муҳаммад Шарифнинг ёшлик чоғлари ўз қишлоғида ўтди, шу ерда савод чиқарди ва шеър ёзишни машқ қила бошлади. Кейин тирикчилик ўтказиш ва ўқишни давом эттириш мақсадида Наманган шаҳрига келади. Бу ерда у ишлаб ва ўқиб юрган чоғларида ғазал айтар, ҳажвий шеърлар ёзар эди. Гулханий ўз шеърларини икки тилда — ўзбек ва тожик тилларида ёзди, ўзбекча шеърларида «Гулханий», тожикча шеърларида «Журъ-

ат» тахаллусини қўллайди. Гулханий халқ оғзаки ижодини ўрганди, ўзбек ва тожик адабиётини кунт билан мутолаа қилди, ижодий изланиш билан бирга, ҳаётни кузатар, турмушдан — халқ ҳаёти ва ижодидан ўрганар эди.

Гулханийнинг бир неча лирик шеъри ҳамда анчагина мақол ва масаллардан иборат «Зарбулмасал» асари бизгача етиб келган.

«Зарбулмасал» Гулханийни зўр масалчи шоир сифатида танитди. Моддий қийинчиликда яшаган шоир, Олимхон қўшинида навкарлик хизматини ўташ пайтида камситилганидан шикоят қилади:

*Ҳазратим, очликдан ўлдим, егали нон бер менга,
Кофир ўлғайман агар десамки, баҳмон бер менга.
Мошу бугдою гурунч берким, шулар менга керак,
Ҳеч айтмасман ақиқу лаълу маржон бер менга.*

(Таржима.)

Гулханийнинг асарлари меҳнатсеварлик, дўстлик, садоқат, ростгўйлик ва тўғрилиқ каби энг яхши инсоний фазилатларни тарғиб қилади.

Мунис Хоразмий (1778—1829) истеъдодли маърифатпарвар шоирлардан. «Девон»ида ишқий мавзуда ёзилган ғазаллари билан бирга, долзарб ижтимоий масалалар устида фикр юритади. Халқнинг муҳаббат, инсоф ва адолат ҳақидаги орзуларини улуғлайди, зулм ва жаҳолатни қоралайди, илм-фан ва адабиётни тараққий эттиришга интилади, айрим халқ урф-одатларини танқид остига олади.

Муҳаммад Ризо Огаҳий (1809—1874) XIX аср ўзбек адабиётида етук шоир, тарихчи ва таржимон сифатида маълум ва машҳур бўлган. Огаҳий амакиси Мунисдан таълим олди. Фақат шеъриятда эмас, балки тарих асарлари яратиш ва таржимонлик фаолиятида ҳам унинг анъаналарини давом эттирди ва ривожлантирди.

Шоир ҳукмдорларнинг фақат ўз шахсий манфаатларини кўзлаб, мамлакат ва халқ ҳаёти билан ҳеч бир қизиқмаганлигидан шикоят қилади:

*Онга ким, масти жоми давлатдур,
Қон ичарда фақрлардин не хабар?
Ори, уйқуға борғон онгламағай,
Уйқусизларга ҳар не бўлса агар.*

Огаҳий бир неча тарихий асарлар ёзди. Бу асарлар XIX аср Хива хонлиги тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Огаҳий йигирмага яқин асарни форс-тожик тилидан ўзбекчага ўғирди. Улар орасида Низомийнинг «Ҳафт пайкар» («Етти гўзал») достони, Шайх Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон» китоблари, Жомийнинг «Юсуф ва Зулайхо» си, Ҳилолийнинг «Шоҳ ва ғадо»си ва бошқалар бор.

Ўзбек адабиёти тараққиётида катта ўрин тутган Огаҳийнинг бир қатор шеърлари шу кунга қадар куйга солиниб айтилиб келмоқда.

Шоиралар. Жамият тузуми хотин-қизларнинг маданий ҳаётда фаол иштирок этишлари учун у қадар йўл бермаса-да улар илм-фан, маданият, санъат ва адабиёт тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшдилар. Жумладан, ўзбек халқ оғзаки ижодидаги жуда кўп қўшиқ, эртақ ва достонларнинг ижодчилари хотин-қизлардир. XIX асрда ўзбек халқи орасидан **Увайсий, Нодира, Маҳзуна** каби ўтқир шоиралар етишиб чиқди.

Битта иқтисодий ҳудуддаги бир халқнинг учта мустақил, сиёсий хонликка ажралиб кетиши, бу ҳудудда яшаётган элатларнинг бошига жуда оғир кулфатларни келтирди. Хонликлар ичидаги сулолавий ва ўзаро урушлар халқнинг аҳволини янада оғирлаштирди. Хиваликларнинг туркман уруғларига қарши уюштирадиган мавсумий талончилик юришлари, Бухоро амирлигининг Китоб ва Шаҳрисабз бекларига қарши олиб борган доимий урушлари, Қўқон хонлигининг Тошкент ва Хўжанд учун Бухоро амирига қарши қурашлари битта халқнинг парчаланишига, ўзаро маданий, савдо алоқаларининг кунда узилиб қолишига сабаб бўлди.

Бу пайтда нафақат бошқа ҳудудлар билан, ҳатто Қўқон, Хива, Бухородаги маданий марказларнинг ҳам ўзаро алоқаси йўқ даражада эди. Бу, ўз навбатида, Ўрта Осиё илм-фанини турғунликка, ҳатто, таназзулга олиб келди. Табиий фанларга эътибор, умуман, йўқолди. Ўрта Осиё халқлари Европа фан-техника ривожидан беҳабар бўлиб, умумтараққиётда орқада қолиб кетди.

Россия билан ўрнатилган савдо алоқалари бир гуруҳ бойлар қўлида бўлиб, улар маданий алоқаларга, фан-техника тараққиётини кириб келишига айтарли таъсир кўрсатмади ва ўлкадаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий вазият чор Россиясининг ўз агрессив мақсадлари учун шароит яратиб берди. Натижада Россия Ўрта Осиёни осонлик билан босиб олди.

Мавзу якунида эътироф этиш мумкинки, феодал тарқоқлик шароитида ҳам халқимизнинг маънавият ва маърифатга бўлган эҳтиёжи сўнмади, унинг ичидан етишиб чиққан зиёлилар бу борада тарих саҳифаларида ўчмас из қолдирдилар.

Адабиётлар

1. **Каримов И.** Истиқлол ва маънавият. Т., «Ўзбекистон», 1994.
2. **Каримов И.** Хива ва Бухоро шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимлардаги табрик сўзи. «Халқ сўзи», 1997, 21 октябр.
3. **Баёний.** Шажараи Хоразмшоҳий. Т., Ғафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1994.
4. **Бобобеков Х.Н.** Қўкон тарихи. Т., «Фан». 1996.
5. **Зиёев Ҳ.** Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. Т., «Шарқ». 1998.
6. **Ибрат Исҳоқхон.** Фарғона тарихи. Т., «Камалак». 1991.
7. **Сомий Мирза Абдулазим.** Манғит ҳукмдорлари тарихи. М., 1962.
8. **Маҳмудхожа Мулла Олим.** Тарихи Туркистон. Т., 1995.
9. Миллий уйғониш. Т., 1997.
10. **Мўминов И.М.** Танланган асарлар, I том, Т., 1969.
11. **Султон Иззат.** Баҳовуддин Нақшбанд абадияти. Т., «Фан». 1994.
12. **Валихўжаев Ботурхон.** Хожа Аҳрор тарихи. Т., «Ёзувчи». 1994.
13. Ўзбекистон тарихи. Т., «Университет», 1997.
14. **Олим С.** Хожа Баҳоуддин ҳақиқати. Наманган, 1994.
15. **Олим С.** Нақшбанд ва Навоий. Т., 1996.

РОССИЯНИНГ ТУРКИСТОННИ БОСИБ ОЛИШИ. ЎЛКАДА ИСТИҚЛОЛЧИЛИК ҲАРАКАТИ

1. Чор Россиясининг ўлкадаги мустамлака тизими

ХІХ асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё Россия империясининг мустамлакаси бўлиб қолди.

Чоризм босиб олган ерлари халқини мутлақ бўйсундириш мақсадида ўз мафкураси ва ғояларини уларга мажбуран сингдириш, маданиятига шикаст етказиш, миллий тили, урф-одатлари ва қадриятлари ривожига йўл бермаслик сиёсатини олиб борди. Бу янгилик эмас эди. Бу босқинчи мамлакатлар томонидан мустамлакачилик тартибларини сақлаб туриш ва мустақамлашнинг азалий, тарих синовидан кўп ўтган анъанавий йўлларида бири эди. Хитой донишманди **Конфуций** бундан 2700 йил олдин ўз императорига шундай маслаҳат берган экан: «Хоқоним, агар бирор мамлактни босиб олиб, у ерда узоқ ҳукмронлик қилмоқчи бўлсангиз, даставвал ўша ерда яшаётган халқни ўз тарихий маданиятидан маҳрум этинг, маънавий бўҳронни кучайтиринг. Ўз маданиятидан бебаҳра бўлиб, маънавий қашшоқлик ҳолатига учраган халқ уюшмайди, ички низолар гирдобига ўралади, сизга қаршилиқ кўрсата олмайди. Бундай ҳолга келган халқни, мамлакатни идо-ра қилиш қийин бўлмайди»¹.

Чингизхон ҳам Ўрта Осиё заминини истило қилаётганида ўз саркардаларига: Шаҳарларга нодон, ирода-сиз, аҳмоқ кишиларни бошлиқ этиб тайинланглар, уларни қўллаб-қувватланглар ва кўкларга кўтариб мақтай беринглар, маҳаллий халқларнинг ақли, билим-ли, обрў-эътиборли кишиларини йўқ қилинглар, деб топшириқ берар экан.

Чоризмнинг Конфуций ва Чингизхон айтган тарзда сиёсат юргизиши натижасида ўлкада омманинг оломонлашуви, сиёсий манкуртлик, бепарволик бошланади. Ана шу ёвуз ва маккорона сиёсатни амалга оши-

¹ Қаранг: Гусейнов А.А. Великие моралисты. М., 1995, с. 36.

ришнинг асосий йўл-йўриқларини ишлаб чиқиш учун ишни нимадан бошлаш кераклиги ҳақида таклиф-мулоҳаза ва хулосалар бериш топшириғи билан чор ҳукмати кўпчилик олимлар ва бошқа соҳа кишиларини Туркистонга юборди. Бу чуқур ўйлаб, узоқни кўзлаб ва режалаштириб қўйилган машғум сиёсат эди.

Чоризм мустамлакачилик сиёсатини Шарқда қон ва қилич билан жорий қилган генераллардан бири М.Д.Скобелев: «Миллатни йўқ қилиш учун уни қириш шарт эмас, унинг маданиятини, тилини, санъатини йўқ қилсанг бас, тез орада ўзи таназзулга учрайди»¹, деган эди. Унинг ана шу кўрсатмаси Туркистондаги маънавият, маърифат ва маданиятга нисбатан амалга оширилган жаҳолат ва ёвузликлар учун қўлланма бўлиб хизмат қилди. Чоризм Туркистон халқларини саводсизлик, билимсизлик ҳолатида ушлаб туришдан манфаатдор эди. Унинг мақсади ғафлат уйқусида ётган, замонавий фан-техника, маърифат ютуқларидан беҳабар, миллий онги паст, миллий ғурури топталган халқни талаш, эзишдан иборат эди.

Чоризмнинг мустамлакачилик усул-идораси даврида, амирлар, хонлар, бойлар ҳукмронлиги даврида меҳнаткаш халқ чексиз азоб-уқубат тортди. Эксплуататор синфлар чоризм билан биргаликда халқ оммасини қулликда, миллий биқикликда, таркидунёчилик руҳида тутишга ҳар турли йўллар билан уриндилар, шу билан ишлаб чиқариш кучлари ва маданиятнинг юксалишини зўравонлик билан тўхтатиб турдилар. Аммо чоризм ва барча реакцион кучлар ижтимоий тараққиётнинг объектив тарихий қонуниятларини буза олмади, тўхтата билмади.

Ўрта Осиёнинг босиб олинishi билан хонликлар ўртасида тўхтовсиз бўладиган урушлар барҳам топди. Ўрта Осиёда қуллик ва қул савдоси расмий равишда бекор қилинди ва ман этилди. Лекин чор Россияси Туркистон ўлкасини эгаллаган кунларидан бошлаб ўзининг иқтисодий мустамлакачилик ниятларини амалга оширишга киришди.

Хомашё манбаи ва савдо бозори бўлган ўлкада мустамлака режимини мустаҳкамлаш, Туркистонни эксплуатация қилишни кучайтириш учун уринган чоризм иқтисодий характерга эга бўлган тадбирларни амалга

¹ Қаранг: Туленов Ж., Фафуров З. Мустақиллик ва миллий тикланиш. Т., «Ўзбекистон», 1996, 138-бет.

ошира бошлади. 80-йилларда темир йўллар, пахта заводлари қурила бошланди.

Мустамлака Туркистонда темир йўлларнинг қуриб битирилиши ўлкани Россия саноатининг гилдирагига янада маҳкамроқ боғлади. Ўлканинг хомашё етказиб берувчи манба сифатидаги ўрни мустаҳкамлангач, бу ерга турли фирма ва биржалар кириб кела бошлади ва улар жадаллик билан Туркистоннинг иқтисодий ҳаётига ўз таъсирини кучайтириб борди. Улар ўлкадан хомашё олиб кетиш, Россиядан саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари олиб келиб сотиш билан чекланмай суғориладиган ерларни сотиб олиб пахта экишни кенгайтirdилар. Пахтачиликнинг ривожланиши бундай фирма-биржалар, шунингдек, маҳаллий судхўр ва савдогарлар учун катта имкониятлар яратиб берди.

Россиядан кириб келаётган тайёр саноат маҳсулотлари ўлканинг ўзида ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ҳунармандчиликни издан чиқарди. Рақобат натижасида ҳунармандчиликнинг кўплаб соҳалари инқирозга юз тутди, хонавайрон бўлган ҳунармандлар ҳам, ерсиз деҳқонлар сингари ишсизлар сафини тўлдириб борди. Ўлканинг кўплаб унумдор ерларига пахта экилиши бошоқли экинлар етиштирадиган майдонларнинг қисқаришига олиб келди. Минг йиллар давомида ўзини озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб келган маҳаллий аҳоли аста-секин бу масалада Россияга қарам бўлиб қолди.

Подшоҳ ҳукумати Россиядаги кўп минглаб ерсиз деҳқонларни, ишсизларни, рус инқилобчилари ва социал-демократларини мустамлака Туркистонга кўчириб ёхуд сургун қилиб, ўлкани руслаштиришга уринди. Уларнинг айримларига катта имтиёзлар берди. Янги ташкил топган рус қишлоқлари аҳолиси маҳаллий аҳолига нисбатан анча кўпроқ экин майдонларига эга бўлди, маълум муддатгача солиқдан ҳам озод қилинди.

Туркистонда кўп сонли рус аҳолисининг мавжудлиги Россия учун ҳарбий ва сиёсий таянч бўлди. Улар айни бир вақтда маҳаллий халқларнинг мустамлакачилик тузумига қарши бўлган ҳаракатларини бўғиб туриш учун қурол вазифасини бажардилар. Чоризмнинг бу ўлкадаги миллий-маърифий ишлари маҳаллий аҳолини руслаштириш, маданияти ва урф-одатларини чеклаш, камситишдан иборат бўлди.

Маҳаллий миллатлар орасидан чиққан илғор кишилар чоризмнинг мустамлакачи маъмурларига қарши кескин салбий муносабатда бўлиш билан, айтилишича, вақтнинг ўзида рус фанига, адабиётига зўр қизиқиш билан қарадилар, миллий маданиятни илғор тамойиллар асосида ривожлантириш учун курашдилар. Ўрта Осиёда ижтимоий тафаккурнинг машҳур намояндалари **Аҳмад Дониш (1827—1897)**, **Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат (1858—1909)**, **Муқимий (1850—1903)** ва бошқалар реал тарихий воқелик ва ўзгаришларни ўз асарларида акс эттириб, янги фикрларни олға сурдилар.

Темир йўллар, депо, пахта тозалаш ва пахта ёғи ишлаш заводлари ҳамда бошқа корхоналар қурилиши билан Туркистонда четдан келган ва маҳаллий ишчилар вужудга келди. Пахтачиликнинг ривожланиши қишлоқдаги табақаланишни тезлатди, кенг халқ оммасининг қашшоқлашувини кучайтирди. Шу билан бир вақтда чоризмнинг миллий мустамлакачилик зулми борган сари зўрайди. Бу аҳволларнинг ҳаммаси Ўрта Осиёда синфий курашнинг кескинлашувига, миллий озодлик ҳаракатининг ўсишига сабаб бўлди.

Чоризмга қарши олиб борган қуйидаги энг йирик ва оммавий тус олган халқ ҳаракатларини кўрсатиш мумкин: 1871 йилдаги Фарғонада Етимхон кўзғолони; 1872 йилда Чирчиқдаги исёнлар, 1873—1876 йиллар Қўқондаги Пўлатхон кўзғолони; 1892 йилдаги Тошкент кўзғолони; 1898 йилдаги Андижонда Дукчи Эшон кўзғолони; 1899 йилдаги Сирдарё вилоятидаги ҳаракатлар, 1916 йилдаги Жиззах кўзғолони ва бошқалар. Аммо ҳарбий жиҳатдан кучлар тенг эмас эди ва рус қўшинлари кўзғолончиларни тезда мағлубиятга учратди. Қўзғолон бошлиқлари осиб ўлдирилди. Бошқа кўзғолончилар ҳам қаттиқ жазоланди. Подшоҳнинг буйруғи билан Қўқон хонлиги тугатилиб, Фарғона вилояти ташкил этилди. Вилоятда ва бутун Туркистон генерал-губернаторлигида ҳарбий полиция режими кучайтирилди.

Россиянинг 1914 йили бошланган Биринчи жаҳон урушига тортилиши натижасида маҳаллий халқдан олинган солиқлар миқдори ошиб борди, фронт ортидаги ишларга аҳолини мардикорликка чақирадиган бўлди. Бу халқ норозилигининг ортиб боришига сабаб бўлди ва бутун ўлкада кўзғолонлар бошланди. Халқ ҳаракати шафқатсизлик билан бостирилди.

2. Жадидчилик ҳаракати

XIX аср охири — XX асрнинг бошларида сиёсий, маданий, иқтисодий жиҳатдан инқироз ҳолатига тушиб қолган ўлкада Туркистон зиёлилари чор Россиясининг мустамлакачилик зулмидан қутулиш, ўз миллий давлатчилигини тузиш, иқтисодий ва маданий тараққиётга йўл очиш, халққа зиё тарқатиш чораларини кўрди. Бу борада жадидчилик ҳаракати катта аҳамиятга эга бўлди.

«Жадид» арабча сўз бўлиб, «янги» деган маънони билдиради. Туркистонда унинг ғоялари XIX асрнинг 90-йилларидан ёйила бошлади. Бу оқим XX асрнинг 30-йиллари охирларигача ўлка ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим мавқе тутди. Бугунги кунда республикамиз тарихчи олимлари жадидчилик ҳаракатида қуйидаги уч босқични фарқлашмоқда: 1) XIX аср охирларидан 1915 йилгача — маърифатчилик; 2) 1915 йилдан — 1918 йил февралигача — мухториятчилик; 3) 1918 йил февралидан — 20-йиллар охиригача мустабид шўролар давридаги фаолият.

Жадидчилик Россияга қарам бўлган мусулмон халқлари орасида дастлаб Қримда XIX асрнинг 80-йилларида пайдо бўлди. Унинг асосчиси диний-дунёвий илмларни чуқур эгаллаган Исмоилбек Гасприли (1851—1914) бўлди. У дарслик яратади, ўзининг «Таржимон» (1883—1914) газетасини ташкил этиб, жадидчиликни туркий халқлар орасида кенг тарғиб қилади. Бу газета Тошкент ва Туркистоннинг бошқа шаҳарларига ҳам тез ёйилади. У жадид мактабини очади. Бундай мактабларни 1899 йилда Андижонда Шамсуддин домла, 1901 йилда Қўқонда Салоҳиддин домла, Тошкентда Мунавварқори Абдурашидхонов ва Самарқандда Абдуқодир Шакурийлар биринчи бўлиб ташкил этдилар.

Жадидчиликни амалга ошириш борасида Муҳаммадхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Мунавварқори Абдурашидхонов, Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев, Абдулла Авлоний, Абдулҳамид Чўлпон ва бошқа зиёлилар жонбозлик кўрсатишди. Янгича ўқитиш маҳаллий болаларга қисқа вақт ичида дунёвий, диний таълим бериш дастури асосида олиб борилди. Бу дастурга кўра мактабларда ўқитиш тизими икки босқичдан иборат бўлган. Биринчи босқич ибтидоий қисм деб аталиб, унинг таҳсил муддати 4 йил бўлган ва болалар саводини чиқарган. Иккинчи босқични муваффақиятли тугатган

шогирд арабча, форсча, туркий тилда бемалол сўзлашиб, русчада эркин гаплаша олар эди.

Жадидларнинг халқаро алоқалари жуда кенг қамровли бўлган. Улар Россия, Туркия, Миср ва бошқа мамлакатлардаги жадидчилик оқимлари дастурларидан хабардор бўлганлар, ўзаро сафарлар, мулоқотлар орқали тажриба алмашганлар. 1906—1908 йилларда улар рўзномалар чиқардилар. Лекин тез орада чор маъмурияти бу нашрларни ман этди.

Жадидчилик Столипин реакциясидан сўнг яширин туста ўтди. Шунга қарамай, 1913—1915 йилларда «Самарқанд», «Садои Туркистон», «Садои Фарғона», «Бухорои шариф», «Турон», 1917 йилда эса «Эл байроғи», «Кенгаш», «Хуррият», «Улуғ Туркистон» газеталари, «Ойна» журнали каби оммавий ахборот воситалари ҳам пайдо бўлди.

Россиядаги Февраль демократик инқилоби арафасида ўлка жадидчилиги етук сиёсий ҳаракатга айланди. Агар Биринчи жаҳон урушидан кейин жадидлар парламентар монархия учун курашган бўлсалар, Феврал инқилобидан кейин бир қатор сиёсий талабларни илгари сурдилар. Жумладан, маҳаллий аҳоли ҳуқуқларини кенгайтириш, ўлкага Давлат Думасидан аҳоли сонига қараб ўрин бериш, миллий матбуот эркинлигини таъминлаш ва бошқалар. Февраль инқилоби натижасида Россияда янги давлат тузуми ўрнатилгандан сўнг федератив давлат шаклида мухторият олишга умид боғлаган жадидларни руҳлантириб юборди. Улар «Шўрои Исломия», «Иттифоқи муслимин», «Турон» каби бир қатор ташкилотлар туздилар ва ниятларини амалга ошириш учун аҳолини ўз ортларидан эргаштирдилар. Аммо улар тез кунларда тушундиларки, Россиядаги Муваққат ҳукумат ва унинг Туркистон Қўмитаси ҳам ўлкада аввалгидек мустамлакачилик сиёсатини давом эттириш йўлини тутмоқда. Жадидларнинг Туркистон мухторияти ҳукумати-ни тузиш мақсадлари амалга оширилмади.

Туркистондаги октябрь воқеалари ва большевикларнинг зўравонлик билан ҳокимиятни эгаллаши уларга бу мақсадни амалга оширишларига имкон бермади. Шунга қарамай, улар большевикларнинг ҳужжатларида кўрсатилган миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши тўғрисидаги ҳуқуқлардан фойдаланиб, Туркистон-мухторияти ҳукуматини эълон қилдилар. Уч ойгина яшаган бу мухтор республика тутатилиши оқибатида жадидлар қаттиқ таъқибга учради.

Шўро даврида жадидлар халқ таълимини ривожлан-тиришга ҳаракат қилдилар. Уларнинг айрим қисми мус-табид тузумнинг сиёсатига кўникмай хорижга ўтиб кет-дилар, муайян қисми эса истиқлолчилар ҳаракатига қўшилиб кетдилар. Улар мустақиллик ҳақидаги ғоялари учун 1929, 1937—1938 йилларда оммавий тарзда қирғин қилиндилар.

Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида жадидчилик ҳаракати Туркистондаги каби XIX аср охири — XX аср бошларида шаклланган бўлса ҳам, ўзига хос хусусиятга эга эди. Бу ерларда жадидлар ҳукумат идораларида раҳ-бар лавозимларда ишлаб, мамлакатни тараққий қилди-риш ва мустақилликни сақлаб қолишга интилдилар (1920—1924). Бироқ шўро режими аввал Бухоро ва Хо-разм давлатлари мавжудлигига чек қўйган бўлса, ке-йинчалик барча жадид намояндаларини жисмонан маҳв қилди.

Умуман олганда, аср бошида юзага келган жадид-чилик ҳаракати Туркистон халқларининг миллий озод-лик, мустақиллик учун дастлаб чор Россияси, сўнгра шўро мустамлакачилигига қарши курашда муҳим ўрин тутди.

3. Туркистонда шўро ҳокимиятининг ўрнатилиши. Истиқлолчилик ҳаракатининг давом этиши

Февраль демократик инқилоби. Юқорида айтгани-миздек, 1917 йил Февраль демократик инқилоби ғала-баси Туркистон ўлкасига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Натижада бу ерда ҳам ишчи ва солдат депутатлари Советлари, касаба уюшмалари ташкил этилди, маҳал-лий халқлар тилларида газеталар чиқа бошлади. Тош-кентда ва бошқа шаҳарларда «Шўрои Исломия» ташки-лотлари тузилди.

1917 йил 31 март куни рус подшосининг ўлкадаги таянчи — Туркистон генерал-губернатори ҳокимиятни тарк этди. Ўлка мухторияти масаласи асосий масала бўлиб қолди. 1917 йил 7 апрелда Муваққат ҳукумат қарори билан, унинг Туркистон қўмитаси ташкил қилинди. 9 кишидан иборат бу қўмита аъзоларининг тўрттаси туркий халқлар вакиллари эди. Афсуски, Туркистон истиқлолчилари ҳокимият масаласида бир-лаша олмадилар. Бу борада ўлка мусулмонларининг 1917 апрель ойида бўлиб ўтган I қурултойида ва 10 сентябр-

да бўлган II курултойида «Шўрои Исломия» ва диний уламолардан ташкил топган «Шўрои Уламо» жамиятлари раҳбарлари мурсага келолмадилар.

Тошкентда 1917 йил 17—20 сентябрда туркистонлик ва қозоқ мусулмонларнинг курултойида «Шўрои Исломия», «Шўрои Уламо», «Турон» ва бошқаларни бирлаштириш йўли билан бутун Туркистон ва Қозоғистон учун умумий бўлган «Иттифоқи муслимин» деган сиёсий партия тузишга қарор қилинди.

«Уламочилар»нинг ушбу курултойидаги асосий масала Туркистон ўлкасининг бўлғуси сиёсий бошқаруви тўғрисида бўлиб, унда демократик Россия таркибида ҳудудий федерация — «Туркистон Федератив Республикаси» тузилиши гоёси олға сурилди. Ўлкадаги вазият анча юмшади.

Октябрь тўнтариши. 1917 йил сентябрь ойида большевиклашган Тошкент Совети солдатларни ва асли россиялик ишчиларни ўз томонига торта олган эди. Октябрь ойида Россияда тўнтариш бўлиб ўтгандан сўнг, унинг таъсири тез орада мустамлака ўлкага ҳам ёйилди. Тошкентдаги Октябр тўнтариши қатнашчилари 1 ноябрда Бош комиссар генерал Коровиченко ва Муваққат ҳукуматнинг Туркистон қўмитасини қамоққа олдилар ва шу кун Туркистонда шўро ҳокимиятини ўрнатилганлиги эълон қилинди. Қурулланган европалик ишчилар, асосан темирйўлчилар, Тошкент гарнизонининг солдатлари давлат тўнтаришини амалга оширди. Туркистон большевиклари ўлкадаги бутун ҳокимиятни ўз қўлларига олиш учун шафқатсиз кураш олиб бордилар.

1917 йил 15—22 ноябрида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ишчи, солдат ва деҳқон депутатларининг III ўлка съездида ҳокимият масаласи ҳал қилинди. Бунда 15 кишидан иборат Туркистон Халқ комиссарлари совети тузилди (8 сўл эсер ва 7 большевик). Ҳукуматга маҳаллий аҳолидан биронта ҳам вакил киритилмади. Бу большевикларнинг миллий масалада йўл қўйган катта сиёсий хатоси бўлиб, бунда шўро раҳбарларининг шовинистик кайфиятлари очик намоён бўлди.

Россия Халқ Комиссарлари Совети 2 ноябрда «Россия халқлари ҳуқуқларининг декларацияси» ва 20 ноябрда «Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига» мурожаатномасини эълон қилди. Ушбу дабдабали ҳужжатларда халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи расмий равишда тан олинди. Ҳатто-

ки, ажралиб чиқиш ва мустақил давлат тузиш ҳуқуқи, ҳамма ва ҳар қандай миллий, диний имтиёзлар ва чеклашлар бекор қилинди.

Бу ҳужжатлар қанчалик баландпарвоз ваъдалар бермасин, амалда қуруқ ташвиқот бўлиб чиқди. Кўп ўтмай, Туркистон ХКС «Шўрои Исломия», «Шўрои уламо» ташкилотларини тарқатиб юборди. Бу ташкилотларнинг аъзолари Туркистон мухториятини, кейинроқ эса миллий истиқлол ҳаракатини қўлаб қувватладилар.

1917 йил 26—28 ноябрида Қўқон шаҳрида Туркистон ўлка мусулмонларининг фавқуллодда IV қурултойи бўлиб ўтди. Қурултойда демократик мусулмон зиёлилар талаби билан Туркистон аҳолисининг европа қисми вакиллари ҳам тенг ҳуқуқли бўлиб иштирок этдилар. Ўлкани бошқариш тузуми тўғрисидаги масала уч кун давом этган қурултойнинг диққат марказида турди ва Туркистонни Россия таркибида ҳудудий жиҳатдан мухтор деб эълон қилди.

Туркистон Мухторияти ҳукумати қисқа фурсат ичида халқ ўртасида катта эътибор қозонди, барча демократик кучлар уни қизғин қувватлади.

Афсуски, ўлка большевиклари Туркистон Мухторияти ҳукуматига катта хавф деб қарадилар. Туркистон Советларининг IV съезди уни қонундан ташқари деб ҳисоблади ва ҳукумат аъзоларини қамоққа олиш ҳақида қарор қабул қилди. Мухторият ҳукумати ағдарилди, Қўқон ва унинг атрофидаги тинч аҳоли таланди ва маҳв этилди. Фақат Қўқоннинг ўзида уч кун давомида 10 минг киши ўлдирилди.

Туркистон Мухториятининг ағдарилиши Ўрта Осиёни шўролаштиришга кенг йўл очиб берди.

4. Туркистон минтақасида истиқлолчилик ҳаракати ва унинг тарихий аҳамияти

Туркистон Мухторияти ҳукуматининг большевиклар томонидан тор-мор қилиниши, шўро ҳокимияти вакилларининг бутун Туркистон ўлкасида юритган шовинистик ва мустамлакачилик сиёсати, маҳаллий аҳоли манфаатлари билан ҳисоблашмай, уларнинг нафсониятига тегиши ўлка аҳолисининг ғазабини қўзғади. Мухториятнинг тарқатилган ҳукумат аъзолари ўлкада истиқлолчилик ҳаракатини ташкил этиш чораларини кўрди.

Дастлабки истиқлолчи гуруҳлар Фарғона водийсида ташкил топди. 1918 йил 27 февралда бўлган жангларнинг бирида Кичик Эргаш шаҳид бўлган, унинг ўрнига Катта Эргаш қўрбоши Фарғона водийсида большевикларнинг мустамлакачилик тартибига қарши кураш бошлади.

1918 йил март ойига келиб Фарғона водийсида биридан мустақил равишда 40 дан ортиқ қўрбоши дасталари фаолият кўрсатди. Улар ташкилий жиҳатдан уюшмаган, аммо то ҳалигача атаб келинган қуролли безорилик, босқинчилик ёхуд «босмачилик» ҳаракати эмас эди.

Истиқлолчилик ҳаракатининг ўзига хос миллий йўналиши ва Туркистонга мос хусусиятлари бўлган. Ҳаракатнинг устувор ғояси ва мақсади — бутун Туркистоннинг миллий истиқлоли эди. Бу ҳаракатнинг асосий кучлари деҳқонлар, чоракорлар, мардикорлар, ҳунармандлар ва косиблар эди. Улар қуролланган шўро қўшинларидан баъзан мағлубиятга учраб турсалар-да, маҳаллий аҳолидан мадад ва ёрдам олиб турардилар, аммо бошдан охиригача ягона марказга тўлиқ уюша олмадилар.

Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати 1919 йил ёзининг охири ва кузида ўзининг юқори чўққисига чиқди. Мадаминбек бошчилигидаги ислом қўшинлари сафига Жалолободда турган рус деҳқонлар армиясининг қўшилиши водийда шўро ҳокимиятини ағдартиш учун реал куч эди. Сентябрьнинг дастлабки кунларида Мадаминбек лашкарлари Жалолобод шаҳрини эгаллади. Қуршоб ёнидаги жангларда шўро армияси қисмлари катта мағлубиятга учраб, Ўш шаҳрига чекинди. 8 сентябрда бир ярим кеча-кундузлик қонли жанглардан кейин Ўш шаҳридаги гарнизон таслим бўлди ва қамоқхонада ётган маҳбуслар истиқлолчилар томонидан озод қилинди. Мадаминбек қўшинлари 13 сентябрда Эски Марғилон шаҳрини эгаллади. Шу билан бирга водийдаги энг йирик стратегик шаҳар — Андижонни қамал қилишга киришди. Афсуски, бир ой давомида Фарғона водийсини ларзага келтирган Мадаминбек бошчилигидаги мусулмон қўшинининг ҳужуми пировард натижада мағлубият билан тугади.

1919 йил 22 октябрда Помирнинг Эргаштом овулида бўлган анжуманда Фарғона муваққат мухторият ҳукумати тузилди. Ҳукумат таркибига 16 мусулмон ва 8 рус, ҳаммаси бўлиб 24 киши киритилди. Мадаминбек, ҳуку-

мат бошлиғи бўлиши билан бирга Бош қўмондон қилиб ҳам тайинланди.

1919 йилнинг кеч кузига келиб Мадаминбек қўл остида 30 мингга яқин йигит қизил армияга қарши истиқлол жанглари олиб борди. Бу пайтда Шермуҳаммадбекда 20 минг йигит, Эргаш қўрбошида 8 минг йигит бўлган. Айнан ана шу уч лашкарбоши водийдаги жангвор ҳаракатлари йўналтириб турган.

Мадаминбек сиймосида саркардалик, давлат ва сиёсат арбобига хос сифатлар ўзаро уйғунлашиб кетган эди. У Фарғона водийсидаги истиқлолчиларнинг ҳақиқий маънодаги доҳийси, тан олинган йўлбошчиси эди. Мадаминбек водийдаги шўро ҳокимияти идораларига муқобил равишда ўз сиёсий бошқарув усулини жорий қилди. Бундай бошқарув усулини яна Эргаш ва Шермуҳаммадбек қўрбошиларгина жорий этган эди.

Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракати 1920 йилнинг ёзи ва кузида ўзининг янги босқичига қадам қўйди. Кураш яна ҳам шафқатсиз ва мурасиз тус олди. Фарғона водийси ва Самарқанд вилоятидаги ватанпарварлар билан бир қаторда эндиликда Хоразм ва Бухородаги фидойилар ҳам босқинчи қизил армия жангчиларига қарши муқаддас курашга отланди. Мадаминбек шўро ҳукуматиға таслим бўлганидан кейин, кураш байроғини водийда Шермуҳаммадбек кўтарди. Фарғона водийсидаги бутун қўрбошилар ва тинч аҳоли вакиллари Олтиариқ туманида ўзларининг навбатдаги қурултойларига тўпландилар. Қурултой 1920 йил 3 майда Туркистон муваққат ҳукуматини тузди. Ушбу қурултойда Шермуҳаммадбек ҳукумат раиси ва ислом қўшинларининг Олий бош қўмондони қилиб сайланди.

Туркистон МИҚ раиси Иномжон Хидиралиевнинг сал кейинроқ ёзишича, «1920 йил сентябрда босмачиларнинг сони 70 минг кишига етди ва кучли ваҳима уйғотди».

Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатининг ғоявий раҳнамолари ҳам етарли даражада мавжуд бўлиб, улар, асосан, жадид мунавварлари ва ислом уламолари эди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, истиқлолчилик ҳаракатиға ғоявий раҳнамолик қилиш борасида жадидлар билан уламолар ўртасида ўзаро рақобат ҳам мавжуд эди.

1920—1924 йилларда истиқлолчилик ҳаракати Бухоро ва Хоразм республикаларида ҳам авж олди. Бухоро

Халқ Республикасидаги ҳаракатнинг Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатидан фарқ қиладиган асосий томони шундан иборатки, ватанпарварлар Бухорода икки жабҳада туриб кураш олиб боришларига тўғри келди. Бир томондан, амирлик тузуми тарафдорлари бўлган муҳофизатчилар, жадидлардан иборат Бухоро ҳукуматига ва, шунингдек, Қизил Армия қўшинларига қарши кураш олиб бордилар (Иброҳимбек, Мулла Абдулқоҳҳор ва бошқалар.). Иккинчи томондан, миллий истиқлол ғояларига содиқ бўлган бухоролик ватанпарварлар Файзулла Хўжаев бошлиқ Бухоро Халқ Республикаси ҳукумати билан яширин алоқалар ўрнатиб, Бухоронинг муқаддас тупроғидан қизил аскарларнинг олиб кетилиши, Бухоро Халқ Республикасининг мустақиллиги амалда қарор топиши учун курашдилар (Анвар Пошшо, Давлатмандбек, Жабборбек, Дониёлбек ва бошқалар).

Хоразм Халқ Республикасида Қизил Армияга қарши курашнинг тепасида Жунайдхон турди. У Хоразмда сиёсий ҳокимият учун кураш бошлаб, катта муваффақиятларга эришди. Қисқа муддатда Жунайдхон ўз қўшинини 20 минг кишига етказди ва ҳужумга ўтиб, 1920 йил ёзида Қўҳна Урганч, Хўжайли, Илоли ва Тахтани қайта эгаллади, қўллаб қизил аскарларни асирга олди. Жунайдхон шўро қўмондонлигига махсус мактуб юбориб, агар қўшинлар Хоразмдан олиб чиқиб кетилмаса, асирларни отиб ташлашини билдирди. Бироқ шўро қўмондонлиги Жунайдхоннинг ҳақли талабларини рад қилгач, у босқинчиларни отиб ташлашга буюрди.

1924 йилга келгандә истиқлолчилар иқтисодий таназзулга учраб, курашни бўшаштирдилар. Бунга улар орасида жипслик ва умумий дастурнинг йўқлиги ҳам сабаб бўлди.

Лекин ҳали олдинда курашнинг тўлиқ ўн йили турар эди. Ватанпарварлар 1935 йилгача босқинчи Қизил Армия қўшинларига қарши курашни турли йўллар билан олиб бордилар.

Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракати Россиянинг мустамлакачилик сиёсатига қарши норозилик ифодаси эди. Гарчи у мағлубиятга учраган бўлса ҳам, қуйидаги ҳулосага олиб келади: адолатсизликка таянадиган давлат, мамлакат ва халқни зўравонлик сиёсати ва қурол ёрдами билан ўзига қаратиши мумкин, аммо маънавий жиҳатдан батамом қарам қила олмайди.

Адабиётлар

1. **Каримов И.** Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997.
2. **Каримов И.** Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., «Ўзбекистон», 1998.
3. **Каримов И.** Истиқлол ва маънавият. Т., «Ўзбекистон», 1994.
4. **Каримов И.** «Туркистон» газетаси мухбири саволларига жавоб. «Туркистон», 1999 йил 2 февраль.
5. **Юсуф Баёний.** Шажараи Хоразмшоҳий. Т., «Камалак», 1991.
6. **Зиёев Ҳ.** Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. Т., «Шарқ», 1998.
7. **Каримов Ш.** Қафасдаги қуш орзуси. Т., 1992.
8. Ўзбекистон тарихи. Т., 1992, 2-жилд.
9. Ўзбекистон тарихи (ХІХ асрнинг иккинчи ярми — ХХ аср бошлари). Т., «Ўқитувчи», 1994.
10. **Мажидий Ҳ.** Туркистон босқини. Т., «Нур», 1992.
11. **Муҳаммад Азиз Марғилоний.** Тарихи Азизий. Т., «Маънавият», 1999.
12. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Т., «Шарқ». 2000.
13. **Фозилбек Отабек ўғли.** Дукчи эшон фожиаси. Т., «Чулпон», 1992.
14. Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Тўплам. Т., «Университет», 1999.
15. Туркистон мустақиллиги ва бирлиги учун кураш саҳифаларидан. Т., «Фан», 1996.
16. **Файзулла Ҳужаев.** Бухоро инқилоби тарихига материаллар. Т., «Фан». 1997.
17. **Аъзамхўжаев С.** Туркистон Мухторияти (Мустақиллигимиз тарихидан саҳифалар). Т., «Фан». 1996.
18. **Мустафо Чўқай ўғли.** Истиқлол жаллодлари. Т., 1992.
19. **Норжигитова Н.** «Босмачилик ҳаракати» ва унинг совет тузуми давридаги тарихий адабиётларда ёритилиши. Т., 1996.
20. **Ибодинов А.** Қўрбоши Мадаминбек. Т., «Ёзувчи», 1993.
21. **Муртазоева Р.Ҳ.** ва б. Ўзбекистон тарихи. Матбузалар матни. Т., 2000.

ШҶҲРО ТУЗУМИГА ҚАРАМЛИК ШАРОИТИДА МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТ

1. ШҶҲро тузумининг миллий раҳбар ходимларга нисбатан қатағонлик сиёсати (20—30 йиллар.)

Россияда Октябрь тўнтаришидан кейин шҶҲро тузумининг дастлабки йилларида, бошқа ўлкаларда бўлганидек, Туркистонда ҳам, албатта, маданий-маърифий тараққиётга йўл берилди. Натижада, табиий ва ижтимоий фанлар анчагина ўсди, миллий зиёлилар сафи кенгайди, иқтисодда, ижтимоий, сиёсий ҳаётда ижобий ўзгаришлар бўлди. Буни инкор этиш мумкин эмас. Аммо шҶҲро тузumi халқимиздаги миллий бирдамлик, миллий туйғу ривожланишини миллатчилик деб билди. Россия томонидан юргизилган давлат сиёсати туйғайли тараққиётимизга йўл бермайдиган ғовлар пайдо бўлди. Агар Чор Россияси бизнинг маънавиятимизни турғунликда, қолоқликда тутишга уринган бўлса, большевик-шовинистлар маҳаллий халқларни ўз миллий маданиятидан буткул бегоналаштириш сиёсатини тутди.

1918 йил апрел ойида РСФСР таркибида Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси тузилди. Большевикларнинг мажбуран ён бериши билан ҳокимият идораларида маҳаллий аҳоли вакиллари иштирок қила бошлади. Аммо кўп ўтмай маҳаллий аҳолига ишончсизлик билан қараш, Туркистоннинг бир қатор раҳбарларига нисбатан турли чоралар кўриш бошланди. Ўлкада мустамлакачилик сиёсатини олиб боришда Россия ташкил қилган Турккомиссия ва РКП(б) МК нинг Ўрта Осиё бюроси каби ташкилотлар катта хизмат кўрсатди. -

Туркистондаги раҳбар ходимлар, хусусан, Турор Рискулов (Туркистон МИК раиси) бошчилигидаги миллий коммунистлар, Туркистон мустақиллиги ва унинг ўз тақдирини ўзи белгилашдек демократик тамойиллар учун кураш бошладилар. Бироқ бу курашнинг асл мақсади Туркистон мустақиллиги бўлганлиги боис, Марказ Т. Рискулов ва унинг тарафдорлари фикрларига қарши чиқди. Ўз навбатида, Россиянинг Туркистондаги

ҳукмронлиги таянчи Турккомиссия бу ҳаракатни рад этди ва миллат фидойиларини қувғинга учратди.

Т. Рисқулов ўлкада улуғ давлатчилик шовинизми, буржуа миллатчилиги юзага келаётганлиги тўғрисидаги масалаларни кўтариб чиқди. Ф. Хўжаев партия ичидаги тоқат қилиб бўлмас ҳолатларни кўрсатиб ўтди. Ушбу ватанпарварларнинг чиқишлари, кейинчалик уларни жисмоний йўқ қилишда айблов учун асос бўлди.

Туркистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши борасида билдирилган муқобил фикрда бўлганлар миллатчиликда айбландилар. Айни шу дамларда Ўзбекистоннинг илғор, ҳурфикрли фарзандлари «иноғомовчилик», «18 лар гуруҳи», «қосимовчилик» каби гуруҳбозликда ва давлатга қарши — миллатчиликда айбланиб қатағон қилинди. 20-йилларнинг охирига келиб республикада мустабид тузум ўзини тўлиқ намоён этди. Сиёсий қатағонликлар авж олди. «Миллий истиқлол», «Миллий иттиҳод» ташкилотларининг аъзолари қатағон қилинди, Давлат Банкнинг, Ўзбекистон ССР Судининг қатор раҳбар ходимлари қамоққа олинди.

30-йилларнинг боши диндор ва эътиқодли кишиларга нисбатан зўравонлик сиёсий қатағонликнинг чўққиси бўлди. Жуда катта миқдордаги ислом, християн, будда динига тааллуқли асарлар йўқ қилинди. Бу даврда Ўзбекистондаги диндорлар, уламодаларнинг асосий қисми қамоқ лагерларига жўнатилди. Ўтмишда нафақат диний русумлар адо этадиган, балки маданият, фан, тарбия, санъат марказлари, халқнинг кўп асрлик меросини сақловчиси бўлган масжид ва мадрасаларнинг деярли барчаси ёпиб қўйилди, айримлари бузиб ташланди. Бутун республиканинг ҳаёти Москванинг қаттиқ назорати остига ўтди. Партия директиваларидан ҳар қандай чекиниш аксилинқилобий ҳаракат, сиёсий мухолифат деб баҳоланди.

1937 йилдан «антишўролар», «халқ душманлари»ни қидириб топиш ва жазолаш кенг тус олди. Хусусан, сиёсий бошқарув идораларининг (ОГПУ) фаолияти асосан ана шундай «тамға» олган шахсларни қидириш ва текшириш билан боғлиқ бўлди. Масалан, Ф. Хўжаев, А. Икромов, Д. Манжара, А. Каримов каби партия ва давлат раҳбарлари ҳибсга олинди ва отиб ташланди.

Ўзбекистон ички ишлар халқ комиссарлигининг «учликлари» олиб борган фаолият оқибатида 1939—1953 йиллар мобайнида 61 минг 799 киши қамоққа олинган,

улардан 56 минг 112 нафари икки йилларга қамок жазосига, қолганлари отишга ҳукм қилинган. Кейинроқ уларнинг кўпчилиги оқланди, минг афсуслар бўлсинки, уларнинг аксарияти бу адолатга ўлимидан сўнг сазовор бўлди.

Умуман олганда, шўро тузуми даврида халқимиз эркин фикрлаш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Бу эса, ўз навбатида, халқнинг маънавиятига салбий таъсир кўрсатди.

2. Қатағоннинг сўнги тўқилари

Миллий адабиёт ва санъатнинг аҳволи қийин ва номуносиб ҳолатда эди. Шахсга сиғинишнинг рутубатли иқлимига қарамай ижодий ҳаёт сўнмади, ёзувчилар ва адабиётшунослар қатори кенгайди. 1934 йил мартада Тошкентда Ўзбекистон ёзувчиларининг съезди бўлди ва унда Республика Ёзувчилар уюшмаси ташкил қилинди.

Ўзбек ёзувчиларининг номлари жаҳонга кенг ёйила бошлади. Садриддин Айний, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Ғафур Ғулом, Ойбек, Ғайратий, Ҳамид Олимжон, Абдулла Ғаффор, Ойдин Собирова, Усмон Носир, Комил Яшин ва бошқаларнинг асарларида халқнинг ижтимоий ҳаёти ва анъаналари, меҳнат қаҳрамонликлари, шижоати каби хусусиятлар ўз бадиий ифодасини топган.

Лекин 30-йилларда кучайган маъмурий буйруқбозлик тизими ва шахсга сиғиниш мафкураси ижод аҳлини, қолаверса республиканинг маданий ҳаётини бўғиб бошлади. Ижоднинг партиявийлик ва ягона мафкурага бўйсундирилиши ҳаётни бадиий тасвирида вулгар-социал кўринишларга кенг йўл очди. Партия томонидан янги ҳаётни куйлашга бўлган чақириқ ва мажбурий чеклашлар ижодий жараёнда тарихий ўтмишни бир томонлама тасвирлашга олиб келди. Адабиётда борлиқни, мураккаб ижтимоий муаммоларни бўяб кўрсатиш, хато ва камчиликлар ҳақида сукут сақлаш зарурий шарт бўлиб қолди.

Маънавият 30-йилларда қаттиқ фожиага учради. Инсон ҳақ-ҳуқуқларининг поймол қилиниши кучайди. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Шокир Сулаймон, Зиё Саид, Элбек, Боту, Аъзам Аюб, Усмон Носир, Сатти Ҳусайн, Қосим Сорокин каби миллатнинг етук

зиёлилари қатағон қилинди ва халқимиз уларнинг асарларини ўқишдан узоқ вақт маҳрум бўлди.

40-йиллар охирларида ҳам фан ва маданият ходимларини қатағон қилишлар давом этди. ВКП(б) МКнинг 1946 йил «Звезда» ва «Ленинград» журналлари ҳақидаги қарорлари қатағонлар янги тўлқинининг ғоявий асоси бўлиб хизмат қилди. Шу пайтдан бошлаб адабиёт ва санъатда ижодий демократик ривожланиш узоқ йиллар давомида таъқиб қилинди, жойларда хурфикрлилик сиқувга олинди. Москванинг кўрсатмаларига асосланиб, республиканинг партия идоралари ижодий зиёлиларга қарши кураш олиб борди. Улар ёзган асарлардаги миллий ғоялардан муаллифларни айблаш учун фойдаланилди. Ёзувчи ва шоирларнинг асарларида Ўрта аср ва инқилобгача бўлган даврдаги халқ тарихини, маданиятини бадиий тасвирлаш — ўтмишни қўмсаш, идеаллаштириш деб айбланди ва уларга «миллатчи» деган тамғалар ёпиштирилди. Шу қабилда Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Шайхзода ва бошқа ўзбек ёзувчилари қораланди.

1951 йил августида республика матбуотида «Қатор шоир ва ёзувчиларнинг ижодида мафкуравий оғишлар» мавзусида мақола чоп этилди. Унда Туроб Тўла, Камтар Отабоев, Миртемир, Собир Абдулла, Ҳабибий каби ижодкорлар миллатчиликда ва пантуркчиликда айбланиб, танқид қилинди. Шунингдек, Ойбек, Ҳ. Зарифов, Ҳ. Ёқубов, Саид Аҳмад, И. Султонов ва бошқалар «ўзбек совет адабиёти вазифаларидан четда туриш»да ва «жиддий ғоявий хатоликлар»га йўл қўйганликда айбланди.

1951 йили Мақсуд Шайхзода, Шукрулло (Юсупов), Шуҳрат (Ғулом Алимов) ва бошқа бир қатор ижодкорлар «антисовет миллатчилик фаолияти»да айбланиб, қамоққа олинди ва 25 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Шу йиллари жамиятшунос олимлардан бир гуруҳи, чунончи, файласуф В. Зоҳидов, иқтисодчи А. Аминовлар пантуркизмни ташвиқот қилишда ва буржуа-миллатчиликда айбланиб, таъқиб қилинди. Қатағон қилинган санъат, фан ва маданият арбоблари мустабид тузум даврида ҳақ-ҳуқуқсизлик қурбони бўлди.

Адолат бир қадар қарор топиб, шахсга сифиниш ва унинг оқибатларини тузатиш учун олиб борилган курашлардан кейин асоссиз қатағон қилинган маданият ва фан арбоблари оқланди.

80-йилларнинг ўрталарига келиб қатагон ва қонундан чекинишлар яна бўй кўрсата бошлади. Галдаги қатагон тўлқинига нафақат ижод аҳли, балки хўжалик ходимлари ва давлат арбоблари ҳам тортилди.

Ўзбекистоннинг миллий зиёлилари ҳеч қачон, ҳаттоки мустабид тузумнинг «гуллаб-яшнаган» даврида ҳам ўзбек халқининг миллий мустақиллиги ғояларидан воз кечмади. Очиқ ҳаракат имкони бўлмаганда ҳам, миллий мустақилликни қўлга киритиш учун зимдан кураш олиб бордилар.

Ўзбекистонда қонунчилик ва ҳуқуқий тартибларни тиклаш, партия ва давлат идораларини кадрлар билан мустақкамлаш деган ниқоблар билан Москвадан катта ваколатга эга бўлган масъул ходимларнинг «десант» гуруҳлари кела бошлади. Уларга партия, шўро ва суд идораларидан муҳим аҳамиятга эга бўлган лавозимлар берилди. Тўқиб чиқарилган «пахта иши» ва «ўзбеклар иши» деган уйдирмага сиёсий тус берилди. Оқибатда гўёки бутун Ўзбекистон жиноятчилар маконига айланиб қолгандек тасаввур уйғотишга ҳаракат қилинди. Собиқ иттифоқнинг Гдлян ва Иванов бошлиқ эмиссарлар гуруҳи республикадаги турли соҳаларда ишлаётган бир неча минглаб раҳбар ходимларни тергов жараёнига тортди.

Уларга жиноятчиликнинг турли кўринишларидаги айбномалар қўйилди. Маҳбусларни «ўз айбига иқрор қилиш» учун жисмоний зўравонликлар, руҳий азоблар қўлланилди. Ўзбекистон Компартияси МК нинг собиқ биринчи котиби Ш.Р. Рашидов номига ҳам ноҳақ туҳматлар қилинди, ўзбек халқининг миллий ғурури топталди. Бунда ўша даврдаги Ўзбекистон қўғирчоқ раҳбарларининг машғум ҳиссаси бўлди.

Оммавий қамоққа олишлар авж олди, қийноқларга кўплаб ҳалол, соф виждонли кишилар ҳам тортилди. Қўшиб ёзишлар, кўзбўямачилик ва порахўрлик каби иллатлар социалистик жамиятда табиий ҳолат бўлиб, ўша пайтдаги барча республикалардаги мавжуд ҳодиса эди. Ўзбекистонга нисбатан «пахта иши» олдиндан, махсус тайёрланган узоқни мўлжаллаб ташкил қилинган сиёсий фитнадан бошқа нарса эмас эди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг «пахта иши» қайта кўриб чиқилди ва минглаб бегуноҳ кишилар оқландилар. Ўз навбатида Ўзбекистоннинг моҳир, таниқли давлат ва жамоат арбоби Ш.Р.Рашидовнинг пок номи тикланди. Шу-

нингдек, меҳнаткаш ўзбек халқининг юзи ёруғ эканлиги асосланди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан 2000 йил 12 майда Тошкент шаҳрида Юнусобод мавзесида мустабид шўро режими даврида қатағон қилинган шаҳидлар хотирасига бағишлаб ўрнатилган ёдгорлик мажмуининг очилиши бугунги миннатдор авлоднинг аجدодларимиз олдидаги чуқур эҳтироми рамзидир.

3. Шўролар даврида Ўзбекистоннинг иқтисодий ва маънавий қарамлиги ҳамда унинг оқибатлари

20 — 30-йилларнинг бошларида жорий этилган янги иқтисодий сиёсат Ўзбекистон ишлаб чиқаришида ҳам жонланишга олиб келди. Лекин 20-йилларнинг охирида бу сиёсат ўзининг моҳиятини йўқота бошлади ва 1929 йилда батамом бекор қилинди. Эркин савдо, хусусий тадбиркорликка чек қўйилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархи туширилиши озиқ-овқат муаммосини келтириб чиқарди, деҳқонлар қашшоқлашди.

Ўзбекистонда шўро ҳокимиятини мустаҳкамлашнинг зарурий шarti сифатида индустриалаштириш сиёсатини амалга ошириш бошланди. Саноати қолоқ, малакали ишчи кадрлари, мутахассислари деярли йўқ, оғир саноатни ривожлантириш тажрибаси бўлмаган ўлкада индустриалаштириш оғир кечди. Шу баҳона малакали ишчилар, муҳандис-техник ходимлар Россиянинг марказий ҳудудларидан кўчириб келтирилди. Фақат 1931 йилнинг ўзида кўчириб келтирилганлар 15 минг нафарни ташкил қилди. Оқибатда 1926—1939 йиллари Ўзбекистон аҳолиси 37 фоизга кўпайган бўлса, европаликлар сони бу ерда 62 фоизга ошди.

Индустриалаштиришнинг дастлабки пайтида кичик сув электростанциялари ҳамда қишлоқ хўжалигига, пахтачиликка қаратилган хомашёни қайта ишлаш корхоналари қурилиб ишга туширилди. Чирчиқдаги ГЭСлар, Тошкент тикувчилик, пойафзал, тамаки, Фарғона тўқимачилик, Самарқанд ва Марғилондаги ипак фабрикалари шулар жумласидан. 30-йилларда Тошкент тўқимачилик комбинати, қишлоқ хўжалиги машинасозлик заводи, Чирчиқ химия комбинати ва бошқа кўплаб йирик корхоналар ишга туширилди. 30-йиллар охирида республикада 1 минг 445 та ҳар хил саноат корхоналари

мавжуд бўлиб, буларда 142 минг ишчи меҳнат қилар эди.

Шўроларнинг «ўз кучимиз билан қисқа муддатда» деб олиб борган индустриялаштириш сиёсати Ўзбекистон учун гоёта оғир кечди. Россия республикамининг ер ости ва ер усти қазилма бойликлари, хом-ашё манбаларини талон-торож қилиб, арзон ишчи кучидан фойдаланиб, ўлкадан мумкин қадар кўпроқ фойда олиш ҳаракатида бўлди. Бу сиёсат, айниқса миллионлаб деҳқонлар ҳисобидан амалга оширилди. Чунки қишлоқда зўрлик билан олиб борилган колхозлаштириш сиёсати гаразли мақсад учун жуда ҳам қўл келди.

1930 йилнинг бошларидан ёппасига колхозлаштириш ҳаракати бошланиб, катта ер эгалари, ўрта ҳол деҳқонлар ва камбағалларнинг ерлари жамоа хўжаликларига бирлаштирилди, уларнинг қўлларидаги от-улов, меҳнат воситалари, чорва моллари ҳам мажбурий равишда умумлаштирилди.

Давлат, жамоа хўжаликлари орқали режалаштирилган йўл билан меҳнаткаш деҳқонлар ҳосилининг деярли барчасини йиғиб оладиган бўлди. Бунинг натижасида деҳқонлар хўжалиги хонавайрон бўлди. 30-йиллар бошларида юз берган очарчилик, унинг оқибатида минглаб кишиларнинг қирилиб кетиши, аҳолининг ҳалигача қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига ёлчимай келиши — ўша давр кўр-кўрона сиёсатининг оқибати бўлди.

Оммавий колхозлаштиришга суяниб, бадавлат хўжаликлар, айрим ўртаҳол деҳқонлардан 5 ярим мингдан ортиғи ўз оиласи билан узоқ ўлкаларга сургун қилинди. Бу билан шўро давлати қишлоқ аҳолисининг бош кўтаришга қодир, вазиятни тушунадиган қисмини йўқ қилиб, талончилик сиёсатини осонлаштирди. Ўз-ўзидан равшанки, колхозлаштириш сиёсати натижасида қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги пасайиб, моддий манфаатдорлик йўқолди, қишлоқ аҳолиси қашшоқлашди, деҳқонни эксплуатация қилишнинг бирдан бир такомиллашган услуби кашф этилди. Ўзбекистонда пахта яккаҳокимлигини кучайтириш йўли билан собиқ иттифоқ пахта мустақиллигига эришди.

1939 йили бошланган **Иккинчи жаҳон** уруши сабабли вужудга келган халқаро вазиятга собиқ иттифоқ билан бирга Ўзбекистон ҳам тортилди. Халқимизнинг ботир фарзандлари «кичик урушлар» деб ном олган Халхинголь, Ҳасан кўли, Финляндия урушларида иштирок этдилар.

1941 йил 22 июнь куни гитлерчилар Германиясининг собиқ иттифоққа тўсатдан қилган ҳужуми кўп миллатли Ўзбекистон халқининг ҳам тинчини бузиб, қалбини нафратга тўлдирди. Ўтказилган митинг ва йиғилишларда ариза берган кўнгиллилар сони дастлабки ойлардаёқ 32 мингдан кўпроқни ташкил этди.

Фронт орқасини мустаҳкамлаш, халқ ҳўжалигини қайта қуриб, ҳарбий изга тушириш мамлакатни ягона ҳарбий лагерга айлантиришга доир умумий дастурнинг энг муҳим таркибий қисми бўлди. Бу дастурни амалга оширишда Ўзбекистон Қизил Армиянинг фронт орқасидаги мустаҳкам базасига айланди. Ўзбекистон гарбдан келтирилган 100 тадан ортиқ корхоналарни қабул қилиб олди ва бу заводлар халқимизнинг фидокорона меҳнати билан қисқа вақт ичида маҳсулот бера бошлади. «Ростовсельмаш», «Красный Аксой», «Москва», «Подъемник», «Кинап» ва «Электростанок» заводлари шулар жумласидан. «Ташсельмаш» заводи, Чирчиқ электрохимия заводи ва бошқа республика саноати корхоналари ҳам фронт эҳтиёжи учун ишлай бошлади.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари аҳолиси ва моддий ресурсларини сафарбар қилиш ҳамда жанговар тайёр ҳолга келтиришда Ўрта Осиё ҳарбий округи муҳим ўрин тутди. Бир ярим йил ичида бу округ 109 кўшилма тузди. Ўзбекистон аҳли миллий ҳарбий кўшилма тузиш ташаббуси билан чиқди. 1941 йил ноябридан 1942 йил мартигача Ўзбекистонда 14 та миллий бригада, жумладан, 9 та алоҳида ўқчи бригада, 5 та отлик дивизия тузилди. Уруш йилларида 1 миллион 400 минг ўзбекистонлик фронтда жанг қилди. Улардан 450 минг киши қайтиб келмаган. Урушнинг дастлабки кунларида Республика мудофаа фондига 30 млн. сўм миқдорида пул ташланди. Қисқа вақт ичида Ўзбекистон халқ ҳўжалиги ҳарбий изга ўтказилди. Бутун халқ, жамики моддий ресурслар урушга сарф қилинди.

Собир Раҳимов, Мамадали Топиволдиев, Р.Абзалов, О. Раҳимов, Халлоқ Аминов, Қўчқор Турдиев, Боис Эргашев ва Назар Ражабов каби ўзбекистонликлар жанговар жасоратлари учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган бўлсалар, бутун Ўзбекистон аҳли халқ ҳўжалиги меҳнат frontiда юксак жасорат намуналарини кўрсатдилар. 280 дан ортиқ ўзбекистонлик фронтдаги жасоратлари учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига, минглаб жангчиларимиз

эса уруш йиллари таъсис этилган орден ва медалларга сазовор бўлди.

Мамлакатнинг турли районларидан кўчириб келтирилган аҳоли Ўзбекистонда ҳурмат-эътибор ва ғамхўрлик билан кутиб олинди. Бу ерга 1 млн. га яқин одам, жумладан, 200 минг бола кўчириб келтирилди. Ўзбекистонда улар бошпана ва меҳр топишди. Уларга 135 минг квадрат метрдан кўпроқ турар жой берилди, уларни ишга жойлаштириш юзасидан доимий ҳаракат олиб борилди. Ўзбекистон аҳолиси ўзининг сўнгги бурда нонини, кийим-кечагини, турар жойини кўчиб келганлар билан биргаликда баҳам кўрди. 14 нафар етим болани фарзандликка олган Шомаҳмудовлар оиласининг номи бутун жаҳонга маълум.

Булар халқлар дўстлигининг буюк намунаси бўлиб, халқларни бир-бирига яқинлаштирса-да, бу йилларда миллий сиёсатда кечириб бўлмайдиган хатоларга ҳам йўл қўйилди. 1943—1944 йилларда қалмиқлар, қрим татарлар, чеченлар, ингушлар, немислар, қорачойлар, месхети турклари ўзларининг тарихий ватани ва доимий жойларидан мамлакатнинг шарқий районларига кўчириб юборилди. Ўзбекистонга 15 мингдан ортиқ қрим татар, 175 минг чечен, 157 минг ингуш ва бошқа халқлар кўчириб келтирилди. Уруш йилларида ва ундан кейин омон қолган ҳарбий асирларнинг ҳам аҳволи оғир кечди.

Маъмурий буйруқбозлик тизимининг уруш йилларидаги хунук кўринишларидан бири «талафотлар билан ҳисоблашиб ўтирмай, қандай қилиб бўлса ҳам, ҳарбий мақсадларга эришиш зарур» деган қатъият (принцип) бўлди. Ғалаба ниҳоятда қимматга тушди. Собиқ иттифоқ аҳолисининг 27 млнга яқин нафари урушнинг алангаю оташида ҳалок бўлди. 18 млндан ортиқроқ жангчи ярадор бўлди. Уларнинг кўпчилиги меҳнат қобилиятини йўқотиб, ногирон бўлиб қолишди. Ватан ҳимоячиларининг жасорати ҳеч қачон унутилмайди.

1945—1980-йиллар Ўзбекистон иқтисодиёти.

Иккинчи жаҳон уруши даврида издан чиққан Ўзбекистон иқтисодиёти урушдан кейинги 1946—1950 йиллари ғоят кескинлашган халқаро вазиятда қайта тиклана бошлади. Уруш даврининг шарт-шароитлари сақланган ҳолда халқнинг мардона ва фидокорона меҳнати билан республикада беш йил ичида саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш урушдан аввалги даражага етиб, кейин ундан деярли икки марта ошиб кетди.

Урушдан кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини, айниқса чорвачиликни тиклаш ишлари анча оғир ўтди. 1945 йил 15 июлдаги Марказий ҳукуматнинг «Ўзбекистонда пахтачиликни тиклаш ва янада ривожлантириш чоралари тўғрисида»ги қарори асосида пахта якка-ҳокимлиги кучайтирилди ва Ўзбекистоннинг марказга боғлиқлиги яна ҳам мустаҳкамланди. Об-ҳавонинг инжиқлигига, тиклаш ишларининг қийинчиликларига қарамасдан, 1950 йилги тайёрланган пахта 2 млн 200 минг тоннага етди.

50 — 60-йилларда саноат ва қишлоқ хўжалигини бошқариш тизимига айрим ўзгаришлар киритилди. Жумладан, 1954—1956 йиллари собиқ иттифоқ миқёсидаги бир қатор йирик корхоналар республика ихтиёрига ўтказилди. Натижада саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг салмоғи 31 фоиздан 55 фоизга кўтарилди. Хўжаликни бошқаришда иқтисодий омилларга суяниш, меҳнат манфаатдорлигини ошириш ва бошқа тадбирлар ўз самарасини бермади, чунки жамиятда туб ислохотлар ўтказилмаган эди. Саноат ва қишлоқ хўжалиги экстенсив йўл билан, яъни табиий бойликлардан ўринсиз, ҳисобсиз фойдаланиш, бутун халқнинг меҳнатини ҳаддан ортиқ эксплуатация қилиш ҳисобига 60—70-йилларда саноатнинг янги соҳалари вужудга келди.

Ўзбекистонда олтин, уран, рангли металлар ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйила бошланди. Энергетика, кимё саноати ривожланди. Бунинг натижасида янги шаҳарлар — Навоий, Учқудуқ, Зарафшон, Нуробод қабилар қад кўтарди. Лекин мустамлака ҳолатидаги республиканинг ривожланаётган иқтисодидан бошқалар кўпроқ манфаатдор эди. Сўнгги ҳисоб-китобларга қараганда бево-сита собиқ иттифоқ министрликларига бўйсундирилган фақат олтин конларининг ўзидан 15 миллиард АҚШ дол-ларига тенг бойлик марказга олиб кетилган. Ўзбекистон-нинг аксарият шаҳар, қишлоқлари газлаштирилмаган ҳолда республикада қазиб чиқарилган табиий газ Росси-янинг саноат марказларига етказиб берилди.

50—60-йиллари Ўзбекистонда пахта майдонини яна-да кенгайтириш мақсадида кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш ишлари олиб борилиб, 1945—1985 йил-лари қарийб 2 млн 400 минг гектар янги ер ўзлаш-тирилди. Суғориш ишларини яхшилаш учун сунъий сув омборлари қурилди.

Қишлоқ хўжалиги учун трактор, пахта териш маши-наси ва бошқа техника ускуналари тайёрлаб берилди.

Пахтачиликнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш билан бирга пахта ҳосилдорлигини ошириш учун кимёвий моддалардан чексиз даражада фойдаланилди. Қўрилган тадбирлар натижасида 1970 йили республика пахта майдони 1 млн 700 минг гектарни ташкил қилди, ялпи ҳосил 4 млн 495 минг тоннага етди.

Йирик саноат қорхоналарининг вужудга келиши билан республиканинг собиқ иттифоққа боғланиши яна ҳам кучайди. Президент И.А.Каримов бу ҳақда: «... у пайтда Ўзбекистон бир ёқлама иқтисодиётга — Марказга бутунлай қарам, издан чиққан иқтисодиётга эга бўлган ярим мустамлака мамлакат қаторига айланган эди», дейди.

Пахта экин майдонларининг ўринсиз кенгайтирилиши ва агротехника қоидаларининг бузилиши туфайли ерларнинг ҳосилдорлиги пасайиб кетди. Ҳосилдорликни ошириш учун экин майдонларида ҳаддан ташқари ортиқча маъданий ўғитларидан фойдаланиш оқибатида бу ерлар маълум бир вақтдан кейин батамом яроқсиз ҳолга тушиб қолди. Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш, Ўрта Осиёнинг йирик дарёлари сувларидан назоратсиз фойдаланиш, ўлкада ўринсиз равишда сунъий сув ҳавзаларининг қурилиши натижасида Орол денгизи аста-секин қурий бошлади ва бу ерда XX асрнинг энг йирик фожиаси вужудга келди.

Ўзбекистон иқтисодий аҳволидаги нохуш ҳолатларнинг ижтимоий оқибатлари ниҳоятда оғир бўлди. Ўлكانинг ўзига хос демографик ҳолати ҳисобга олинмасдан давлат бюджетидан ижтимоий соҳага ажратиладиган маблағ қолдиқ қоидасига асосланиб йилдан-йилга қисқариб борди. Таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш масалаларида миқдорий ўсишлар кўзга ташланганлиги билан, аслида булар инсон талабини қондирмас эди. Республика бу соҳалардаги кўрсаткичлар бўйича собиқ иттифоқдаги 15 республика ўртасида 13—14 ўринларда турди.

80-йилларда фан, маданият ва халқ таълимига ажратилган харажатлар давлат бюджетининг атиги 2,7 фоизини ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 1989 йили Европа мамлакатларида 5,5, Африка мамлакатларида 5,4 фоизга етган. Болалар ўлими, ошқозон-ичак ва юқумли касалликлар бўйича Ўзбекистон собиқ иттифоқда биринчилар қаторини эгаллади. Аҳолининг ўртача ёши 1970 йил 72 ёш бўлса, 1980 йили бу кўрсаткич 67,7 ёшни ташкил қилди. Бунга асосий сабаб экологик вази-

ятнинг кескинлашуви бўлди. Жафокаш халқнинг турмуш даражаси ачинарли аҳволда бўлиб, бошқа республикалар билан қиёслаганда охириги ўринларда эди.

Давлат бош эксплуататор вазифасини бажарган социалистик тузумда меҳнат аҳли ўз кучи билан яратган маҳсулотнинг атиги 25—30 фоизи ҳажмидагина ҳақ олди. Собиқ иттифоқнинг саноати ривожланишига, ядро куруллари ишлаб чиқариш, коинотни ўзлаштиришдаги ютуқларига катта ҳисса қўшган Ўзбекистоннинг миллион тонналаб пахтаси, минг тонналаб олтин, кумуш, уранлари учун марказ у билан ноҳақ, сурбетларча, адолатсиз ҳисоб-китоб қилди. Ўша даврнинг меҳнат илғорлари шўро тузумидаги ижтимоий сиёсатнинг оғир оқибатларини ҳали ҳам кўришяпти.

Қарамлик ва мутелик йиллари ўзларини илмнинг ҳамма соҳасини яккаю ягона билағони деб атаган коммунистик мафкура тарғиботчилари ўз фаолиятларида ўтмишдан қолган барча маънавий меросни бутунлай инкор этиш йўлига ўтиб олди. Алломаларимизнинг меросларини ўрганиш тақиқланди, таваллуд тўй маврудларини ўтказиш эса миллатчилик кайфиятларини кучайтирувчи омил сифатида баҳоланди.

4. «ШАКЛАН МИЛЛИЙ, МАЗМУНАН СОЦИАЛИСТИК МАДАНИЯТ»НИНГ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИ

Тоталитар тузум жараёнида ўлкадаги маданий-маърифий ишлар эътибордан четда қолмади. 20—30-йилларда саводсизликни тугатиш, таълим-тарбия ишлари астойдил қўлга олинди. 1941 йили Ўзбекистонда 5 минг 504 мактаб бўлиб, уларда 42 минг ўқитувчи дарс берди, 1 млн. 315 минг ўқувчи таълим олди. Саноат ишлаб чиқаришининг ишчи кадрларга талабини қондириш учун фабрика, заводлар қошида махсус ўқув юртлари очилди.

Ўрта Осиёда олий таълимнинг бешиги, ҳозирги Ўзбекистон Миллий Университети бир қанча олий ўқув юртларига асос бўлди, 1940 йили республикада 30 та олий, 100 га яқин ўрта махсус ўқув юрти ишлаб турди.

1943 йилда ташкил этилган Ўзбекистон Фанлар академияси ва унинг илмий тадқиқот институтларида фаннинг турли соҳалари: айниқса кимё, физика, электроника, тарих, археология ва бошқа фанлар ривожланди.

20—30-йилларда адабиёт соҳасида машҳур ёзувчи ва шоирлар егишиб чиқди. Театр ва кино санъати ўзининг дастлабки қадамларини қўйди. Маданий-оқартув муассасаларининг сони ортиб борди.

Ачинарлиси шундаки, республикада таълим-тарбия, маданий-маърифий ишлар «Шаклан миллий, мазмунан социалистик» шиори остида олиб борилдики, асл мақсад «байналмилалчилик» ниқоби билан пардаланиб, ўлкага рус маданиятини, уларнинг турмуш тарзини тарқатишдан иборат бўлди. Маҳаллий миллатларнинг маданиятига, маънавиятига, урф-одатларига, ҳатто, умуминсоний қадриятларга ҳам менсимаслик муносабати авж олдирилди. 1929 йилдан лотин, 1940 йилдан кирилл алифбосига ўтилди. Буларнинг оқибатида кўп асрлар давомида араб алифбосида яратилган тарихимиз, маданиятимизни ўрганишдан республиканинг туб аҳолиси маҳрум бўлди. 1927 йили ўтказилган «ҳужум» ҳаракати оқибатида маҳаллий хотин-қизлар жаҳон тараққиётига тортилган ҳолда, иккинчи томондан, улар индустриялаштириш гирдобига кенг жалб қилиниб, амалда ўзларининг табиий бурчларини бажариш имконияти ҳамда шарқона фазилатларидан маҳрум бўлдилар. Маданий-маърифий муассасалар компартиянинг ғояларини, коммунистик мафкурани омма ўртасида кенг тарқатиш юзасидан фаол ишлар олиб борди.

Фашизмга қарши уруш йиллари издан чиққан таълим-тарбия ишлари, маданий-оқартув муассасалари урушдан кейинги йилларда қайта тикланди ва кенгайтирилди. 1970 йили республикада 2 минг 977 та клуб муассасалари, 5 минг 822 та кутубхона, 26 та музей, 3 минг 988 та киноқурилма ишлаб турди. Лекин, амалда бу муассасаларнинг бир қисми статистик ахборотларда ошириб кўрсатилган, бошқа қисми ҳар хил сабабларга кўра қоникарсиз бўлиб, молиявий ёрдамга муҳтож, айниқса, қишлоқ жойларда ташландиқ аҳволда эди. Қандай бўлмасин, бу муассасалар ҳукмрон мафкура ғояларини, социалистик қурилиш амалиётини ташвиқот-тарғибот қилишнинг қуроли бўлиб хизмат қилди.

Урушдан кейин мажбурий 7 йиллик, 1959 йилдан 8 йиллик, 1970 йилдан бошлаб 10 йиллик таълим амалга оширила бошлади. 80-йилларда ўрта ва олий таълим тармоқлари кенгайиб борди. 1990 йили Ўзбекистонда мактаблар сони 9 мингга етди, лекин улардан 1 минг 700 таси вайрона аҳволда бўлиб, капи-

тал таъмирлашни талаб қилар эди. 1978—1979-ўқув йилида республикада 43 та олий ўқув юрти бўлиб, буларнинг кундузги, сиртқи, кечки бўлимларида 26 минг талабалар ўқиди. Республика Фанлар Академиясида илмий-тадқиқот институтларининг қатори кенгайиб, уларда кўплаб йирик олимлар илмий изланиш ишларини олиб борди.

Талабалар, олий маълумотли мутахассислар, илмий ходимларнинг сони жиҳатидан 10 минг кишига ҳисоблаганда Ўзбекистон илғор мамлакатлар қаторида турса ҳам кадрлар тайёрлаш тизимида кўпол нуқсонлар бор эди. Олий ўқув юртларига вилоятлардан қатъиян режа асосида қабул қилиш: қандай ўқимасин, уларни битиртириб чиқариш натижасида кўпинча малакаси етарли бўлмаган мутахассисларга диплом беришга тўғри келди.

Таълим-тарбия, илмий-тадқиқот ишларининг миқдорий кўрсаткичлари қанчалик юқори бўлмасин, улар марказга қарамлиги сабабли ўз иш фаолиятида компартия мафкуравий тазйиқидан четга чиқолмади. Ўқув дастурлари, айниқса, ижтимоий фанлар ҳаддан ташқари сиёсатлаштирилди. Ўтмишда дунёга машҳур бўлган, жаҳон фани ривожига катта ҳисса қўшган аждодларимиз номи эсга олинмади, миллатимизнинг бой тарихи ва адабиёти етарли даражада ўқитилмади. Чунки, мактаб, олий таълим тизимининг асл мақсади Ўзбекистон мисолида бутун жаҳонга шўро давлати миллий сиёсатнинг тантанасини кўрсатишдан бошқа ҳеч нарса эмас эди. Бу тизим республиканинг марказга қарамлигини яна ҳам кучайтирди.

Марказнинг байналмилалчилик сиёсати аслида мамлакатда истиқомат қилувчи 120 дан ортиқ миллат ва элатлардан ягона шўро халқини шакллантириш сиёсатини рўёбга чиқариш учун жадал ишларни олиб борди. Шу мақсадда рус тилини ҳаётга киритиш фаоллашди. 1969 йилдан Ўзбекистоннинг барча болалар боғчаларида рус тилини ўргатиш бошландики, бутун ҳаракат ягона байналмилал тил яратишга қаратилди. Бундай сиёсатнинг оқибатида бошқа тилларнинг жамиятдаги ўрни, миллий, диний қадриятлари йўқола борди.

Шўро ҳукумати дастлабки кунлардан бошлаб динга, диний ташкилотларга қарши кенг миқёсда кураш олиб бориб, даҳриёна (атеистик) жамият қуриш томон йўл тутган эди. Масжид ва мадрасаларни ёпиб, уларнинг биноларидан бошқа мақсадларда фойдаланилди. Наврўз

каби умумхалқ байрами, диний маросимлар тақиқланди. Руҳонийларнинг кўпчилиги ҳар хил баҳоналар билан қамоққа олинди, сургун қилиндилар.

20—30-йиллар ўзбек адабиёти ва санъатида изланишлар, уйғониш ва йўқотиш йиллари бўлди. 20-йилларда маърифатчилик ҳаракатининг самарали йиллари бўлиб, А. Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Боту, Элбек, Ҳамза, С.Айний, сўнгроқ янги ёш ижодкорлар Ойбек, Ғ. Ғулом, Ҳ. Олимжон, А. Қаҳҳор каби ўзбек адабиётининг йирик намояндалари фаолият кўрсатди.

30-йилларда сахна санъатида опера ва балет соҳасида дастлабки ютуқларга эришилди. Кино санъати қарор топди. Айни шу даврда адабиёт ва санъатда социалистик реализм деб аталмиш йўналиш ҳукмрон бўла бошлади ва республикада маданий ҳаёт коммунистик мафкурага бўйсундирилди.

Урушдан кейинги 50—60-йилларда республика ижодий зиёлиларининг янги авлоди шаклланди. Шахсга сиғинишнинг фош этилиши билан юзага келган илиқлик шамоли билан бадиий адабиётда кўпгина салмоқли асарлар яратилди, бир қанча янги ўзбек театр ва концерт санъатининг донгини таратган жамоалар ташкил этилди. Жамиятда инқирозли ҳолатларни кучайиши билан маданий ҳаётдаги зиддиятлар ҳам кескинлашди. Чириб бораётган социализм ғояларисиз тарихий, бадиий асарлар ёруғлик кўрмайдиган бўлди. Фақат 80-йилларнинг иккинчи ярмидан янгича фикрлаш даврида социализм ғоялари ва амалиётининг жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги мудҳиш оқибатларини фош қиладиган асарлар яратилди.

Кечаю кундуз кишилар онгига мажбурий равишда сингдирилган коммунистик мафкура билан амалда бошқача йўл тутиш одамларни маънавий адашишга олиб келди. «Ижтимоий тенглик» тўғрисидаги социализм ғояси кишиларни ишёқмас, боқиманда қилган бўлса, «давлат мулки», «умумхалқ мулки» деган ақида инсонни мулкдорлик, эгалик туйғуларидан бегона қилди. «Давлат мулки»га эгасиз мулк деб қараш натижасида ташмачилик оммавий тус олди.

Ўзбек халқи учун энг даҳшатлиси — миллий, диний, тарихий қадриятлардан жудо бўлганлиги эди. «Ягона совет халқи», «байналмилал тил» тўғрисидаги хато назариялар адабиёт ва санъатдаги «шаклан миллий, мазмунан социалистик» асарларнинг яратилиши халқимизни азалий қадриятларидан маҳрум этди. Исло

диниини «фош этиш» мақсадида азиз-авлиёларнинг мазорларига ўт қўйилди, мақбаралари остин-устин қилинди. Коммунистлар, раҳбар ходимлар ота-оналари, яқин кишилари жанозасига боришдан қўрқиб қолишди. Юрак ютиб борганлар партиядан ўчирилиб, ишдан олинди.

Мустақиллик туфайли диний қадриятларга бўлган бундай салбий муносабатларга барҳам берилди.

Адабиётлар

1. **Каримов И.** Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997.
2. **Каримов И.** Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., «Ўзбекистон», 1996.
3. **Каримов И.** Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т., «Ўзбекистон», 1993.
4. **Каримов И.** Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., «Ўзбекистон», 1998.
5. **Каримов И.** Баркамол авлод орзуси. Т., «Ўзбекистон», 1999.
6. **Маҳмудов М.** Қатағон қурбонлари. Т., «Ўзбекистон», 1992.
7. **Хўжамбердиев Ё.** Ўзбеклар иши. Т., «Ёзувчи», 1990.
8. **Авторхонов А.** Кремль салтанати. Т., «Ёзувчи», 1993.
9. Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедия. Т., «Ўзбекистон», 1997.
10. **Муртазоева Р.Ҳ.** ва б. Ўзбекистон тарихи. Т., 2000.
11. **Отамуратов С.** ва б. Маънавият асослари. Т., 2000.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИСТИҚЛОЛ ТАНТАНАСИ ВА ЁШ АВЛОДНИ МУСТАҚИЛЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ

1. МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШИШ ВА МАЪНАВИЙ ТАРБИЯНИНГ ИСТИҚБОЛИ

80-йиллар охири — 90-йиллар бошларида Ўзбекистонда мустақилликка интилиш ҳаракатлари кучайди. 1990 йил баҳорида марказнинг қаттиқ қаршилигига қарамасдан, собиқ иттифоқ республикалари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда Президентлик лавозими таъсис этилди. Ўзбекистон раҳбарияти баъзи юқори раҳбарлик лавозимларига тавсия қилинган шахсларни Москвада суҳбатдан ўтказиш амалиётини тугатди.

Ислом Каримов 1990 йил 24 мартда Ўзбекистон Олий Кенгашида Ўзбекистоннинг биринчи Президенти қилиб сайланди. 1990 йил 20 июнда Мустақиллик тўғрисидаги декларациянинг қабул қилиниши халқнинг давлат мустақиллигига интилишини ҳуқуқий, иқтисодий ва сиёсий мазмун билан тўлдирди ва ғоят катта тарихий аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлари орасида мустақиллик ғояси кенг қўллаб-қувватланди.

1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XII чақириқ навбатдан ташқари VI сессияси давлат мустақиллиги ва суверен Ўзбекистон Республикаси давлати ташкил топганлигини жаҳонга эълон қилди. Унда «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди ҳамда 1 сентябрь — Мустақиллик куни, миллий байрам, деб белгиланди.

Натижада, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, уни тобора ривожлантириш кучлари вужудга келди. Собиқ иттифоқдан ажралиб чиққан республикалар ичида биринчи бўлиб президентлик бошқаруви амалга жорий қилинди, турли соҳаларда ҳар томонлама ислохотлар қилина бошланди, жамиятни тубдан янгилаш чора-тадбирларини кўришга жиддий киришилди. Ислом Каримов сўзлари билан айтганда, «ўзбек халқи-

нинг ажралмас ҳуқуқи — ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи рўёбга чиқарилди»¹.

Қарийб 130 йилдан ошиқ давр мобайнида мустамлакачилик жабрини тортган, ер ости ва ер усти бойликларидан бутунлай маҳрум бўлган камситиш асоратида кун кечириб келган ўзбек халқи бир оз эркин нафас ола бошлади. Наврўз байрамини кенг нишонлаш кунларида халқимиз ўзлигини анча-мунча таниб, ҳақиқат ва адолат борлигига иймон келтирди. Бу воқеа-ҳодисалар кенг халқ оммасининг уйғонишига туртки бўлиб хизмат қилди.

Кўпинча мустақилликка қон тўкишлар йўли билан эришилади. Лекин Ўзбекистон бундай йўлдан бормади. XXI аср арафасида жаҳон харитасида яна бир мустақил, тенг ҳуқуқли давлат — Ўзбекистон пайдо бўлди. Жаҳон ҳамжамияти уни тезда тан ола бошлади, у 1992 йил 2 мартада Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиб кирди.

Мустақил давлат барпо этилган экан, унинг ҳаракатга келтирувчи дастури бўлмоғи керак. Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асари худди шу дастур вазифасини ўтайди. Чунки унда ҳукуматнинг ички ва ташқи сиёсатда қандай ишлар қай йўсинда бажарилиши аниқ ва равшан кўрсатилган. Шунингдек, бу асарда «Ўзбекистон халқи жонажон ўлкадаги беқиёс бойликнинг абадул-абад ҳақиқий эгаси бўлиб қолди», деб кўрсатилган.

Ўзбекистоннинг беқиёс бойлиги деганда республика ҳудудида мавжуд моддий ва маъданий ресурсларни, маданий ва тарихий ёдгорликларни, қадриятга оид барча тарбиявий ва маънавий имкониятларни тушуниш лозим. Муаллиф шу бойликларнинг Ўзбекистон халқ хўжалигини оёққа қўйиш, ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамиятига асосий эътиборни қаратган. Шу сабб-ҳаракат ва эътибор замирида тарбия масаласи ётади, одоб деган мўътабар нарсa туради. Тарбияли ва одобли киши, авваламбор, ўз оиласи фаровонлигини яхшилаш, қолаверса, давлат бойлигини ошириш учун кун сайин самарали меҳнат қилишга интилади. Зотан, оилалар моддий жиҳатдан қанча ўзига тўқ, бой-бадавлат бўлса, маданий турмуш ва маънавий камолот ҳам шунча яхшила-ниб боради.

¹ Каримов И. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., «Ўзбекистон», 1992, 4-бет.

Демак, Ўзбекистон «ер, ер ости бойликлари, бошқа табиий бойликлар, авлод-аждодларнинг меҳнати билан яратилган иқтисодий, илмий-техникавий ва маънавий куч-қудрат ва имкониятлар миллий бойлик бўлиб, одамлар фаровонлигининг кафолати, ижтимоий тараққиёт ва равнақнинг асоси бўлиб хизмат қилади»¹. Чиндан ҳам республикаимиз — замини қимматбаҳо металлларга кон мамлакат. Мустақилликка эришилгандан сўнг олтин ва бошқа ноёб қимматбаҳо ер ости бойликлари қазиб олинмоқда. Улар давлатимиз хазинасини бойитмоқда. Ўша бебаҳо бойликлар ўзбек халқи қўлида, у ана шу бойликлардан тўла фойдаланиш ҳуқуқига эга. Шу ҳақ-ҳуқуқни сақлаб қолиш — ҳар бир фуқаронинг бурчи.

Ўзбек халқи ота-боболаридан қолган шундай бойликка эгаки, уни пул ёки олтину гавҳар билан баҳолаш мумкин эмас. Бу бойлик жумласига фан ва маданият, адабиёт ва санъат, тарихий меъморчилик обидалари ва жаҳон фани ва маданияти тараққиётига жуда катта ҳисса қўшган даҳо алломаларимиз асарлари киради. Улар халқимизнинг фахр-ифтихоридир.

Бу ранго-ранг қимматбаҳо хазинани асраш, уни келгуси авлодларга бекаму кўст етказиш тўғрисида Президентимиз Ислом Каримов, авваламбор, Юртбоши, қолаверса йирик олим ва фуқаро сифатида даъват этмоқдаки, бу фикрлар унинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида ўз ифодасини топган. Муаллиф ҳар бир нутқи, суҳбати, ҳар бир мақола-си ёхуд китобида Ўзбекистон бойликлари тўғрисида ҳаяжонланиб гапиради ва уларни ташвиқ этади. Бунинг боиси бор, албатта. Бу эндигина мустақилликка эришган ёш Ўзбекистон давлатининг келажақда нимага қодирлигини кўрсатиш билан боғлиқ.

Ўлкамизнинг бир неча минг йиллик тарихидан маълумки, аждодларимиз турли замонларда мустамлака занжири билан ҳар хил давлатларга қарамликдан озод бўлиш учун курашган бўлса-да, ҳамма вақт ҳам истиқлолга эришавермаган эди. Бундай давлат ўн йилликлар оша, балки асрлар оша, мустақилликка эришиш йўллари, усуллари излайди, шу улуғвор ва башарий мақсадни амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратишга бетиним ҳаракат қилади. Президентимиз таъби-

¹ Каримов И. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., «Ўзбекистон», 1992, 3-бет

ри билан айтганда, «ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият, одамлар ўртасида таркиб топган муносабатлар, уларнинг дунёқараши, жумладан диний эътиқоди, руҳияти ва ҳуқ-атвор нормалари шуни тақозо этади». Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, халқнинг эрк ва озодликка эришишга интилиши, унинг йўл-йўриқларини қидириб топиши ва қулай вазият яратиш учун изланиши унинг маънавий камолоти, шижоати, мардлиги, ватанпарварлиги, ғурур ва ифтихори билан бевосита боғлиқ. Маънавий баркамол халқ ўзи танлаган йўлнинг шарт-шароитини ва заминини яратишга интилади.

Маънавий баркамол инсон деганда нимани тушуниш керак? У, муаллиф кўрсатиб ўтганидай, инсоннинг «дунёқараши, жумладан, диний эътиқоди, руҳияти ва ҳуқ-атвор нормалари», қолаверса, ахлоқ-одоби билан бевосита алоқадор. Умуман олганда, Ислом Каримов бу китобда ўрганилиши, таҳлил ва тадқиқ этилиши лозим бўлган муаммоларни маънавий-сиёсий, маънавий педагогик қарашлар билан диалектик бирликда қарайди.

Маънавий баркамол кишилар халқ тақдири ва фаровонлиги, Ватан тақдири ва унинг равнақини ўйлайдилар. Улар мутеликда, қарамликда яшашни истамайдилар. Бундай одамлар келажакка, озодликка ишонч туйғулари билан бахтиёрдирлар. Шунинг учун асар муаллифи доимо маънавий тарбияга алоҳида эътибор беришга чақиради.

Дунёдаги мамлакатлар у ёки бу шаклда озодликка эришганлари маълум. Худди шу тариқа улар тараққиёт йўлларининг ҳам ўзига хос шаклини танлаб, ривожланган мамлакатлар сафидан ўрин олган. Тинч ва парламент йўли билан мустақилликка эришган Ўзбекистон бошқа давлатларнинг тараққиёт тажрибаларини пухта ўрганган ҳолда ўз шарт-шароити, ўзига хос хусусиятлари асосида ижобий баҳоламоқда. Лекин Ўзбекистон шунчаки тақлидчиликдан мутлақо йироқ эканини алоҳида таъкидлаш лозим. Худди шу маънода Ислом Каримов: «Жаҳон ва ўзимизнинг амалиётимиздан олинган барча унумли тажрибаларни рад этмаган ҳолда ўз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт йўлимизни танлаб олиш республиканинг қатъий позициясидир. Бу — ўтмиш йилларнинг хатоларини, давлат тузилишининг шакл ва усуллариغا нисбатан мавжуд қарашларни идрок этиш натижасидир... Бу Ўзбекистон

халқининг ижтимоий тараққиётга, муносиб турмуш шароитига интилишидир», — дейди. Бироқ ҳали бир неча ўн йиллар давомида одамлар қонига, онгига зўравонлик ва мажбур қилиш асосида жойлаштирилиб, кўникма ва малакага айлантирилган айрим бепарволик, лоқайдлик, мутелик, ўзибуларчилик ва шу каби салбий ақидаларни қисқа вақтда бартараф этиш қийин. Ўша чиркин иллатларни кишилар онгидан чиқариб ташлаш муаммоси ҳар бир зиёли олдида кўндаланг турибди. Бу муаммони ҳал этиш барча тарбия воситаларини сафарбар этишни талаб қилади.

Мустақилликка эришган ёш республикани ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва шарт-шароитлари тўғрисида муаллиф ёзади: «Ўзбекистоннинг чинакам мустақиллигига эришишдан иборат ўз йўли республикани ривожлантиришнинг қуйидаги асосий ўзига хос хусусиятлари ва шарт-шароитларини ҳар томонлама ҳисобга олишга асосланади.

Аввало, у аҳолининг миллий-тарихий турмуш ва тафаккур тарзидан, халқ анъаналари ва урф-одатларидан келиб чиқади».

Бунда Ислом Каримов қуйидаги миллий ақидаларни назарда тутати:

— ўзаро ҳамжихат ва жамоа бўлиб яшаш ҳамда меҳнат қилиш;

— катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат, эл-юртга муҳаббат;

— ота-онани қадрлаш, фарзандлик бурчини тўла адо этиш;

— оилага ва фарзандларга ғамхўрлик қилиш;

— миллат айирмаслик;

— бошқалар қайғусига шерик бўлиш, бир-бировга ёрдам бериш;

— ҳашарчилик анъаналарини тиклаш ва давом эттириш;

— Ватанга муҳаббат туйғусини янада ривожлантириш;

— ота-боболаримизга хос меҳнатсеварлик одобига содиқ қолиш;

— билим олишга аҳамият бериш;

— устозу зиёлиларга, маърифатпарвар кишиларга ҳурмат-эҳтиром ва ғамхўрлик қилиш;

— ислом динига эътиқод туйғуларини тарбиялаш;

— ички ва ташқи сиёсатни кузатиб бориш ва унинг яхшиланишига баҳоли қудрат қўмаклашиш;

— маънавий-ахлоқий қадриятларни янада шакллантириш, ривожлантириш ва уларга тўла риоя қилиш;

— ислом дунёси билан муносабатларни яхшилаш, алоқаларни тиклаш ва ўзаро ҳамкор бўлиш;

— миллий маданиятни тобора ривожлантира бориш;

— умуман, миллий одоб-ахлоқ меъёрларига тўла риоя қилиш;

— Ватан ва халқ тарихига ҳурмат билан қараш;

— тарихий меъморчилик обидаларини таъмирлаш ва кўз қорачиғидай асраш;

— таълим-тарбияга эътибор ва ғамхўрликни янада кучайтириш.

Кўрсатилган шу маънавий-ахлоқий ақидаларга амал қилиш ҳамда ўтмишдаги олиму фузалолару шоирларнинг беназир мероси «қанчадан-қанча авлодларнинг маънавий-руҳий онгини ва турмуш тарзини шакллантирган» ва у ҳамон таъсир кўсатаётганини ҳамиша ёдда тутган ҳолда уни амалга татбиқ этиш зарур. Бу — мустақилликни ҳимоя қилишнинг асосий шартларидан бири.

Ўзбек халқи оилапарварлиги — кўп болалиги билан бошқалардан кескин фарқ қилади. Шу нарсани назарда тутган ҳолда Президентимиз: «Республикадаги ўзига хос демографик вазият ғоят муҳим хусусиятлардан биридир», — дея алоҳида таъкидлайдики, бу республика халқ хўжалигини ривожлантиришда жиддий эътиборга олиниши зарур.

Зотан, Ўзбекистон аҳолиси тобора ўсиб бормоқда ва унинг асосий қисми, яъни ярмидан ортиғи қишлоқ жойларида истиқомат қилади. Қишлоқ жойларида яшаётганлар, асосан, чорвачилик, деҳқончилик ва пахтачилик билан машғул. Республика умумий аҳолисининг 60 фоиздан зиёдроғини болалар, ўсмирлар, қариялар ташкил қилади. Табиийки, балоғатга етмаган болалар ва қарияларни истеъмол моллари билан таъминлаш зарур.

Ўз аجدодлари қадимдан яшаб келган жойларга боғланганлик, кўчиб юришга мойилликнинг йўқлиги — мамлакат аҳолисига хос хусусият. Шунинг учун тараққиёт йўлини белгилашда бу хусусиятни ҳисобга олиш лозим.

«Республиканинг яна бир хусусияти миллий таркибининг ўзига хослигидир». Республикамизда этник жи-

ҳатдан туб аҳолиси ердик халқ бўлиб, у жуда катта устунлик мавқеига эга. Ўзбекистон ҳудудида ўз миллий анъаналари, қадриятлари, миллий маданиятига эга бўлган юздан ошиқроқ миллатлар истиқомат қилишади. Ислон Каримов юрт раҳбари сифатида уларни дўст-биродар бўлиб яшашга доимий равишда даъват этиб келмоқда.

Ўзбекистон шундай географик маконки, у ерда азалдан бутун жаҳон савдо сўқмоқлари кесишган ва машҳур «Буюк ипак йўли» орқали худди шу нуқтада Шарқ билан Ғарбни туташтирган. Худди шу республикамиз ҳудудида ташқи мамлакатлар билан турли алоқалар бошланган ва яқунланган. Шунинг учун у ташқи давлатлар, авваламбор, ўзи, қолаверса, қўшни мамлакатлар учун уларни ўзаро боғловчи мавқе ва аҳамиятга эга.

«Ўзбекистонда ислохотларни амалга ошириш йўллари ва ёндашувларини танлашга табиий-иқлим шароитларининг ўзига хослиги белгилловчи таъсир ўтказмоқда». Муаллиф бу ўринда нима учун табиий-иқлим шароитларини назарда тутмоқда?

Республикамиз ҳудудида сув танқислиги сезилсада, унинг халқ ҳўжалигида пахтачилик етакчи ўринни эгаллайди. Умуман, Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги, асосан, суғориш деҳқончилиги билан шуғулланиб келган.

Ўзбекистон Марказий Осиё республикалари ичида пахта тайёрлаш бўйича етакчи ўринни эгаллайди. Етиштирилаётган пахта фақат унинг ўз эҳтиёжини қондирибгина қолмай, балки уни бошқа мамлакатларга ҳам сотиш имкониятини беради. Бизда иқлим шароити туфайли мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини ҳам экспорт мақсадлари учун етиштириш имконияти мавжуд. Демак, Ўзбекистон истиқлол заминини ҳозирлашда, давлатимизнинг иқтисодий ва маънавий обрў-эътиборини янада ошириш ва мустақамлашда, хорижий мамлакатлар билан муносабатларни ривожлантиришда унинг табиий-иқлим шароитлари ҳам бекиёс аҳамиятга эга. Шу билан бирга, муаллиф «собиқ марказ ўтказиб келган якка-ҳокимлиқ сиёсатининг натижаси бўлмиш қарамликка, яъни технология ва ресурс жиҳатидан бошқа республикаларга қарам бўлиб қолишга барҳам бериш ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда», деб таъкидлайди.

Ўзбекистоннинг келажаги, халқни мақсадли йўна-

лишга сафарбар қилиш гоёси Президентнинг диққат марказида туради. У ёзади: «Кейинги ўн йиллар мобайнида маълум қадриятларга эга бўлган кишиларнинг... бир томондан, ...ижтимоий тенгликка, кафолатланган меҳнат қилиш ҳуқуқига, ялпи бепул таълим ва тиббий хизматга қатъий тарафдорликка интилишида намоён бўлмоқда. Иккинчи томондан эса яккаҳокимликдан иборат маъмурий-буйруқбозлик тизими келтириб чиқарган инсонни мулкка эгаликдан ва ҳўжайинлик туйғусидан бегоналаштирилганлиги, тайёрга айёрлик руҳияти юзага келтирилганлигида кўринмоқда»¹. Президентнинг бу қараши диққатга сазовор бўлиб, унинг моҳиятини ёш авлодга тушунтириш ва сингдиришда ўтмиш тажрибасига таяниш лозим. Шундагина бу фикрлар ёшлар онига тезроқ етиб боради ва келажакда ўз самарасини беради.

2. ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ҚУРИШ ВА ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ЎРНАТИШ — ИШОНЧ РУҲИНИ ТАРБИЯЛАШ ОМИЛИ

Ўтмиш тажрибаларидан маълумки, ишонч бўлмаган жойда тараққиёт ва камолот, эзгулик ва рўшнолик, ҳақиқат ва адолат, поклик ва ҳалоллик ва шу каби қадриятларнинг илдиз отиши мумкин эмас. Ишонч — яхшилиқнинг шаклланиши ва ривожланиши гарови. Ишонч йўқолган ердан имон кетади. Ишончсиз умр — ёниб битган кўмир, дейдилар. Ишончсиз қалбда изтироб, қайғу-алам, умидсизлик кайфияти ривож топади. Демак, одамлар руҳидан ишончсизликни чиқариб ташлаб, ишонч уруғини сепиш, уни ундириш, ўстириш ва камолга етказиш — биринчи галдаги вазифа. Юз йиллар давомида илдиз отган ишончсизликни тезлик билан бир зумда йўқотиш осон иш эмас, албатта.

Шунинг учун Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, биринчи навбатда, мамлакат ичкариси ҳамда ва ташқарисида демократия ва ижтимоий адолатни қарор топтиришга, халқимизда ишонч руҳини тарбиялашга алоҳида эътибор бермоқда.

Ислом Каримовнинг ҳар бир асари, бозор муносабатларига асосланган демократик жамият қуриш-

¹ Ўша асар, 14—15-бетлар.

нинг назарий асосларини, амалий ишларнинг кундалик дастурини ташкил қилади.

Ислом Каримовнинг Ғарб ва Шарқдаги ривожланган мамлакатлар кўп йиллик тараққиёт йўлларини, ўзбек давлатчилигининг минг йиллар давомидаги тарихий тажрибасини ўрганган ҳолда ишлаб чиқилган асарларида мустақил Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маданий тараққиётининг муҳим йўналишлари, бутун дунёда тан олинган бозор иқтисодиёти ва демократик жамият қуришнинг асосий тамойиллари тўғрисидаги таълимот яратилди. Истиқлолнинг бошланғич боқичида ёруғлиққа чиққан «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» ва бошқа бир қанча асарларида баён этилган Ўзбекистон мустақиллигининг биринчи навбатдаги — кечиктирилмас ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий вазифалари кейинчалик «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида», «Демократик ислохотларни чуқурлаштириш вазифалари» ва бошқа асарларида ўз ривожини топди.

Ўзбекистоннинг яқин ўтмишда ва XX асрнинг сўнгги ўн йилида ўтган йўллари, XXI асрда республика истиқлолини мустаҳкамлашнинг стратегик вазифаларининг асосий йўналишларини тўплаган «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» асарларида баён этиб берилди.

Ислом Каримов халқимизда ишонч руҳини тарбиялаш қобилиятининг яна бир кўриниши бозор муносабатларига ўтиш, демократик жамият қуриш жараёнида маънавий-маърифий ва мафкуравий ишларнинг юксак аҳамиятини таъқослаб кўрсатганлигида намоён бўлади.

Парчаланган иттифоқ ўрнида вужудга келган мустақил давлатларнинг ҳеч бирида ўртага қўйилмаган маънавий-маърифий вазифалари Президентимизнинг «Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин», «Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман» асарларида, «Истиқлол ва маънавият» (ҳужжатлар тўплами) китоби ва бошқа кўп мақолаларида баён этилган бўлиб, бу асарларида маънавият — келажаги буюк Ўзбекистоннинг мустаҳкам пойдевори, миллий мустақиллик мафкураси, 120 дан ортиқ миллат ва элатдан ташкил топган

Ўзбекистон халқини «Шу азиз Ватан — барчамизники», «Ўзбекистон — Ватаним маним» шиорлари остида ягона, буюк мақсад учун бирлаштирадиган байроқ сифатида туган ўрни кўрсатиб берилади.

Маънавий-маърифий, мафкуравий ишлар янги жамият қуришнинг зарурий шарт сифатида қўйилиши — ўзига хос ўзбек моделининг устувор тамойилларидан бири.

Ислом Каримов янги жамият қуришда миллий, диний қадриятларимизни тиклаш ишларига, шу мақсадда Ватанимиз тарихини ҳолисона, янгича яратишга эътиборни кучайтирмоқда. Президент Истиқдолнинг дастлабки кунларида (1992 йил, январь): «Тарихга, меросимизга бўлган муносабат тубдан ўзгартирилиши лозим, янги дарсликлардан тортиб оддий китобларгача — ҳаммасига ҳақиқат ёзилиши шарт», деб аниқ вазифа қўйди.

Ватан тарихини ўрганиш унинг янги авлодни тарбиялашдаги туган ўрни, аҳамияти масалалари Ислом Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» (1998 йил, август) асарида кенг баён қилиб берилди. Юртбошимиз ҳаққоний тарих миллатнинг ўзлигини англашдаги зарурий шарт, маънавий ва мафкуравий ишларимизнинг ҳақиқий манбаи эканлигини қайта-қайта таққослаб кўрсатади. Ислом Каримов вазифани ҳар бир «сиёсатчидан, арбобдан деган одам, агар виждони бўлса, ўз халқининг тарихий ўтмишини билиши шарт», деб кескин қўяди.

Ўтмиш даврининг мураккаб вазифалари ва қарама-қаршиликларини ҳисобга олган ҳолда, давлат раҳбари сифатида амалга оширган тадбирлари Президентимизнинг сўзи билан иши бир эканлигидан далолат беради.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб ҳуқуқий давлатчилик асосларини яратиш муҳим вазифалардан бирига айланди. Миллий давлатчилик ривожланишининг минглаб йиллик анъаналари чоризм мустамлакаси даврида батамом инкор этилган эди. Президент Ислом Каримов тарихий анъаналар, дунё тажрибалари, ўлканинг миллий-тарихий ривожланиши ҳамда ўзига хос томонларига таянган ҳолда жамиятни тубдан ислоҳ қилиш йўлларини ишлаб чиқди. Бу жараёнда иккита вазифа:

1. Эски маъмурий тизимни тугатиш ва ҳокимият бошқарув идораларини қайта қуриш;

2. Янги давлатчиликнинг ҳуқуқий-сиёсий асосларини яратиш, давлатчиликда янги марказий ва маҳаллий бошқарув тизимини шакллантириш масалалари ҳал қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакатда ҳуқуқий давлат қурилишининг кафолати ҳисобланади. Унда ҳокимият қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд идораларидан иборат деб кўрсатилган. Бу ҳокимият фаолияти эркин, бир-биридан мустақил бўлиб, аини вақтда бир-бири билан чамбарчас боғлиқ.

1994 ва 1999 йилларда кўп партиявийлик ва муқобиллик асосида сайланган Олий Мажлис қонун чиқарувчи ҳокимият вазифасини бажаради. Олий Мажлиста сайловлар жамиятимизнинг демократик ривожланиш йўлидан далолат берди. Олий Мажлиста 250 депутат сайланиб, уларнинг 120 нафари вилоятлар депутатлари кенгашидан сайланган бўлиб, қолганлари ҳар хил партиялардан вакиллардир.

Давлатни бошқаришнинг президентлик шакли мамлакат бошқарув тизимини ислоҳ қилишнинг бошланиши бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат ҳокимиятининг бошлиғи бўлиб, бир вақтнинг ўзида Вазирлар Маҳкамасининг Раиси вазифасини ҳам бажаради. Президент фуқаролар эркинлиги ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, Конституция ва Ўзбекистон қонунларига риоя қилинишини кафолатлайди. Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимият идораси бўлиб, у ижтимоий, иқтисодий ва маънавий жабҳалардаги вазифаларнинг бажарилишини, қонунлар, Олий Мажлис қарорлари, мамлакат Президенти Фармонларининг ижро этилишини таъминлайди.

Ижро этувчи ҳокимият идоралари тизими илгариги ҳокимиятлардан тубдан фарқ қилиб, бу тизим жамият ҳаётида мувофиқлаштирувчилик вазифасини бажаради. Республикада бозор иқтисоди тизимига мос келадиган вазирликлар ва қўмиталар ташкил этилган. Республика ҳокимияти билан маҳаллий ҳокимиятнинг ваколат ва вазифалари аниқ белгилаб қўйилган, адолатли ва инсонпарвар қонунчиликни вужудга келтириш устида узлуксиз иш олиб борилмоқда. Бу ерда гап «кучли ижроия ҳокимият» тўғрисида кетяпти. Қабул қилинган қонун ва чиқарилган Фармонлар, қарорлар бажарилмаса, тузум, жамият тараққиёти, турмуш фаровонлиги ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Кучли ижроия ҳокимият фаолият кўрсатмаса, мамлакатда бош-бошдоқ-

лик, тартибсизлик, жинойтчилик кенг томир отади, умуман ҳаёт издан чиқади. Шунинг учун кучли назорат ва кучли ҳокимият жуда зарур.

Республикада ҳокимлар бошқарувининг жорий этилиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳокимликка тажрибали ва малакали шахслар Президент томонидан тайинланади ва халқ депутатлари Кенгашлари томонидан тасдиқланади. Халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик идоралари бўлиб, улар ўз вазифаларини давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ҳал этади.

Ислом Каримов давлат ва жамият ҳаётини эркинлаштириш юзасидан муҳим вазифани белгилаб: «... ҳокимият ваколатларини нодавлат ва жамоат ташкилотларига, фуқароларни ўз-ўзини бошқариш органларига босқичма-босқич ўткази бориш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этишни кучайтиришдан иборат» деган ғояни илгари сурди. Олий Мажлисининг XIV сессияси «кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» деган сиёсий қурилиш дастурини белгилади.

Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идораларининг асосини маҳаллалар ташкил этади. Аҳолини ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий қўллаб-қувватлаш, ижтимоий жамғармалар ташкил этиш, турли хайрия тadbирлари ўтказишда маҳалланинг ўрни бениҳоя катта. Ундан ташқари, маҳалла ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, меҳр-оқибатли қилиб вояга етказишда катта ишларни амалга оширомоқда. Фуқаролар йиғини, Оқсоқоллар Кенгашига 1998 йил ноябрь-декабрь ойларида ўтган сайловларда маҳаллий идораларга кўпчилиги олий маълумотли, кўп тажрибага эга кадрлар ишга тортилди. Булар давлат идоралари вазифаларини жамоат ташкилотларига ўтказиш жараёнининг фаол қатнашчилари ҳисобланади.

Янги давлат тизимининг шаклланиши ва фаолиятини давр талабига мос келадиган кадрлар сиёсатисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда ишни юқори даражада олиб боришга қодир бўлган маънавий етук кадрларни тайёрлаш ва тарбиялашга қаратилган қатор чора-таdbирлар ўтказилмоқда. Хусусан, давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳуқуқий идоралар учун юқори малакали кадрлар тайёрлаб берадиган бир қанча олий ўқув юртлари ташкил этилди. Бу жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академиясининг раҳбар кадрлар тайёрлашдаги ўрни эътиборга сазовор.

Хуллас, халқ онига, биринчи навбатда, мустақилликнинг ўзи нима эканини, давлат мустақиллиги афзаллигини сингдириш, қолаверса, бизнинг мамлакатимиз демократия ва ижтимоий адолат қонунлари асосида шаклланаётганини тушунтириш зарур. Бу халқнинг келажакка ишонч туйғуларини тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

3. МИЛЛИЙ МАНФААТ ВА ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИДА ҲАМКОРЛИК ОДОБИ

Мамлакатимизнинг жаҳон халқлари тинчлиги ва хавфсизлигига риоя қилишга қаратилган тинчликсевар ташқи сиёсати унинг жаҳон миқёсида мустақил давлат сифатида тезда тан олиншини таъминлади. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини дунёдаги 165 давлат тан олди, уларнинг 120 таси билан дипломатик, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқалар ўрнатилди. Бугунга келиб 140 дан ортиқ давлат билан ташқи савдо муносабатлари олиб бориляпти.

Ташқи сиёсат ҳақида фикр юритилар экан, мустақиллик ва қарамлик тушунчаларини ойдинлаштириш учун Ўзбекистоннинг илгариги бу борада мавжуд аҳволи ҳусусида қисқача тўхташ лозим. Миллий республикалар, ҳусусан, Ўзбекистон ўзининг табиий ва маъданий бойликларига ҳўжайинлик қилолмасди. Қўлида бойлиги, чет эл валютаси бўлмаган давлат хорижий мамлакатлар билан алоқа ўрнатиши мумкин эмас эди. Тайёр маҳсулот ёхуд хомашё ташқи бозорга чиқариб сотилсагина сармоя олиб келади. Демак, халқ эҳтиёжини қондиришда ташқи сиёсат муҳим ўрин тутди. Мол айирбошлаш, савдо-сотиқ, ҳамкорликдаги қурилиш ишлари ва шу кабилар халқлар турмушини яхшилашга хизмат қилиши лозим. Лекин буларнинг барчаси тенг ҳуқуқлилиқка асослансагина яхши натижалар беради. Ўзбекистонга бундай ҳуқуқ берилмаган эди. Собиқ иттифоқ даврида Ўзбекистон хориж билан тўғридан-тўғри алоқа қила олмайдиган мамлакат бўлиб, ташқи сиёсат юритиш тажрибасига ҳам бу соҳадаги етук кадрларга ҳам эга эмас эди.

Президент Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобида мустақил ташқи сиёсатимизни назарий ва амалий жиҳатдан асослаб берди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасида мамлакатимиз ташқи сиёсатининг қоидалари қонунлаштирилди. Бу қоидалар «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий тамойиллари тўғрисида»ги, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Хорижий инвесторлар ва инвестицияларга кафолат бериш тўғрисида»ги, «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги қонуний ҳужжатларда ўз ифодасини топди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 48 (1993) ва 50-юбилей (1995) сессияларидаги нутқларида мустақил Ўзбекистон ташқи сиёсатининг бош йўналишлари белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- мафкуравий қарашлардан қатъи назар, ҳамкорлик учун очиклик, умуминсоний қадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик;

- давлатларнинг суверен тенглиги ва чегаралар дахлсизлигини ҳурмат қилиш;

- бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;

- низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш;

- куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик;

- ички миллий қонунлар ва ҳуқуқий меъёрлардан халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари ва меъёрларининг устуворлиги;

- тажовузкор ҳарбий блоклар ва уюшмаларга кирмаслик;

- давлатлараро алоқаларда тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, давлат миллий манфаатларининг устунлиги;

- ташқи алоқаларни ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш, бир давлат билан яқинлашиш ҳисобига бошқасидан узоқлашмаслик.

Умуминсоний қадриятларга асосланган бу тамойилларни ўзаро ҳамкорлик одоби меъёрлари ва қатъиятлари (принциплари) деб қарамоқ керак. Бир киши, иккинчи киши ва бошқалар билан икки томонлама манфаатли қандайдир вазифаларни амалга оширад экан,

ўзаро муомала-муносабатда бўлади, ниманидир келишиб, тегишли қарорга келади. Булар муомала-муносабат ёхуд дипломатия одоби доирасида амалга оширилади.

Янги ташкил топган давлатнинг оёққа туриб олиши ва тараққий этиши учун қўшни мамлакатлар билан ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам маданий алоқани ривожлантириш зарур. Бусиз ҳеч бир соҳада ижобий натижаларга эришиб бўлмади. Бундай мустақкам алоқанинг маънавий аҳамияти ҳам чексиз. Демак, Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорликни янада ривожлантириши лозим. Бу ҳақда Ислоҳ Каримов ўзининг юқорида зикр этилган китобида шундай ёзади: «Мустақил Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон билан дўстона, қардошлик муносабатларини мустақкамлаш, улар билан қалин ижтимоий-иқтисодий муносабатларни чуқурлаштириш, илмий ва маданий ҳамкорликни кенгайтириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг ғоят муҳим устувор йўналиши ҳисобланади. Ҳамкорликка интилиш шу минтақа мамлакатларига тарихан хосдир. Буни умумий чегараларгина эмас, балки, аввало, миллий маданиятларнинг, тил, урф-одатлар ва анъаналарнинг яқинлиги белгилаб берган»¹.

Тўғри таъкидланганидек, ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман халқлари тарихан бирга яшаб келишган. Булар — ери бир, суви бир, ҳавоси бир хил халқлар. Қолаверса, тили бир, дили бир, дини бир, эътиқод-қадрияти бир хил халқлардир. Шунинг учун бу халқлар бир-бири билан тил топишиш, ўзаро иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларни тобора ривожлантириш ва мустақкамлаш борасида ҳамкорлик қилишга имкониятлари жуда катта. Марказий Осиё мамлакатларининг бирлиги ташқи сиёсатни, аниқроғи, жаҳон давлатлари билан алоқа ўрнатишларида муҳим аҳамият касб этади.

Марказий Осиё халқлари ўртасида тарихдаги бирлик анъанаси қайтадан тикланиб, ота-боболаримизнинг бу борадаги урф-удумлари давом этиши ва бу анъана ёш ва кейинги авлодга мерос бўлиб ўтиши лозим.

Ислоҳ Каримов ўзаро алоқалар ўрнатиш масаласида фақат Марказий Осиё, Африка қитъасидаги араб мамлакатлари, Хитой, Ҳиндистон, Туркия каби давлатлар билангина чегараланиб қолмай, балки ғарб ола-

¹ Ўша асар, 32-бет.

ми билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳақида ҳам қай-
ғуради. Ҳозирги кунда АҚШ, Германия, Испания,
Франция, Италия ва бошқа етакчи давлатлар билан
тенг ҳуқуқли ўзаро ҳамкорлик қилиш учун янги имко-
ниятлар очилди.

Ҳозирда Ўзбекистонда 88 та хорижий мамлакат ва
халқаро ташкилотларнинг, 24 та ҳукуматлараро ва 13 та
ноҳукумат ташкилотнинг ваколатхонаси фаолият кўрсат-
моқда. Дунёдаги 40 дан ортиқ йирик давлатларда
Ўзбекистоннинг ваколатхоналари ишлаб турибди.

Ўзбекистон жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиш
йўлидан бориб Жаҳон банки, Халқаро Валюта фонди,
Халқаро молия корпорацияси, Иқтисодий тараққиётга
қўмаклашувчи ташкилот ва бошқа молиявий-иқтисо-
дий ташкилотларга аъзо бўлиб кирди ва улар билан
ҳамкорлик қилмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистон БМТ
доирасидаги ихтисослашган муассасалар — Жаҳон соғ-
лиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро Меҳнат ташкило-
ти, Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти, БМТ нинг
болалар фонди, Халқаро почта иттифоқи, Электр ало-
қаси бўйича Халқаро иттифоқ, Жаҳон метеорология
ташкилоти, Халқаро олимпиада қўмитаси, Халқаро ав-
томобилчилар иттифоқи ва бошқа ташкилотлар билан
ҳамкорлик қилмоқда. Уларнинг ваколатхоналари рес-
публикамизда фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон кўпгина
минтақавий ташкилотлар, чунончи, Европа Иттифоқи,
НАТО, ЭКО, Ислом конференцияси, Қўшилмаслик
ҳаракати ва бошқалар билан ҳам самарали ҳамкорлик
қилмоқда.

Ўзбекистон Ўрта Осиё давлатлари билан Туркия,
Покистон, Эрон томонидан тузилган иқтисодий ҳам-
корлик ташкилотига аъзо бўлиб кирди ва Транс Осиё
темир йўли қурилишида фаол иштирок этмоқда. Бу
Ўзбекистон учун денгиз йўллари, халқаро транспорт
тармоғига, товар ва капитал халқаро бозорига чиқиш
имкониятини берди.

Ташқи иқтисодий алоқаларда республикамиз иқти-
содиётига хорижий сармояларни жалб этишга катта
аҳамият берилмоқда. Бу мамлакатимизга илғор техно-
логиянинг кириб келишига, ҳўжалик таркибининг за-
монавийлашига имкон бермоқда. Ташқи иқтисодий фа-
олиятни кенгайтириш, халқаро шартномалар тузиш ва
уларни бажариш чоралари кўрилмоқда. Ташқи савдо
учун имтиёзлар берилди. Товарларни импорт ва экспорт
қилиш учун божхона тўловлари анча камайтирилди.

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга қаратилган сиёсати республикага хорижий сармояларнинг тўхтовсиз кириб келишини таъминламоқда. 1997 йил охирларида Ўзбекистонга киририлган инвестицияларнинг умумий ҳажми 8 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Ҳозирги кунда хорижий мамлакатлар сармоядорлари иштирокида 3 минг 200 дан ортиқ қўшма корхона қурилмоқда. Жумладан, Американинг «Ньюмонт-Майнинг» компанияси билан ҳамкорликда олтин қазиб оладиган «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси қурилиб ишга туширилди. Тошкентда халқаро савдо-кўргазма комплекси, Хоразмда қанд-шаркар заводи қурилди.

Жанубий Корея сармоядорлари билан «ЎзДЭУавто», «ЎзДЭУэлектроникс» ҳиссadorлик бирлашмалари кенг фаолият кўрсатмоқда. Германия ва Жанубий Корея билан ҳамкорликда телефон тармоқлари янгиланмоқда. Ўзбекистоннинг барча ривож топган хорижий мамлакатлар билан ташқи иқтисодий, сиёсий, маданий алоқалари кенгайиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида ҳамдўстлик мамлакатлари билан икки томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантиришга алоҳида аҳамият бермоқда. Республикамиз Россия, Украина, Беларусь, Молдова, МДХнинг бошқа мамлакатлари билан шартнома имзолаб ўзаро манфаатли ҳамдўстлик алоқалари учун мустаҳкам асос яратди.

1992 йил майида МДХга аъзо давлатлар раҳбарларининг Тошкент учрашувида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримов ташаббуси билан коллектив ҳавфсизлик тўғрисида шартнома имзоланди.

Ҳамдўстликка аъзо бўлган давлатларга миллий мудофаани кафолатлашга, илмий-техника тараққиёти ютуқлари ва алоқа воситалари, янги технологияга эришиш, хорижий давлатлардан маҳсулот ташиш, зарур хомашё ва тайёр маҳсулотларни келтириш ҳамда ўз маҳсулотини жаҳон бозорига олиб чиқиш, экология соҳасида тадбирларни биргаликда ўтказиш, табиий офатлар оқибатини тугатиш учун имкониятлар яратилди.

Ўрта Осиё тўрт республикалари раҳбарларининг Ўзбекистон Президентининг Дўрмон қароргоҳида 2000 йил 20—21 апрель кунлари бўлиб ўтган учрашувда Ислom Каримовнинг халқаро терроризмга қарши кураш халқаро маркази тузиш ҳақидаги ташаббусини

А.Акаев, Н. Назарбоев, И.Раҳмонов қўллаб-қувватладилар. Тўрт давлат раҳбарлари минтақада халқаро терроризм, сиёсий ва диний экстремизм ва бошқа таҳдидларга қарши биргаликда ҳаракат олиб бориш ҳақидаги ҳужжатни имзолади.

Учрашувда Қозоғистон ва Ўзбекистон президентлари чегаралар масаласида иккала давлат орасида эркин ҳаракатланиш тўғрисида, йўловчи ва юк ташиш транспортларини кенгайтириш ҳамда ўзаро келишилган кредит, ҳисоб-китоб, бюджет, солиқ, нарх, бож ва валюта сиёсатини таъминловчи ягона иқтисодий маконни ташкил этиш тўғрисида келишиб олишди. Ягона иқтисодий маконни ташкил этиш тўғрисидаги шартномага Қирғизистон, кейинчалик Тожикистон ҳам кирди.

Марказий Осиё давлатлари ҳамдўстлигининг тузилиши уларнинг бошқа давлатлардан узоқлашишини кўрсатмайди, балки бу мураккаб ўтиш даврида минтақа мамлакатларининг ўзаро ёрдам ва ҳамкорлигини чуқурлаштиришга қаратилган.

Россия Федерацияси Президенти В.В.Путиннинг 1999 йил декабрь ва 2000 йил май ойидаги Ўзбекистонга қилган ташрифлари Россия ва Ўзбекистоннинг ўзаро иқтисодий ва маданий алоқаларини мустаҳкамлашда икки давлатнинг диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши курашида алоҳида ўрин тутди.

Ўзбекистонда тарихий жиҳатдан қисқа бир даврда халқаро муносабатларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш борасида бир неча ўн йилларга арзийдиган ишлар амалга оширилди. Шу ютуқларни чуқур таҳлил қилиш, ўрганиш келажак учун муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, бу билан келгуси авлодни ҳамкорлик одоби руҳида тарбиялаш ишлари тўла-тўқис амалга оширилади.

4. МУСТАҚИЛ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ ЁШЛАРНИ МУСТАҚИЛЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ҳар қандай сиёсат халқнинг биринчи галда моддий ва маданий аҳволини яхшилашга хизмат қилиши керак. Зотан, моддий жиҳатдан тўла таъминланган инсон ҳар қандай ишни бажаришга қодирдир. Шунинг учун Ўзбекистон Президенти Ёслом Каримов халқ манфаати тўғрисида гапирар ва қайғурар экан, у биринчи навбатда иқтисодий сиёсатни назарда тутди. «Халқ манфаат-

ларига жавоб берувчи мустақил иқтисодий сиёсат Ўзбекистонни мустақил ривожлантиришнинг ажралмас шартидир»¹.

Мустақил иқтисодий сиёсат ҳақида гап кетар экан, шу соҳа бўйича яқин ўтмишга назар ташлаш ҳам амалий, ҳам назарий, ҳам тарбиявий аҳамият касб этади. Шўро тузуми даврида республика тақдирини Ўзбекистондан ташқарида ҳал қилишди. Ўзлари хоҳлашган қарор ва буйруқларни чиқаришди ва фармонлар, қарорлар республикамиз шарт-шароитига мосми ёхуд мос эмасми, барибир, уларни амалга оширишга мажбур қилишди. Демак, халқ хўжалигининг барча соҳаларида бир томонламалик кайфияти вужудга келди. Натижада Ўзбекистон технологияси, халқ хўжалигининг кўп соҳалари ривожланмай қолди. Шунинг учун ниҳоят, мустақилликка эришиш арафасига келиб, мамлакатимиз ёқилғи, асбоб-ускуналар, технология, кўпгина хомашёлар, шунингдек ҳаёт учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларию халқ истеъмоли молларини ҳам четдан келтиришга мажбур бўлди.

Илгаридан мавжуд бўлган айрим технология эса тубдан эскирган, ибтидоий эди. Шу технология воситасида ишлаб чиқарган маҳсулотлар эса жаҳон рақобатида дош беролмасди. Мамлакатимиз табиий ресурслари ва экологиясига бефарқ муносабатда бўлингани оқибатида Ўзбекистон табиати, атроф-муҳити жуда қаттиқ талафот кўрди. Хулди шу талафотлар халқнинг турмуш даражасининг пасайишига олиб келарди.

Қолаверса, «қайта қуриш» кампанияси бошланиб, у ўрта йўлда қолиб кетди, пул-валюта ҳамда банк тизимида содир бўлган воқеалар, пулнинг қадрсизланиши миллий республикалар, чунончи, Ўзбекистон иқтисодиётига қаттиқ зарба бўлиб тушди. Мамлакат ҳар томонлама инқирозга юз тутди ва шундай оғир аҳволда мустақилликка етиб келди.

Бироқ Ўзбекистонда шу йўқотиш ва илгаридан қолган асоратларни бартараф қилиш, ривожланган давлатлар сафига ўтиб олиш имкониятлари мавжуд эди. Шу имкониятлардан бири бозор муносабатларини тўғри йўлга қўйиш билан боғлиқ. Шу хусусда Ислом Каримов «...айрим мамлакатларда иқтисодий ривожланиш ва аҳолининг турмуш даражаларидаги тафовутларга қарамай, жаҳон ҳамжамияти ривожланишининг ҳозирги

¹ Ўша асар, 41-бет.

босқичига бозор иқтисодиёти жуда мос келади ва самарали ҳаракат қилади»¹, деб таълим беради. У ривожланишимизнинг бош йўналишини машаққат билан қад ростлаган (Швеция, ГФР, Австрия, Жанубий Корея каби) мамлакатларнинг мураккаб тажрибасини, шу билан бирга республиканинг ўз хусусиятларини ҳисобга олиб ишлаб чиқди.

Бунда ташаббускорлик ва ишбилармонликни рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш зарур. Инсоннинг бундай хусусияти ҳақида, Амир Темур: «Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши, минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир»², — дейди.

Ташаббускор ва тадбиркор ҳозирги шароитда халқ оммасининг мустақиллик тўғрисидаги қарашларининг шаклланишига имкон беради. Бундай ижобий қарашлар, айни пайтда, бозор иқтисодиётига ўтиш механизмини фаоллаштиришга кўмаклашади. Чунки тадбиркорлар, фермерлар, ишлаб чиқаришни ривожлантириб, ўз маҳсулотлари билан бозорларни тўлдиришда муҳим ўрин эгаллайди. Демак, бир вақтнинг ўзида сўз ва иш бирлиги, уйғунлиги натижасида кенг халқ оммасининг мустақиллик туйғулари ривожланади. Натижада халқнинг онгига сингиб қолган боқимандалик кўникмалари аста-секин барҳам топиб боради. Тарғибот ва ташвиқот ходимлари боқимандаликнинг тараққиёт йўлида ғов эканини халқ, энг асосийси, ёш авлод онгига сингдиришлари керак.

Боқимандаликнинг ўзи нима? Бу — берса — ейман, бермаса — ўламан, қабилда яшаш ва фикрлаш тарзидир. Бу — жуда фожиали иллат. Ота-боболаримиз бундай иллатга қарши кескин кураш олиб боришган. «Ётиб еганга тоғ ҳам чидамас», «Кўлда берганга қуш тўймас» каби ҳикматлар боқимандаликни қораловчи, меҳнатни улуғловчи, ишбилармонлик ва ташаббускорликка илҳомлантирувчи ва рағбатлантирувчи руҳ билан суғорилган.

Шўро тузуми даврида халқ тинмай меҳнат қиларди. Хомашё тайёрлаб, бошқалар қўлига топширарди. Шу хомашёдан тайёрланадиган маҳсулотни талаб қилиб олишга ҳуқуқи йўқ эди. Мисол, пахта чиқарадиган халқ ўлган кишисига кафанлик учун дўконлардан сурп то-

¹ Ўша асар, 43-бет.

² Амир Темур ўғитлари. Т., «Наврўз», 1992, 11-бет.

полмасди. Берсалар — оларди, бермасалар — ўтирарди. Бу — боқимандаликнинг энг аянчли ва фожиали тури бўлиб, халқ шунга кўникиб қолган эди, бу унинг онгигагина эмас, қонига ҳам сингиб кетган эди. Меҳнат қилсаю, роҳатини ўзи кўрмаса. Халқнинг турмуш тарзи ҳам, тарбияси ҳам, ҳуллас, бутун фаолияти шунга йўналтирилган эди. Мажбурий меҳнат қилиш кайфияти кишиларнинг вужудини қамраб олганди. Натижада кўпинча сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқиларди. Улар бозоргир бўлмаганлиги учун омборларда ётарди.

Демак, мажбурий меҳнат эмас, ихтиёрий меҳнат туфайли ишлар самараси ортади, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифати яхшиланади.

Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида одамлар онгига сингиб кетган ўша кайфият, кўникмага айланиб кетган иллат анча қийинчиликлар туғдираётгани сир эмас. Одамлар онгидан «халқни давлат боқishi керак, ҳамма нарсани давлат бериши лозим», «давлат ҳамма нарсани билади, меҳнат қилиш шарт эмас» деган руҳни, кайфиятни чиқариб ташлаш мустақиллик тарбиясининг асосий вазифаси бўлмоғи лозим.

Ҳозирги ўтиш даврида ижобий ва салбий ҳолатлар бўлиши — табиий ҳол. Бу нарсани очиқ айтиш ва тан олиш керак. Бу ҳусусда Ислом Каримов, олдиндан билиб, шундай ёзди: «Бозорга, айниқса, унинг шаклланиш босқичида узоқ ва чуқур иқтисодий инқирозлар, ишсизликнинг ўсиши, пулнинг қадрсизланиши, кўпгина корхоналарнинг синиши ва ишбилармонларнинг хонавайрон бўлиши, аҳолининг моддий таъминот жиҳатидан кескин табақалашуви, ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатлар ва жиноятларнинг ўсиши хосдир. Бозорнинг бу иллатларини билиш, уларга тайёр туриш, уларни бартараф этиш юзасидан тўғри ечимлар топа билиш керак»¹.

Чиндан ҳам, иқтисодий инқирозлар рўй берди ва давом этапти, ишсизлар сони кўпайди, айрим корхоналар иш фаолиятини тўхтатди, аҳоли моддий жиҳатдан табақаланди, гайриқонуний хатти-ҳаракатлар ва жиноятчилик ўсди, пул қадрсизланиши давом этмоқда.

Бир ижтимоий тузумдан иккинчи ижтимоий тузумга ўтиш даврида қатор қийинчиликлар бўлиши ил-

¹ Каримов И. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., «Ўзбекистон», 1992, 44-бет.

гаридан маълум. Шунинг учун Президент Ислом Каримов «Бу — давр амри, объектив реаллик», «Айни вақтда бозор фақат мақсад эмас, балки янги қадриятларни шакллантириш, одамлар фаровонлигининг сифат жиҳатидан тубдан юқори даражасига эришиш услуги ва воситаси» эканини олдиндан башорат қилди. Ҳозирги илғор мамлакатлар тажрибаси ҳам шунини кўрсатади. Улар ҳам ҳозирги юксакликка осонликча эришган эмас.

Ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бозор иқтисодиётига ўтишда, Ислом Каримов Ўзбекистоннинг ҳам ўзига хос хусусиятлари борлигини ва улардан қандай фойдаланиш мумкинлигини таҳлил этади.

У бу жараёнда «шок терапияси» йўлини номақбул ҳисоблаб, бунга мавжуд иқтисодий вазият ва кўпгина оилалар турмуш даражасининг пастлигини тўғри асос қилиб кўрсатади. Шунга кўра кишилар онгида мустақкам ўрнашиб олган тасаввурларни ўзгартиришни тавсия этади. Шунингдек, Ислом Каримов бозор иқтисодиётига сакрашлар йўли билан эмас, балки аста-секин, босқичма-босқич ўтиш лозимлигини алоҳида таъкидлайди, бозор иқтисодиёти учун зарур шарт-шароитни яратиш, одамларни жиддий ўзгаришларга руҳан тайёрлашга эътибор бериш зарур, деб ҳисоблайди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида, Ислом Каримов давлатнинг инсонпарварлигини кучайтиришга алоҳида эътибор беради. «Бозор механизмларини жорий этишдан олдин инсонларни ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирлари амалга оширилмоғи лозим»¹, деб таъкидлайди у. Бу тадбирлар, ёрдамга муҳтожларга, етим-есирларга, болаларга, ўқувчи ва талабаларга, нафақа-хўрлар ва ногиронларга, ёлғиз оналарга, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга, ҳуллас, ижтимоий ночор қатламларга муттасил кўмак бериб туришни назарда тутати.

Бу тадбирлар билан бирга, республика иқтисодиётини қайта қуришга самарали таъсир этувчи омиллар қаторига мутахассис ходимлар тайёрлашни яхшилаш киради. Шу боисдан Ислом Каримов таълим-тарбиянинг ўрнига алоҳида аҳамият беради.

¹ Ўша асар, 47-бет.

Адабиётлар

1. **Каримов И.** Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., «Ўзбекистон», 1992.
2. **Каримов И.** Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т., «Ўзбекистон», 1993.
3. **Каримов И.** Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., «Ўзбекистон», 1995.
4. **Каримов И.** Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997.
5. **Каримов И.** Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., «Ўзбекистон», 1998.
6. **Каримов И.** Баркамол авлод орзуси. Т., «Ўзбекистон», 1999.
7. **Каримов И.** Ўзбекистон ХХІ асрга интилмоқда. Т., «Ўзбекистон», 1999.
8. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 1992.
9. Ватан туйғуси. Т., «Ўзбекистон», 1996.
10. Давлат, жамият, оила ва ёшлар тарбияси муаммолари. Т., 1997.
11. **Жўраев Н.** Президент Ватан ва миллат тимсоли. «Мулоқот», 2000 йил 1-сон.
12. **Муртазоева Р.Ҳ.** ва б. Ўзбекистон тарихи. Т., 2000
13. **Олим С.** Янги аср таълимоти. — «Тафаккур», 2001, 1-сон.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ

1. МИЛЛИЙ-ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ ТИКЛАШ ТАДБИРЛАРИ

Ўзбекистон мустақилликка эришган экан, одамларда, айниқса, ёш авлодда ҳалоллик ва фидойилик одобини мустақиллик руҳида шакллантириш вазифаси турибди. Бу муътабар ишда барча, ҳатто, дин аҳли ва арбоблари ҳам фаол иштирок этмоқлари лозим. Бинобарин, бизда, ҳатто, динга эътиқод қилиш, виждон эркинлиги конституциявий йўл билан кафолатланган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида шундай деб ёзиб қўйилган: «ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди». Ҳаммага ҳуқуқ берилган экан, улар ўзларининг бурчларини ҳам ёддан чиқармасликлари лозим. Бу бурч ва вазифалар республикамыз мустақиллигини мустаҳкамлаш лозим бўлган ҳозирги шароитда ҳамма учун бир хил. Ҳаммадан ҳалоллик ва фидойилик талаб қилинади.

Ҳалоллик ва фидойилик, умуман, ҳақиқий инсон ахлоқ-одобининг асосини ташкил этади. Одобсиз, ҳуқуқ бузуқ кишидан яхшилик чиқмайди. Шунинг учун ота-боболаримиз ҳамиша ўз фарзандларини ҳалол бўлишга даъват этиб келишган, ҳалол билан ҳаромни фарқлаш тўғрисида насихат қилишган.

Туркистон ҳудудида узоқ ўтмишдан бошлаб бошланғич таълим учун мўлжалланган қироат китобларида фақат илми одоб, яхши ҳуқуқ бўлиш мавзуси асосий ўринни эгаллаган. Барча болалар алифбони пухта эгаллаш биланоқ ахлоқ-одобга ўргатувчи тарбиявий асарларни мутолаа қилганлар. Муҳаммад алайҳиссалом ҳадислари эса бола етти ёшига етгандан сўнг ўргатилган, ёдлатилган, уларнинг мазмуни тушунтирилган. Демак бундан келиб чиқадики, таълим-тарбия масалаларига эътибор ислом дини пайдо бўлгандан кейин янада юксак даражага кўтарилган, ривожлантирилган.

Шубҳасиз, бу фикрдан, исломдан олдин Туркистон худудида тарбияга эътибор берилмаган экан, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Бизнинг таълим-тарбия анъаналаримиз тарихи камида Авесто даврига бориб тақалади. Ўша замонларда ҳам тарбиянинг ўзига хос гўзал хусусиятлари, тажрибалари мавжуд бўлган, албатта. Энг муҳими, уларнинг барчасида ҳалоллик, инсонийлик одоби биринчи ўринда турган. «Авесто»да Зардуштнинг туғилишига, тарбиясига унинг аجدодлари томонидан берилган эътибор бундан далолат берадиган ажойиб мисол бўла олади.

Инсонлар учун ҳалол қилинган ишлар, хатти-ҳаракатлар мажмуи, аввало, меҳнат эвазига топилган, шунингдек, пок ва тоза озиқ-овқат истеъмол қилишда кўринади. Ҳалоллик янада кенгроқ маъно касб этади. Ҳаёт ва турмушдаги ҳалоллик, ўзаро муомала-муносабатдаги ҳалоллик, меҳнатдаги ҳалоллик, жамоа орасидаги ҳалоллик, савдо-сотиқдаги ҳалоллик, дўстлар ўртасидаги ҳалоллик ва шу кабилар.

Маърифатпарварлар ва тажрибали аجدодларимиз ҳаром билан ҳалолни фарқлаш ва ҳаромдан ҳазар қилиш, ҳалолга доимо ошно бўлиш хусусида таълим берганлар.

Муҳаммад алайҳиссаломнинг қуйидаги ҳадиси барча амал қилиши лозим бўлган ҳикматдир: «ҳалол ҳам, ҳаром ҳам аниқ бўлди. Уларнинг ўртасида шубҳали нарсалар бор. Кўп одамлар буни билмайдилар. Кимки шубҳали нарсалардан сақланса, динини ҳам, обрўсини ҳам пок сақлаган бўлади. Кимки шубҳали нарсаларга тушиб қолса, ҳаромга ўтиб кетиши ҳам мумкин. Агар чўпон қўйларини заҳарли ўт атрофида ўтлатиб юрган бўлса, подаси заҳарли ўтдан еб қўйиши мумкин. Билгинки, ҳар бир подшоҳнинг қўриқхона каби тақиқлаб қўйган нарсалари бўлганидек, Тангрининг ҳам тақиқлаб қўйган ҳаром нарсалари бор. Билгинки, инсон жасадида бир гўшт парчаси бор, агар у соғлом бўлса, бутун жасад ҳам соғломдир, агар у бузилса, бутун жасад ҳам бузилади. Билгинки, у юракдир»¹. Бу ҳадисда шахснинг саломатлиги ҳам унинг ахлоқ ва одобига боғлиқлиги аниқ ва равшан кўрсатилган.

Дарвоқе, юраги тўғри ва ҳақ йўлдан юрган инсон ҳамиша хотиржам бўлади, кўнгли равшан, доимо сифат-саломат юради. Хоразмлик қомусий олим, буюк

¹ Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. Т., «Фан», 1990, 84-бет.

аллома Маҳмуд Замахшарий бу ҳақда шундай насиҳат қилади: «ҳалол-покиза киши доимо хотиржаму тинчликдадир, бировга хиёнат у ёмонлик қиладиган киши эса ҳалокатга гирифтордир»¹.

Шундай қилиб, Куръони карим, Муҳаммад алай-хиссалом ҳадислари ва алломаларимизнинг асарлари ана шундай ғояларга бой ҳикматлар мажмуасидир. Ҳалоллик, инсонпарварлик кишиларнинг бир-бирига ҳурматида, қадр-қимматида, меҳр-оқибатида, шунингдек, диёнатда, меҳр-шафқатда, ўзаро кўмаклашувда, ҳамдардликда, бошқалар қайғусига шерик бўлиб, қувончидан ва бахтидан севинишда, халқ бахти ва ютуқларидан фахрланишда кўринади. Бу яхши фазилатлар Ўзбекистон фуқароларининг диёримиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш учун зарур бўлган ахлоқ ва одоб меъёрлари ҳисобланади.

Ўзбек халқи бир умр меҳр-шафқатли бўлган, барчага ёрдам қўлини чўзган. Айниқса, Иккинчи жаҳон уруши даврида етим қолган болаларга ва бошқа халқлар вакилларига бағридан жой бериши ва уларга ёрдам қўлини чўзиши шу фикримизнинг ёрқин далили бўла олади.

Халқимиз умуминсоният дардини куйлаб келган. Хоразмий, Беруний, Замахшарий, Паҳлавон Маҳмуд, Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Оғаҳий асарлари мағзи умуминсоний ғояларга бой. Уларнинг мазмуни жаҳон халқларининг оғирини енгил қилиш ғояси билан суғорилган. Шунинг учун жамиятимиз ҳаётида миллий-диний қадриятларимизни тиклаш халқимизнинг маънавий камолотини тезлаштириш, одамлар онги ва қалбида миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш ва мустақилликни мустаҳкамлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қадриятлар, урф-одатлар, буюк ота-боболаримизнинг бизга қолдирган меросларини ўрганиш ва тарғиб этиш учун кенг йўллар очилди. Бу борадаги тадбирлар мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ амалга оширила бошлади.

Маданий-маърифий ишларнинг ривожланиши учун давлат томонидан катта маблағ ажратилмоқда. Ўзбекистондаги барча давлат театрлари, маданият уйлари,

¹ Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Т., «Кама-лак», 1992, 52-бет.

санъат олий ўқув юртлари, фольклор-этнографик гуруҳлар маданият ўчоқларига айланиб қолди. Театр сахналарида янги замонавий спектакллар қўйила бошланди. МДХдаги давлатлар билан ижодий ҳамкорлик йўлга қўйилди, турли халқаро анжуманлар ўтказилди. Бадий адабиётга партиявийлик, синфийлик нуқтаи назаридан ёндошишга чек қўйилди. Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Феруз, Хўжа Аҳрор, Сўфи Оллоёр, Чўлпон, Фитрат каби алломаларнинг номлари тикланиб, асарлари ёки улар ҳақида китоблар чоп этилди.

1991 йили буюк аллома, газал мулкининг султони Алишер Навоий юбилейини ўтказиш катта воқеа бўлди. Бу тантанага бағишланиб Республикамизда шоирнинг асарлари нашрдан чиқарилди. 1994 йил Мирзо Улуғбек таваллуд топган куннинг 600 йиллиги кенг қўламда, жаҳон миқёсида нишонланди. ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида юбилейга бағишланган ҳафталик ўтказилди ва кўргазма очилди. Мустақиллик йилларида буюк соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллиги бўлиб ўтди. ЮНЕСКО томонидан 1996 йил «Амир Темур йили» деб эълон қилинди. Шу йили ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида «Темурийлар даври, фан, маданият ва таълимнинг гуллаб-яшнаши» мавзуида анжуман ва унга бағишланган кўргазма очилди. Мамлакатимизда «Темурийлар тарихи давлат музейи», Амир Темур номи берилган боғлар, кўчалар барпо этилди.

Республикамизда бизгача етиб келган бой меросларни ўрганиш, миллий ўзликни англаш, маънавий қадриятларни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда ва уларга нисбатан халқимизнинг чуқур ҳурмат ва эҳтироми кўрсатилмоқда. Мустақиллик йилларида ташкил этилган Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, «Олтин мерос» жамғармаси, «Маънавият», Абдулла Қодирий номидаги «Мерос» нашриёти кенг миқёсда маънавий-маърифий ишларни олиб бормоқда.

Ислом оламининг алломалари Исо Термизийнинг 1200 йиллиги, Маҳмуд Замахшарийнинг 920 йиллиги, Нажмиддин Кубронинг 850 йиллиги, Баҳоуддин Нақшбандийнинг 675 йиллиги кенг қўламда нишонланди. Барча вилоят ва шаҳарларда ҳар йили Алишер Навоий, Бобур, Машраб, Огаҳийларга бағишланган кечалар ўтказилди, Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги, «Алпомиш» достони яратили-

шининг 1000 йиллигига бағишланган турли кечалар, баҳслар ташкил этилди.

Маънавий ҳаётни такомиллаштириш борасида 1994 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан маънавий қадриятларни ўрганиш ва уни такомиллаштириш борасида «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказини тузиш ҳақида Фармон эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 3 сентябрида имзоланган Фармонига асосан Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши ташкил этилди. Унга 50 дан ортиқ давлат ва жамоат ташкилотлари аъзо бўлди. Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ана шу Кенгашнинг ташкилий гуруҳи — ижроия идорасига айлантирилди. Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари жойлардаги маънавият ва маърифат Кенгашлари раислари бўлдилар.

1998 йили Имом Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги, Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги жаҳон миқёсида кенг нишонланди. 2000 йил эса илоҳиёт илмининг дарғаси Абу Мансур Мотуридийнинг муборак 1110 йиллик юбилейи ўтказилди. Юбилейлар муносабати билан алломалар ҳаётига бағишланган илмий анжуманлар ва бадиий кўргазмалар очилди. 2001 йили яна бир улкан меросимиз ҳисобланган «Авесто»нинг 2700, шунингдек, Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги нишонланади. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда чинакам миллий қадриятларни тиклаш учун юритилаётган катта сиёсатдан далолат беради.

Айниқса, Имом Бухорий халқаро жамғармасининг очилиши йирик воқеа бўлди. Республикамиз Президенти Имом Бухорийнинг, Аҳмад Фарғонийнинг мўътабар номларини тиклаш, халқимиз, қолаверса, бутун дунё мусулмонларига қаратилган шахсий ташаббуси билан у зоти шарифлар шаънига улуғвор ёдгорликлар ва жамғармалар тузишга имкон яратилди. Жамғарманинг мақсади Имом Бухорийнинг ҳаёти, илмий мероси, у яшаган давр фани ва маданиятига оид бўлган тарихий манбаларни ўрганишдан иборат.

Ислом олами буюк намояндаларининг тўй-тантаналари нишонланиши бутун дунё халқларининг диққат-эътиборида бўлди.

Маънавий мероснинг тикланиши унинг бир бўлаги бўлган диний қадриятларга ҳам эътиборни кучайтирди.

1992 йили Президент Фармони билан Рамазон ва Қурбон ҳайити кунлари умумхалқ байрами деб эълон қилинди.

Ўзбекистон мусулмонлари диний идорасининг ҳам фаолияти республикамиз ҳаётида ўз ўрнини эгаллади. Халқимизнинг асрлар давомида нишонланиб келган байрамларидан Наврўз умумхалқ байрами сифатида қайта тикланди.

Жамият тараққиётида рўй бераётган ўзгаришларни тушуниш, ҳурфикрликка интилиш учун кишиларни янги йўлдан олиб борувчи ғоявий қарашлар ҳам ҳозирги куннинг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

2. ФАН ВА МАДАНИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДБИРЛАРИ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон олимлари отабоболари яратиб кетган илмий меросни чуқурроқ ўрганиб янада бойитдилар. Улар ўз илмий асарлари ва кашфиётлари билан жаҳон илм-фани ва маданиятига муносиб ҳисса қўшдилар. Республикамизда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Қишлоқ хўжалик фанлари академияси, Давлат ва жамият қурилиши академияси, Банк-молия академияси, Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти, Ислом тадқиқотлари маркази ва бошқалар фаолият кўрсатмоқда. Нукус ва Самарқандда Ўзбекистон Республикаси ФА нинг бўлимлари очилган. Илмий тадқиқот ишлари халқ хўжалигининг турли тармоқларида фаолият кўрсатадиган илмий тадқиқот институтлари, илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари, илмий марказлари, шунингдек, университетлар ва бошқа олий ўқув юртларида ҳам олиб борилади. Илмий кадрлар Фанлар академиялари тизимида ҳам, олий ўқув юртлари, халқ таълими тизимида ҳам тайёрланади. Фақат Олий ва ўрта махсус таълим тизимидаги ўқув юртларида 600 дан зиёд фан доктори ва 6 мингга яқин фан номзоди ўқитувчилик ва илмий фаолият билан шуғулланади.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг мамлакатда илм-фанга алоҳида эътибор берилди. Халқ хўжалиги ва маданий ҳаётнинг тобора ортиб бораётган талабларидан орқада қолаётган илмий тадқиқот институтлари тугатилди. Турмуш тақозо этган янги институтлар очилди. Республикамиз Вазирлар Маҳкамасининг

1995 йил 3 апрелидаги қарори билан Ўзбекистон Республикаси ФА нинг янги Низоми тасдиқланди. Фанлар ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари ишлаб чиқилди. Республика олимларини хорижий мамлакатларга тажриба алмашиш ва малака оширишга юборишга алоҳида эътибор берилди. Илмий ечимларни ички ва ташқи бозорда тарғиб этиш ва тарқатиш мақсадида тижорат маркази ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониغا биноан, Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Олий аттестация комиссияси ташкил этилиши муносабати билан ФАнинг мавқеи ортди.

Ўзбек олимларининг фан-техника соҳасидаги ютуқлари нафақат Ўзбекистон балки жаҳон ҳамжамиятида ҳам тан олина бошлади ва кўпчилик олимларимиз давлат мукофотларига сазовор бўлди ва хорижий давлатлар академияларига ҳақиқий ҳамда фахрий аъзоликка сайланди. Ўзбекистон Республикасининг Фанлар академияси Хоразмий номидаги, Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги, Ҳабиб Абдуллаев номидаги олтин медалларни таъсис этди. 1993 йили Ўзбекистон Республикаси ФА нинг академиги Ҳ.Ф. Фозилов табиий ва техникавий фанлар соҳасида катта ютуқларга эришгани учун Хоразмий номидаги олтин медалнинг биринчи соҳиби бўлди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Олтин медал биринчи бўлиб шу йили ижтимоий ва гуманитар фанлар соҳасида катта ютуқларга эришгани учун филология фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Убайдулла Каримовга насиб этди.

1992 йил октябрь ойида эса геология минералогия фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси ФАнинг академиги И.Ҳ. Ҳамробоев геология ва геофизика соҳасида эришган муваффақиятлари учун Ҳабиб Абдуллаев номидаги Олтин медалнинг биринчи соҳиби бўлди.

«Фан ва техникада ким ҳақиқатан ким?» деб номланган жаҳон фан ва техникасининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган энг буюк олимларнинг ҳаёти ва илмий фаолияти тўғрисидаги асосий маълумотларни ўз ичига олган қомусга Ўзбекистон Республикаси ФАнинг академиги П. Қ. Ҳабибуллаев киритилган. Ўзбек олими бу шарафга ўзининг қаттиқ ва юмшоқ жисмлар иссиқлик физикасининг катта муаммоларини, энергетика-

нинг физикавий-техникавий муаммоларини ишлаб чиққани учун муяссар бўлган.

Мустақиллик йилларида (1996) ФАнинг 40 га яқин илмий маркази ва тадқиқот лабораториясида 48 академик, 96 мухбир аъзо фаол меҳнат қилмоқда. Юртбошимиз Ислон Каримов айтганидек, ХХІ асрда қуроли, қўшини кучли бўлган давлатгина эмас, балки турли соҳалар бўйича кучли мутахассислари бўлган давлатгина қудратли давлат ҳисобланади. Зероки, ҳар бир халқ — фан соҳасида катта ютуқларни қўлга киритган машҳур фарзандлари билан ҳам буюк.

Мустақиллик йилларида маданият соҳасида ҳам тубдан ўзгаришлар рўй берди. Бу, аввало, театр санъати, миллий мусиқа, меъморчилик, адабиёт соҳаларида яққол кўзга ташланади. 1991 йили Фарғонада, 1993 йили Хивада Давлат Қўғирчоқ театрлари иш бошлади. 1994 йили Қашқадарё ва Наманган вилояти театрлари қошида қўғирчоқ гуруҳлари очилди. 1993 йил август ойида Тошкент шаҳрида иш бошлаган «Туркистон» саройи нафақат меъморчиликнинг ёрқин намунаси, балки сахна гуруҳлари ва атоқли артистларнинг чиқишлари бўладиган даргоҳга айланди.

Республикада 36 та театр фаолият кўрсатмоқда. 1998 йил 26 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Бу Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон томоша санъатининг кўп асрлик анъаналарини ўрганиш, бойитиш ва тарғиб қилиш, театр санъатини ҳар томонлама ривожлантириш, унинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизда маънавий-маърифий ислохотларни амалга оширишда театр арбобларининг фаол қатнашишини таъминлаш мақсадида «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилди.

Ўзбекистонда мусиқа ва рақс санъатини ривожлантириш мақсадида «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси ташкил этилди. Унда мусиқа-рақс санъатини ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш масалалари кўзда тутилди.

Мустақиллик ўзбек бадиий адабиёти ривожига, адабиётшунослик фани тараққиётида ҳам янги босқични бошлаб берди. Асарлари зарарли, ўзлари миллатчи деб ноҳақ баҳоланган ва қатағон қилинган Фитрат, Чўлпон, Отажон Ҳошим, Вадуд Маҳмуд, Мунавварқори синга-

ри миллатпарвар ёзувчи, маърифатпарварлар ижоди холисона ўрганила бошлади. Уларнинг асарлари чоп этилди, сахна юзини кўрди.

Жадидчилик ҳаракатининг асл моҳиятини, адабий, маданий, сиёсий ҳаётдаги ўрнини рўй-рост кўрсатиш бошланди. Бир вақтлар диний ва сарой адабиёти вакили деб ноҳақ қораланган Аҳмад Яссавий, Боқирғоний, Ғаззолий, Хожа Аҳрор, Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳусайн Бойқаро, Амирий, Феруз сингари шоир ва мутафаккирлар ҳаёти ва ижоди ўрганилиб, асарлари халққа қайтарилди.

Алишер Навоийнинг юксак инсоний ғояларни диний манбалар асосида ёритувчи «Муножот», «Арбаъин», «Тарихи анбиё ва ҳукамо» («Пайғамбарлар ва ҳакимлар тарихи») каби асарлари нашрдан чиқди. Мустақиллик шарофати боис муътабар Қуръон ва ҳадислар ўзбек тилида чоп этилди.

Атоқли олим Б. Аҳмедовнинг «Амир Темур», Т. Маликнинг «Шайтанат» романлари, А.Орипов, Э.Воҳидов, М. Юсуф, О.Матжон, О.Ҳожиева, Х.Султонов, А.Суюн, Й.Эшбек, Ҳ. Дўстмуҳаммад, Ш.Салимова сингари шоир ва адибларнинг бадиий баркамол, ғоявий етук асарлари туфайли ўзбек миллий истиқлол адабиёти шаклланди.

Шарқ ва Ғарб меъморчилиги уйғунлашган бинолар юртимиз пойтахти ва вилоятлар марказларида қад кўтариб, шаҳарларимиз ҳуснига ҳусн қўшмоқда. Миллий банк, меҳмонхона бинолари, бозорлар қурилиши, кўприклар ва йўллар, спорт саройлари ҳамда маданият ва истироҳат боғларининг бунёд этилиши бунинг ёрқин мисолдир. Ҳайкалтарошлик, амалий безак санъати, тасвирий санъат, рақс, кино санъатларида ҳам анъанавий ва замонавий усуллар уйғунлашиб етук асарлар яратилди ва яратилмоқда.

Хуллас, мустақиллик йилларида фан ва маданият соҳасида ҳукуратимиз раҳбарлигида ва ҳомийлигида улкан ютуқлар қўлга киритилди.

3. ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

Ҳар қандай мустақил давлатда халқнинг эркин яшаши, фаровон турмуш кечириши, хоҳиш-иродасининг амалга оширилиши, эзгу мақсад-ниятлари ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланиши лозим. Шу кафолат Ватан тараққиёти, давлат мустақиллиги, халқ фаровонлигини

узоқ йиллар давомида таъминлашнинг гаровидир. Чиндан ҳам халққа хизмат қилмаган ҳокимият тез орада инқирозга юз тутаети. Давлатнинг асосий вазифаси — халқ ҳақида қайғуришдан иборат.

Қайси замонда, қайси мамлакатда бўлмасин, давлат юритиш ва бошқаришнинг ўз қонун-қоидалари бўлган ва давлат бошлиғи, агар у ўз мамлакати ва халқ ҳақида қайғурса, бу қоидага амал қилиши лозим. Амир Темур ёзади: «ҳозирги дамгача ўтган султонларнинг қонунлари ва туриш-турмушларини донолардан сўраб суриштирдим. Ҳар қайсиларининг йўл-йўриқлари, туриш-турмушлари, қилиш-қилмишлари, айтган гапларини хотиримда сақладим ва ҳуш ахлоқлари, маъқул сифатларидан намуна олиб, унга амал қилдим. Давлатларнинг таназзулга учраши сабабларини суриштирдим ва давлату салтанат заволига сабаб бўлувчи ишлардан сақландим. Наслни бузувчи, очарчилик ва вабо касали келтирувчи зулм ва бузуқчиликдан сақланишни ўзимга лозим билдим»¹.

Бизнинг давримизда ўша қонун-қоидалар, тузуқлар бирлашиб, мукаммаллашиб, Давлат қомуси (Конституция)га жамланган.

Амир Темур ўғитларида гап давлат қуриш ва салтанатни заволдан сақлаш ҳақида, яъни таълим-тарбия тўғрисида борапти. Демак, ҳар бир киши Конституциямиз ва бошқа қонунларни ўрганиб олиши зарур. Чунки мамлакатда қабул қилинган қонун-қоидаларга ҳамма барабар амал қилсагина, салтанат мустаҳкам бўлади, халқ фаровонлиги ошади, у ҳақ-ҳуқуқидан тўла фойдаланишга эришади.

Президентимиз Конституция ҳақида фикр юритиб, «Табиийки, ҳар қандай давлатнинг Конституцияси унда яшовчи халқнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Конституция халқнинг сиёсий донолиги ва тафаккури маҳсулидир»², дейди.

Президентнинг шу фикрлари таълим-тарбиянинг негизини ташкил этиши керак. Чунки Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқимизнинг манфатларини ўзида мужассамлаштирган ягона қомусий мажмуадир.

Жамиятимизда сиёсий мустақилликка эришиб иқти-

¹ Амир Темур ўғитлари. Т., «Наврўз», 1992, 16—17-бетлар.

² Каримов И. Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Т., «Ўзбекистон», 1992, 36-бет.

содий, маданий-маърифий ишлар амалга оширилаётган бир вақтда кишилар онгида мустақиллик ғояси, истиқлол мафкураси мустаҳкам ўрин олиши зарур. Ислом Каримов миллий мустақиллик мафкурасига таъриф бериб, унинг «... асл маъноси эскича ақидалардан холи бўлган, мустақил ва янгича фикрловчи кишиларни тарбиялашдан иборат», дейди. Кишиларимизни қайси тоифа ва гуруҳ вакили бўлишидан қатъи назар, маънавий инқироздан чиқарадиган ягона ғоя атрофида бирлаштирадиган бирдан-бир қудратли куч ана шу миллий мустақиллик мафкурасидир.

Ягона мақсад, ягона ғоя бўлмаса жамият инқирозга учрайди, ҳалок бўлади. Буни биз яқин ва олис ўтмишдаги тарихимиздан биламиз.

Миллий истиқлол мафкураси аҳамиятини кўрсатиб, Ислом Каримов: «... халқимизнинг анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдириш лозим», дейди.

Истиқлол йўлида қадам ташлаб бораётган Республикамизда таълимнинг янги тизимини амалга оширишга ҳам эътибор кучайтирилди.

«Таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб, онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган олий мақсад — озода ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди», — дейди Ислом Каримов.

Ўзбекистон ҳукумати тарихимиздаги таълим жараёнларини ўрганиб чиқиб, таълимни ислоҳ қилиш дастурини тайёрлади. Барча эътибор таълим тизимини демократик ва инсонпарварлик тамойиллари асосида такомиллаштириб, унинг моддий-техника базасини, замон ва давр талаблари даражасига кўтариш ва Ўзбекистоннинг маърифий салоҳиятини кучайтиришга қаратилди. Шу мақсадда 1997 йил 2 августда Республикамизда «Таълим тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди.

Таълимни ислоҳ қилиш қуйидаги тамойиллар асосида олиб борилади:

- таълим-тарбиянинг инсонпарварлиги ва демократиявийлиги;

- таълим тизимининг узлуксизлиги, изчиллиги, илмийлиги ва дунёвийлиги;

- таълимда умуминсоний ва миллий-маданий, маънавий қадриятларнинг устуворлиги;

— эътиқоди, динидан қатъи назар, барча фуқаролар учун таълим олиш имкониятлари яратилганлиги;

— таълим муассасаларининг сиёсий партиялар ва ҳаракатлар таъсиридан холилиги.

1993 йили Республикамиз Президентининг «Ўзбекистонда ўқувчи ёшларни рағбатлантириш чоралари тўғрисида»ги фармониға биноан, талаба ва аспирантлар учун махсус стипендиялар белгиланди. Улар учун ҳатто, ривожланган давлатлардаги олий ўқув юртларида таълим олиш, улардаги илмий марказларда ишлаш, малакаларини ошириш учун шароитлар яратиб берилди.

Ўзбекистон мустақиллигига эришган дастлабки кунлардан бошлаб энг муҳим масалалардан бири эски тафаккур, эътиқодидан қутулган истиқлол учун, ўз она юрти учун хизмат қиладиган кадрлар тайёрлаш масаласи турди. Эски тузумни аста-секин тағ-томири билан тугатиб, батамом янги, жаҳоннинг илғор, юксак тараққий этган мамлакатлари йўлидан борадиган ҳақиқий демократик жамият қуриш эндиликда янгича фикрлайдиган қуйидан тортиб юқори тоифадаги кадрларға боғлиқ бўлиб қолди.

Собиқ иттифокда катта-кичик раҳбар ходимлар ҳар хил даражадаги партия ва комсомол мактабларида, коммунистик мафкура тарғиботчиси ва ташвиқотчиларини тайёрлайдиган университет ва академияларда ўқитилган бўлса, эндиликда бу ўқув юртлари, табиийки, тарих саҳнасидан тушиб қолди. Улар ўрнида маънавият университетлари таъсис этилмоқда.

Бозор муносабатларига асосланган янги жамиятда раҳбар кадрларни тайёрлаш мақсадида Президент қошида «Давлат ва жамият қурилиши академияси», шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида «Жаҳон иқтисодиёти дипломатияси университети», айрим вазирликлар қошида академияларнинг ташкил этилиши катта аҳамият касб этди.

Президентимиз республика ва вилоятларнинг раҳбар ходимлари билан учрашувларида ҳокимиятлар, ҳуқуқ идораларининг айрим ходимлари томонидан тартиб-интизомнинг, қонунчиликнинг бузилаётгани тўғрисида ҳар гал қуйиб-пишиб гапиради ва уруғ-аймоқчилик, маҳаллийчилик, нопоклик каби ўтмиш қолдиқларидан тоза эл-юрти ва халқига ҳалол хизмат қиладиган ёш кадрларни тайёрлаш, уларға йўл очиб бериш зарурлигини қайта-қайта такрорлаб кўрсатади.

Ўзбекистон мустақиллигининг келажаги юқори ма-лакали, маърифатли, эл-юртига садоқатли мутахассис-ларни тайёрлашга бевосита боғлиқ. Ислом Каримов мух-бирларнинг: «Сизнинг сиёсатингизда таълим-тарбия масаласига катта эътибор берилишининг сабаблари ни-мада?» деб берган саволига, онгни, тафаккурни ўзгар-тирмасдан туриб янги жамият қуриб бўлмайди, онг, ғоя, тафаккур таълим-тарбия билан узвий боғлиқ, бир-бирини тўлдиради, деб жавоб беради.

Таълим-тарбия соҳасидаги ислохотларни амалга оши-риш бир қанча муҳим натижаларга олиб келади:

— жамият қиёфасини ўзгартириб, янги муҳитни вужудга келтиради;

— ёш йигит-қизларимиз жамиятда ўз ўрнини топа-ди;

— мустақил фикрловчи, эркин шахснинг шаклла-нишига шароит яратади;

— жамият юқори даражадаги тараққиётга эришиб, ўтиш даврига хос бўлган кучли давлат вазифаларини кучли фуқаролар жамияти зиммасига ўтказиш учун иж-тимоий-сиёсий вазиятни вужудга келтиради.

1997 йил 29 августда Республика Олий Мажлиси-нинг IX сессиясида Ислом Каримовнинг «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» деб қилган маърузаси асосида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди.

Истиқлол йилларида мактабгача тарбия муассасала-рида, бошланғич синфларда ўқув-тарбия ишларига эъти-бор кучайтирилиб, ўрта-махсус ва олий ўқув юрти тизимида лицейлар, коллежлар, бизнес мактаблари очилди, 8 та институт асосида университетлар ташкил қилинди. 2000 йил бошларига келиб, мамлакатимизда 59 та олий, 258 та ўрта-махсус ўқув юртлари, шу жум-ладан 75 та коллежларда 360 мингдан ортиқ талабалар билим оларди. Иқтидорли ёшларга эътибор кучайиб, уларнинг хорижий мамлакатлардаги етакчи ўқув юрт-ларида илм-фан чўққиларини эгаллашини ташкил қилиш учун «Улуғбек» (1993), «Камолот» (1996), «Умид» (1997) жамғармалари ташкил этилди. «Камолот» жам-ғармаси 2001 йили ёшлар ижтимоий ҳаракатига айлан-тирилди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий та-моийллари қуйидагича белгиланди:

- узлуксизлик: таълим-фан-ишлаб чиқариш;
- мутахассисларга талаб истиқболини ўрганиш;

- ўқитувчи ва мураббийларни қайта тайёрлаш;
- ўқувчи ёшларни Ватанга садоқат, юксак ахлоқли, маънавийатли ва виждонли этиб тарбиялаш;
- корхоналарда мактаб-институтлар базасини мустақамлашдан фойдаланиш;
- чет эл сармояларидан фойдаланиш.

Таълим тўғрисидаги янги қонунга кўра, узлуксиз таълим бир неча босқичларда амалга оширилиши зарур:

1. Мактабгача — оила ва боғча тарбияси.
2. Бошланғич таълим 1—4 синфлар.
3. Умумий таълим мажбурий бўлиб, 5—9 синфларда умумий билим асослари, дунёқараш шаклланади.
4. Мажбурий-ихтиёрий тусдаги ўрта-махсус билим ва касб-хунар ўқув юртлари: 3 йилга мўлжалланган академик лицейлар, махсус касб-хунар коллежлари.
5. Олий таълим: бакалавр — 4 йил, магистратура — 2 йил ўқиш муддати, кейинчалик илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш учун аспирантура — 3 йил, докторантура — 2 йил.

Таълим-тарбия, илм-фан соҳасидаги ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилиши зарур.

I. 1997—2001 йиллар. Ўтиш даври.

II. 2002—2005 йиллар. Ислохотни кенг миқёсда амалга ошириш даври.

III. 2005 йилдан кейин кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш даври.

«Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури»ни амалга ошириш қисқа даврда ўзининг кўзга кўринарли натижаларини кўрсатди.

Давлатимиздаги устувор вазифалардан бири аҳоли соғлигини сақлаш борасидаги тadbирни амалга оширишдан иборат. Шу мақсад учун 1999—2000 йилларга мўлжалланган Давлат дастури ишлаб чиқилди. Соғлом авлод масаласи асосий мақсадга айланди. Ёшларни жисмоний ва маънавий баркамол қилиб тарбиялаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш муҳим вазифа бўлиб қолди.

Мамлакатда «соғлом авлод» дастури ишлаб чиқилди. Жисмоний соғломлик, баркамол инсонни тарбиялаш одоб-ахлоқ масалалари билан боғлаб олиб борилади. Республикамиздан чиққан кўплаб спортчиларимиз Осиё ва жаҳон чемпионатларида иштирок этиб келмоқдалар ва ғолибликни қўлга киритмоқдалар. Улар учун бир қанча стадионлар, спорт майдонлари, футбол, волей-

бол, баскетбол майдончалари, спорт комплекслари қурилиб, қайта таъмирланиб, фойдаланиш учун топширилди.

Республикада «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди. 1998 йил «Оила йили», 1999 йил «Аёллар йили», 2000 йил «Соғлом авлод йили», 2001 йил «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилинди.

Шу мақсадда Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида бир қанча тадбирлар ўтказилди. Янги имкониятларга эга бўлган шифохоналар қурилиб, улар замонавий технология билан таъминланди. Бепул даволаш йўлга қўйилиб, республика вилоятларида дам олиш ва соғломлаштириш масканлари бунёд этилди.

Умуман, Ўзбекистон ўзининг қисқа вақтдаги мустақиллик йиллари давомида иқтисодий-ижтимоий борадаги ютуқлари билан бир қаторда, маънавий, маданий ишларга ҳам эътиборни кучайтириб, жаҳоннинг ривожланган давлатлари орасида ўз нуфузи ва обрўсини юқори кўтармоқда.

Адабиётлар

1. **Каримов И.** Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., «Ўзбекистон», 1992.

2. **Каримов И.** Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997.

3. **Каримов И.** Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., «Ўзбекистон», 1997.

4. **Каримов И.** Жамиятимиз мафқураси халқни — халқ, миллатни — миллат қилишга хизмат этсин. Т., «Ўзбекистон», 1998.

5. **Каримов И.** Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. «Туркистон» газетаси муҳбири саволларига жавоблари. «Туркистон», 1999 йил, 22 январь.

6. **Каримов И.** Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. «Фидокор» газетаси муҳбири саволларига жавоблари. «Фидокор», 2000 йил, 8 июнь.

7. **Каримов И.** Соғлом авлод тарбияси — барчамизнинг муқаддас инсоний бурчимиз. «Тафаккур», 2000 йил, 2-сон.

8. Амир Темур ўғитлари. Т., «Наврўз», 1992.

9. **Муртазоева Р.Х.** ва б. Ўзбекистон тарихи. Т., 2000.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
-------------	---

1-м а в з у. Маънавий руҳ нимадан таркиб топади?

1. Руҳнинг моҳияти ва уни мустаҳкамлаш зарурияти	7
2. Маънавий руҳнинг асосий тушунчалари	10
3. Ижтимоий онг ва унинг шакллари	16
4. Мафкура маънавий бойликлар тизимида	18

2-м а в з у. Маънавий мероснинг жамият тараққиётидаги ўрни

1. Мустақиллик ва маънавият	23
2. Маънавий-маданий мерос муаммоси	26
3. Тарихнинг маънавиятимизда тутган ўрни	32

3-м а в з у. Маънавият тарихида инсониятнинг ўзаро алоқалари

1. Цивилизациянинг тарихий шарт-шароитлари	39
2. Антик жамият ва унинг маънавий маданияти	43
3. Қадимги Парфия, Қанқа, Довон давлатлари	50

4-м а в з у. Қадимги Марказий Осиёда маънавий тараққиёт

1. Кушон даври маънавий маданияти (I—IV асрлар) ..	55
2. Кушонлар даврида Ўрта Осиёдаги тиллар ва динлар	62
3. Эфталитлар даври маданияти (V—VI асрлар)	65
4. Турк хоқонлиги (VI—VII асрлар)	66
5. V—VII асрларда Ўрта Осиё маданияти	67

5-м а в з у. Ўрта Осиёда араблар истилоси ва ислом динининг тарқалиши

1. Марказий Осиёга араблар босқини	71
2. Халифаликнинг кучсизланиши ва маҳаллий феодал давлатларининг вужудга келиши	73
3. Ислом динининг Шарқ халқлари маънавияти тараққиётида тутган ўрни	75
4. IX — XII асрларда Мовароуннаҳрда маданий ҳаёт ..	78

6-м а в з у. Темурийлар даври маънавияти

1. Ўрта Осиёнинг темурийлар давридан аввалги аҳволи 86
2. Амир Темури ҳокимияти ва маънавият 89
3. Шоҳрух ва Улуғбек ҳукмронлиги даври маънавияти 94
4. Навоий даври маънавияти 99

7-м а в з у. Бобур ва бобурийлар даври маънавияти

1. Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳарбий саркарда ва адолатпарвар шоҳ 104
2. «Бобурнома» — тарихий ва руҳшуносликка оид адабий манба 109
3. Бобурийлар маънавий мероси 115

8-м а в з у. XVI—XIX асрларда Мовароуннаҳрда маънавий ҳаёт

1. Феодал тарқоқлик ва маънавият 121
2. Илоҳиёт, диншунослик 124
3. XVI—XIX асрларда Мовароуннаҳр маданияти 130

9-м а в з у. Россиянинг Туркистонни босиб олиши.

Ўлкада истиқлолчилик ҳаракати

1. Чор Россиясининг ўлкадаги мустамлака тизими ... 136
2. Жадидчилик ҳаракати 140
3. Туркистонда шўро ҳокимиятининг ўрнатилиши. Истиқлолчилик ҳаракатининг давом этиши 142
4. Туркистон минтақасида истиқлолчилик ҳаракати ва унинг тарихий аҳамияти 144

10-м а в з у. Шўро тузумига қарамлик шароитида миллий маънавият

1. Шўро тузумининг миллий раҳбар ходимларга нисбатан қатағонлик сиёсати (20—30-йиллар.) 149
2. Қатағоннинг сўнги тўлқинлари 151
3. Шўролар даврида Ўзбекистоннинг иқтисодий ва маънавий қарамлиги ҳамда унинг оқибатлари 154
4. «Шаклан миллий, мазмунан социалистик маданият»-нинг салбий оқибатлари 160

11-м а в з у. Ўзбекистон истиқлол тантанаси ва ёш авлодни мустақиллик руҳида тарбиялаш

1. Мустақилликка эришиш ва маънавий тарбиянинг истиқболи 165
3. Ҳуқуқий давлат қуриш ва ижтимоий адолат ўрнатиш — ишонч руҳини тарбиялаш омили 172
4. Миллий манфаат ва жаҳон ҳамжамиятида ҳамкорлик одоби 177
5. Мустақил иқтисодий сиёсат — ёшларни мустақиллик руҳида тарбиялашнинг муҳим омили 182

12-м а в з у. Мустақиллик йилларида маънавий тараққиёт

1. Миллий-диний қадриятларни тиклаш тадбирлари 188
2. Фан ва маданиятни ривожлантириш тадбирлари ... 193
3. Таълим-тарбия соҳасидаги ислохотлар 196
- Мундарижа 203